



SHARQSHUNOSLIK ВОСТОКОВЕДЕНИЕ ORIENTAL STUDIES

ILMIY JURNAL

ISSN 2181-8096



2016

№3

**SHARQSHUNOSLIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES**

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ИНСТИТУТА
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE INSTITUTE
OF ORIENTAL STUDIES

№ 3, 2016



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бонкармаси рўйхатидан
қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

Бош муҳаррир – Маннонов Абдурахим Муталович
филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир хайъати

А. Қуронбеков	<i>филология фанлари доктори, профессор (масъул котиб)</i>
С. Ҳасанов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Р. Ходжаева	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Содиқов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
С. Каримова	<i>тарих фанлари доктори</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Ходжаев	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
У. Идилов	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
Ш. Ёвкочев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
А. Ваҳобов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Р. Абдуллаев	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
И. Мавланов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Э. Иззетова	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Р. Баҳодиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
М. Нуридиннов	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Г. Рихсиева	<i>филология фанлари номзоди, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>

Нашрга тайёрловчилар:

А. Зиёдов, О. Алимов, Ш. Тўйчибаева, Ш. Гаипова, М. Зарифов

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий наشرлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

e-mail: sharq_ilmiy@inbox.uz
web-site: www.tashgiv.uz

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ И
ЯЗЫКОЗНАНИЕ // STUDY OF LITERATURE AND LINGUISTICS

<i>Қуронбеков А.</i> "Фарход ва Ширин" да "Ширин" тимсоли	5
<i>Воҳидов А.</i> Тасаввуф терминларининг шаклланишида метафоранинг қўлланиши	13
<i>Носирова С.</i> Лексико-стилистические особенности деловой документации на современном китайском языке	20
<i>Ҳашимова С.</i> Хитой тилида сўз қўшиш усулининг субъект-предикат модели ҳақида	27
<i>Аҳмедова Д.</i> Форс тилида олмошларнинг публицистик матнлардаги услубий ва функционал хусусиятлари	33
<i>Мирзахмедова Х.</i> Форс тилида янги терминларнинг адабий тилга ўзлаштириш ҳолати	40

МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И
ТЕКСТОЛОГИЯ // SOURCE STUDY AND TEXTOLOGY

<i>Садыков К.</i> Уйгурописьменный список «Куталгу билг»: источниковедческие и текстологические контуры	47
<i>Алимов З.</i> Ал-Хоразмийнинг "Китаб сурат ал-ард" асари ва ундаги Аш-Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар	66
<i>Сулаймонова Х.</i> Абу Мансур ас-Саолибий ҳаёти ва ижодий меросининг ўрганилиши ҳусусида	75

ТАРЖИМАШУНОСЛИК // ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЕ // STUDY OF
TRANSLATION

<i>Абдурахмонова М.</i> Захириддин Мухаммад Бобур шеърятининг бадияти ва урду тилига таржимаси ҳусусида	84
<i>Шамсиева Б.</i> Бадний таржимада маданият трансферининг намоён бўлиши	91

ТАРИХ // ИСТОРИЯ // HISTORY

<i>Шазаманов Ш.</i> Демократик юксалишнинг маънавий заминлари	97
<i>Авазов Ф.</i> Ҳофиз Абрунинг "Зубдат ат-тавориҳи Бойсунғурий" асари темурийлар даври тарихига доир манба сифатида	102
<i>Атамуратов М.</i> Бошқарув тизими ва жамиятни модернизациялаш	107

ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY

Юлдашев Ф. Шарк Аристотели асарларида гносеология масалалари	114
Мамаюсунов У. Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида келажакка назар ташлан масалалари	120
Музаффаров Ф. Абу Хомид Муҳаммад Ғазолий – замондошлари ва замонавий ғазолийшунослар талқинида	125

ИҚТИСОД ТАЪЛИМИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР //
ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И МЕЖДУНАРОДНЫЕ
ОТНОШЕНИЯ // ECONOMIC EDUCATION AND INTERNATIONAL
RELATIONS

Алимов А. Электрон ўқув адабиёти яратиш – Ўзбекистонда инновацион таълим тизимини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида	135
Тоҳтиев Ш. Эрон Ислом Республикаси ички ва ташқи сиёсатида диний уламоларнинг роли	141
Эрназаров О. Японияда ислом: тарих ва бугун	152
Каримов Ф. Яқин Шарқдаги этносий муаммоларнинг минтақавий хавфсизликка таъсири	158

АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ //

STUDY OF LITERATURE

ҚУРОНБЕКОВ АҲМАДЖОН

Филология фанлари доктори, профессор, ТошДШИ

“Фарҳод ва Ширин”да “Ширин” тимсоли

Аннотация. Мақолада Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони қаҳрамони Шириннинг маънавий ва ташқи гўзаллиги 44 сифатларда мужассам бўлгани таҳлиллар орқали очиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: “ширин” сўзи, сўзнинг генетик маъноси, сўзнинг луғавий маъноси, сўзнинг мажозий маъноси, мутарадиф сўзлар, эйҳом санъати, таибиҳ санъати, сўз ўйини, сифат.

Аннотация. Статья посвящена образу Ширин из произведения Навои «Фархад и Ширин». Богатый духовный и внутренний мир героини раскрывается через описание 44 ее качеств.

Опорные слова и выражения: слово «ширин», генетическое значение слова, словарное значение слова, переносное значение слова, слова мутарадиф, искусство «эйхам», искусство таибиҳ, игра слов, прилагательное.

Abstract. The paper deals with character of Shirin in Navoi's poem “Farkhad and Shirin”. Her rich spiritual inner world is described through 44 adjectives.

Keywords and expressions: the word “shirin”, genetical meaning of the word, lexical meaning of the word, metaphoric meaning of the word, mutaradiph words, word game, adjective.

“Ширин” сўзи “Фарҳод ва Ширин” достонида 65 марта ишлатилган бўлиб, икки маънода ишлатилади. “Ширин” форсча бўлиб, “шир” – “сут” сўзига “-ин” қўшимчаси қўшилиб, “ширин”, яъни “сутли” сўзи ясалган. Лекин “ширин” ўзининг генетик маъносидан бошқача маънолар: 1) қанд, шакар, новвот қўшилган ҳар қандай егулик ва ичқулик; 2) ҳар қандай ёқимли, кўнглига яқин, латиф нарса; 3) тугал, мукаммал ва бошқа маъноларни касб қилган.

Достонда Ширин қаҳрамон номи, шунингдек, ўз луғавий маъносидан ишлатилган.

Бу таҳлилдан мақсад Ширин тимсолининг шоир таърифидаги маънавий ва ташқи гўзаллигини, шунингдек, луғавий маъноларини очиб беришдир.

2/39 Не маҳваш ҳуснига ким берди тазйин,
Ани айлаб жаҳон аҳлига Ширин.

Байт мазмуни: “Қайси гўзал ҳуснига оро берса, уни жаҳон аҳлига Ширин айлади”.



Бу байтда шоир эйҳом санъатини ишлатиб “ширин”нинг икки маъносига ишора қилган.

Биринчи маъноси: қайси гўзал хуснига (Аллоҳ) оро берган бўлса, уни ошиқларга маҳбуб қилди.

Иккинчи маъноси: гўзалларни жаҳон аҳли кўнглига яқин, сеvimли қилди.

Биринчи маъносида Фарҳоднинг Ширинга бўлган ишқига ишора бор, иккинчисида умуман гўзал жонзот борки, жаҳон аҳли севгисига сазовор маънолари жо бўлган.

2/47 *Ўқуш Фарҳоду Ширин айласанг жамъ,
Шабистонида бир парвонаю шамъ.*

Байт мазмуни: “Фарҳод ва Ширинларнинг кўписини жамласанг, ётоқхонасидаги бир парвона ва шамнинг ўзи”.

Бу байтда Фарҳод парвонага ва Ширин шамга ташбих қилинган, яъни парвона шам ишқи оловида куюди, шам эса ишқ дардида куйиб адо бўлади.

7/32 *Каломин ул гуҳардек айла рангин,
Ҳадисин ул шакардек айла Ширин.*

Байт мазмуни: “(Навоий) сўзини ул гуҳардек (Жомий каломидек) рангбаранг қил, гапларини ул шакардек (Жомий сўзларидек) ширин (ёқимли) қил”. Бу байтлар Жомий мадҳида ёзилган, шоир ўз шеърларини Жомийнинг шеъридек ёқимли, ширин бўлишини тиламоқда.

Бу байтдаги “ширин” сўзининг асар қаҳрамонига алоқаси йўқдай, аммо бу байтда эйҳом санъати бор.

8/72 *Ҳазин Фарҳод шуглин айла ширин,
Ки топқойсен нигоре ўйла Ширин.
8/73 Ки ул Ширинга бу ёндашса бир дам,
Анинг ширинлигидан келмагай кам.*

Байтлар мазмуни: “Ғамгин Фарҳод ҳақидаги (Навоийнинг) ишларини “ширин” (ёқимли) қилгин, шунда Ширинга ўхшаган гўзал (асар) топасан. Агар ул (Фарҳоднинг) Ширинига бу “ширин” (асар) ёндашса, (Фарҳоднинг) Ширинидан (гўзаллик, сеvimлиликда) кам келмагай”.

Бу байтда “Ширин” гўзаллик тимсоли, дoston эса гўзаллик тимсоли бўлган Шириндай гўзал ва сеvimли бўлиш “ширин” сўзи орқали сўз ўйини қилинган.

17/61 *Айюкчилик этиб ҳар сори ойин,
Ачиг май тутқали бир сабзи ширин.*

Байт мазмуни: “(Яшил) рангли қасрда яшил ранг кийимли (гўзаллар) аёқчи (соқий)лик қилиб, аччиқ май тутарди”.



Бу байтда “сабзи ширин” бирикмаси “яшил либосли гўзал киз” маъносини ифодалаган.

23/69 *Қалам айлаб анингдек чуст у ширин,
Ки айтиб девбанди чарх таҳсин.*

Байт мазмуни: “(Аҳриман) гурзисини чаққон ва бошлаб қилич билан чопди, (Фарҳодга) фалак девни боғловчиси таҳсин айтди”.

Бу байтда “ширин” сўзи мажозий маънода “чиройли ҳолатда, бошлаб” маъносида қўлланган.

Достонда “Ширин” тимсоли бир қатор мутародиф сўзлар билан ифодаланган бўлиб, бу асар бош қаҳрамонининг турли хислат ва фазилятларини ўзида жо этган.

31/120 *Не англайким қаю маҳрў экансен,
Ичим қон айлаган сенму экансен?*

Бу байтда Шириннинг чехраси “маҳрў” ойга ўхшатишган.

31/128 *Чу Фарҳод ул пари эканни билди,
Чекиб ўтлуқ фиғон андоқ йиқилди.*

Бу байтда Шириннинг гўзаллиги париларга ўхшатишган.

31/144 *Дебон Шопур бу янглиғ фасона,
Суманбар айлабон ашқин равон.*

Бу байтда “суманбар” сўзи Ширин таърифида бўлиб, “бадани ёсуман рангли”, яъни “оқ-сарик рангли” маъносини ифодалаган.

32/9 *Вале ёдига бу келдиким ул ой,
Дема ой, офтоби оламорой.*

Бу байтда Шириннинг ташқи гўзаллиги ойга, “оламни безаган офтоб”га ташбиҳ қилинган.

32/13 *Тафаррус қилдики меҳри дилоро,
Анинг ҳолига қилгондур мадоро.*

Бу байтда Ширин “меҳри дилоро”, яъни “дилни ёритувчи куёш”га ўхшатишган.

32/18 *Ўзи бирла дебонки, ул паричеҳр,
Мени мажнунга мунча кўргўзуб меҳр.*

Бу байтда Ширин “паричеҳр”, яъни “чехраси паридек” деб таърифланган.



32/44 *Тегиб ҳижрон ўқи маҳвашқа кори
Илиқдин кўрди борур ихтиёри.*

Бу байтда Ширин “маҳваш”, яъни “ойга ўхшаш” тимсолида ифодаланган.

32/51 *Меҳинбону ул ой жаҳду шитобин,
Чу кўрди фаҳм қилди изтиробин.*

Бу байтда “ой” сўзи кўчма маънода Ширинни, яъни ойдай гўзал мавжудотни ифодалаган.

32/69 *Десақим бормаин гулчехри зебо,
Бўла олмай ҳазин кўнгли шекибо.*

Бу байтда Ширин кўчма маънода “гулчехри зебо”, яъни “гул чехрали гўзал” деб ифодаланган.

33/59 *Чекиб ул сарви гулрух тахту жоҳин,
Бу тахт узра ҳамул ҳусн аҳли шоҳин.*

Бу байтда Ширин тимсоли “сарв гулрух” ва “ҳусн аҳли шоҳи” бирикмалари билан ифодаланган. “Сарви гулрух”нинг маъноси “қадди қомаи сарв дарахтидай адл, гул юзли”дир. “Ҳусн аҳли шоҳи” эса “гўзаллар подшоҳи” маъносини англатади.

33/62 *Чекиб юз минг бу янглиз турфа тимсол,
Ўзин ул шўх ўтрусида беҳол.*

Байт мазмуни: “(Фарҳод) бунга ўхшаган юз минг ҳар хил тимсол чизиб, ўзини у шўх (Ширин) қаршисида беҳол кўрсатганди”.

Бу байтда Шириннинг маънавий олами “шўх” сўзи билан ифодаланган. Одатда, классик адабиётда маҳбублар “шўх” деб тасвирланади, гарчи Ширин ҳулқ-атворида шўхлик хислати кузатилмаса ҳам.

33/63 *Қаю мавзудақим ул моҳпора,
Мунунг шакли қилиб беҳуд назора.*

Байт мазмуни: “У моҳпора (Ширин) қайси мавзуда чизилмасин, бунинг (Фарҳод) шакли эс-ҳушидан айрилган ҳолатда кузатарди”.

Бу байтда Ширин “моҳпора”, яъни “ой парчаси” деб ифодаланган.

33/67 *Чекарда ул жамоли гетиорой,
Гаҳи они чекиб, гаҳи чекиб вой.*

Байт мазмуни: “Ўша жамоли гетиорой (Ширин) тимсолини чизганида гоҳи чизиб, гоҳи оҳ чекарди”. Бу байтдаги Ширин “жамоли гетиорой”, яъни “оламни безовчи жамол эгаси” деб тасвирланган.



33/81 Тушуб дилбар хаёли жони ичра,
Солиб ўт хотири вайрони ичра.

Бу байтда Ширин тимсоли “дилбар” шаклида ифодаланган.

33/97 Замоне тинмогин қилди баҳона,
Ки этгайму ул ошуби замона.

Бу байтда Ширин “ошуби замона”, яъни “замонани алгов-далгов қилувчи” тимсолида келган.

34/9 Санам худ тинмайин сўзи ниҳондин,
Тутар эрди хабар ҳар лаҳза ондин.

Бу байтда Ширин тимсоли “санам” сўзида ифодаланган. “Санам”нинг луғавий маъноси “тош ҳайкал, бут”, мажозий маъноси “махбуба”.

34/13 Чу чиқти елга гулбарги тарийдек,
Фалак раҳишига меҳри ховарийдек.

Байт мазмуни: “(Ширин) гулбарги тарийга ўхшаб шабадага, меҳри ховарийдек раҳи (Рустамнинг оти) чиқди”.

Бу байтда Ширин “гулбарги тарий”, яъни “тароватли гулбарги”га ва “меҳри ховарий”, яъни “шарқдан чиққан қуёш”га ташбих қилинган.

34/14 Киши Бонуга чоптурди иштобон,
Ки қилди сайр азми меҳри тобон.

Бу байтда Ширин “меҳри тобон”, яъни “чарақлаб порлаган қуёш”га ўхшатишган.

34/20 Ки ушбу сарзаминни равшан этгай,
Ариғни сарву гулдек маскан этгай.

Бу байтда Ширин “сарву гул”, яъни “қомати сарвдек расо ва гулдек гўзал”га ўхшатишган.

34/34 Ҳамоно хўблар султониингдур,
Жамол авжи маҳи тобониингдур.

Бу байтда Ширин тимсоли “хўблар султони”, яъни “энг чиройли султони”, “маҳи тобон”, яъни “порлаб нур сочган ой”га ташбих қилинган.

34/41 Сени девонализ гар қилса мағлуб,
Пари пайкар бўлур эл ичра маҳжуб.

Бу байтда Ширин “пары пайкар”, яъни “пары келбатли” тимсолига ташбих қилинган.



34/43 Ўзингни ҳам мени ранжурни ҳам
Паришон айлама ул хурни ҳам.

Бу байтда Ширин тимсоли “хур”га ўхшатишган

34/55 Таковар узра раъно қадду андом,
Балолар сочиб, офатлар қилиб ом.

Байт мазмуни: “От устида раъно қадду андом (Ширин) атрофидагилар бошига балолар солиб, барчага офат келтирарди”.

Бу байтда Ширин “раъно қадду андом”, яъни “қадди қомати расо раъно гули”га ўхшатишган.

34/59 Бу офатким буён солмиш гузарни,
Тушардин ул тараф асра назарни.

Байт мазмуни: “Бу офат (Ширин) бу ёққа йўл олгач, у ёққа қарашдан (Фарҳод) ўзингни сақла”.

Бу байтда Ширин “офат”, яъни мумтоз шеърингда гўзалларни эркалаб “офатихон” атаб, “офат келтирувчи гўзал” тимсолга ўхшатишган.

34/62 Алиб метин сув очмоқ этти бунёд,
Етишти ул сори хури паризод.

Бу байтда Ширин тимсоли “хури паризод”, яъни “парилардан дунёга келган хур”га ташбих қилинган.

34/64 Ошиб ҳар ишда ҳайрат нозанинга,
Бўлуб қойил пайонай офаринга.

Байт мазмуни: “(Фарҳоднинг) ҳар бир ишдан нозаниннинг (Ширин) ҳайрати ошиб, кетма-кет офарин айтарди”.

Бу байтда Ширин тимсоли “нозанин”, яъни “нозли”га ўхшатишган.

34/78 Насимеким юки сийм ўлгай охир,
Таҳаррукда анга бийм ўлгай охир.

Байт мазмуни: “Устига сийм (кумуш) ортилган шабаданинг кўзгалиши қийин бўлади”.

Бу байтда “от” “шабада”га, устидаги отлик Ширин “кумуш”га, яъни оппоқ либосли фаринштага ўхшатишган.

34/83 Кўтарди орқасига бодпони,
Нечукким бодпо ул дилрабои.

Байт мазмуни: “(Фарҳод) елкасида отни, худди от дилрабо (Ширин)ни кўтаргандек кўтарди”.



Бу байтда Ширин тимсоли “дилрабо”, яъни “дил оромини ўғирловчи” шаклида тасвирланган.

34/88 Қадамни қўйди қаср айвони сари,
Саломат раҳини бирла шахсувори.

Байт мазмуни: “(Фарҳод) шахсувори билан раҳини саломат қаср айвонига қўйди”.

Бу байтда Ширин тимсоли “шахсувор”, яъни “эпчил ва довиорақ отлик шоҳ” отини эса “рахш” Рустамнинг тулпорига ўхшатишган.

34/89 Туруб айвонда солим чун эгиб қад,
Ҳамул тургон су бирла сарви гулҳад.

Байт мазмуни: “Сарви гулҳад” (Ширин) Фарҳод юзланган тарафга қараб соғ-саломат турарди”.

Бу байтда Ширин тимсоли “сарви гулҳад”, яъни “яноклари гулдай кизил сарв коматли”га ташбиҳ қилинган.

35/3 Меҳинбону била Ширин ғамкаш,
Бўдуб ул мушқил иш итмомидин хаш.

Бу байтда Ширин тимсоли “ғамкаш”, яъни “ғам чекувчи” шаклида намоён бўлади.

35/6 Валеқ ул ой узорин оҳ тоби,
Назарда қилмиш эрди моҳтобий.

Бу байтда Ширин “ой”га ва унинг юзи “моҳтобий”, яъни “ранги ғам-ғуссадан оқарган ой юзига” ўхшатишган.

35/9 Вале топмас эрди бу ишга чора,
Ки ёндошқай булуру санги хора.

Байт мазмуни: “Лекин (Меҳинбону) бу биллур (Ширин) ва “санги хора” (харсанг тош) (Фарҳод)ни қандай яқинлаштириш чорасини топмас эди”.

Бу байтда Ширин “биллур”, яъни “қимматбаҳо биллур шиша”га ўхшатишган.

35/21 Бу сўздин доларух гулдек очилди,
Ружуин ҳам онинг ройига қилди.

Байт мазмуни: “Доларух (Ширин) бу сўздан гулдек очилиб, (Фарҳод)ни қайтаришга мойиллик билдирди”.



Бу байтда Ширин тимсоли “лоларух”, яъни “лола юзли” шаклида тасвирланган.

35/112 Дедиким, хўблар шоҳига айтинг,
Малоҳат авжининг моҳига айтинг.

Бу байтда Ширин “хўблар шоҳи”, яъни “гўзаллар шоҳи” ва “малоҳат авжининг моҳи”, яъни “малоҳат авж нуқтасидаги ой” деб таърифланган.

35/119 Қилиб Фарҳод метини киби тез,
Бўлуб ул хорарез, аммо бу хунрез.

Бу байтда Ширин “хунрез”, яъни “ошиқлар қонини тўқувчи” шаклида таърифланади.

35/134 Қуёш чун тутти ой ёнида манзил,
Ҳам ўз ўрнида манзил тутти бедил.

Байт мазмуни: “Қуёш (Ширин) ой (Меҳинбону) ёнида жой олгач, бедил (Фарҳод) ўз ўрнига ўтирди”.

Бу байтда Ширин “қуёш”га ўхшатишган.

35/150 Сумурди уйла шамшоди қасабпўш,
Ки мундин олди онинг ичкани хуш.

Бу байтда Ширин тимсоли “шамшоди қасабпўш”, яъни “юпқа ипак кийимли, шамшод дарахтидай адл қоматли” шаклида ифодаланган.

52/27 Чиқиб ул тахт уза Фарҳоду Ширин,
Нечукким гулишан ичра сарву насрин.

Бу байтда Фарҳод “сарв”га Ширин “насрин” гулига, яъни насрин гулидай гўзал бир жонзотга ташбиҳ қилинган.

52/47 Яна Ширин киби маъшуқи чолок,
Анинг ҳижронида Бонуӣи гамнок.

Бу байтда Ширин “маъшуқи чолок”, яъни “зийрак маъшуқ” тимсолида тасвирланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ширин тимсоли “Фарҳод ва Ширин” достонида унинг маънавий ва ташқи гўзаллиги “порлаган шамъ”, “гўзал”, “яшил либосли гўзал”, “махрў”, “парӣ”, “суманбар”, “офтоби оламорой”, “меҳри дилоро”, “паричеҳр”, “махваш”, “ой”, “гулчеҳри зебо”, “сарви гулруҳ”, “шўх”, “моҳпора”, “жамоли гетнорой”, “дилбар”, “ошуби замон”, “санам”, “гулбарги тарий”, “меҳри тобон”, “сарву гул”, “хўблар султони”, “маҳи тобон”, “парӣ пайкар”, “хур”, “раъно қадду андом”, “офат”, “хури



паризод", "нозанин", "сийм", "дилрабо", "шахсувор", "сарви гулхад", "ғамкаш", "мохтобий", "биллур", "доларух", "хўблар шохи", "хунрез", "куёш", "шамшодн қасабпўш", "насрин", "маъшуқи чолок" жами 44 сифатларда мужассам бўлган.

Бу сифатлар бир томондан, Шириннинг гўзалликда тенгсиз жонзотлигини ва инсоннинг қанчалар комил мавжудот қилиб яратилганини ифодаласа, иккинчи томондан, Алишер Навоийнинг шоир сифатида тасвир маҳорати нечоғлиқ юксаклигини ва сўз бойлиги қанчалар теранлигини кўрсатади.

ВОҲИДОВ АВАЗБЕК

Филология фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

Тасаввуф терминларининг шаклланишида метафоранинг қўлланиши

Аннотация. Мақолада тасаввуф терминларининг шаклланишида метафоранинг қўлланиши ҳақида маълумот берилади. Муаллиф тегишли терминлар мисолида кенг истеъмолдаги лексик қатлам бирликларининг ташиқи ўхшашлик, тушунчалар ва вазифалар яқинлиги асосида тасаввуф терминларига айланиши ҳолатларини тақдим этади.

Таянч сўз ва иборалар: Тасаввуф, термин, метафора, кенг истеъмолдаги лексика, ташиқи ўхшашлик, тушунчалар яқинлиги, вазифалар ўхшашлиги.

Аннотация. В статье даются сведения о применении метафоры при формировании терминов суфизма. Автор на примере соответствующих терминов представляет случаи превращения единиц общепотребительного пласта лексики на основе сходства внешних признаков, понятий и функций в термины суфизма.

Опорные слова и выражения: суфизм, термин, общепотребительная лексика, сходство внешних признаков, близость понятий, близость функций.

Abstract. The article deals with the information about using metaphors in the forming of 'Sufism' terms. Author introduces positions external appearance of lexical solidarity in the wide advantage, changing 'Sufism' terms in the base nearness of functions and conceptions, in the example of belonging terms.

Keywords and expressions: sufism, term, metaphor, lexical solidarity, wide advantage, external characteristics, proximity concepts.

Лексик бирликлар семантикасидаги миллий ўзига хосликлар тасаввуф терминологиясининг шаклланишида юз берган лексик-семантик жараёнларнинг асоси ёки бошқача қилиб айтганда, мазкур жараёнларнинг йўналишини белгиловчи омил сифатида эътироф этилиши мумкин. Тасаввуф терминларининг шаклланишини таъминлаган семантик ўзгаришлар, хусусан, метафоранинг тасаввуф терминлари вужудга келишидаги роли эса, умумий

планда ҳам, хусусий планда ҳам деярли ўрганилганмаган масалалар қаторига киради.

Ҳозиргача биз кўриб чиқишга муваффақ бўлган лексикографик манбаларнинг аксариятида¹ турли лексик бирликларнинг тасаввуф терминларига айланиши жараёнларини таҳлил этиш имконини берадиган кенг қамровли материал жамланган. Уларда терминларнинг дефинициялари қаторлари тақдим этилгани ва энг асосийси, мазкур терминларнинг қўлланишига мисолларнинг жуда мўътабар манбалардан олингани эса, ундай семантик ўзгаришларни асосли таснифлаш имконини беради. Мақоламизда лексик бирликлар семантикасидаги ўзгаришларнинг амалга ошишида метафоранинг қўлланишига доир кузатувлар натижалари тақдим этилади. Ўз-ўзидан маълумки, мақолада лексик бирликларнинг барча қатламларини қамраб олиш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун тилшуносликда турли номлар билан аталувчи² сўзлар қатлами, яъни кундалик ҳаётимизда биз деярли автоматик равишда қўлловчи, яъни ўта фаол лугат бирликлари қаторини ташкил этувчи сўзлар қатлами билан чекланиб, уларнинг тасаввуф терминларига айланишида метафоранинг қўлланиш хусусиятларини кўриб чиқамиз. Зикр этилган лексик бирликлар гуруҳи кундалик турмушда кенг қўлланиши, ортиқча изоҳларсиз ҳам тушунарлилиги ва стилистик нейтраллиги билан характерланади. Мазкур қатлам лугат таркибининг ядросини ташкил этади ва бу муҳим мажмуасиз тилни тасаввур қилиш ҳам, нутқий алоқа ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас.

Кенг истеъмолдаги сўзларнинг кўп маънолилиги ва бунинг устига тегишли маъноларининг дифференциалашмагани уларнинг терминларга айланишига тўсик бўла олмайди. Бунга турли соҳа терминологияларига енгил кўз ташлабгина ҳам амин бўлиш мумкин.

Кузатилган фактологик материал тасаввуф терминлари учун асос бўлган кенг истеъмолдаги сўзларнинг қуйидаги гуруҳларини ажратиш имконини берди³:

1. Табиий борликка оид нарсалар номлари: آب “сув” – тасаввуфда “маърифат”⁴; آسمان “осмон” – тасаввуфда “ғайб дунёси ватани”; آفتاب “қуёш” – тас. “ҳаёт, маърифат”; ابر “булут” – тасаввуфда “ҳижоб”; باديه “саҳро, биёбон” – тас. “мушкilot, тўсиқлар”; بحر “денгиз” – тасаввуфда “мавжудот дунёси”; كوه “тоғ” – тасаввуфда “сайру сулукдаги тўсиқ, қийинчилик” ва шу каби жами 32 та термин.

¹ Масалан, қаранг: 1372 تهران عرفانی. سيد جهانر سجادی. فرهنگ لغات و اصطلاحات و تعبيرات عرفانی.

² Мукаррамов М. Илмий услубда умумистеъмол лексиканинг қўлланишига доир. Ўзбек тилшунослигининг айрим масалалари. – Т., 1979. 112–117-б.

³ Гуруҳлашда, асосан, Э. Бегматов муаллифлигидаги “Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари (– Т.: Фан, 1985). асарининг 11–13 саҳифаларидаги таснифга таянилди ва тегишли ўзгартиришлар киритилди.

⁴ тас. қисқартмаси “тасаввуфий маънос” биризмасини ифодалайди.



2. Табиий ҳодиса ва жараёнлар номлари: باد “шамол” – тас. “файз, ғойибий ёрдам”; باران “ёмғир” – тас. “Ҳақ таоло файзи ва тўлиқ раҳмати”; برقي “чақмоқ” – тас. “сайру сулукка чакирувчи дастлабки нур” ва шу каби жами 10 та термин.

3. Инсоннинг руҳий ҳолати билан боғлиқ сўзлар: استغنا “истигно, беҳожатлик” – тас. “ҳеч нарсага эҳтиёж сезмаслик, дунё бойликларига умид қилмаслик”; الهام “илҳом” – тас. “Мутлақнинг эълон қилиниши ва шаръан ҳосларнинг қалбида жилоланиши” ҳамда шу каби 29 та термин.

4. Инсоннинг жисмоний ҳаракат ва ҳолатлари билан боғлиқ номлар: بيداري “бедорлик, уйқусизлик” – тасаввуфда “убудиятдаги ҳушёрлик олами”; استقامت “истиқомат” – тасаввуфда “сулук арконларидан бири: тўғриланиш, туриш” ва шу каби 16 та термин.

5. Одам ва ҳайвонларнинг номлари: آدم “одам” – тас. “Абул-башар”; ارياب “арбоб” – тас. “Авлиёуллоҳлар ва ҳос Аҳлуллоҳлар”; رما “илон” – тас. “ёмон (харом) нарсаларга интилувчи нафс” ва шу каби 14 та термин¹.

6. Одам ва ҳайвон тана аъзолари номлари: ابرو “қош” – тас. “вужуд олами ундан гўзаллик оладиган зот ҳожиби (қўриқчиси)”; پيشاني “пешона” – тас. “илоҳий сир-асрорлар мазҳари”; عارض “ораз (чехра, юз, жамол)” – тас. “Ҳақиқат ва аъён жамоли” ҳамда шу каби 24 та термин.

7. Инсон кўли билан яратилган объектлар номлари: آسيا “тегирмон” – тас. “осмону фалак”; ابواب “эшиklar” – тас. “солиқнинг ҳар бир ҳолати бошланиш нуқтаси”; بازار “бозор” – тас. “илоҳий нурлар жилоланиши макони”; باغ “боғ” – тас. “неъматлар макони”; بتخانه “бутхона” – тас. “илоҳий, маънавий олам, ваҳдати кулл” каби жами 21 та термин.

8. Курол-яроғ ва уй-рўзгор буюмлари номлари: بساط “дастурхон” – тас. “мақом, файзлар, майдон”; پرده “парда” – тас. “хижоб, тўсиқлар”; پياله “пиёла” – тас. “маҳбуб” ва шу каби 27 та термин.

9. Диний-мистик ва афсонавий тасаввурлар номлари: بيت الله “Аллоҳнинг уйи” – тас. “Комил инсоннинг маҳбубдан бошқаси учун ҳаром бўлган қалби”; جهنم “жаҳаннам” – тас. “Нафси аммора туфайли пайдо бўладиган разил сифатлар мажмуаси”; ابليس “иблис” – тас. “ваҳм”; اژدها “аждаҳо” – тас. “шаҳват, ғазаб”; ديو “дев” – тас. “йўлдан адаштирувчи, ёмон сифатларнинг аломат ва нишоналари мажмуаси”.

Юқоридаги гуруҳлашни, шунингдек, озиқ-овкат маҳсулотлари, вақт, фасл, мезон, қариндош-уруғчилик, касб-хунар, ранг, тус, ҳажм, шакл, сон, миқдор, тезлик ижобий/салбий тасаввурлар каби предмет ва тушунчалар номлари билан давом эттириш мумкин. Лекин келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам кенг истеъмолдаги сўзларнинг тасаввуф терминологиясини

¹ Ҳайвонлар номлари бўйича яна қаранг: Воҳидов А. А. “Маснавий маънавий”да тасаввуфий истилоҳлар (маҳлуқотлар номлари мисолида). Жалолиддин Румийнинг мангу мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. – Т.: ТошДШИ, 2007. 56–64-б.



шакллантиришда салмоқли ўрин тутганидан далолат бера олади, деб ҳисоблаймиз.

Кўп маъноли сўзлар, шу жумладан, ҳатто оғзаки нутққа ҳос сўзлар ҳам тасаввуф таълимотига татбиқ этилганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бундай лексик бирликлар тасаввуфнинг ўзига ҳос семантик “тозалаш” тизимларидан ўтказилиб, яъни сўз семантикасидаги барча “ортиқча” қирралар олиб ташланиб, тасаввуфга ҳос тушунчалардан келиб чиқувчи маъно йўналишининг ўзигина қолган. Масалан, آب “сув” сўзи тасаввуфда “маърифат” маъносини англатувчи термин сифатида қўлланади. Терминнинг аниқлиги тегишли дефинициялар мавжудлиги билан таъминланади: آب غایت “изчил давом этувчи илоҳий раҳмат”; آب حیات “абдий ҳаёт булоғи”; آب روان “қувонч, муҳаббатдан доимий огоҳлик”. آب “сув” сўзи бу ўринда онгли ҳаёт асосини ташкил этувчи зарурат, яъни маърифат маъносига қўлланади. Агар бу термин тасаввуф тушунчалари тизимидан чиқарилса, у ўзининг терминологик мазмунини йўқотади ва яна “суюқлик” тушунчаси мазмунига эга оддий сўзга айланади.

Шундай ҳолатни биз آب “булут” сўзининг тасаввуфда “ҳижоб” маъносига эга термин, باد “шамол” сўзининг тасаввуфда “файз, ғойибий ёрдам” маъносига эга термин, بازار “бозор” сўзининг тасаввуфда “илоҳий нурлар жипслаганиши макони” маъносига эга термин сифатида қўлланилганида ҳам кузатишимиз мумкин.

Кенг истеъмолдаги сўзларда терминологик маънонинг шаклланишига экстралингвистик омиллар, хусусан, ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт фаол таъсир ўтказади. Бу янги, яъни терминологик маъно мазкур сўзлар маъносининг кенгайиши ҳисобига юзага келади. Биз таҳлил этаётган ҳодиса назарда тутилса, кенг истеъмолдаги сўзлар тегишли шароитларда ўзларининг мавжуд семантикасини сақлаган ҳолда тасаввуфий терминологик маъноларини ҳам касб эта бошлаган. Мисоллар қаторини давом эттирамиз:

آسمان “осмон” сўзи ўзининг маъносидан ташқари тасаввуфдаги “фардлик (яккалик) сурати” терминологик маъносига эга. Бундан ташқари, آسمان “осмон” тасаввуфда “маркаб (рикоб, от-улов)” маъносига эга термин сифатида ҳам қўлланади. Баъзан آسمان “осмон” тасаввуф термини билан “инсоннинг бош қисми” маъноси ҳам ифодаланади¹. آفت “офат” сўзида ҳам худди шундай маъно кенгайиши, яъни янги тасаввуфий терминологик маъно шаклланган: “тарикат йўлидаги солиқни маънавий сайрдан қалғитувчи дунё юмушлари, жозибалари ва матолари”.

Тасаввуф терминлари шаклланишида метафорик маъно ўзгаришлари ҳам муайян ўрин тутди. Юқоридаги мисолларда юз берган маъно кенгайишларини кузатсак, кенг истеъмолдаги сўзларнинг тасаввуфий терминологик маъно касб этишида улардаги мавжуд луғавий маънолар асос

¹ Терминлар омонимияси ёки синонимияси масалалари ҳақида сўз юритиш мақоламиз мақсадига қирмагани учун терминологик маънолар қаторини келтириш билан чекланамиз.



бўлишини, яъни янги терминологик маъно метафорик ўзгариш ҳисобига юзага келганига гувоҳ бўламиз. Маълумки, метафора – бирор предметнинг сигнификатив ёки денотатив мазмунини бошқасига метафорик ўтказиш. Тушунча билан боғлиқликка эга метафора тасаввуф терминларининг шаклланишида муҳим воситаларидан бўлган. Илмий тафаккур тараққиёти кундалик турмуш тажрибаларининг махсус фаолият доирасига ўтказилишини таъминлаб боради. Бу жиҳатдан метафорик маъно кўчишлари кенг истеъмолдаги сўзларнинг тасаввуф терминларига айланиши учун яхши имкониятлар очган. Кенг истеъмолдаги сўзларнинг тасаввуф терминларига айланишида метафоралашнинг уч тури кузатилади:

1. Ташқи кўринишдан ўхшашлик бўйича метафоралаш.

Метафоралашнинг бу турида денотативнинг бирор-бир ўхшаш маъноси бошқа предметни билдириш учун етарли бўлади. Тасаввуфий терминларнинг ясаллишида метафорадан фойдаланиш самарали усуллардан бири бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўринда балки ўзига хос миллий ифодага эга ассоциатив боғлиқликлар ўз ролини ўйнаган бўлиши мумкин. Зеро, тил эгалари уларнинг ички мазмунини ҳис қиладиган терминлар яшашган. Масалан, бутпарастлик дини билан боғлиқ бўлган ва кейинчалик маъно майдонини кенгайтирган بۇت “бут” сўзидаги “максад, матлаб” тасаввуфий терминологик маъноси суфийлар, айниқса, камол аҳллари учун куфр маъно йўналишидан шаклланган. Бу маъно бут, буттарошлик ва бутсозликнинг узок ўтмиши билан боғлиқ. Бутпарастлар бутни чиройли тарошлаган, унда маъбуднинг жозибадорлик ва гўзал кўриниши, жамолу камолоти акс этган. Мазкур сўз ифодалаган тушунчадаги ташқи кўринишнинг тасаввуфий моҳиятга мослиги асосида “Ҳақ мазҳари (ойнаси, зоҳир бўлувчи жойи)”, “ишқ ва ваҳдатнинг мазҳарияти, пайдо бўлиш жойи” тасаввуфий терминологик маъно ҳам шаклланган. بۇتخانة “бутхона” сўзидан шаклланган “илоҳий, маънавий олам, яъни ваҳдати кулл, аҳадият зотининг пайдо бўлиши, зухурланиши, намоён бўлиши макони” тасаввуфий терминологик маъноси эса, юқоридаги тушунчалар мажмуаси ўрни йўналишини ифодалайди. بىرىق сўзининг “чакмоқ” маъноси билан унинг асосида шаклланган “Аллоҳ томон сайр қилишга чақирувчи ва бандага кўринган дастлабки нур”, پىشتىق сўзининг “пешона” маъноси билан унинг асосида шаклланган “илоҳий сир-асрорлар мазҳари”, شمع сўзининг “шам” маъноси билан унинг асосида шаклланган “илоҳий нур шуъласи”, “Қуръони мажид” тасаввуфий терминологик маънолари боғлиқлигининг асоси ҳам ташқи кўринишдаги мосликдир. Бундай метафоралар учун бирор предмет/ҳодисанинг бирор-бир белги-хусусияти бошқа предмет/ҳодисанинг белги-хусусиятига мос келиши ёки унга тегишли ўхшашликка эга бўлиши, бошқача қилиб айтганда, бир предмет/ҳодиса ташқи кўриниши билан бошқа предмет/ҳодисани эслатишининг ўзи кифоя.

2. Тушунчалар ўхшашлиги бўйича метафоралаш.

Маъно ёки маънонинг бирор-бир кирраси билан ассоциатив боғлиқлик пайдо бўлиши натижасида маънолар тизимида янги терминологик ифода юзага келади. Яъни, бу жараёнда тушунчаларнинг ассоциатив боғлиқлиги “кўзга ташланиб туради”. Масалан, *باديه* “сахро, биёбон” сўзининг луғавий маъносидан ҳис қилинадиган жазирама, сувсизлик, қийинчилик, машаққат тушунчалари тасаввуфда “соликларга рўбарў бўлувчи, олдидан чикувчи, дуч келувчи қийинчилик, мушкулотлар” терминологик маъносини шакллантирган. Шу каби боғлиқликларни *باران* “ёмғир” сўзи ва ундай шаклланган “ғайб оламида мавжудот олами устига ёғиладиган Ҳақ таолонинг файзи ва тўлиқ раҳмати” тасаввуфий термин, *بيداري* “бедорлик, уйқусизлик” сўзи ва “убудиятдаги хушёрлик олами” тасаввуфий термин, *بيگانه* “бегона” сўзи ва “тариқат йўлига қадам қўймаган, сайру сулук мақомларига кирмаган ва киришга мушарраф бўлмаган киши” тасаввуфий терминлар маъноларида ҳам кўриш мумкин.

3. Вазифа яқинлиги бўйича метафоралаш.

Терминнинг пайдо бўлишида баъзан сўз маъносидан келиб чикувчи вазифанинг яқинлиги метафоралаш учун етарли асос бўла олади. *افق* “уфқ” сўзининг “жаҳоннинг чети, осмон ва ернинг чегараси” маъноларида ифодаланган “яқунлаш, ниҳоялаш, охирини кўрсатиш” вазифалари тасаввуфда “қалб мақомининг охири, ниҳояси, чўққиси” маъносини ифодаловчи терминни юзага келтирган. Вазифаларнинг яқинлиги *باب الابواب* – “асосий эшик” сўз бирикмасининг маъносидан шаклланган “тавба” тасаввуфий термини; *پردہ* “парда” сўзининг маъносидан шаклланган “Ҳақ ва банда орасидаги ҳижоб”, “ошиқ ва маъшуқа орасидаги муносабатни тўсувчи нарсалар” тасаввуфий термини, *جلم* “жом”, “ичимликлар ичиладиган коса ёки бошқа идиш” сўзининг маъносидан шаклланган “маърифатга тўла солиқ орифнинг кўнгли” тасаввуфий термини жуфтликларида ҳам сезилади.

Сўз маъносини кўчириш бадий усул сифатида халқ оғзаки ижодида ҳам кенг қўлланади. Юқорида келтирилган мисолларга келсак, улар бир вақтнинг ўзида ҳам кенг истеъмолдаги сўзлар ҳам махсус соҳа сўзларига тегишлидир. Лексиканинг турли разрядларига тегишли бўлсалар ҳам ифодаланувчи ва ифодаловчи уларда мос келади. Фарқи фақат семантиканинг ҳажмида. Кенг истеъмолдаги сўзларнинг бундай хусусияти тегишли мисол асосида А. В. Щерба томонидан ҳам намоён қилинган¹.

Демак, тасаввуф терминологиясини биз инсонларнинг интеллектуал ташкил этилган фаолиятига хосланган луғат бирликлари мажмуаси, деб аташимизга тўлиқ асосимиз бор. Тилнинг дискрет имкониятларидан термин ясалишида онгли фойдаланиш ва кенг истеъмолдаги сўзларни терминологик вазифаларни бажаришга мослаштириш лексик бирликлар имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Маъноларни кўчириш оркали термин

¹ Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974. – С. 280.



ясаш имкониятлари эса чекланмаган, бунда факат тил метёрларига амал қилинса кифоя.

Маълумки, оғзаки сўзлашув тилда кўпгина сўзлар аниқ ифодаланган семасиологик чегараларга эга бўлмайди. Агар юқорида янги маънонинг вужудга келиши ҳақида сўз юритилган бўлса, эндиги ҳолатда маъноларнинг бири махсус тушунчани ифодалай бошлаши назарда тутилади. Мисоллардан кўриниб турибдики, термин бўлмаган сўзнинг маъноларидан бири мақсадли сазъ-ҳаракатлар орқали лексемадан “бўртиб” чиқиб, терминологик тушунчани ифодалай бошлайди. Экстралингвистик омиллар таъсири остида сўзнинг дифференциалашмаган маънолари деннотатив таркибий қисмларга ажралади. Бу – олдинги ҳолатга қарама-қарши, яъни кўп маъноли сўзларнинг ўз маъносини торайтириш орқали тасаввуф терминларига айланиш жараёнидан ўтишидир. بولا “бола” сўзидаги “нисбатан кучсизроқ бўлган шароб” маъно йўналиши асосида “ҳали кучсиз бўлган ишк”, “тариқатнинг бошланишидаги авом (оддий халқ) ишқи” маъносига эга тасаввуфий термин шаклланиши бунга яққол мисол бўла олади.

Термин бўлмаган сўз маъносининг торайиши икки хил ҳолатда юз беради: бу, энг аввало, сўзнинг муайян билим соҳасига тушиши ва ўзининг терминологик майдонини топиши. Иккинчиси, бу сўз термин ўз дефинициясига эга бўлган ҳолат. Дефиниция аниқ, етарли, қисқа бўлиши ва ортиқча қирраларга эга бўлмаслиги керак. Айнан шу туфайли сўзнинг дифференциалашмаган маъноларидан бири терминологик маънога айланади.

Демак, терминларнинг асосий хусусиятларидан бири – унинг бир маънолилигини таъминловчи дефинициянинг мавжудлиги. Кенг истеъмолдаги сўзлардаги маъно торайиши ва уларнинг ихтисослаштирилиши терминологиянинг умумий лексикадан ажрала бошлаётгани ва унинг махсус аспекти сифатида англаётганидан далолат беради.

Тасаввуф термини учун асосийси – бу тасаввуфий тушунчалар тизимида унинг майдонини тўғри танлаш бўлган. Интеллектуал ёндашув ёрдамида кенг истеъмолдаги сўзларни ҳам бемалол тасаввуфий термин сифатида қўллаш мумкин. Аммо шуни ҳам назарда тутиш керакки, кенг истеъмолдаги сўзларнинг тасаввуф терминларига айланиши анчагина мураккаб ва жуда ҳам текис амалга ошмаган, баъзан эса зиддиятли кечган жараёндир. Кўпгина “терминологик парадокслар”нинг боиси ҳам ана шунда. Тасаввуф терминлари ўзларининг шаклланишида қўлланиш, қайд этилиш, тартибга солиниш босқичларидан ўтган. Сўз ўзининг тасаввуфий терминологик маъносини фақат мазкур соҳага ихтисослаша ва унда қўллана бошлагач намоён этишга тушган. Терминлар янгилик, мувозанатга келиш ва мустаҳкамлашиш босқичларидан ўтишини ҳам назарда тутиш лозим. Шу боис лугатларда унификация жараёнидан ўтган тасаввуф терминлари билан бир қаторда қўллаш мумкин ёки тавсия этиладиган терминлар ҳам қайд этилади.

Кенг истеъмолдаги сўзларнинг тасаввуф терминларига айланишида метонимия ҳодисасини ҳам кузатиш мумкин. Сўз семантикасида метафорик

маъно кўчиришлардан ташқари метонимик кўчиришлар ҳам юз бериши мумкин. Метонимик кўчириш тушунчаларининг макон ёки замонда боғлиқлиги ва ўзаро алоқадорлиги асосида амалга ошади. Бу эса алоҳида тадқиқотга тортиладиган масалаларимиздан ҳисобланади.

НОСИРОВА САОДАТ

Кандидат филологических наук, доцент, ТашГИВ

Лексико-стилистические особенности деловой документации на современном китайском языке (на примере служебно-управленческих документов)

Аннотация. Данная статья посвящена вопросу лексико-стилистических особенностей составления деловой документации. Также затронута проблема билингвистического перевода с использованием клишированных формулировок в СКЯ.

Опорные слова и выражения: документ по деопроизводству, договор, клише, деловая переписка, термин.

Аннотация. Мазкур илмий мақолада хитой тилида иш юритиши ҳужжатларининг айрим лексик-стилистик хусусиятлари таҳлилга тортилиб, билингвистик таржима жараёнида ҳужжат турига кўра белгиланган клишеларнинг қўлланилиши хусусиятлари кўриб чиқилган ва таржима жараёнига оид амалий тавсиялар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: иш юритиши ҳужжати, шартнома, клише, расмий иш юритиши тили, термин.

Abstract. This article briefly reveals some aspects of using and interpreting some terms according to their stylistic gradation in official and other documents, in particular shows the commonness and difference between the official documents in modern Chinese language.

Keywords and expressions: official document, contract, documentary of public affairs, term.

В данной статье мы попытаемся выявить основные лексико-стилистические особенности составления деловой документации на китайском языке.

Развитие партнерских китайско-российских отношений в последнее десятилетие привело к активизации сотрудничества в сферах экономики, торговли, туризма и т.д. Поэтому появилась острая необходимость составления и перевода китайской деловой документации.

На сегодняшний день не все представители деловых кругов получили специальное коммерческое образование. Это во многом определяет сложность развития бизнеса, так как партнеры по сотрудничеству осваивают

структуру лексикона как универсального инструмента, регулирующего интересы сторон, лишь в процессе своей деятельности.

В договорных отношениях для исключения двусмысленности формулировок, очень важно освоить деловую лексику, используемую при составлении договоров. Ведь именно договора и структурные слова их составления являются постоянной гарантией делового успеха.

В настоящее время существует не так много специальной литературы, позволяющей грамотно составить на китайском языке деловой документ и перевести его. Главной проблемой является правильный перевод специальной лексики, юридически верной для использования.

Для написания статьи были использованы труды таких ученых и педагогов, которые опубликовали материалы по переводу с иностранных языков на русский: Бархударов П. С. «Язык и перевод», Горелов В. И. «Пособие по переводу с китайского на русский» и т. д. Проблему перевода китайской деловой документации рассматривают такие китайские авторы, как Чжу Цзимин и Ли Гуан'ю, Ван Ханьминь. Среди работ, посвященных проблемам стилистики китайского языка, выделяется монография Горелова В. И. «Стилистика современного китайского языка», где описаны основные особенности официально-делового стиля.

Важной частью делового этикета является стиль переписки и оформление документов, который предполагает языковую компетентность. Документ (文件 *wenjian*) – это материальный объект, содержащий информацию в зафиксированном виде и специально предназначенную для передачи во времени и пространстве. Документ – это информация, записанная любым способом на любом материале, изданная или полученная любым физическим или юридическим лицом в любой организации для использования в своей деятельности¹.

Определение «служебный документ» относится к сфере административно-управленческой деятельности. Существует около 60 видов управленческих документов. Служебные документы делятся на несколько групп по своему функциональному значению:

1. Личные (заявление, автобиография и т. п.);
2. Директивные и распорядительные (закон, постановление, приказ, решение и т. п.);
3. Административно-организационные (план, устав, правило, акт, отчет, протокол и т. п.);
4. Информационно-справочные (сводка, ведомость и т. п.);
5. Служебные и коммерческие письма;
6. Финансовые и учетные;
7. Контракты и коммерческие договоры.

¹ Жилина О. А. Деловой документ. Специфика языка, стиля и структуры текста: Учебное пособие. – М.: Билингва, 1999. – С. 72.

Очевидно, что устная речь играет важнейшую роль в деловом общении. Практически во всех аспектах повседневной жизни произнесенные слова могут либо углубить взаимопонимание, либо воспрепятствовать ему. В равной степени это относится к языку документов и писем.

При составлении законодательных актов, правительственных постановлений, приказов, уставов, инструкций, международно-правовых и торговых соглашений, а также при написании деловых писем, заявлений и различного рода служебных записок используется официально-деловой стиль, называемый по-китайски 公文语体 *gongwen yuben* (事务语体 *shiwu yuben*).

Официально-деловой стиль – это совокупность языковых средств, позволяющая обслуживать сферу официально-деловых отношений, которая возникает между органами государства; между организациями или внутри них; между организациями и частными лицами в процессе их производственной, хозяйственной, юридической деятельности¹.

Язык деловых документов – это разновидность литературного языка. Официально-деловой стиль относится к числу книжных стилей и функционирует в форме письменной речи. Устная форма официально-деловой речи – выступления на торжественных собраниях, приемах, доклады государственных и общественных деятелей².

«Язык официальный, – писал известный французский языковед Шарль Балли, – резко отличается от общеупотребительной речи и обладает ярко выраженной социальной окраской, он владеет совокупностью речевых фактов, служащих для того, чтобы в точных и безличных формулах выражать обстоятельства, которые накладывают на человека жизнь в обществе, начиная с нотариальных актов и полицейских уложений и кончая статьями кодекса и конституции... Сущность административного языка заключается в том, что он имеет в своей основе научный характер и в то же время соприкасается с обыденной жизнью³».

Официально-деловому стилю, подобно стилю научно-техническому, свойственны стройность изложения, точность и четкость формулировок.

Официально-деловой стиль китайского языка имеет длительную историю своего существования. До 1940 года в Китае употреблялись сложные формы деловых бумаг. При составлении документов и деловых писем руководствовались строгими правилами, которые предусматривали употребление трафаретных оборотов, фразеологических штампов. В зависимости от инстанции использовались специальные, строго установленные выражения.

¹ Лагутин Т. М., Щуко Л. П. Деловое письмо: Справочник. – Санкт-Петербург: Издательский дом Герда, 2003. – С. 95.

² Жилина О. А. Деловой документ. Специфика языка, стиля и структуры текста: Учебное пособие. – М.: Билингва, 1999. – С. 84.

³ Там же. – С. 76.

После 1949 года официально-деловой стиль претерпел значительные изменения. Он стал проще и конкретнее и в силу этого понятнее для широких слоев населения. Официально-деловой стиль современного китайского языка заимствует элементы других функциональных стилей и, постепенно преобразуясь, обретает новый облик¹.

Лексика официально-делового стиля относится к тому пласту лексики современного китайского языка, который обычно именуют книжным. Официальная лексика отличается особенной официальностью и «сухостью» и употребляется только в официально-деловом стиле, в других стилях – как средство создания иронии и юмора.

Регулирование отношений между людьми, учреждениями, странами требовало письменных свидетельств, актов, документов, в которых постепенно выкристаллизовались черты официально-делового стиля. Говоря о лексических особенностях этого стиля, нужно, прежде всего, указать специальную лексику 专用词 *teyongci* или официально-деловую терминологию, не имеющую синонимов в общеупотребительном языке.

Юридические термины:

1. 财产 *caichan* – собственность;
2. 制裁条款 *zhicai tiaokuan* – санкции;
3. 索赔条款 *suopei tiaokuan* – рекламации;
4. 仲裁条款 *zhongcai tiaokuan* – арбитраж;
5. 原告 *yuangao* – истец;
6. 被告 *beigao* – ответчик.

Экономические термины:

1. 分期付款 *fenqi fukuan* – платеж в рассрочку;
2. 延期付款 *yanqi fukuan* – отсроченный платеж;
3. 付现款 *fu xiankuan* – оплата наличными, кассовая оплата;
4. 余额 *yu e* – сальдо;
5. 托收 *tuoshou* – инкассо.

Кроме юридических и экономических терминов в языке деловых бумаг используется достаточно большое количество технических терминов:

1. 辅助基地 *fuzhu jidi* – вспомогательная база;
2. 飞机制造工厂 *feiji zhizao gongchang* – авиационный завод;
3. 轴承 *zhoucheng* – подшипник;
4. 活塞压缩机 *huosai yasuoji* – поршневой компрессор;
5. 螺纹卡规 *luowen kagui* – резьбовая скоба.

Характерной чертой документов китайского языка является, как уже указывалось, высокая степень терминированности, причем к терминам примыкает огромный пласт номенклатурной лексики.

¹ Горелов В. И. Стилистика китайского языка. – М.: Просвещение, 1973. – С. 141.

Номенклатура субъектов внешнеэкономической деятельности:

1. 母公司 *tu gongsi* – материнская компания;
2. 子公司 *zi gongsi* – дочерняя компания;
2. 总公司 *zong gongsi* – головная компания;
3. 分公司 *fen gongsi* – отделение компании.

Номенклатура должностей:

1. 副总经理 *fu zong jingli* – вице-президент;
2. 总经理 *zong jingli* – генеральный директор;
3. 商务经理 *shangwu jingli* – коммерческий директор;
4. 主任商品员 *zhuren shangpin yuan* – старший товаровед.

Однородность стилистической окраски лексики деловой письменной речи достигается и за счет высокой частотности, так называемой процедурной лексики (это лексика с обобщенным значением), представляющей в тексте документа конкретное действие, предмет или признак в официально-правовой интерпретации:

违反劳动纪律 *weifan laodong jilu* – «нарушение трудовой дисциплины» (это может быть опоздание, прогул, явка на работу в нетрезвом виде и т. д.);

破坏交货进度表 *pohuai jiaohuo jindubiao* – «срыв графика поставок» (задержка в пути, несвоевременная отгрузка товара и т. д.);

承担责任 *chengdan zeren* – «нести ответственность» (подвергаться в случае нарушения штрафам, материальным взысканиям, уголовному преследованию и т. д.).

Процедура представления связана не только с предпочтением обобщенной семантики, но и с предпочтением родовых лексем видовым:

1. 产品 *changpin* – 车床 *checuang*, 钉子 *dingzi*, 罐头 *guantou* – «продукция – станки, гвозди, консервы»;

2. 建筑物 *jianzhuwu* – 棚子 *pengzi*, 房子 *fangzi*, 仓库 *chuangku* – «постройка – сарай, дом, ларек».

В текстах документов не допускается употребления бранных слов и вообще сниженной лексики, разговорных выражений и жаргонизмов. Эти слова подчеркивают неофициальный характер отношений. Поэтому в деловом письме наличие разговорной лексики придает тексту оттенок панибратства, что совершенно недопустимо с точки зрения делового этикета. Такая «простота» языка может рассматриваться адресатом как недостаток образованности автора и отрицательно сказаться на деловой репутации составителя текста. Использование подобной лексики в деловых письмах так же неуместно, как использование канцеляризованных выражений в бытовой беседе, поскольку использование ее закреплено только за устной сферой общения, и она не может отвечать требованию точности.

Одним из актуальных жанров письменной деловой речи в настоящее время стал договор. Договор – это документ, закрепляющий правовые

отношения юридических лиц (контрагентов) или физического лица с юридическим. Характер сделки, условия, сроки, права и обязанности сторон непременно отражаются в соответствующих пунктах договора и составляют совокупность сведений, обеспечивающих документу правовую силу. С точки зрения текстовой организации эти пункты представляют собой модули – текстовые фрагменты с типовыми заголовками, представленные набором стандартных фраз. Минимально таких моделей должно быть семь:

1. 签约双方的名称 *qianyue shuangfangde mingcheng* – представление сторон;

2. 合同对象 *hetong duixiang* – предмет договора;

3. 双方义务 *shuangfang yiwu* – обязательства сторон;

4. 结算程序条件 *jiesuan chengxu tiaojian* – условия и порядок расчетов;

5. 双方责任 *shuangfang zeren* – ответственность сторон;

6. 合同有效期 *hetong youxiaoqi* – срок действия договора;

7. 双方法定地址 *shuangfang fadiding dizhi* – юридические адреса сторон.

Помимо перечисленных, в текст договора вводятся при необходимости следующие пункты:

1. 争议的方面 *zhengyide fangmian* – спорные вопросы;

2. 合同总金额 *hetong zong jin e* – стоимость договора;

3. 其他条件 *qita tiaojian* – дополнительные условия (особые условия);

4. 罚款制裁 *fakuan zhidai* – штрафные санкции;

5. 不可抗力 *bu ke kangli* – обстоятельства непреодолимой силы (форс-мажор);

6. 质量保证 *zhiliang baozheng* – гарантии качества товара;

7. 仲裁 *zhongcai* – порядок разрешения споров (арбитраж) и т. д.

Документ – это текст, управляющий действиями людей и обладающий юридической значимостью. Отсюда повышенное требование точности, не допускающей интолкования, предъявляемое к тексту документов. Соответствовать этому требованию может только письменная речь, подготовленная и отредактированная.

Помимо требования денотативной точности, к языку документов предъявляются требования коммуникативной точности адекватного отражения действительности, отражения мысли автора в речевом фрагменте (предложении, тексте). Поэтому в документах используются клишированные стандартные фразы.

Клише, используемые в контрактах:

1. 在...条件下售方售出, 购方购入.

Zai...tiaojianxia shoufang shouchu, goufang gouri

«На условиях...продавец продал, а покупатель купил».

2. 按本合同所售之货物价格应作如下理解.



An ben hetong suoshou zhi shouwu jiage ying zuo ruxia lijie

«Цены на товар, поставляемый по настоящему контракту, понимаются как нижеследующие».

3. 交货应自收到...之日起...日内开始.

Jiao huo ying zi shoudao...zhi riqi... rinei kaishi

«Поставка товара должна начаться в течение...дней со дня получения».

4. 价格包括包皮, 包装和标志费在内.

Jiage baokuo baopi, baozhuang he biao zhifei zai nei

«В цену включена стоимость тары, упаковки и маркировки».

5. 允许提前交货.

Yunxu tiqian jiaohuo

«Досрочная поставка допускается».

6. 所交货物的付款应按下列方式进行...

Suo jiaohuowude gukuan ying an xialie fangshi jinxing...

«Оплата за поставляемый товар должна производиться следующим образом...».

7. 发包方支付承包方预付款为数...

Fabaofang zhifu chengbao fangyu fukuan wei shu...

«Заказчик оплачивает подрядчику аванс в размере...».

Клише, используемые в деловой переписке:

1. 为了答复贵方...月...号的询价, 通知... – «В ответ на Ваш запрос от..., просим...».

2. 我方荣幸地邀请贵方. – «Имеем честь пригласить Вас на...».

3. 附上由...信件的副本. – «Прилагаем копию письма по поводу...».

4. 请研究我方报价, 并自收到我方信件后...日内确认. – «Просим рассмотреть наше предложение и подтвердить в течение... дней со дня получения нашего письма».

5. 我方希望, 贵方重视我方的索赔要求, 并将贵方的决定立即告知我方. – «Надеемся, что Вы с должным вниманием отнесетесь к нашей рекламации и незамедлительно сообщите нам о своем решении».

6. 请协助我们追偿逾期欠款. – «Просим помочь нам во взыскании просроченной задолженности».

7. 由於下述原因, 我方不能同意贵方观点. – «Мы не можем согласиться с Вашей точкой зрения по нижеследующим причинам».

Стандартизация языка деловых бумаг обеспечивает ту степень коммуникативной точности, которая придает документу юридическую силу. Любая фраза, любое предложение должны иметь только одно значение и толкование. Чтобы достичь такой степени точности в тексте, приходится повторять одни и те же слова, названия, термины:

所供货的品质性能应与标准样品相一致, 标准样品在签订合同时交给买方, 在保证期内留存买方并在对供货品质发生争议的情况下供双方使用.

Suo gonghuode pinzhi xingneng ying yu biao zhun yangpin xiangyizhi, biao zhun yangpin zai qianding hetong shi jiaogei maifang, zai baozheng qinei liucun maifang bing zai dui gonghuo pinzhi fasheng zhengyi de qingkuang xia gong shuangfang shiyong.

«Поставленный товар по качественным характеристикам должен быть аналогичен образцам, передаваемым Покупателю при подписании контракта. Образцы должны находиться у Покупателя в течении срока гарантии и использоваться сторонами в случае возникновения спора по качеству поставленных товаров».

Процесс стандартизации и унификации охватывает все уровни деловых документов языка – лексику, морфологию, синтаксис, текстовую организацию – и определяет своеобразие и специфику официально-делового стиля. Даже известные типы текстов (повествование, описание, рассуждение) модифицируются в деловом стиле, превращаясь в типы изложения утверждающе-констатирующего или предписующе-констатирующего характера. Отсюда синтаксический монотон, лексическая однородность речи, высокая повторяемость слов.

Деловая речь накопила огромное количество проверенных многолетней практикой речевых формул, шаблонов, идиом, знание которых помогает создавать новые деловые тексты. Формула «типовая ситуация – стандартизованная речевая манера» обуславливает использование стандартных средств и помогает обеспечить ту степень точности, которая отличает документ от любой другой бумаги. Стандартизация облегчает восприятие и обработку информации, содержащейся в документе. Таким образом, официально-деловой стиль и те жанры, которыми он представлен в деловом общении, имеют ряд характерных черт, которые предполагают достаточно высокий уровень лингвистической подготовки составителя документа.

ХАШИМОВА САБОХАТ

Филология фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

Хитой тилида сўз қўшиш усулининг субъект-предикат модели ҳақида

Аннотация. Ушбу мақолада хитой тилида кенг қўлланадиган сўз қўшиш моделининг субъект-предикат модели ҳақида баён этилади.

Таянч сўз ва иборалар: сўз ясалиши, субъект-предикат модель, лексика, морфема, иероглиф, субъект, конструкция, сўз бирикмаси.

Аннотация. В данной статье исследуются особенности субъектно-предикативной модели словосложения в китайском языке.

Опорные слова и выражения: словообразование, субъектно-предикативная модель, лексика, морфема, иероглиф, субъект, конструкция, словосочетание.



Abstract. The paper investigates the features of subject-predicative model of a composition in Chinese language.

Keywords and expressions: composition, subject-predicative model, lexicon, morpheme, hieroglyph, subject, construction, phrase.

Хитой тилшунослигида мазкур моделни белгилаш учун бир нечта термин қўлланади. Булар: 主谓式 *zhuweishi* – субъект-предикат модель, 陈述式 *chenshushi* – дарак модели, 述说式 *shushuoshi* – баён этувчи, тушунтирувчи модель, 表述式 *biaoshushi* – баён этувчи, дарак модели.

Биринчи 主谓式 *zhuweishi* атамаси кўп тилшунос олимлар, жумладан, Лу Чживэй¹, Чжу Дэси², Чжан Цзин³, Цзинь Шаочжи⁴ ва бошқаларнинг ишларида қўлланади.

Қатор тилшунослар, масалан, Чжан Чжигун⁵, Ху Юйшу⁶ ва Пекин университети томонидан нашр этилган замонавий хитой тили дарслигининг муаллифлари бу моделни 陈述 *chenshu* сўзма-сўз айтганда “баён этиш”, “хикоя қилиш”, деб атайдилар.

Ли Цзиньси⁷, Чжан Шоукан⁸ бу моделни белгилаш учун 述说 *shushuo* “баён этмок”, “тушунтирмак” атамасини, Чжоу Цзумо 表述 *biaoshu* “хикоя қилмок” атамасини қўллайдилар.

Кўриб чиқилаётган моделнинг моҳияти шундан иборатки, биринчи (предметли) негиз субъект ролини бажаради ва сўз ҳосил қилган ҳолда, иккинчи (одатда, феълли ёки сифатли) негиз билан субъект-предикат муносабатга киришади. Тузилиши жиҳатидан бу модель оддий дарак гап схемасига мос келиб, бу ҳолат мазкур моделнинг номида ўз аксини топган.

Одатда, субъект-предикат модель сўз ясалишнинг энг самарали моделлари қаторига киритилмайди. Бирок, мазкур модель замонавий хитой тилида от, сифат ва феъллар ясаладиган, сўз қўшишнинг бешта асосий сўз ясовчи моделларидан бири бўлиб қолмоқда. Қуйида мазкур модель бўйича турли сўз туркумига оид сўзларнинг ясалишини кўриб чиқамиз. Хусусан, отларда ушбу модель асосида ясалган сўзларга қуйидагиларни мисол тарикасида келтирамиз: 地震 *dizhen* – зилзила (ер + титратмок), 地动 *didong* – зилзила (ер + ҳаракатланмок), 花生 *huasheng* – ерғоқ (гул + тутилмок), 地方 *difang* – дамба (тўғон + олдини олмок), 政治 *zhengzhi* – сиёсат

¹Lu Zhiwei. Hanyudegoucifa. – Beijing, 1957. 160 ye.

²Zhu Dexi. Yufajiangyi. – Beijing, 1982. 231 ye.

³Zhang Jin. Ju, cizu, juzi. – Haerbing, 1984. 199 ye.

⁴Jin Shaozhi. Cihui. – Beijing, 1963. 316 ye.

⁵Zhang Zhigun. Xiandaihanyu. – Beijing, 1983. 523 ye.

⁶Hu Yushu. Xiandaihanyu. – Beijing, 1983. 568 ye.

⁷Li Jingxi. Hanyuyufajiaocai. – Beijing, 1959. 595 ye.

⁸Zhang Shoukan. Goucifa he gouxingfa. – Hubei, 1981. 96 ye.

⁹Zhou Zumo. Hanyucihuijianghua. – Beijing, 1962. 110 ye.

(бошқариш, сиёсат + бошқармоқ), 手续 *shouxu* – расмийчилик, тартиб (қўл + давом этмоқ), 笔误 *biwu* – ёзувдаги хато (мўйқалам, ручка + хато қилмоқ), 事变 *shibian* – воқеалар, ўзгаришлар (иш + ўзгармоқ, айланмоқ).

Субъект-предикат модель бўйича ясалган отларнинг кўпчилиги терминологик лексикага тааллуқли. Масалан: 血肿 *xuezhong* – гематома, 脉搏 *maibo* – пульс, 电流 *dianliu* – ток (электр+оқмоқ, куйилмоқ), 色散 *sesan* – дисперсия (ранг + тарқалмоқ), 位移 *weiyi* – силжиш (ўрин + силжимоқ, сурмоқ), 骨折 *guzhe* – синиш (суяк + синмоқ). Ян Цзинсюань¹ ва Жэнь Сюэлян² субъект-предикат модель бўйича нафақат икки бўғинли, балки уч бўғинли отлар ҳам ясалади, деб таъкидлайдилар. Масалан: 心绞痛 *xinjiaotong* – стенокардия (юрак + босмоқ, бўғмоқ), 肝硬化 *ganyingbian* – жигар циррози (жигар + қотмоқ), 胃下垂 *weixiachui* – гастроптоз (меъда + осилиб қолмоқ). Юқорида келтирилган мисоллардан уч бўғинли отлар ҳам терминологик характерга эга эканлиги кўриниб турибди.

Ушбу модель бўйича сифат сўз туркумига оид сўзлар ҳам ясалади: 面熟 *mianshu* – таниш (шахс + таниш, машхур), 眼熟 *yanshu* – таниш (кўз + таниш, машхур), 眼生 *yansheng* – нотаниш (илгари номаълум бўлган) (кўз + туғилмоқ), 口紧 *koujin* – эҳтиёткор (сўзларда) (оғиз + тортиб қўймоқ), 口小 *kouxiao* – чучук, шўр бўлмаган (оғиз + кичик), 自动 *zidong* – автоматик (ўзи + ҳаракатланмоқ).

Шунингдек, феълларга мисол тариқасида куйидагиларни келтирамыз: 眼红 *yanhong* – ҳасад қилмоқ, газабланмоқ (кўз + қизил), 眼热 *yanre* – ҳасад қилмоқ (кўз + иссиқ), 首肯 *shouken* – рози бўлмоқ, розилик бермоқ (бош + рози бўлмоқ), 目击 *muji* – ўз кўзи билан кўрмоқ, гувоҳи бўлмоқ (кўз + тўқнашмоқ), 自认 *ziren* – тан олмоқ (ўзи + тан олмоқ).

Турли хил хитой тили мутахассислари томонидан субъект-предикат модель бўйича ясалган сўзларни таснифлашга уринишлар қилинган. Чунончи, В. Горелов бу турдаги барча мураккаб сўзларни икки турга бўлади. “Биринчи тур икки морфемаларнинг йиғиндисини ифодалаб, улардан биринчиси предметни, иккинчиси эса предметнинг ўзгарувчан белгиси сифатидаги ҳаракатни англатади. Иккинчи тур шундай морфемаларнинг йиғиндисини ифодалайдики, улардан биринчиси предметни белгиласа, иккинчиси предметнинг доимий белгисини англатувчи сифат кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади”³. Биринчи турга у 地震 *dizhen* – zilзила (ер + титратмоқ) каби сўзларни, иккинчи турга – 年轻 *nianqing* – ёш (йиллар + енгил) каби сўзларни киритади.

¹Yan Jingxun. Yixucigoucifa. – Beijing, 1983. 87–92ye.

²Ren Xueliang. Hanyuzaocifa. – Beijing, 1980. 137 ye.

³Горелов В. Лексикология китайского языка. – М.: Просвещение, 1984. – С. 38–39.

❧• Чжан Шоукан субъект-предикат модель бўйича ясалган барча сўзларни икки гуруҳга ажратади¹. Биринчи гуруҳни иккита кичик гуруҳга бўлади.

А. Хаматова уларни 1а ва 1б деб белгилайди². 1а кенжа гуруҳ сўзлари иккита морфемадан иборат бўлиб, улардан биринчиси, кўп ҳолларда, тана қисмларини англатувчи субъект бўлса, иккинчи морфема эса биринчи морфема билан белгиланган субъектнинг характери ёки ҳаракатини таърифлайди. Масалан: 心急 *xīnji* – ҳаяжонланмоқ, асабийлашмоқ (юрак + ҳаяжонланмоқ), 口吃 *kouchi* – дудукланмоқ (оғиз + тутилмоқ, дудукланмоқ), 性急 *xíngjī* – бесабр, сабрсизлик (характер + шошилмоқ), 胆怯 *dānqiè* – кўрқоклик қилмоқ, чўчимоқ (ўт пуфаги + кўркмоқ), 胆小 *dǎnxiǎo* – журъатсиз, кўрқок (ўт пуфаги + кичик).

1б кичик гуруҳнинг биринчи морфемаларини 自 *zì* – ўзи, шахсан деган морфема, иккинчисини эса феъл бўлган сўзлар ташкил этади. Чжан Шоуканнинг фикрича, бу сўзлар қадимги хитой тилининг субъект-предикат конструкциясидан шаклланган. А. Хаматова томонидан 常用构词字典 *Changyong goucǐ zìdiǎn* лугатида саксонга яқин шунга ўхшаш сўзлар борлиги айтиб ўтилган. Масалан: 自稳 *zìwěn* – ўзини сўймоқ (ўзи + кесилмоқ, сўймоқ), 自卫 *zìwèi* – ўзини муҳофаза қилмоқ (ўзи + ҳимоя қилмоқ, кўриқламоқ), 自私 *zìsī* – ўзини яхши кўрадиган, ғаразли (ўзи + худбин), 自学 *zìxué* – ўз билимини ошириш (ўзи + ўқимоқ), 自觉 *zìjué* – ўз саломатлиги (ўзи + ҳис этмоқ), 自豪 *zìhào* – фахрланмоқ (ўзи + мард, довиорак), 自满 *zìmǎn* – ўзидан мамнун бўлмоқ (ўзи + мамнун бўлмоқ). Кўриб чиқилаётган иккинчи гуруҳга Чжан Шоукан табиий ҳодисаларни ифодаловчи сўзларни киритади. Масалан: 霜降 *shuāngjiàng* – қиров тушмоқ (қиров + тушмоқ, ёғмоқ), 月亮 *yueliáng* – ой (ой + ёрқин), 日食 *rìshí* – қуёш тугилиши (қуёш + йўқотмоқ).

Бирок, тадқиқ этилаётган лугат материаллари, Чжан Шоукан ажратаётган гуруҳлар замонавий хитой тилининг субъект-предикат модель бўйича ясалган лексиканинг бутун ҳажмини камраб олмаслигини кўрсатади. Чунончи, масалан, қуйида келтирилган мисоллар Чжан Шоукан белгилаган икки гуруҳ доирасига тўғри келмайди: 民主 *mínzhǔ* – демократия (халқ + ҳўжайин бўлмоқ), 段落 *duànluò* – бўлим, сўзбоши, жумла (кесма + тушмоқ), 年轻 *niánqīng* – ёш (йиллар + енгил).

Бошқа сўз ясовчи моделлардаги каби, субъект-предикат модель бўйича ясалган сўзларни ҳам компонентлари ўртасида бир турдаги муносабатларга эга бўлган сўз бирикмаларидан фарқ қилиш керак. Хитойлик ва юртимиз

¹ Zhang Shoukan Goucifa he gouxingfa. – Hubei, 1981. – 45ye.

² Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С.162.

лингвистлари уларни ажратишнинг бир нечта конкрет усулларини таклиф этадилар. Биринчидан, бундай тузилмаларнинг компонентларидан биттасини замонавий хитой тилида мустақил сўз сифатида ишлатиш мумкин бўлса, у ҳолда бу тузилма сўз деб тан олинади. Масалан: 胆小 *danxiao* – журъатсиз, кўрқок, 性急 *xingji* – бесабр, 眼红 *yanhong* – ҳасад килмок, 面熟 *mianshu* – таниш, 气馁 *qinei* – тушқунликка тушмок, 自卑 *zibei* – ўзини камситиш, 豪 *zihao* – мағрур, гердайган. Юқорида келтирилган субъект-предикат тузилмаларда замонавий хитой тилида фақат морфемалар даражасида мавжуд бўлган, синтаксик мустақилликка эга бўлмаган, демак, сўз бирикмасининг қисми бўлолмайдиган компонентлар мавжуд. Булар 胆 *dan*, 性 *xing*, 眼 *yan*, 面 *mian*, 馁 *nei* морфемалари. Иккита охириги мисолда иккала ташкил этувчи компонентда ҳам замонавий хитой тилида синтаксик мустақилликка эга эмас: 自 *zi*, 卑 *bei*, 豪 *hao*. Шунга асосан юқорида келтирилган мисолларни сўзларга киритиш мумкин.

Иккинчидан, агар субъект-предикат тузилмалар компонентлари ўртасига равишни қўллаш мумкин бўлмаса ва агар равиш қўйилгандан сўнг дастлабки маъно ўзгарган бўлса, у ҳолда бундай тузилмани, Вэнь Цзинининг фикрича, сўзларга киритиш мумкин. Масалан: 年老 *nianlao* – қари, 年轻 *nianqing* – ёш, 气闷 *qimen* – зерикарли, 肉麻 *rouma* – кўнгил айнаш, 心跳 *xintiao* – юрак уриши, 手硬 *shouying* – қаттиқ (характер тўғрисида). Келтирилган тузилмалар замонавий хитой тилида синтаксик мустақилликка эга бўлган компонентларни ўз ичига олади, аммо биринчи тўртта тузилмани равишлар билан ажратиб бўлмайди. Унга охириги бундай хусусиятга эга эмас, бироқ уларни ажратишда дастлабки маъно йўқолади, яъни равиш ёрдамида ҳосил бўлган тузилма дастлабки билан умумий маънога эга бўлмай қолади. Масалан: 心不跳 *xin bu tiao* – юрак урмайпти, 花很红 *hua hen hong* – қизил гуллар. Агар биз субъект-предикат сўз бирикмасини равиш билан ажратсак, у ҳолда ҳосил бўлган тузилманинг маъноси дастлабки билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Учинчидан, субъект-предикат модель бўйича ясалган сўзлар (сифатлар ва феъллар) аниқловчи сифатида даража равишига эга бўлиши мумкин, субъект-предикат сўз бирикмалар эса бундай хусусиятга эга эмас¹. Масалан: 很胆小 *hen danxiao* – жуда журъатсиз, 十分年轻 *shifen nianqing* – жуда ёш. Субъект-предикат сўз бирикмалар ўз олдида ўзгача характердаги равишларга эга бўлади: 本来事少 *benlai shi shao* – том маънода айтганда, иш кам, 常常脚痛 *changchang jiao tong* – оёқ тез-тез оғриб туради. Субъект-предикат муносабатли тузилмалар орасида шундайлари ҳам борки, улар ҳам сўзлар, ҳам сўз бирикмаларининг хусусиятларига эга. Булар қуйидаги турдаги

¹ Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С. 223.



тузилмалардир: 头痛 *toutong* – бош оғрияпти, бош оғриги, 心疼 *xinteng* – ачинмок, дили оғримок, жонини бермок, 心慌 *xinhuang* – ташвишланмок, уялмок. Бу тузилмалар замонавий хитой тилида синтактик мустақилликка эга бўлган компонентлардан тузилган: 心 *xin* – юрак, 痛 *tong* – оғримок, 疼 *teng* – оғримок, 头 *tou* – бош, 慌 *huang* – ўзини йўқотмок, ҳаяжонланмок. Кўрсатилган тузилмалар қисмлари орасига 不 *bu* ва 也 *ye* равишларини қабул қилган ҳолда ажралишлари мумкин, бунда ҳосил бўлган тузилманинг маъноси дастлабкиси билан ҳамбарчас боғлиқ бўлади. Масалан: 头痛 *toutong* – бош оғрияпти, 头也痛 *tou ye teng* – бош ҳам оғрияпти, 心疼 *xinteng* – дили оғримок, юраги оғримок, 心不疼 *xin bu teng* – юрак оғримаяпти, дили оғримаяпти. Бошқа тарафдан, бундай тузилмалар аниқловчи сифатида даража равишини қабул қилиши мумкин. Масалан: 很头痛 *hen toutong* – бош жуда оғрияпти, 顶心慌 *ding xinhuang* – жуда уялмок, жуда ҳаяжонланмок. Бу тузилмаларни хитойлик лингвистлар, феълли-тўлдирувчи тузилмалар каби 离合词 *liheci*га, яъни ажрала оладиган сўзларга киритадилар.

Шубҳасиз, сўзларни ва сўз бирикмаларини ажратишда нафакат уларнинг грамматик хусусиятларини, балки фонетик, лексик, маъновий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Хусусан, субъект-предикат модель бўйича ясалган сўзни талаффуз этганда унинг компонентлари орасида пауза йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, субъект ва предикат орасида эса хитой фонетикаси қонунилари бўйича пауза бўлиши шарт. Шунинг учун 胆小 *danxiao* – журъатсиз, кўрқок, 性急 *xingji* – бесабр, сўзлари паузасиз талаффуз этилади, 胆子小 *danzi xiao* – журъатсизлардан ва 性子急 *xingzi ji* – қизикқон характерли сўз бирикмаларида эса 胆子 *danzi* ва 性子 *xingzi*дан сўнг қисқа муддатли пауза бўлиши керак.

Субъект-предикат модель бўйича ясалган сўзлар билан бир турдаги сўз бирикмалари ўртасида семантик фарқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ажратишда қуйидагиларни қўллаш таклиф этилади. Чунончи, бутун сўз бирикмасининг маъноси уни ташкил этган сўзларнинг конкрет маъносидан ҳосил бўлади. Масалан: 脚痛 *jiaoteng* – оёқ оғрияпти (оёқ + оғримок), 山高 *shangao* – тоғ баланд (тоғ + баланд), 腰细 *yaoxi* – бел ингичка (бел + ингичка). Сўзнинг маъноси, кўпинча, идиоматик бўлиб, ҳар доим уни ташкил этган морфемаларнинг конкрет маъносидан чиқариб олиш имкони бўлмайди. Масалан, 手硬 *shouying* – қаттиқ (характер тўғрисида) ва 肉麻 *rouma* – кўнгил айнимокда сўзларининг маъноси уларни ташкил этган морфемаларнинг маъносига мос келмайди: 手 *shou* – қўл + 硬 *ying* – қаттиқ, 肉 *rou* – гўшт + 麻 *ma* – увишмок.

Шундай қилиб, субъект-предикат модель замонавий хитой тилида сўз қўйишининг бешта асосий моделларидан бири бўлиб, у бўйича отлар,

сифатлар ва феъллар ясалади. Тилшунослар томонидан уларни ажратиш учун қатор мезонлар таклиф этилади. Бунда турли омилларни: фонетик, лексик, морфологик ва синтаксик омилларни ҳисобга олиш керак, буни бир неча бор ҳам юртимиз, ҳам хитойлик тилшунослар таъкидлаганлар. Замонавий хитой тилининг барча субъект-предикат модель ва субъект-предикат тузилмаларини тилшунослар 离合词 *liheci* деб аталувчи сўзларга ва сўз бирикмаларига ажратадилар.

АХМЕДОВА ДИЛФУЗА

Филология фанлари номзоди, катта илмий ходим-изланувчи, ТошДШИ

Форс тилида олмошларнинг публицистик матилардаги услубий ва функционал хусусиятлари

Аннотация. Мазкур мақола форс тилида олмошларнинг газета матиларидаги функционал ва услубий хусусиятларини ёритишга бағишланган. Мақолада форс тили грамматикасида ажратилган олмошларнинг барча семантик гуруҳлари таҳлилга тортилган.

Таянч сўз ва иборалар: функционал услублар, публицистик услуб, публицистик жанр, газета тили, олмош, синонимия.

Аннотация. Данная статья посвящена анализу функционально-стилистических особенностей местоимений, проведен также анализ всех семантических групп местоимений персидского языка.

Опорные слова и выражения: функциональные стили, публицистический стиль, жанры публицистического стиля, язык газеты, местоимение, синонимия.

Abstract. This article is devoted to the analysis of functionally stylistic features of pronouns the analysis of all semantic groups of pronouns of Persian language is carried also out.

Abstract. This article deals with the analysis of functional stylistic features of pronouns the analysis of all semantic groups of pronouns of Persian language is carried also out.

Keywords and expressions: functional styles, publicistic style, genres of publicistic style, newspaper language, pronoun, synonymy.

Бугунги кунда форс тилини яхлит бир тизим сифатида ўрганиш, унинг нуқтий маданиятини замон талаблари даражасига кўтариш фаолиятимизнинг таркибий қисмига айланди. Форс тили сўз туркумларига оид луғавий бирликларни функционал-стилистик аспектда ўрганиш ана шу масалаларнинг маълум қисмини ҳал этишга кўмаклашади. Ўзбек ва рус тилшунослигида сўз туркумларининг функционал-стилистик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган бир қатор ишлар амалга оширилган. Аммо эрон тилшунослиги, хусусан, ўзбек ва рус эроншуносликларида бу

борада хал этилиши ва ўрганилиши лозим бўлган муаммолар анчагина. Шулардан бири алоҳида лингвистик хусусиятларга эга бўлган олмошларни стилистик йўналишда таҳлил этиш бўлиб ҳисобланади. Шу пайтга қадар олмошларнинг функционал-стилистик имкониятлари яхлит ҳолда тадқиқ этилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Олмошлардаги стилистик оттенкаларнинг юзага келишида нутқий вазиятда бошқа сўз туркумларига оид бўлган сўзларнинг олмош вазифасини бажариши, олмошларнинг гапда грамматик вазифадан бошқа вазифаларни ҳам адо этиши, улардаги вариантларнинг бири ўрнида иккинчисининг қўлланиши, уларнинг функционал услублар доирасида чегараланиши каби ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу жараёни таҳлил қилиш эса олмошларнинг лингвистик моҳиятини тўлароқ англашга имкон беради.

Форс тилида бошқа сўзларга нисбатан олмошлар сон жиҳатдан озчиликни ташкил қилади. Шундай бўлса ҳам, универсаллиги ва қўлланиш частотасининг фаоллиги билан бошқа сўз туркумларидан жиддий фарқланади. "Мавҳумлик даражасининг кучлилиги уларнинг ёрдамчи сўзлар вазифасини бажаришига шароит яратади".¹ А. Г. Елисеева ва О. Н. Селиверстовалар олмошлар семантик жиҳатдан энг жумбоқ сўзлар тоифасига киришини қайд этишган эди.²

Шунинг учун ҳам анъанавий грамматикадаги олмошларга бўлган муносабат доирасидан четга чиқиши ва уларнинг стилистик имкониятлари таҳлили этилиши ана шу универсаллигининг нимадан иборат эканлиги ҳақидаги саволларга ижобий жавоб беради. Олмошларнинг функционал стилистик таҳлилини ҳам умумлингвистик таҳлил комплексида олиб қараш кутилган натижаларни беради. Чунки тил бирликларини бу тарзда яхлит олиб ўрганиш уларнинг нутқий табиатини ҳаминша тўлароқ англашимизга ва шу асосда мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишимизга олиб келган.

Кишилиқ олмошларининг функционал-стилистик хусусиятлари.

Кишилиқ олмошлари деб номланувчи олмошлар шахсларга нисбатан қўлланиб, грамматик жиҳатдан шахс отлари вазифасини бажаради. Форс тилида кишилиқ олмошлари – "мен", *من* "sen", *تو* "биз", *ما* "сиз", *شما* кишилиқ-кўрсатиш олмошлари – *او* "у", *وي* "улар" юзасидан олиб борилган кузатишлар бу элементларнинг стилистик имкониятлари кенг эканлигини кўрсатди.

من олмоши.

Бу олмошга синоним сифатида *بندہ*, *چاکر*, *حقیر*, *احقر*, *اینجانب*, *انجانب* сўзлари қўлланилади. Тилнинг функционаллиги нуқтаи назаридан қайд этиш мумкинки, *من* ўрнида бу сўзларни қўллаш образлилик ва таъсирчанликка

¹ Майтинская К. Е. К происхождению местоименных слов в языках разных систем // Вопросы языкознания. – М., 1966. № 1. – С. 16.

² Елисеева А. Г., Селиверстова О. Н. Семантическая структура местоименного значения // Вопросы языкознания. – М., 1987. № 1. – С. 79.

катта хизмат қилиши мумкин бўлгани ҳолда, уларнинг ўрнида *من* ни қўллаш бунинг акс натижасини бериши кузатилади.

Масалан: *حقیر چاکر بندہ بیا امروز با من به مهمتی برو* жумласидаги *من* олмоши *بندہ چاکر* ҳаққари вариантлари билан алмаштирилиши мумкин, лекин унинг ўрнига *بیا امروز* ҳаққари вариантлари билан алмаштирилиши услубий номуносивбликка олиб келади.

Кишилиқ олмошлари ўзининг кичик доирасида – шахсни кўрсатиш жараёнида ҳам ўзаро синонимик муносабатга киришиши мумкин. Масалан, матнларда алоҳида мақсадлардан келиб чиқиб, *ما* олмоши *من* олмошининг ўрнида яқка шахсга нисбатан қўлланади. Бундай пайтда унинг семантик маъносида икки йўналишни кузатиш мумкин: бир томондан, мактаниш, гурурланиш каби маъноларни, иккинчи томондан эса, камтарлиқ маъносини ифодалайди. *ما* олмошининг яқка шахс ва камтарлиқ маъносида қўлланиши кўпинча илмий адабиётлар ҳамда газета матнларида учрайди.

Ушбу таъсир нимага олиб келишини кутамиз. (2:3) *ما منتظریم ببینیم این تاثیرات چطور دنبال میشود*

Юқорида санаб ўтилган *بندہ چاکر*, *حقیر*, *احقر*, *انجانب*, *اینجانب* каби сўзлар кишилиқ олмошларининг эквиваленти саналса-да, улар турли услубий қатламга мансуб¹. *من* меъёрий ва оғзаки тилга хос бўлса, *حقیر*, *چاکر*, *احقر* вариантлари эпистоляр услубга хос, *انجانب*, *اینجانب* вариантлари эса расмий услубга хос ҳисобланади. Публицистик услуб, шу жумладан, газета услуби расмий ва адабий услуб элементларини ўзида мужассам этганини инобатга олсак, *انجانب*, *اینجانب* вариантларини газета тилига хос вариантлар деб олсак муболага бўлмайди.

Мең ислом оламига Аллоҳдан илтижо қилиб қоламан. (2:6) *اینجانب به جهان اسلام از خداوند متعال مسئلت دارم*

Таҳлиллар натижаси газета матнларида *من* кишилиқ олмоши каммаҳсул эканлигини кўрсатди. Умумий тўпланган мисоллардан 5% дагина *من* кишилиқ олмоши ишлатилиши кузатилди. *من* кишилиқ олмоши асосан кишиларнинг гаплари кўчирма тарзда келтирилаётганда ишлатилади.

مک کلور با اشاره به مشابهتهایی از بازار ترکیه و اندونزی به ایران گفت که من به تهریمها علیه ایران اهمیتی نمیدهم (1:4)

Мак Клевер Туркия ва Индонезия бозорининг Эрон бозорига ўхшашлигига тўхталиб деди: менга Эронга қарши санкциялар аҳамиятга эга эмас

олмоши.

Ушбу олмошининг стилистик имкониятлари ҳам *من* олмоши сингаридир. Яъни, у ҳам сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни таъкидлаш оттенкасини беради:

¹ Рубинчик Ю. А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М., 2001.



Аммо сен уни билмайсан. Ҳа билмайсан. Бле неиданли. اورا نهيدانلي.

Олмошнинг тушиб қолиши гапнинг мазмунига путур етказмайди, унинг кимга қаратилгани феълдан англашаверади. Лекин унинг қўлланмаслиги бараварида таъкидлаш оттенкаси ҳам йўқолади:

Аммо уни билмайсан. Ҳа билмайсан. بله نمیدانی. اما اورا نمیدانی.

оқлоғи мен ўрнида ҳам қўлланилади ва кучли бидий-эстетик таъсир кучига эга бўлади. Бундай қўлланиш сўзловчининг ўзига-ўзи хаёлан мурожаат қилганида акс этади. Лекин оқлоғининг қўлланиш имконияти газета матнлари доирасида чегараланган.

олмонлари. ۋى ۋا

Форс тилида **о** ва **олмошлари** синоним саналиб, ҳар иккаласининг маъно англатиш имконияти бир хил. Лекин бу икки олмошнинг стилистик имкониятлари бир-биридан фарқ қилади. **о** олмоши универсал саналиб, барча услубларда қўлланиши мумкин. Лекин унинг ишлатилиши асосан оғзаки ва меъерий тилга ҳос. Газета матнларида **о** олмошига синоним равишда **у** олмошининг ишлатилиши сермахсул саналади. Биз таҳлил қилган газета матнларида 3-шахс birlikни ифодаловчи олмошлар ичида **о** 15% ни **у** 85% ташкил этди.

Ундан сўнг Бехруз Абади сўзга
 (2:8) پس از او بهروز عدى پشت تريبون ايستد
 چىكди.

Форсий газета тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда бирор шахс нутқи ёки суҳбатининг берилишида ҳар бир жумладан олдин *ادامه* (даме) *وې اغزود* (ве агзуд), *وې اضافہ کرد* (ве асвафхе کرد), *وې اظهار داشت* (ве агвар харашт), *وې گفت* (ве гхфт), *وې تصریح کرد* (ве тхсрех کرد), *وې ادامه داد* (ве адаме дад), *خاطر نشان کرد* (хатар нашан کرد) каби бирикмалар келади. Газета матиларида ана шундай бирикмалар таркибиде *او* (о) эмас *وې* (ве) олмоши кенг ишлатилиши кузатилди.

У давом этти: бу (1:3) **В**и адამе داد: البته این بر خلاف اراده دشمنان ایران اسلامی بود
 албатта Эроннинг душмандари истагига қарши бўлди.

Форс тилида газета матнларида рахбар, президент ёки юқори мансдорлар ва руҳонийлар ҳақида сўз юритилганда гапда қайтариққа йўл қўймаслик мақсадида уларни ифодалаш учун مرجع انقلاب, رهبر معظم مقام معظم, رهبری каби шакллари қўлланилади.

ما اَلْمَوْحِن.

Бу олмошнинг грамматик вазифаси сўзловчи ва унинг сўзлаш жараёнида ёки ҳаракатнинг бажарилишига алоқадор бўлган бошқа шахсларни ҳам

ифодалашдан иборатдир. **ما** олмошининг 1-шахс кўпликни англатиши доирасидан ташқарига чиқиши семантик-стилистик маъноларни вужудга келтиради. Шу нуқтаи назардан **ما** олмоши ва унинг **ها** кўшимчасини олган **ماها** шакли англатадиган камтарлик, мағрурлик, манманлик маънолари унинг семантик-стилистик маънолари бўлиб ҳисобланади.

ما олмошининг айнан бир формада камтарлик ва манманлик маъноларини ифодалаш кизик ҳодисадир. Чунки бу маънолар бир-бирига карама-қарши маънолардир. **ما** олмошининг бу иккала маъноси унинг кўпликни, жамоа шахсни ифодалаш хусусиятидан келиб чиқади. **ما** олмошининг газета матнларида қўлланишига тўхаталадиган бўлсак, бу олмош журналистлар тишидан мустаҳкам ўрин олган олмош саналади ва репортаж, интервью, шарҳ каби жанрларга оид матнларда фаол қўлланади.

ما (1:8) *Биз шаҳидларимизни доимо ёдда сақлашимиз керак.*

олмоши.

ما олмоши тингловчининг бирдан ортиқлигини ифодалаш унинг грамматик маъноси бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги форс тилида ёши катта кишига нисбатан қўлланиши меъёрлашган. Шунинг учун ҳам кўпликни ифодалашга эҳтиёж сезилганда ҳозирги форс тилида унинг **ماها** шаклига мурожаат қилинади.

Газета матнларида **ما** олмоши интервьюда савол берувчи томонидан давлат раҳбарлари нутқида мурожаат сифатида кенг ишлатилади.

олмошлари.

Бу олмошлар газета матнларида фаол қўлланувчи олмошлар саналади. **انها** олмоши 3-шахс кўplik маъносини англатиб, **ان** кўрсатиш олмоши ва **ها** кўplik кўшимчасининг қўшилишидан ясалган.

انها (1:6) *Бу муаммони ҳал қилиш учун уларнинг аниқ дастурлари бўлиши керак.*

Кузатувлар жараёнида газета матнларида **انها** олмошига синоним равишда **انل** шаклининг қўлланиши ҳам сермахсул эканлиги маълум бўлди.

انها (3:9) *Биз улар оилаларининг моддий ва маънавий қийинчиликларини камайтиришига ҳаракат қилмоқдамиз.*

Форс тилида 3-шахс кўпликни ифодаловчи **ايشان** кишилиқ олмоши ҳам мавжуд. Бу олмошнинг **انها** олмошидан фарқи, асосан ҳурмат маъносини англатиб, кўплика нисбатан эмас, бирликка нисбатан қўлланади. Бу олмошнинг газета матнларида қўлланиши сермахсул саналади.

...ايشان با بيان اين مطلب خاطرنشان ساختند...
таъкидладилар...

Эгалик олмошларининг функционал-стилистик хусусиятлари.

Форс тилида тегишлиликни таркибида кишилик олмошлари мавжуд изофий бирикмалар англатади. Кишилик олмошларининг қараткич вазифасида келиши газета матнларида кўп учрайди.

Тегислиликни изофий бирикмадан ташқари эгалик олмошлари ҳам ифодалаш имконига эга. Бу турдаги олмошлар ўзи мустақил равишда ишлатилмай, ўзидан олдинги сўзга қўшилиб келади. Эгалик олмошлари қўлланиш ва гапда бажариб келаётган вазифаси жиҳатидан кишилик олмошларидан фарқланмайди. Стилистик жиҳатдан оладиган бўлсак, эгалик олмошлари форс тилида асосан оғзаки услубга хос бўлиб, газета матнларида асосан 2-шахс кўплик шакли ишлатилиш ҳолати кузатилади. Оғзаки тилда эгалик олмошлари нафакат отларга, балки предлог ҳамда феълларга қўшилиб келиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Лекин бундай шакллар газета тилига хос бўлмай, фақат тегислилик маъносидагина қўлланади.

(3:7) محمد جواد ظريف وزير امور خارجه کشورمان به پکن سفر کرد
Ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавод Зариф Пекинга жўнаб кетди.

Кўрсатиш олмошларининг функционал-стилистик хусусиятлари.

Форс тилида кўрсатиш олмошларидан *аин* сўзловчига нисбатан яқин, *ан* эса сўзловчига нисбатан узоқда жойлашган нарсалар-предметни англатади. Кўрсатиш олмошлари гапда аниқловчи вазифасини бажаради.

(3:9) آنها کسانی هستند که میتوانند این کار را بسیار عالی انجام دهند
қўйилмақом бажара оладилар.

аин ва *ан* олмошлари 3 шахс бирликдаги кишилик олмоши ўрнида ҳам ишлатилиши мумкин¹. Лекин бундай ҳолат газета матнларида кузатилмади. *аин* ва *ан* кўрсатиш олмошларининг яна *ҳемин*, *ҳеман*, *ҷинин*, *ҷанан* шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар газета матнларида сермахсул қўлланилади.

(1:12) همین وضعیت برای نسبت سال 2012 نیز وجود دارد
2012 йилда ҳам кузатилган.

Газета матнларида *аин* кўрсатиш олмошига *а* кўплик қўшимчаси қўшилган шаклининг қўлланиши ҳам характерли ҳолат ҳисобланади.

¹ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М., 2001. – С. 172.



Юкорида **أَنتَ** кишилик олмоши 3-шахс кўплик маъносини бериши ҳақида тўхталган эдик. **أَنتَ** асосан кишиларга нисбатан қўлланса, **أَنتَ** жонсиз предметларга нисбатан қўлланади. Бу икки олмош бир хил грамматик категориялар орқали ясалса-да, улар олмошларнинг бошқа-бошқа гуруҳига мансуб. **أَنتَ** кишилик олмоши, **أَنتَ** кўрсатиш олмоши вазифасини бажариб келади.

Сўроқ олмошларининг функционал-стилистик хусусиятлари.

Сўроқ олмошлари шахсга, предметга, белгига, миқдорга, вақтга, мақсадга, сабабга ва ўринга муносабат англатади. Форс тилида уларнинг турли кўринишлари матн билан боғлиқ равишда ўзаро синоним сифатида ишлатилиши мумкин. Сўроқ олмошларидаги бу хусусият унинг нафақат бошқа мустақил сўз туркумлари ўрнида келишини, балки нутқда стилистик имкониятлари кенг эканлигини кўрсатади.

Форс тилида сўроқ олмошларидан қуйидагиларни келтириш мумкин: шахсга оид саволни билдирувчи **کِه**, предметга оид саволни билдирувчи **چِه**, миқдорни билдирувчи **چند**, вақтни билдирувчи **کِی**, сифатни билдирувчи **کدام**¹.

کِه ва **چِه** сўроқ олмошларига синоним равишда оғзаки тилда **کِی** ва **چِی** шакллари ҳам мавжуд. Лекин бу шакллар газета матнларида учрамайди.

؟ **براستی امت اسلام از کدام درد شکوه کند؟** (2:4) *Ислом умматини қандай дард қийнапти?*

Публицистиканинг танқидий ва долзарб мавзулар ёритилган жанрларида, жумладан, танқидий хабар, муаммоли репортаж, танқидий мақола кабиларда сўроқ олмошларидан кенг фойдаланилади. Муаллифнинг ўзи савол бериши ва баъзан ўзи жавоб қайтариши публицистик баён услубида қулай усул ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу мазмундаги матнларда сўроқ олмошларига тез-тез мурожаат қилиб турилади.

Бўлишсизлик олмошининг функционал-стилистик хусусиятлари.

Инкор маъносини ифода этувчи **هیچ** ва унга қўшиладиган сўзлар бўлишсизлик олмошлари сифатида газета матнларида, барча матнларда бўлгани каби, катъиятни таъкидлаш, ажратиш кўрсатиш, кескин фикр ифода этиш, қийслаш каби ҳолатларда қўлланади.

أَنتَ **به هیچکس از صغیر و کبیر هم رحم نخواهند کرد** (3:8) *Улар ҳеч кимга, каттага ҳам, кичикка ҳам раҳм қилмайдилар.*

Гумон олмошларининг функционал-стилистик хусусиятлари.

Олмошлар орасида сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этадиган гумон олмошларининг газета матнларида қўлланиши маҳсулдор. Публицистиканинг дерди барча жанрларига хос бўлган аниқликка мойиллик уларнинг фаол ишлатилишига монелик қилмайди. Форс тилида гумон олмош-

¹ Там же. – С. 179.

кабилар газета
 ١٣٠٠
 لاریدان چنڊ چنڊین، عده ای، شماری، ذره ای، بعضی، برخی، چیزی، کسی
 матиларида кенг қўлланади.

(1:5) باید با قاطعیت به برخی بهانه هایی که توسط برخی اشخاص آورده میشود پاسخ بدهند
 Баъзилар томонидан билдирилган айрим баҳоналарга қатъият билан
 жавоб беришлари керак.

Публицистика доирасида караладиган жанрларнинг кўплиги уларнинг ҳар бирининг алоҳида тил хусусиятларига эга эканлигидан далolat беради. Жанрлар ранг-баранглиги публицистик матнларда олмошларнинг ўрнини ҳам белгилab беради. Гумон маъносидаги олмошларнинг махсулдор эмаслиги публицистик жанрлардаги аниқликка мойилликнинг кучлилиги ва бунга гумон олмошлари халақит бериши билан изоҳланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, олмошларнинг фаол қўлланиши стилистик маъно оттенкалари кўламининг кенгайишига сабаб бўлади. Олмошлараро ва олмошларнинг бошқа тил элементлари билан содир бўладиган синонимияси нутқ жараёнида жуда катта қулайликлар яратади. Бу жараёнда такрордан қочиш, фикрни ранг-баранг тарзда ифода этиш масаланинг бир томони бўлса, бу муносабатлар ва ўзаро алмашилишлар туфайли турли-туман стилистик маъноларнинг ифода этилиши унинг иккинчи жиҳатидир.

МИРЗАХМЕДОВА ХУЛКАР

Ўқитувчи, ТошДШИ

Форс тилида янги терминларнинг адабий тилга ўзлашиш ҳолати

Аннотация. Мақолада "Форс тили ва адабиёти академияси"нинг тақлиф қилаётган янги терминлари ва уларнинг соҳа терминологиясида қўлланилиши борасидаги таҳлиллار ўз аксини топган. Муаллиф транспорт терминларидаги дублетлик ва уларнинг даврий нашрларда, шунингдек, соҳа адабиётларида ифодаланиши юзасидан хулосаларини келтирган.

Таянч сўз ва иборалар: термин, терминология, дублетлар, транспорт терминлари.

Аннотация. В данной статье рассматриваются новые термины, предлагаемые «Академией персидского языка и литературы» и анализ их употребления в области терминологии. Автор привел выводы о дублетности в транспортных терминах, а также об их употреблении в периодических изданиях и литературе по специальности.

Опорные слова и выражения: термин, терминология, дублеты, транспортные термины.

Abstract. The article investigates the new terms of "Academy of Persian Language and Literature" and an analysis of their applying in transport terminology. Conclusion had been given doublets of transport terms in Persian language and their using form in the terminology.

Keywords and expressions: term, terminology, doublet terms, terms of transportation.

Тилда транспорт терминларининг қўлланилиши, аввало соҳа мутахассислари ва транспортнинг маълум туридан фойдаланувчилар, қолаверса пресса, яъни оммавий ахборот воситалари (ОАВ) вакиллари томонидан амалга оширилади. Шу нуқтан назардан олиб қараганда, ҳар бир соҳа мутахассислари орасида терминларни қўллаш борасида тафовут мавжуд бўлиши мумкин. Бу каби фарқловлар тилда дублетлик ҳодисасининг ривожланишига олиб келиши, шубҳасиз. Бу ҳолат билан форс тили терминологияси ҳам тўқнаш келмоқда.

Масалан, форс тилида транспорт терминлари орасида шундай дублетларни учратиш мумкинки, уларни ҳатто эллипсис ҳодисасига учраган терминлар қаторига ҳам киритиш ноўрин бўлади. Сабаби, эллипсис ҳодисасига кўра, терминнинг аниқланмиш компонентсиз маънони англаш рўй бериши лозим. Аммо бундай терминлар ясама бўлганлиги ва фойдаланишда эса тўб сўз шаклида ишлатилиши билан эътиборлидир. Масалан, 'йўловчи ташиш транспорти' маъносини ифодада барча адабиётлар, хусусан, соҳавий, нашрий ва расмий адабиётларда икки хил терминдан, яъни *حمل و نقل مسافری* *haml-o-nayl-e mosāfer* ва *حمل و نقل مسافری* *haml-o-nayl-e mosāferbari* терминларидан фойдаланилади:

حمل و نقل مسافری و انواع کلا بصورت ترکیبی

روزنامه آسیا. 1394/2. [haml-o-nayl-e mosāfer va anvā'-ye kālā be surat-e tarkib

4.ص.]

'состав кўринишидаги йўловчи ва турли хил юк ташиш транспорти'.

Яна бир мисол:

ایستگاه تکنیکی برای تجهیز حمل و نقل مسافری و نگهداری تکنیکی در آماده کردن به رفت و آمد در نظر گرفته می شود.

*barā-ye tajhiz-e haml-o-nayl-e mosāferbari va negahbāni-ye tekniqi dar āmāde kardan be raft-o-āmad dar nazar gerefte mišavad*¹

Техникавий бекат йўловчи ташиш транспортларини шайлаш ва уларни рейсга тайёрлашда техникавий хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган¹.

Шунингдек, фан-техниканинг шиддат билан ўсиши, янги терминларнинг ортиши, тиллардаги сўз алмашинувининг ҳамон мавжудлиги бундай ҳолатларнинг юзага келишини келтириб чиқариши, шубҳасиз. Шуларни

¹ مقرات حمل کلاى خطرنکړ اعشار از 1 ژانویه 2009 ص. 7.

инобатта олган ҳолда, қуйида янги киритилган терминларнинг адабий тил тизимига ўзлашиши борасида баҳс юритилади.

Расмий ҳужжатлар, одатда, бирор ташкилот ёки кенгаш қарорлари, фармойиш, келишув, низом, қоида ёки битимлар гуруҳларига тақсимланади. Ҳар бири ўз мавқеидан келиб чиққан ҳолда ўша соҳага оид маълумот ёки ҳужжатларни сақлайди. Ўз навбатида, уларда мазкур йўналиш терминлари ишлатилади. Масала шундан иборатки, қўлланилаётган бу терминлар ўзлашма ҳолида ишлатиладими ёки форсий эквивалентидан фойдаланиладими? Қуйида мана шу масалалар юзасидан бир нечта мисоллар таҳлил қилинади.

Шуниси диққатга сазоворки, бир қатор Интернет расмий веб-сайтларида терминларни қўллаш борасида юқорида тилга олинган дублетлик ҳодисаси активлашган. Яъни, ҳам ўзлашма, ҳам форсий дублет келтирилган, бунинг устига қавс ичида терминнинг инглизча номланиши кўрсатилган. Шунинг ўзиёқ бир варақайига бир терминнинг учтагача дублетини қўллаш ҳолатини юзага келтирган. Масалан, Эроннинг “Эрон темир йўллари” ва “Эрон ҳаво йўллари” компанияларининг расмий веб сайтларида¹ шу каби ҳолатларни кузатиш мумкин.

Эроннинг термин тақдим қилиш борасидаги биринчи Академияси ҳисобланган *فرهنگستان ایران farhangestān-e irān* “Эрон академияси” томонидан *سیستم sistem* ‘тизим’, ‘система’ ўрнига *سامانه sāmāne* термини киритилган бўлиб, *سامانه sāmāne* аллақачон лексик таркибга сингиб кетган ва соҳа мутахассислари томонидан қўлланилади:

سامانه ارتباطات تمام تلاش خود را می کند که ...
sāmāne-ye ertebātāt tamām-e talāš-e xod rā mikonad ke ...

“алоқа тизими ўзининг барча ҳаракатларини бошлайди, қачонки...”

Шуниси диққатга сазоворки, *سامانه sāmāne* термини соҳа ходимлари томонидан қанчалик кўп ишлатилмасин, *سیستم sistem* ҳам шунчалик фаол қўлланилади:

سیستمهای حمل و نقل و اجزای تشکیل دهنده آنها.
Sistemhā-ye haml-o-nayl va ejzā'-ye taškildehande-ye ānhā [MB, 3-бет].

“Транспорт тизимлари ва уларни ташкил қилувчи тармоқлари”.

Ёки:

مشخصات برخی از سیستمهای حمل و نقل آبی عبارت از ... [MB, 3-бет]
Mošaxxesāt-e barxi az sistemhā-ye haml-o-nayl-e ābi ebārat az ...

“Сув транспорти тизимларидаги айрим характеристикалар ... дан иборат”.

Юқоридагилардан худоса қилиб айтганда, транспорт терминларини қўллашда дублетлик ҳодисаси фаол ва бу ҳолат деярли ҳар қадамда учрамоқда.

¹ www.iranway.com/fa ва www.iranair.com



Эронда 2008 йил 10 апрелда “Мамлакат юklarини ташиш олий кенгаши”нинг 47-мажлисида “Портлар ва кемачилик ташкилоти” (“سازمان بنادر و کشتیرانی” *sāzmān-e banāder va keštirāni*) номланиши “Портлар ва дарёчилик ташкилоти” (“سازمان بنادر و دریانوردی” *sāzmān-e banāder va daryānavardi*) га ўзгартирилган¹. Аммо расмий ҳужжатларда ҳамон бир сафар у терминдан, кейинги гал бунисидан фойдаланилади:

هرگونه تغییرات در اساسنامه... را بلافاصله کتبا به سازمان بنادر و دریانوردی اطلاع دهند.
*har gune tayirāt dar asāsname... rā belāfāsele katban be sāzmān-e banāder va daryānavardi ettelā’ dehand*².

“Низомдаги ҳар қандай ўзгариш...ни зудлик билан портлар ва дарёчилик ташкилотига ёзма равишда хабар берсинлар”.

Ёки:

سازمان بنادر و کشتیرانی می تواند راسا نسبت به تعلیق فعالیت شرکت را تعیین رئیس و اعضای جدید اقدام نماید.
*sāzmān-e banāder va keštirāni mitavānad rā’san nesbat be ta’līq-e faāliyat-e šerkat rā ta’yin-e rais va a’zā-ye jadid eydām namāyad*³.

“Портлар ва кемачилик ташкилоти ширкат фаолиятига алоқадор бўлган бошлиқ ва янги аъзоларини бевосита тайинлаши мумкин”.

Даврий нашр қилинувчи газеталар, транспортнинг маълум турига оид соҳа журналлари, шу мавзуга оид Интернет ва телевидение лавҳалари ҳам ўз навбатида, мазкур соҳа терминларининг қўлланилишини таъминлаб бермоқда. Масала шундан иборатки, қўлланилувчи бу терминлар биз кўтараётган мавзу – дублетлардан қай бирининг ишлатилиши борасидаги мулоҳазаларни аниқлаштиришга ёрдам беради. Ўз ўрнида, ОАВ ҳам терминларнинг қўлланилиши ва оммалашишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Масалан, шу вақтгача қўлланиб келинган бир термин нашрларда шаклан бироз бошқачароқ қўлланилган. Гап *خط آهن* *xatāhanhā* “темир йўллар” термини устида бормоқда.

Яъни, маълумки, қўшма терминларнинг изофий бирикмадан фарқи кўплик қўшимчаси қўшма сўзнинг охирига қўшилишидир. Чунки, сўз бирикмасининг от қисми ҳам изофа, ҳам кўплик қўшимчасини қабул қилади. Шундай мисол учрадики, форс тилида қўшма сўз ҳосил қилиш талабларига эид келган, кўплик қўшимчаси қўшма терминнинг бош сўзига қўшилган ва сўз бирикмасига айланиб қолган. Масалан: *خطوط آهن* *xotut-e āhan* ‘темир йўллар’ ва *میدان های هوایی* *meydān(e)havāyi* ‘авиамайдон’, ‘кўпниш майдони’.

جاده ها و خطوط آهن و همنطور میدان های هوایی مناسب در کشور است که...
jādehā va xotut-e āhan va hamintowr meydānhā-ye havāyi-ye monāseb dar kešvar ast ke ... [<http://www.rai.technical.com>]

¹ 32012. 1-6.

² 32012. 3-6.

³ 32012. 6-6.

❦ "кўчалар, темир йўллар ва бу каби авиамайдонлар шундай мамлакатга лойиқки..."

Бу ерда грамматик қоидага кўра, *خط آهن ها* *xatāhanhā* ва *میدان هوایی ها* *meydānhavāyihā* бўлиши керак эди. Аммо бу ҳодиса форс тилида сўз бирикмаси билан қўшма сўз ўртасидаги чегара ҳали ўта заиф эканлигини кўрсатади.

Муассаса ва идора ёки лавозим номланиши ҳар тарафлама ва ҳамма ерда бирхилликни талаб қилади. Аммо даврий нашрларда уларнинг ишла-тилишида бироз ғализликни учратиш мумкин. Масалан, аввалига *وزارات* "vozārāt-e transport va havānavardi" "Транспорт ва аэронавтик вазирлиги" термини кейинчалик *وزارات راه و شهرسازی* "vozārāt-e rāh va šahrsāzi" "Йўл ва шаҳарсозлик вазирлиги" номланишига ўзгартирилди. Лекин 2012 йил 21 октябрда нашрдан чиққан *کار و کارگر* "kār-o-kārgar" "Иш ва ишчи" номли газетада *وزارات ترانسپورت و هوا نوردی* "vozārāt-e transport va havānavardi" "Транспорт ва аэронавтик вазирлиги" кўринишида қўлланилган.

Техник, хусусан, транспорт соҳасининг кескин тараққиёти кундан-кунга янги кашфиётларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Тарихдан маълумки, бирон-бир кашфиёт ёки янгилик номланиши уни яратган шахс ёки жой номига нисбат берилади. Айниқса, бу кўриниш авиация соҳаси терминларида юқори кўрсаткичларни кўрсатмоқда. Чунки, айнан бугунги кунга келиб, самолётлар турлари ортмоқда ва уларга айнан аббревиатуралардан иборат номланиш қўйилмоқда. Масалан, ТУ-154 (абб. "Тупольев"), ИЛ-76, ИЛ-114 (абб. "Ильюшин") ва бошқалар. Кўрсатилаётган рақамлар эса самолётларнинг моделларини англатади. Аммо бу ҳолатнинг форс тилида қўлланилиши грамматик ва орфографик қоидаларни четлаб ўтиши билан намоён бўлмоқда:

این کشور به این منظور دو نوع هواپیما یعنی (EA-B 6) و (EF-111) را به پراولر در خدمت داشت.

in kešvar be in manzur do nav'e havāpeymā (EA-B6) (va EF-111) rā be prowler dar xedmat dāšt

"Бу мамлакат ушбу мақсадга кўра, икки турдаги самолётни, яъни EA-B6 ва EF-111 самолётларни Праулер хизматига берди".

Мазкур мисолда келтирилган самолётнинг икки тури ўз номланиши билан аббревиатуралар орқали ифодаланган, форс-араб имлосида эмас. Бунинг устига форс-араб алифбосида лотин ҳарфлари ва рақамларни ифодалаш ўзига хос қийинчиликларни тугдиргани боис, терминлар қавс ичида берилган. Ваҳоланки, терминларни бу каби қўллаш ҳолатлари Академиянинг Йўриқномасида кўрсатиб ўтилмаган. Фақатгина байналмиал сўзларнинг ўзини тилда қолдириш ва форс-араб алифбосида орфографик қоидаларга бўйсунган ҳолда ёзиш талаблари келтирилган, холос¹. Бу каби

¹ اصول و ضوابط واژگویی "همراه با شرح و توضیحات" ویرایش سوم، فرهنگستان زبان و ادب فارسی خرداد 1388. ص. 23-24.



мисоллар Эронда напшрдан чиқаётган соҳа газеталари ва журналларида, Интернет расмий веб-сайтларида тез-тез учраб турибди. Масалан:

با کد №010 است.

(Zhuk)

نسل اول رادارهای ژوک

Nasl-e avval-e rādārḥā-ye žuk bā kod-e №010 ast.

“Жук (Zhuk) радарларининг биринчи авлоди №010 кодли (радар)дир”.

Bu Aytoldı tegli qut-ol kör anı (22.10).

«Тот, которого зовут Айтолды – он (олицетворяет) счастье, посмотри-ка на него», что указывает на первоначальный смысл этого имени – «полнолуние»; в тексте же он – олицетворение «счастья» (*qut*).

3) Некоторые подстрочные пояснения даны по-персидски. Это можно объяснить влиянием гератской литературно-языковой традиции XV в., согласно которой интеллигенция, наравне с родным, в совершенстве владела персидским и арабским языками. Переписчик знал об этом, поэтому, например, тюркское слово *sıyıt* («плачь») поясняет персидским словом *gırya* в том же значении (48.22), слово *qarıy* («дверь») – персидским *dar* (9.23). Некоторые архаичные слова он поясняет как тюркскими, так и персидскими синонимами. Например, слово *adın* («другой, чужой») на (5.6) пояснено тюркским синонимом *özgä*, а на (6.8) – персидским *digar*.

4) Значения некоторых слов поясняются им при помощи словосочетаний. Так, например: *ol edgü öziñ – dar ān vaqt* («в то время, в тот час») (20.10), *bezānıp ödü – ārasta damā-dam* («постоянно прихорашиваясь») (24.8), где тюркское словосочетание поясняется через персидское словосочетание, а слово *qutadıñ* пояснено персидским словосочетанием *ya'ni hujasta* или же *hujasta būd* («будет счастливым») (22.7).

5) Древние, классические формы слова сопровождаются их более современными вариантами, свойственными времени переписывания памятника. Так, например, под уйгурописьменным словом *qulyaq* приводится его современный вариант *qulaq* («ухо») (82.6), под словом *adirdi* – *ayirdi* («отлечил») (16.8), под *qulayuz* написано *[qula]wuz* («путеводитель») (15.31).

Таким образом, благодаря рассмотренным выше графическим пояснениям и семантическим толкованиям, принадлежащим перу переписчика данной

рукописи, можно составить представление об архаичном лексическом пласте так называемого «чагатайского» письменно-литературного языка XV века.

Гипотеза о распространении рукописных списков памятника «Кутадгу билиг» в Средние века.

Как утверждается в предисловии самой книги, автор завершил работу над своей книгой в Кашгаре и представил ее двору властителя Востока Табгач-Богра-хана. Повелитель почтил и возвеличил сочинителя, дав ему титул хас-хаджиба (*has hajib-ului hajib* или же *çilbaşî*).

Ученые и мудрые мужи Чина и Мачина согласны с тем, что нигде и никому не удавалось составить свода лучше этой книги, сочиненной на «богра-хановском языке» (*buyraxan tilincä*) и тюркском наречии (*türk luyatıca*). Это касается как всех восточных владений (*Maşriq vilāyatında*) и государств Туркестана (*Türkistän elindä*). Какому бы властителю и где бы ее ни читали, премудрые и ученые мужи тех держав одобряли и давали ей различные названия за ее совершенство и красоту. Мужичина называли ее «Сводом благочиний» («*Adabu-l-muluk*»); сподвижники государей Мачина называли ее «Радетелем держав» («*Ayinu-l-mamlakat*»); повелители стран Востока именovali «Украшением властителей» («*Ziynatu-n-umara*»); иранцы – «Тюркской книгой шахов» («*Şahnāma-yi türkî*»), а некоторые из них – «Книгой наставлений властителям» («*Pandnāma-yi muluk*»); туранцы же называют ее «Благодатное знание» («*Qutadgu bilig*») (QBN.3.2–11; транскрипция и перевод Садыкова¹). Сказанное является доказательством популярности этого произведения в Средние века и широкого распространения его рукописей. Можно сказать, что авторский вариант был представлен властителю Табгач-Богра-хану. После чего он многократно переписывался. Списки отправлялись в восточные владения и соседние страны. О широкой известности памятника говорят новые варианты книги, сопровождаемые прозаическими и/или поэтическими предисловиями, написанными еще при жизни автора.

«Кутадгу билиг» сыграл огромную роль не только в тюркской, но и во всей раннесредневековой восточной литературе. Более того, есть все основания говорить о серьезном влиянии данного памятника на всю восточную литературу в целом.

Важно то, что все рукописные списки памятника относятся XIII–XV вв., В частности, уйгурописьменный вариант был создан в Герате, крупном культурном и литературном центре в эпоху правления Тимуридов, что свидетельствует о том, что книга была известна не только в эпоху Караханидов, но и в следующих столетиях. Следует отметить, что гератской литературной среде была известна и другая уйгурописьменная рукопись этого памятника, с которого переписывал Хасан Кара Сайыл Шамс бахши. В конце этого списка сказано, что данная книга отправлена в Стамбул для Абдурраззак бахши. Нам не известно, переписывал ли Абдурраззак бахши этот памятник или нет, но ясно одно: он получил рукопись и сопроводил ее

¹ Содинов К. «Кутадгу билиг»нинг уйгур ёзуви Хирот нусхаси. – Т., 2010. 29, 75–76-б.

своими четверостишиями. Значит, в этот период между культурными центрами Средней Азии и Стамбулом были тесные культурные и литературные связи.

В числе дошедших до нас списков рукописи арабописьменные — наманганский и каирский рукописи являются более ранними. Несмотря на это, переписчики гератской школы предпочли сохранить традиции переписывания, присущие эпохе Караханидов. Данная рукопись, в создании которой огромна роль Тимуридов, является данью уважения этой традиции.

С уверенностью можно утверждать, что авторский вариант написан уйгурским письмом. Спустя столетия появились его арабописьменные списки. Таким образом, в XI–XV столетиях широко распространились как уйгурописьменные, так и арабописьменные списки памятника.

Характерно, что все известные списки не совпадают текстологически. Это свидетельствует о том, что они переписаны не из одного источника. Естественен вопрос о том, какой из списков переписан из более раннего варианта, которым может быть и непосредственно сам авторский вариант. Текстологические наблюдения позволяют утверждать: хотя уйгурописьменная гератская рукопись является более поздней по времени, однако была переписана из более раннего источника, чем два других арабописьменных списка. Возможно, он был создан еще при жизни самого автора.

АЛИМОВ ЗУХРИДДИН

Катта илмий ходим-изланувчи, ТошДШИ

Ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асари ва ундаги Аш-Шош вилояти хақидаги маълумотлар

Аннотация. Мазкур мақола Тошкент воҳасининг IX асрдаги тарихий географиясига бағишланган бўлиб, шаҳарларнинг жойлашув ва шаклланишининг турли босқичларидаги акс эттирувчи Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асаридаги маълумотларига асосланган.

Тилич сўз ва иборалар: ал-Хоразмий, “Китаб сурат ал-ард”, “Байт ал-Ҳикма”, етти иқлим, “Сурат ал-Маъмун”, “Билад аш-Шош ва Тарбанд”, “Бурж ал-Ҳижора”, Банакам.

Аннотация. Данная статья посвящена исторической географии Ташкентского края в IX веке, отраженной в произведении Хорезми «Китаб сурат ал-ард», где приводятся сведения о местоположении и разных этапах формирования городов.

Опорные слова и выражения: ал-Хорезми, «Китаб сурат ал-ард», «Байт ал-Хикма», семь климатов, «Сурат ал-Маъмун», «Билад аш-Шош и Тарбанд», «Бурж ал-Хижара», Банакам.

Abstract. This paper investigates the historical geography of Tashkent oasis in IX century, and based on the data about the location and different stages of cities' formation.

development in the work of "Kitab surat al-ard" by Kharezmi. The map of "Kitab surat al-ard" in Central Asia, in particular, in the terms of historical geography of the region of ash-Shash. This work by al-Kharezmi was the first one among medieval geographical works, moreover, it is the one of the most ancient information about the location of the region of ash-Shash.

Keywords and expressions: Al-Kharezmi, "Kitab surat al-ard", "Bayt al-Hikma", seven climate zones, "Surat al-Mamun", "Bilad ash-Shash wa Tarband", "Burj al-Hijora", Banokat.

Ал-Хоразмий жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломадир. Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди.

Бу даврда қурилиш, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларни янада тараққий эттириш учун астрономия, геодезия, геометрия каби фанларни ривожлантириш зарурияти туғилди. Ўша даврнинг илгор олимлари бу фанларнинг амалий аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб, ал-Хоразмий эса шу олимларнинг пешқадами ва йўлбошчиси эди.

Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Муса ал-Хоразмий бўлиб, у 783 йилда таваллуд топган ва 850 йилда вафот этган деб қабул қилинган. У ўз илмий фаолиятининг катта қисмини Бағдоддаги "Байт ал-Ҳикма"да ўтказгани тарихдан маълум. Мазкур даргоҳ халифа ал-Маъмуннинг шахсий эътибори остида бўлиб, маълум муддат ал-Хоразмий тарафидан бошқарилган. Шу сабабдан ҳам ал-Маъмун ва ал-Хоразмий ораларида низоҳатда яқин муносабатлар бўлган¹. Ал-Маъмун ал-Хоразмийни олим сифатида кадрлаган, "Байт ал-ҳикма" каби марказни бошқариш ишларини унга ишониб топширган ва у ерда олиб борилаётган илмий тадқиқотларга ҳар жиҳатдан қўмак берган. Зеро, у "Байт ал-ҳикма"даги Ўрта Осиё олимларининг энг машҳури бўлган десак янглишмаймиз.

Манбаларда ал-Хоразмийнинг исмига яна ал-Мажусий ва ал-Қутруббулий деган атамалар ҳам қўшиб айтилади. Буларнинг биринчиси олим Хоразмнинг асли маҳаллий аҳолисида, яъни мажусийлар оиласидан ёки шу мажусийлик динининг коҳинлари оиласидан келиб чиққанлигини, шу билан бирга олимнинг ўзи ёки отаси мажусий бўлиб, улар исломни кейин қабул қилганлигини кўрсатади². Келтирилган исмларнинг иккинчиси, ал-Хоразмий мўйсафидлик йилларини Бағдод яқинида Дажла бўйидаги ал-Қутруббул даҳасида ўтказганлигини кўрсатади. Одатда, араблар бирор кишининг характерли хусусиятлари, ҳунарлари, сеvimли одатлари ёки яшаш жойларига қараб, унга бир неча хил исм – "нисбатлар" берадилар. Ал-Хоразмийнинг ал-Қутруббулий исми ҳам шу тариқа пайдо бўлган.

¹ Абдухалимов Б.А. "Байт ал-ҳикма" ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (IX–XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Т., 2004. 149-б.

² Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китаб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 69.

Маълумки, ал-Маъмун 809 йилдан Марвада дастлаб халифа Хоруи ар-Рашиднинг ноиб, сўнг 813 йилдан бошлаб халифа бўлади ва 819 йили Бағдодга кўчади. Ал-Маъмун Марвада бўлганида ал-Хоразмийни, мовароуннахрлик ва хуросонлик бошқа олимларни ўз саройига жалб қилган эди. Халифа ал-Маъмун даврида Бағдодда Марказий Осиё ва Хуросондан келган бир гуруҳ йирик олимлар ижод этган. Улар орасида ал-Хоразмий билан бир қаторда Марвадан Яхё ибн Абу Мансур, ал-Фарғоний, Холид ибн Абдумалик ал-Марваррудий, Форобдан Абул Аббос ал-Жавҳарий ва бошқа олимлар бор эди.

Бағдодда ал-Маъмун отаси томонидан асос солинган илмий марказ – “Байт ал-хикма” фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириб, унга йирик давлат муассасаси тусини бериб, аввалига таржимонлик фаолиятини кенг кўламда ривожлантирди. Византия, Ҳиндистондан кўплаб китоблар келтирилиб, “Байт ал-хикма”нинг фаолият доираси бирмунча кенгайтирилади, унинг қошида иккита йирик расадхона: биринчиси 828 йилда Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласида, иккинчиси Дамашк яқинидаги Касион тоғида 831 йилда барпо этилади. Иккала расадхонанинг ҳам фаолиятини Марказий Осиё ва Хуросондан келган олимлар бошқаради. Ал-Хоразмий бу илмий марказнинг мудир сифатида унинг фаолиятини кузатиб туради¹.

Ал-Хоразмий каламига мансуб 20 дан ортиқ асарларнинг фақат 10 таси бизгача етиб келган. Булар “Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” – алгебраик асар, “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб” ёки “Қўшиш ва айириш ҳақида китоб” – арифметик асар, “Китоб сурат ал-ард” – географияга оид асар. “Зиж”, “Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб”, “Астурлоб яшаш ҳақида китоб”, “Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида”, “Китоб ар-руҳома”, “Китоб ат-таърих”, “Яҳудийларнинг таквими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола”. Бу асарларнинг тўрттаси араб тилида, биттаси Фарғонийнинг асари таркибида, иккитаси лотинча таржимада сақланган ва қолган учтаси ҳали топилган эмас².

Ал-Хоразмий география фанининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг “Ернинг тасвири” (“Китоб сурат ал-ард”) китоби ўрта аср араб халифалигида яратилган илк ва муҳим географик асарлардан бири бўлган. Китобда муаллиф Птолемейнинг географияга оид қарашларини шарҳлаб таҳлил қилиш билан бирга бу қарашларга қатор ўзгаришлар киритиб, уларни ривожлантиради³.

¹ Малцев Ю. С. Географические представления ученых научной школы «Байт ал-хикма» в эпоху ал-Хорезми // Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китоб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 21.

² Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китоб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 47.

³ Абдухалимов Б. А. “Байт ал-хикма” ва ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (IX–XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Т., 2004. 153-б.

“Китаб сурат ал-ард” асари ўрта асрлардаги биринчи географик асар эканлиги билан муҳим аҳамиятга эга¹.

“Ернинг тасвири” – “Китаб сурат ал-ард” китоби илмий адабиётларда ал-Хоразмийнинг “географик асари” ёки қисқача ал-Хоразмийнинг “Географияси” номи билан юритилади. Ал-Хоразмий “География”сини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, муаллиф “Ер тасвири” ибораси билан жутрофий харитани назарда тутган ва шу билан бир қаторда улар асарни ал-Маъмун харитасининг тавсифидан иборат бўлганини таъкидлайдилар.

Асарнинг ҳижрий 428 йилда (милодий 1037 йили) кўчирилган ягона арабча нусхаси бизгача етиб келган бўлиб, бу нусха Франциянинг Страсбург университети кутубхонасида 4247-рақам остида сақланади. Асар матни Г. ф. Мжик тадқиқоти ва изоҳлари билан бирга 1926 йилда Лейпцигда нашр қилинган².

Ал-Хоразмийнинг “Ернинг тасвири” (“Китаб сурат ал-ард”) китоби Аббосийлар даврида мусулмон олимларида катта таассурот қолдирган ва кенг тарқалган асарларнинг бири ҳисобланади. Китоб халифа ал-Муътасим даври (842–847)да яратилган деб тахмин қилинади. В. В. Бартольднинг кўрсатишича, бунинг сабаби китобда ал-Муътасим даврида 836 йили асос солинган халифаликнинг янги пойтахти – Сурраманрао шаҳри эсланади. Демак, асар 836 ва 847 йиллар оралиғида таълиф этилган. Ал-Хоразмий ўз асарида географиянинг асосий тушунчаларини зиж – жадваллар шаклида баён этади.

Ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асари муаллиф тарафидан махсус бобларга бўлинмаган. “Китаб сурат ал-ард” асарини шартли равишда олти бўлимга тақсимлаб, уларда муҳокама этилган мавзуларни қуйидагича шарҳлаш мумкин: биринчи бўлимда ернинг одамлар яшайдиган (маъмур) қисмидаги шаҳарларнинг номлари етти иқлим бўйлаб, жадвалда узунлама ва кенгламалари билан келтирилади. Иккинчи бўлимда тоғлар санаб ўтилади. Учинчи бўлимда Ер қуррасидаги денгизлар тавсифланади. Китобнинг тўртинчи бўлими денгиздаги оролларга, бешинчи бўлим мамлакатлар, давлат ва ўлкалар ва ниҳоят олтинчи бўлим эса Ернинг одамлар яшайдиган қисмидаги дарё ва булоқларга бағишланади. Ал-Хоразмий ўз асарида бош меридиан, экватор ва иқлимлар ҳақидаги мулоҳазалар юритади ҳамда умумий ҳисобда 2402 та масканларнинг географик координатларини келтиради³.

Ал-Хоразмий “География”си таъсирида яратилган асарлар жумласига IX асрнинг охирида яшаб ўтган ва илмий адабиётларда шартли равишда Сухроб исми берилган муаллифнинг “Етти иқлим ажойиботлари” (“Ажаъиб

¹ Brauer Ralph W. Geography in the medieval muslim world: seeking a basis for comparison of the development of the natural sciences in different cultures. Metropolitan College of New York, 1992. – P. 98.

² Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китаб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 47.

³ Абдухалимов Б. А. “Байт ал-хикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (IX–XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Т., 2004. 140–6.

ал-ақалим ас-сабъа") китобини киритиш мумкин¹. Муаллифнинг тўлиқ исми ва таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар сақланмаган. Асар сўз бошисида Сухроб исми эслатилгани сабабли мутахассислар бу олимни шу ном остида қабул қилганлар². Сухробнинг асари мазмун бўйича ал-Хоразмий "География"сига шунчалик яқинки, кўпчилик олимлар яқин пайтларгача шу хусусиятига кўра уни ал-Хоразмий асарининг бирор тахрири деб ҳисоблаганлар.

Гиппарх Ернинг одамлар яшайдиган қисмини 12 та иқлимга ажратган. Ундан сўнг Птолемей иқлимларнинг сонини 8 тагача камайтиради, лекин ўз "География"сида у иқлимлар назариясига тўла риоя қилмайди, чунки географик жойларни минтақалар ва епархиялар бўйича тақсимлайди.

Географияни иқлимлар назариясига тўла риоя этган ҳолда биринчи марта ал-Хоразмий баён қилади. У ернинг маъмур, яъни инсонлар яшайдиган обод қисмини етти иқлимга ажратади. Ал-Хоразмий қадимги юнон олими Птолемейдан фарқли ўлароқ, минтақалар, мамлакатлар ва улардаги географик жойларни эмас, балки биринчи иқлимдан то еттинчи иқлимгача жойлашган жойларни тавсиф этади.

Ал-Хоразмийнинг географик рисоласи ўрта асрлардаги энг биринчи географик асар эди. Шунинг учун унинг иқлимлар назарияси кейинги даврларда географиянинг ривожланишида катта аҳамият касб этди.

Ал-Хоразмий ҳам Птолемей каби узунликларни Капар оролларида бошлаб ҳисоблайди. Хоразмий экватордан жанубда 8 шаҳар, биринчи иқлимда 64 шаҳар, иккинчи иқлимда 54 шаҳар, учинчи иқлимда 59 шаҳар, тўртинчи иқлимда 146 шаҳар, бешинчи иқлимда 79 шаҳар, 6-иқлимда 63 шаҳар, еттинчи иқлимда 25 шаҳар ва еттинчи иқлимдан шимолда 40 шаҳарнинг координатларини келтиради³.

Ал-Хоразмий асарининг муҳим хусусияти шундаки, у ўз моҳиятига кўра "ал-Маъмун харитаси"нинг тавсифидан иборат.

"Ал-Маъмун харитаси" ёки "Олам харитаси" деб ном олган бу ноёб жўғрофий асар "Байт ал-хикма"да фаолият кўрсатган алломалар меҳнатининг самараси натижасида пайдо бўлди. "Ал-Маъмун харитаси"нинг ўзи ёки унинг бирор қисми бизгача етиб келмаган бўлса-да, бу харитани кўрган, ундан фойдаланган ўрта аср тарихчиларининг фикри мазкур хаританинг муҳим жўғрофий ёлгорлик эканидан далолат беради⁴. Шу ўринда "ал-Маъмун харитаси"ни ўз кўзи билан кўрган X аср тарихчи ва географ ал-

¹ Cartography in antiquity and the Middle Ages: fresh perspectives, new methods / edited by Richard J.A. Talbert and Richard W. Unger. – Lieden-Boston, 2008. – P. 129.

² Крачковский И. Ю. Избранные сочинения в 6 тт. Том 4. Арабская географическая литература. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1957. – С. 97.

³ Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 168.

⁴ Абдухалимов Б. А. "Байт ал-хикма" ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (IX–XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Т., 2004. 140-б.

Маъсудийнинг куйидаги сўзларини келтирамиз: “Бу иқлимларнинг турли ранглар билан тасвирланганини мен бир неча китобда кўрганман. Шу хилдагилардан мен кўрганларнинг энг яхшиси Мариннинг “География” китобидагиси ва ал-Маъмун учун унинг замонидаги кўп олимлар ҳам-корлигида тузилган “ал-Маъмун харитаси” эди. Харитада олам сфералар, планеталар, қуруқлик ва денгизлар, одамлар яшайдиган ва яшамайдиган қисмлар ва бошқа нарсалар орқали ўз аксини топган. “Ал-Маъмун харитаси” аввал эслатилган Птолемей ва Тирлик Мариннинг “География”сидан афзалдир”¹. Ал-Маъсудийнинг бу сўзлари “ал-Маъмун харитаси”нинг моҳияти, таркиби ва унинг Птолемей ва Мариннинг хариталаридан мукамаллигини англатади.

Ал-Хоразмий асари таркибидаги “Сурат ал-Маъмун” – “Ал-Маъмун харитаси” номли харита бизгача сақланмаган бўлса-да, Ганс фон Мжикнинг “Сурат ал-Арз” номли тадқиқотида унинг айрим қисмлари қайта тикланган. Австриялик шарқшунос Г. ф. Мжик харитани тиклашда Сухробнинг “Етти иқлим ажойиботлари” асарида ҳам фойдаланган. Унинг асари тўлиқлигича ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асарида асосланган². Икки асардаги маълумотлар жуда ўхшаш бўлиб, Сухроб ўз асарини яратилган аксарият маълумотларни Хоразмийдан олганлигига шубҳа йўқ. Шунингдек, Хоразмий харитасининг бу нусхасини тиклашда “Китаб сурат ал-ард” китоби матнида келтирилган узунлама ва кенгламаларнинг тавсифларидан ҳам фойдаланилган.

1967 йилда ҳинд олимаси С. Р. Жафри кўп йиллик изланишлар натижасида ал-Хоразмийнинг ер харитасини тиклаш ишларини якунига етказди. “Китаб сурат ал-ард” асари матни ва асар таркибидаги зиж – жадвал кўринишидаги маълумотларининг таҳлили асосида С. Р. Жафри томонидан ал-Хоразмий меросини ўрганишда биринчи марта шу даврга қадар илм-фан учун йўқотилган ҳисобланган “ал-Маъмун харитаси”нинг кўриниши қайта тикланди. Бу тадқиқот натижасидан тикланган харита Бағдоддаги “Байт ал-ҳикма”нинг олимлар жамоаси томонидан яратилган “ал-Маъмун харитаси”-нинг айнан нусхаси эмас, албатта. Лекин, С. Р. Жафри томонидан амалга оширилган бу иш ал-Хоразмийнинг географик меросини ўрганишга қўшилган улкан ҳисса бўлди³.

Ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асари асосида қайта тикланган харитани диққат билан ўрганар эканмиз, унда ўрта асрлардаги аш-Шош вилояти ва унга тугаш ҳудудлар ҳақидаги маълумотларга ҳам дуч келамиз.

Асар харитасининг Каспий денгизи вилояти ва Ўрта Осиё ҳудудлари тасвирланган қисмида аш-Шош вилояти “Билад аш-Шош ва Тарбанд” ()

¹ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения в 6 тт. Том 4. Арабская географическая литература. – М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1957. – С. 87.

² Там же. – С. 97.

³ Aini K. S. Al-Khwarazmi and his contribution to the word culture // Al-Khwarazmi's geographical map of the world based on the book “Surat al-ard”. – Srinagar, 1985. – С. 14.

الشيش و طريند) номи билан қайд этилган. Шу тариқа Ал-Хоразмий бошқа кўплаб ҳудудларнинг номи сингари аш-Шош вилоятини ҳам ўша давргача кузатилмаган, янги ном билан атайди ва бу ерларни саклар мамлакати деб кўрсатади¹. Харитадаги маълумотларга суяниб Шош вилоятининг жойлашган ўрни борасида бошқа географик асарлар ва хариталардан фарқли равишда ўзига хос ҳамда уларда мавжуд бўлмаган янги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Жумладан, хаританинг чап тарафида Каспий денгизи тасвирланиб, “Баҳр Хворазм ва баҳр Журжон ва Табаристон ва ад-Дайлам” (بحر خوارزم و بحر جرجان و طبرستان والديلم) деб номланган². Харитада шу давргача бўлган хариталар орасида биринчи марта Орол денгизи тасвири алоҳида келтирилган, у Каспий денгизининг жанубий қисмида жойлашган номсиз кўл, яъни “батиха” (بطيحة) ёзуви билан белгиланган. Хаританинг марказий юқори қисмида жойлашган “Аввали наҳри Балх” (اول نهر بلخ) деб номланган кўл тасвири ва “жабал” (جبل) сўзи мавжуд ердан бошланган “Наҳри Балх” (نهر بلخ), яъни Амударё Каспий денгизи яқинидаги “батиха” (بطيحة) ёзуви билан белгиланган қисмига келиб қуйилгани тасвирланган. Ўз ўрнида “Наҳри Балх”га окими давомида яна икки дарё – “Наҳри ас-Син” (نهر الصين) дарёси ва номсиз, “наҳр” (نهر) сўзининг ўзи билан қайд этилган дарё келиб қуйилиши акс эттирилган. “Наҳри Балх” дарёсининг куйи окимида Хворазм (خوارزم) қайд этилган бўлиб, у аш-Шош вилояти билан бир хил шимолӣ кенгликда акс эттирилган.

Хаританинг юқори қисмида “жабал”, яъни тоғ ёзуви билан қайд этилган ердан бошланиб, уч ирмоқ кўшилиб ҳосил бўлган яна бир дарё Каспий денгизига келиб қуйилиши тасвирланган. Бу дарё ва унинг ирмоқларига “наҳр” сўзи билангина изоҳ берилган. Унинг жойлашуви ва окимининг йўналишига кўра Сирдарё дарёси деган хулосага келиш мумкин. Ал-Хоразмий асар матнида Сирдарёни “Наҳр Товил” деб атайди³. Дарёнинг координатларини келтириб, у ҳам Орол денгизига қуйилишини таъкидлаган.

“Билад аш-Шош ва Тарбанд” хаританинг марказида, 42°5 кенгликда жойлашганлигини кўриш мумкин. Шимолда у “Наҳри Балх”, шарқда “Бурж Хижора” (برج حجارة) (бу жой минорали бино тасвири билан қайд этилган), ғарбда Хворазм ва жанубда “жабал” сўзи билан қайд этилган тоғликлар ва Ахсикат ёки Ахсикас (اخسيكث) билан чегерадош қилиб тасвирланган.

Харитада жойлашган манзиллар ва жой номлари билан солиштирадиган бўлсак, “Билад аш-Шош ва Тарбанд” ёзуви катта ҳарфлар билан қайд қилинган ва унинг доира шаклида белгиланган маркази ҳам бошқа манзилларникига кўра йирикрокдир. Хаританинг асосий хусусиятларидан бири шуки, унда аш-Шош вилояти хаританинг “Наҳри ас-Син” дарёси

¹ Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 196.

² Буриев А. Сведения по Средней Азии в “Географии” Ал-Хорезми // Общественные науки в Узбекистане. К 1200-летию ал-Хорезми. № 7. – Т., 1983. – С. 74.

³ Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 207.

“Нахри Балх” дарёсига қуйиладиган еридан жануброқда тасвирланган. Яъни Амударё дарёси аш-Шош вилоятидан шимолда қайд этилган. Бу каби маълумот эса ўрта асрларда география билан шуғулланган араб олимлари асарларининг ҳеч бирида учрамайди. Фикримизча, ал-Хоразмийнинг бу маълумотлари Птолемейнинг “География” асарига асосланган ва ўз ҳолича сақлаб қолинган. Ўша даврда Шарқ илм-фанида ўзига хос юқори обрўга эга бўлган Птолемейнинг маълумотларини ал-Хоразмий изохлашга, аниқлаштиришга, тўлдиришга ва айрим ҳолларда асл ҳолида сақлашга интилан¹. Харитада “Нахри ас-Син” дарёси тасвирланган ернинг шарқий қисмида “Бурж ал-Ҳижора” (برج حجارة) ва “Искандария аш-шарқия” (اسكندرية الشرقية) деб номланган манзиллар ва яна кўплаб далилларнинг мавжудлиги ал-Хоразмий хаританинг бу қисмини яратишда Птолемейнинг “География” асарига таянганлигини яна бир бор исботлайди². Ҳинд олимаси Розия Жафрининг фикрича, ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асари Птолемей ишларининг арабий адаптацияси ва унга янги ҳамда замонавий маълумотларнинг қўшилган шаклидир³.

Хусусан, харитадаги маълумотлардан кўринадики, аш-Шош вилояти тасвирланган ҳудудда яна тўртта жой номи келтирилган. Булар – (шарқдан ғарбга) ат-Тароз (الطراز), Исбижоб (اسبيجوب), Тарбанд (طربند) ва Банокат ёки Банокас (بناکث) дир. Бу шаҳарлар ҳам “Нахри Балх” дарёсининг жанубида тасвирланган. Бу шаҳарларнинг барчаси ўрта асрларда Шош ва Илок воҳасининг шаҳарлари таркибида бўлганлиги ўша давр араб географлари манбаларидан бизга маълум. IX–X асрлар риёзий жуғрофия намояндалари (ал-Хоразмий, Сухроб, ал-Фарғоний ва ал-Баттоний) асарларида аш-Шош Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакат сифатида келтирилади.

Ат-Тароз (الطراز) ёки Тароз, айрим манбаларда, Қошғарийда Тироз (طراز) ва “Худуд ал-олам” асарида Тирор (طرار) шаклида ҳам қайд этилган. Исфижоб вилоятида турклар чегарасидаги шаҳар. Исфижобдан 26 фарсах масофада жойлашган. Бу шаҳар илк бор VI аср Византия манбаларида Talluecz ёки Thallovez шаклида туркларнинг савдо маркази сифатида қайд этилган. Хитой манбаларида унинг номи Та-ло-се, туркий тилдаги манбаларда эса Талас ёки Талос шаклида келтирилган. Бу шаҳарнинг харобалари Жанубий Қозоғистондаги ҳозирги Тароз шаҳри ёнида жойлашган⁴.

Исбижоб (اسبيجوب) – аш-Шош вилоятининг ислом давридаги пойтахти бўлмиш Бинкатдан 4 марҳала масофада жойлашган шаҳар ва вилоятнинг номи. Унинг номи бошқа манбалар: ас-Самъонийда – Исфижоб (اسفيجوب),

¹ Буриев А. Сведения по Средней Азии в “Географии” Ал-Хорезми // Общественные науки в Узбекистане. К 1200-летию ал-Хорезми. № 7. – Т., 1983. – С. 77.

² Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 203.

³ Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китаб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 69.

⁴ Ибн Хавқал. Китаб Китаб сурат ал-ард (Мовароуннахр) / Араб тилидан таржима ва изохлар муаллифи Ш. С. Камолитдин. – Т., 2011. 268-б.

Байхакий ва Қошғарийда – Испижоб (اسپيجاب), Кудама ва ал-Якубийда – Исбишоб (اسبيشاپ), Наршахийда эса Истижоб (استجاب) шаклида ҳам келтирилган¹. У жуда машхур пойтахт шаҳар бўлиб, обод мадина ва рабаддан иборат бўлган. Шаҳар ҳозирги Чимкент вилоятидаги Сайрам қишлоғининг марказида жойлашган.

Тарбанд (طاربند) ёки Турорбанд (طوراربند) шаҳри аш-Шош вилоятига тобе бўлган. IX–X асрларда Турорбанд ёки Ўтрор аш-Шошнинг энг чекка шаҳарларидан бўлиб, Мовароуннахрга туташган ва у Фароб (فاراب) деб ҳам номланган. Ал-Истахрий, Ибн Ҳавқал ва ал-Муқаддасий маълумотларида бу шаҳар Бороб (باراب) номи билан ҳам қайд этилган. Беруний шаҳарларнинг координатларини ҳисоблаб чиққанда, Тарбанд, Шалжи ва Исбижобни аш-Шош вилоятига киритади. Илк ўрта асрлар шаҳри бўлган Тарбанд, қадимги турк руник ёзуви ёдгорликларида (VIII аср) Kangu Tarban шаклида эслатилади ва сўнгги асрлардаги Ўтрор шаҳри билан бир шаҳар, деб ҳисобланади².

Банокат (بنكاث) – аш-Шош дарёсининг бўйида, унга Илоқ дарёсининг қуйилиш ери қаршисида жойлашган. Ибн Ҳавқалда бу шаҳар Банокат ва Фанокат (فناكاث) шаклида берилган. Ал-Истахрий, Ал-Муқаддасий ва Беруний маълумотларида Бинокат ва Банокит шакллари учрайди. Бу шаҳар мўғуллар босқини вақтида вайрон этилган, Темурийлар даврида эса қайта тикланиб, Шоҳрухия деб аталган. Унинг харобалари Сирдарё бўйида Оҳангарон дарёсининг унга қуйилган еридан юқорида жойлашган бўлиб, Шаркия деб аталади³.

Бурж ал-Ҳижора (برج حجارة) – харитада бу жой минорали бино тасвири билан тасвирланган бўлиб, у Тароздан шарқроқда ва Навокатдан жанубда жойлашган. Бу ҳақда Беруний ўзининг “Қонуни Масъудий” асарида шундай ёзади: “Бинкат аш-Шош вилоятининг пойтахти, туркий “Тошқанд”, юнон тилида эса “Тош минора”дур”. Беруний “Ҳиндистон” асарида бу борада батафсилроқ тўхталиб, “Шош” сўзи бу шаҳарнинг туркий номланиши, яъни “Тош-қанд” сўзидан олинган бўлиб, “Тош қалъа”дур. Птолемей “География” асарида ҳам худди шундай маълумот келтириб, уни “Тош минора” деб атайди” деб хабар беради⁴.

Шунингдек, хаританинг бу қисмида юқорида қайд этилган шаҳар ва жой номларидан ташқари яна кўплаб шаҳар ва марказлар ҳам тасвирланган.

¹ Ибн Ҳавқал. Китоб Китаб сурут ал-ард (Мовароуннахр) / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. С. Камолiddин. – Т., 2011. 265-б.

² Камолiddин Ш. С. Ўрта асрлар аш-Шош вилояти // “Мозийдан садо” журнали. 2015 йил, 2-3-сон, 29-б.

³ Ибн Ҳавқал. Китоб Китаб сурут ал-ард (Мовароуннахр) / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. С. Камолiddин. – Т., 2011. 242-б.

⁴ Булгаков П. Г., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А. Мухаммад ал-Хорезми. – М., 1983. – С. 203; Бируни. Индия. Избр. произведения. – Т.: Фан, 1963. Т. 2. – С. 271; Бируни. Канон Масъуда. Ч. 1. – С. 471.



Хворазм (خوارزم), Самарқанд (سمرقند), Бухоро (بخارا), Балх (بلخ), Ахсикат ёки Ахсикас (الخصيكث), Навокат ёки Навокас (نواكث), Сажистон (سجستان), Ашруста (اشروسته), Хожанд (خجندة), Жийрфат (جيرفت), ал-Қизр (القزر) каби шаҳарлар шулар жумласидандир. Айрим шаҳарларнинг номлари келтирилмай, “мадина” (مدينة) сўзи билан чекланган. Харитада қўплаб тоғ тизмалари акс эттирилган, лекин улардан ҳеч бирининг номи келтирилмаган, балки “жабал” (جبل) сўзи билангина қайд этилган. “Китаб сурат ал-ард” асари хариталарида жойлашган ўрни аниқ шаҳарларни ичи бўялган қора рангли доира билан, жойлашган ўрни тўла аниқланмаган ва тахминий белгиланган шаҳарлар ичи бўш доиралар билан белгиланган¹.

“Китаб сурат ал-ард” асари харитаси Марказий Осиё, хусусан, аш-Шош вилояти тарихий географияси нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ал-Хоразмийнинг географик рисоласи ўрта асрлардаги энг биринчи географик асар эди, шу ўринда, аш-Шош вилоятининг жойлашган ўрни борасидаги маълумотларнинг ҳам энг қадимийларидан бири ҳисобланади. Жой номларининг ёзилиши ва уларнинг жойлашишидаги айрим ноаниқликларга қарамасдан, бу харита аш-Шош вилояти тарихий географияси бўйича маълум даражада муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки унда берилган номларнинг айримлари ёзма манбаларда қайд этилмаган. Шундай қилиб, ал-Хоразмийнинг “Китаб сурат ал-ард” асари ва унда келтирилган маълумотлар бутун Шарқда география фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

СУЛАЙМОНОВА ХУЛКАР

Тадқиқотчи, ТошДШИ

Абу Мансур ас-Саолибий ҳаёти ва ижодий меросининг ўрганилиши хусусида

Аннотация. Мазкур мақолада машҳур ўрта аср араб адабиётишуноси ва тилишуноси Абу Мансур ас-Саолибий ҳаёти ва ижодий меросининг дунё миқёсида ўрганилишига оид маълумотлар баён этилган. Турли тадқиқотчиларнинг мазкур мавзудаги илмий ишлариға муносабат биздирилган.

Таянч сўз ва иборалар: Абу Мансур ас-Саолибий, қўлёзма, тазкира, антология, котиб, расм.

Аннотация. В настоящей статье рассматриваются вопросы, связанные с изучением биографии и творческого наследия известного арабского средневекового ученого-филолога Абу Мансура ас-Саалиби, а также высказывается отношение к различным научным исследованиям в этой области.

¹ Джафри С. Р. Введение и интерпретация карты // Географическая карта мира ал-Хорезми по книге «Китаб сурат ал-ард». – Душанбе, 1985. – С. 71.



Опорные слова и выражения: Абу Мансур ас-Саалиби, рукопись, тазкира, антология, катиб (секретарь) расаил.

Abstract. This article discusses issues related to the study of biography and creative heritage of the famous medieval Arab scientist - philologist Abu Mansur Al-Tha'libi and expresses attitude to various scientific research in this area.

Keywords and expressions: Abū Manṣūr al-Thaʿlibī, manuscript, tazkirah, anthology, katib (official correspondent), rasail.

Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Найсобурий (ан-Нишопурий) 961 йилда Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилиб, дастлабки таълимни шу ерда олади. Кейинчалик араб тили ва адабиётини пухта эгаллайди. Кўплаб араб ва ажам юртларига сафар қилган олим мусулмон Шарқининг маданияти, турмуш тарзи, маънавий ҳаёти билан чуқур танишиб, филология, тарих, фалсафа, жамиятшунослик каби бир қатор фанларга оид 200 га яқин асар ёзади. Унинг ижодига қизиқиш ва эътибор ўз замонасидаёқ бошланган бўлиб, кўплаб олимлар ўз асарларида ас-Саолибий номини фахр билан тилга олганлар. Бу комусий олимнинг асарлари ордан 10 аср вақт ўтса-да, ўзининг долзарблиги, илмий ва адабий аҳамиятини йўқотмай, кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Жаҳон адабиёти тарихида ас-Саолибий ва унинг адабий фаолиятига бағишланган тадқиқотларни уч босқичга бўлиш мумкин:

1-босқич – ас-Саолибий замонасидан XIX асргача бўлган давр;

2-босқич – XIX–XX асрларда саолибийшунослик;

3-босқич – XXI асрда ас-Саолибий фаолияти ҳақидаги янги тадқиқотлар.

Ас-Саолибий номини биринчи тилга олган олим унинг дўсти ва замондоши Абу Наср Утбий (961–1036) “Тарих ал-Йаминий” номли асарининг бир неча ўрнида ас-Саолибий шеърларидан намуналар келтирган. Ас-Саолибийдан биров кейин яшаган Абул Ҳасан Али ал-Бохарзий (вафоти 1074 й.) ўзининг “Думйат ал-қаср” (“Қаср тасвири”) асарида унинг таржиман ҳолини келтириб, шеърларидан парчалар берган. Бохарзий ас-Саолибийни Нишопурдан чиққан ал-Жаҳиз¹ деб атайдиган ва уни худди куёвдек маълум ва машҳур киши эканлигини эътироф этиб, отаси Нишопурда Саолибий билан кўшни бўлганлигини таъкидлайди. Ас-Саолибийнинг яна бир замондоши машҳур тарихчи Абу-л-Файз Байҳакий (995–1078) ўзининг “Тарихи Масъудий” китобида ас-Саолибий Хоразмда бир неча вақт яшаб хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009–1017) суҳбатида бўлгани ҳамда унга атаб асар ёзгани ҳақида маълумот берган². Машҳур араб сайёҳи ва комусий олими Ёкут ал-Ҳамавий (1179–1229) ўзининг “Муъжам ал-удабо” (“Адиблар лугати”) номли кўп жилдли асарининг бир неча ўрнида ас-Саолибий номини зикр этиб, асарларидан унумли фойдаланган. Тарихчи

¹ Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жаҳиз (вафоти 869 й.) – машҳур араб адиби.

² Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 12-б.



олим Ибн Халликон (1210–1282) “Вафайот ал-аъйон” (“Аъёнлар вафоти”) асарида ас-Саолибий ҳақида маълумот берган ва унинг шеърларидан намуналар келтирган. Ибн Халликон ўз маълумотини шундай сўзлар билан бошлайди: “У ўз даврида илм яйловларида ўтловчи, наср ва назм устозларининг мажмуаси, замона муаллифларининг тожи ва мусаннифларининг имоми эди, ўзи билан рақобатлашувчи кишилар устидан ҳукм юритарди, унинг томонига (доим) туялар (карвони) йўл оларди, унинг (шеърӣ) девонлари зулматда нур сочган юлдуз каби Машрик ва Мағрибда нур сочиб турарди. Унинг асарлари яхши нарсаларнинг энг машҳури, ёритувчи нарсаларнинг энг нурлиси ва муқаддамидир”¹. Ас-Саолибий Абу Бакр ал-Хоразмӣ (935–993), Абу Али ибн Сино (980–1037), Абу Райҳон Беруний (973–1048) каби буюк ватандошларимиз билан замондош бўлиб, деярли бир давлат ҳудудида яшаганлар. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қимматбахо тошларни билиб олиш учун маълумотлар тўплами” ҳамда “Сайдана” асарларида Саолибий шеърларидан намуналар берганини профессор И.Абдуллаев таъкидлаб ўтган².

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари Ибн Шаҳбанинг “Табақот ан-нуҳот ва-л-луғавин” (“Грамматика ва луғат олимларининг табақалари”), ал-Анборийнинг “Нузҳат ал-албоб” (“Доноларнинг ором олиши”), Ибн ал-Имоднинг “Шазарот аз-заҳаб” (“Олтин заррачалари”), ал-Ёфийнинг “Миръат ал-жинон” (“Жаннатлар кўзгуси”), Абул Фидонинг (1283–1331) “Мухтасар фи ахбор ал-башар” (“Башарият хабарлари ҳақида қисқача тарих”), Тош Кўприйнинг “Мифтоҳ ас-саодат” (“Саодат қалити”), Муҳаммад Курд Алининг (1876–1953) “Кунуз ал-аждод” (“Аждодлар ҳазиналари”), ал-Бағдодийнинг “Ҳадийат ал-орифин” (“Маърифатлилар учун ҳадя”), ал-Хувонсорийнинг “Равзат ал-жаннат” (“Жаннатлар боғи”), Хожи Халифа номи билан машҳур бўлган турк олими ва библиографи Котиб Чалабийнинг кўп жилдли “Кашф аз-зунун” (“Шубҳаларнинг ечилиши”) асарида ва бошқа жуда кўп манбаларда ас-Саолибий ҳақида маълумотлар берилган, унинг асарлари зикр қилинган, улардан намуналар келтирилган, айримларида унинг шеърларидан байтлар илова қилинган.

Ас-Саолибий замонасидан XIX асргача бўлган асарларда асосан адибнинг шаънига олқиш ва мактовлар, китобларидан шеърӣ иқтибослар келтирилган бўлиб, уларда илмӣ танқидий фикрлар деярли кузатилмайди.

Ас-Саолибий асарларини адабиётшунослик, манбашунослик нуқтан назаридан тадқиқ этиш XIX асрдан бошланди. Бу даврда жуда кўплаб Ғарб ва Шарқ олимлари ас-Саолибий илмӣ меросига мурожаат қилиб, ўзларининг бир қатор монографик тадқиқотларида олимнинг “Йатимат ад-даҳр” тазкираси маълумотларидан унумли фойдаландилар.

¹ Абдуллаев И. Абу Мансур ас Саолибий. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 7-б.

² Ўша маълба. 14-б.

Тоҷикистонлик олим Ф. Усманов "Ҳатимат ад-дахр"нинг дунё олимлари томонидан ўрганилиши ҳақида ёзиб, қуйидаги маълумотларни келтиради: "Ас-Саолибий асарлари ичида энг машхури ва кўп ўрганилгани "Ҳатимат ад-дахр" антологиясидир. Бу асарни ўрганиш асосан XIX асрдан бошланди. Рус шарқшуносларидан А. Е. Крымский (1871–1942), И. Ю. Крачковский (1883–1951), Е. Э. Бертельс (1890–1957), В. В. Бартольд (1869–1930), немис арабшунослари Густав Флюгель (1802–1870), Ф. Дитеричи (1821–1903), француз арабшуноси Барбье де Менар (1826–1908), чех шарқшуноси Р. Дворжак (1860–1920), инглиз олимлари Никольсон (1868–1945), Эдуард Браун (1862–1926), Клемент Хюар, араб олими Абдуллох Исмоил ас-Савий, эронлик олимлар Саид Нафисий (1897–1966), Аббос Иқбол, ливанлик олим Ханна ал-Фахурий, тожик олимларидан Б. Гафуров, Т. Мардоний, А. Юлдашев, Н. Захидов, А. Абдусатторов, А. Мирзоев, ўзбек олими И. Абдуллаев, озарбайжонлик олим И. Гамидов каби олимлар ўзларининг араб адабиёти, форс-тожик адабиёти тарихи, шунингдек, маълум бир шоир, ёки адиб ижодига бағишланган тадқиқотларида ас-Саолибий асарларига, хусусан, "Ҳатимат ад-дахр" ҳамда унинг давоми бўлган "Ҳатимат ал-Ҳатима"га мурожаат қилиб, улардан кўплаб иқтибослар келтирганлар, ас-Саолибийнинг баъзи асарларини ўз она тилларига таржима қилиб, изох ва кўрсаткичлари билан нашр этганлар"¹.

Француз шарқшуноси Х. Зотенберг (1836–1914) ас-Саолибийнинг "Ғураф ахбор мулук ал-фурс ва сийарухум" ("Эрон подшоҳлари ҳақида хабарлар ва уларнинг таржиман ҳоли") асарининг арабча матни ва французча таржимаси билан 1900 йилда нашр этган. Худди шу асарни эронлик олим Махмуд Хидоят форс тилига ўтириб, 1950 йилда нашр этган.

Араб олими Умар Ридо Каххола ўзининг "Муъжам ал-муаллифин" ("Муаллифлар лугати") номли кўп жилдли асарида ас-Саолибий ҳақида қисқа маълумот беради; унинг айрим асарларини зикр қилиб, у ҳақидаги манбаларни эслатиб ўтган². Ўзининг муаллифлари ҳақидаги бир қанча маълумотларини ас-Саолибий асарларидан олган Миср олими Ханна ал-Фахурий "Араб адабиёти тарихи" асарида ҳам ас-Саолибий ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган³.

Турк олими Шамсуддин Сомий ўзининг турк тилида ёзилган "Қомус ал-аълум" номли китобида Саолибийнинг қисқа таржиман ҳолини бериб, асарларининг баъзиларини кўрсатиб кетган ва олимнинг тўрт мисра шеърини илова қилган⁴.

¹ Усманов Ф.И. Абу Мансур ас-Са'алиби и его «Ҳатимат ал-Ҳатима» как источник по арабоязычной персидско-таджикской поэзии X века. Дисс. на соискание ученой степ. канд. фил. наук. – Душанбе, 2011. – С. 50–54.

² Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 8-б.

³ Ханна ал-Фахури. История арабской литературы. Т. 2. – М., 1960.

⁴ Шамсуддин Сомий. Қомус ал-аълум. 3-ж. – Истамбул, 1891. 1740–1741-б.

Ас-Саолибий ҳаёти ва ижоди Шарқ олимлари томонидан анча ўрганилган бўлса ҳам, унинг бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини тўла камраб оладиган мукаммал асар 1976 йилда ироқлик олим Маҳмуд Абдуллоҳ ал-Жодир томонидан ёзилди. Бағдодда нашр этилган “Ас-Саолибий. Ноқид ва адиб” номли мазкур йирик тадқиқий асар муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Мазкур асар сўз боши, учта боб, сўнгги сўз, фойдаланилган манбалар рўйхатидан иборат бўлиб, муаллиф унга исмлар, китоблар, жойлар, халқлар ва тоифалар, оят ва ҳадислар кўрсаткичларини ҳам илова қилган.

Биринчи боб ас-Саолибийнинг ҳаёти ва маданий меросига бағишланиб, икки фаслдан иборат: унинг ҳаёти ва маданий мероси.

Иккинчи боб унинг танқидий қарашлари. Икки фаслдан иборат: иқлимий қарашлари ва фанга оид қарашлари.

Учинчи боб эса олимнинг адабий меросига бағишланган бўлиб, у ҳам икки фаслни ўз ичига олади: насрий асарлари ва шеърлари.

Китобда фаслларнинг ҳар қайсиси бир неча бўлимларга бўлинган бўлиб, уларда ас-Саолибий ҳаёти ва ижодининг ҳамма томонлари тўла камраб олинган ва илмий асосда таҳлил қилинган. Маҳмуд Абдуллоҳ ал-Жодир ўз асарини ёзишда Шарқ ва Ғарб кутубхоналарида мавжуд бўлган ас-Саолибий ҳақида маълумот берувчи кўплаб қўлёзма ва бошқа манбалардан, шунингдек, ас-Саолибийнинг бизгача сақланиб қолган асарларидан фойдаланган. Аммо муаллиф айнан ас-Саолибий ҳақида салмоқли тадқиқотлар олиб борган рус ва ўзбек ҳамкасбларининг ишларини назардан четда қолдирган.

Абу Мансур ас-Саолибий ҳақида ёзилган яна бир муҳим йирик тадқиқот 1976 йили Бағдодда нашр этилган 517 бетдан иборат “Ал-Адаб ал-арабий фи иқлими Хоразм” (“Хоразм диёрида араб адабиёти”) номли китоб бўлиб, унинг муаллифи фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳадир. Бу асар асосан Хоразм араблар томонидан фатҳ этилган 712 йилдан то Хоразмшоҳлар давлати тугатилган 1230 йилгача бўлган 518 йиллик адабий ҳаёт хусусида бўлиб, унда шу давр ичида Хоразмда ёзилган араб тилидаги шеърӣ ва насрий асарларга кенг ўрин берилган. Араб олимасининг ушбу асари VIII–XIII асрларда Хоразмда араб тилида яратилган бадий адабиётни чуқур таҳлил этган муҳим тадқиқотдир. Ушбу асарда Хоразм сўзининг талқини, Хоразмнинг географик тузилиши, унинг тарихий, ижтимоӣ ва иқтисодий ҳаёти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Ҳинд Ҳусайн Тоҳа ҳозиргача Хоразм адабий муҳитининг беш асрлик тарихини мукаммал илмий тадқиқ этган ягона олима ҳисобланади. Ватанимиз тарихи, адабиёти ҳақида қимматли маълумотлар берувчи мазкур асарни ўзбек тилига таржима қилиш, илмий ўрганиш бугунги кун шарқшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Асарда ас-Саолибий ҳаёти ва унинг “Йатимат ад-дахр” тазкираси ҳақида маълумотлар берилган. Китобнинг Абу Бакр ал-Хоразмӣ, Муҳаммад ибн Ҳомид, Абу Муҳаммад ар-Раққошӣ каби шоирлар ҳақидаги бўлимлари “Йатимат ад-дахр” маълумотлари асосида ёзилган.

Мисрлик олим Абдулфаттох ал-Хулув ас-Саолибийнинг "Китоб ал-мухадарат ва-т-тамсил" ("Сухбатлар ва ўзлаштирмалар китоби") асарини сўз боши ва изохлари билан 1961 йилда Қоҳирада нашр этди.

Ўзбекистонда ас-Саолибий ижодини илмий тадқиқ этишни XX асрнинг 60-йилларида биринчилардан бўлиб бошлаб берган профессор Исматулла Абдуллаев "Йатимат ад-дахр фи маҳосин аҳл ал-аср" ("Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси") тазкирасининг тўртинчи жуъзи (қисми)ни ўзбек тилига ўгириб, таҳлил ва тадқиқ қилган. Кейинроқ эса "Йатимат ад-дахр"нинг мантикий давоми бўлган "Татиммат ал-Йатима" ("Йатимага қўшимча") тазкирасининг тўртинчи қисмини ҳамда ас-Саолибийнинг яна бир "Латоиф ал-маориф" ("Ажойиб маълумотлар") китобини ўзбек тилига ўгириб, таржима ва изохлари билан нашр этган. Булардан ташқари, олимнинг ас-Саолибий асарлари асосида бир неча илмий мақолалари ва "Бухоронинг арабийнавис шоирлари" (1965 й.), "Абу Мансур ас-Саолибий" (1972 й., қайта нашри 1992 й.), "Берунийга замондош шоирлар" (1975 й.) рисоалари ва "Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане" (1984 й.) каби асарлари нашр этилган.

Айнан бир даврда Абдуллох ал-Жодир, Исматулла Абдуллаев ҳамда олима Ҳинд Хусайн Тох ас-Саолибий ҳақида йирик тадқиқотлар олиб бордилар. Умрининг салмоқли қисмини ас-Саолибий асарларини ўрганиб, таржима ва тадқиқ этишга бахш этган профессор Исматулла Абдуллаев ўз илмий ишларида ал-Жодир ва Ҳинд Хусайн Тоханинг тадқиқотларига муносабат билдириб, уларнинг саолибийшуносликдаги ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтган¹. Ўтган асрнинг 90-йилларида ўзбек шарқшунослигида ас-Саолибий ижоди бўйича яна бир янги тадқиқот амалга оширилди. Профессор И. Абдуллаев раҳбарлигида Акрам Ҳабибуллаев "Ал-нъаж ва-л-иджаз" Ас-тазкираси адабий манба сифатида («Антология «Ал-и'джаз ва-л-иджаз» Ас-Саалиби как литературный памятник (Исследование, перевод, историко-филологический комментарий)» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Мазкур ишда тадқиқотчи А. Ҳабибуллаев ас-Саолибийнинг "منتخب الاعجاز و اليجاز" ("Нодир сўзлар ва қисқа ибораларнинг танлаб олингани") асарининг Истамбул, Санкт-Петербург ҳамда Тошкентда сақланаётган қўлёзмаларини қиёслаб тадқиқ этди ва тазкирани рус тилига таржима қилди.

XXI аср саолибийшунослигида Байрутдаги Америка университети профессори Билал Орфалийнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади. Араб адабиётида тазкирачилик ҳамда ас-Саолибий тазкиралари ҳақида илк тадқиқотларини 2003 йилдан бошлаган Б. Орфалий айни пайтга қадар мавзуга оид ўнлаб илмий мақолалар, монографиялар нашр этди. 2014 йилда

¹ 1) Абдуллаев И. Ас-Саолибий ҳақида янги маълумотлар. Шарқшунослик журнали, 1991 йил 1-сон.

2) И. Абдуллаев. Хоразм адабиёти ҳақида йирик тадқиқот. Шарқ маънави журнали, 2002 йил 1-сон.



الشفاهي والمكتوب: دراسة في مصادر الثعالبى (‘‘Оғзаки ва ёзма: Ас-Саолибий манбаларини ўрганиш’’), 2013 йилда ‘‘The Sources of al-Tha’ālibī in Yaṭīmat al-Dahr and Tatimmat al-Yaṭīma’’ (‘‘ас-Саолибийнинг ‘‘Йатимат ад-дахр’’ ва ‘‘Татиммат ал-йатима’’ асарининг манбалари’’), 2012 йилда ‘‘A Sketch Map of Arabic Poetry Anthologies’’ (‘‘Араб шеърӣ антологияларининг схематик харитаси’’), 2009 йил эса ‘‘The Works of Abū Manṣūr al-Tha’ālibī’’ (‘‘Абу Мансур ас-Саолибий фаолияти’’), ‘‘An Addendum to the Dīwān of Abū Manṣūr al-Tha’ālibī’’ (‘‘Абу Мансур ас-Саолибий девонига қўшимча’’) ҳамда ‘‘The Art of the Muqaddima in the Works of Abū Manṣūr al-Tha’ālibī’’ (‘‘Абу Мансур ас-Саолибий ишларида муқаддима санъати’’) каби йирик ҳажмдаги мақолаларини нуфузли илмий журналларда эълон қилди. Б. Орфалий 2009 йилда ‘‘The art of Anthology al-Tha’ālibī and his Yaṭīmat al-Dahr’’ (‘‘Ас-Саолибийнинг антология санъати ва унинг ‘‘Йатимат ад-дахр’’ асари’’) мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди (Йел университети, АҚШ). 2011 йилда эса ҳамкасб дўсти Рамзи Баалбаки билан ҳаммуаллифликда ас-Саолибийнинг ‘‘زاد سفر الملوك’’ (‘‘Подшоҳлар ҳарбий юришларининг кенгайтиши’’) асарининг танқидий матнини, 2015 йилда яна Рамзи Баалбаки билан биргаликда ас-Саолибийнинг ‘‘Makārim al-akhḷāq’’ (‘‘Олийжаноб фазилатлар’’) асарининг танқидий матнини ‘‘The Book of Noble Character’’ номи билан инглиз тилида нашр этди. 2016 йилда ас-Саолибийнинг ‘‘Йатимат ад-дахр’’ ва ‘‘Татиммат ал-Йатима’’ тазкиралари, умуман, ас-Саолибийнинг тазкиранавислик фаолияти ҳақида ‘‘The Anthologist’s Art’’ (‘‘Антология тузувчининг санъати’’) номли йирик монографик асарини эълон қилди. Бундан ташқари, Б. Орфалий 2003 йилдан буён АҚШ, Буюк Британия, Қувайт, Қатар, БАА, Тунис, Туркия, Ливан каби давлатларда ташкил этилаётган аъъанавий халқаро анжуманларда ўзининг ас-Саолибий илмий меросига оид маърузалари билан мунтазам катнашиб келмоқда. Профессор Б. Орфалий ўз тадқиқотларини икки тилда – араб ва инглиз тилларида олиб боради ва ҳар бир янги ишини ўзининг Интернетдаги веб саҳифасига жойлаштиради. Б. Орфалий ас-Саолибий ҳақидаги тадқиқотларида, биринчи навбатда, асл манбалар – қўлёзмалар, тошбосмалар, сўнгра нашр этилган китобларга таяниб фикр юритган. Жаҳон адабиёт-шунослигида ас-Саолибий ҳақида олиб борилган барча тадқиқотларни синчиклаб ўрганиб, уларга танқидий муносабат билдириш орқали ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб ўтган. Биргина мисол: ас-Саолибий асарларининг аниқ сони, унга нисбат бериладиган китоблар ёки уники деб тахмин қилинадиган асарлар ҳақидаги саолибийшунослараро баҳсга Б.Орфалий ойдинлик киритиб, ўзининг илмий асосланган мукамал таснифини тақдим этади¹. Кўплаб манбаларни солиштириш, киёслаш, бирор адабий воқеликни

¹ Bilal Orfali. The Works of Abū Manṣūr al-Tha’ālibī. Journal of Arabic Literature 40 (2009). – P. 273–318.

нафақат адабиётшунослик, балки манбашунослик, матишунослик, тарих, фалсафа, тилшунослик нуктаи назаридан ўрганиб чиқиш каби жихатлар Б. Орфалий тадқиқотларининг илмий аҳамиятини янада оширган. Истеъдодли олим ҳозирда “*Al-Tha‘alibī’s Kitāb al-Iqibās min al-Qur‘ān al-Karīm*” (Ас-Саолибийнинг “Қуръон ал-каримдан иқтибослар” китоби) мавзусида ўз илмий тадқиқотларини жадал давом эттирмоқда.

Жазоир университети тадқиқотчиси Заҳийя Саъдунинг ҳам ас-Саолибий илмий меросини ўрганишдаги хизматлари салмоқли. У ўзининг “*al-Tamaththul wa-l-tuḥāḍara li-Abī Mansūr al-Tha‘alibī: dirāsa wa-taḥqīq*” (Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Сухбатлар ва ўзлаштирмалар китоби”: ўрганиш ва тадқиқ) мавзусидаги докторлик диссертациясини 2005 йилда ҳимоя қилган. Диссертацияда ас-Саолибийнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолияти ҳақида баъзи янги маълумотлар келтирилган, шунингдек, “Сухбатлар ва ўзлаштирмалар китоби” кўлёзма нусхаларининг танқидий матни тузилиб, асар адабиётшунослик, манбашунослик нуктаи назаридан чуқур тадқиқ этилган.

Ас-Саолибий тазкиралари бўйича амалга оширилган тадқиқотлардан яна бири тожикистонлик олим Ф. И. Усмоновнинг “Абумансур ас-Са‘алиби и его «Татиммат ал-Йатима» как источник по арабоязычной персидско-таджикской поэзии X века” (Душанбе, 2011) мавзусидаги номзодлик диссертациясидир. Ф. Усмонов ўз диссертациясида X асрда араб тилидаги форс-тожик адабиётини ўрганишда ас-Саолибий тазкираларининг ўрни ва роли, “Йатимат ад-даҳр” ҳамда “Татиммат ал-Йатима” тазкираларининг умумий ва фарқли жихатлари, “Татиммат ал-Йатима”даги араб тилида ижод қилган форс-тожик шоирлари, улар шеърларининг жанр ва поэтик хусусиятлари ҳақида маълумот беради. Афсуски, Ф. Усмоновнинг номзодлик диссертацияси профессор И. Абдуллаевнинг “Татиммат ал-Йатима” ҳақидаги тадқиқоти¹ мазмунан жуда ўхшаш эканлиги мазкур ишни савияли монографик тадқиқот деб аташга йўл қўймайди.

Айни пайтда Тошкент давлат шарқшунослик институтида ас-Саолибий тазкиралари хусусида яна бир илмий тадқиқот амалга оширилмоқда. Мазкур мақола муаллифининг “X–XI асрлар араб тазкирачилигида ас-Саолибийнинг ўрни (“Канз ал-кутуб” ва бошқа тазкиралар мисолида)” мавзусидаги тадқиқоти ўз олдига “Канз ал-кутуб” асарини адабиётшунослик, манбашунослик нуктаи назаридан илмий тадқиқ этиб, уни ўзбек тилига таржима қилишни ҳамда тазкиранинг бошқа кўлёзма нусхаларини топиб, уларни ўзаро қиёслашни, шунингдек, тазкирадаги мовароуннаҳрлик шоирлар ижодидан намуналарни ўрганишни мақсад қилиб қўйган. Тадқиқотчи айни пайтга қадар мавзу юзасидан бир қатор мақола ва тезислар эълон қилган².

¹ Абу Мансур ибн Муҳаммад ас Саолибий. Татиммат ал-Йатима. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларини тузувчи Исмиатулла Абдуллаев. – Т.: Фан, 1990.

² Сулаймонова Х. “Канз ал-кутуб” тазкирасида Абу Бакр ал-Хоразмий зикри. Бадиий матн таҳлили ва талқин муаммолари мавзусидаги илмий назарий конференция материаллари. –

Абу Мансур ас-Саолибийнинг илмий мероси, хусусан, тазкиралари Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон ва бир қатор араб мамлакатлари адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба эканлиги сабабли уларни илмий тадқиқ этиш шарқшунослар учун ҳамиша долзарб вазифадир.

Т., 2012. 89–90-б.; Сулаймонова Х. Антология «Канз ал-кутуб» ас-Саолибий как источник по арабской поэзии средневековья. XXVII Международная научная конференция по источниковедению и историографии стран Азии и Африки. – Санкт-Петербург, 2013. – С. 398–399; Сулаймонова Х. Ас-Саолибийнинг “Канз ал-кутуб” тазкираси хусусида. Шарқшунослик журнали, 2013 йил 1-сон, 62–66-б.; Сулаймонова Х. Котиблар учун муҳим манба. Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. Илмий назарий конференция материаллари. – Т., 2015. 152–156-б.; Сулаймонова Х. Ас-Саолибийнинг котиблар учун ётган асарлари. Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. Республика илмий-назарий анжуман материаллари. – Наманган, 2016, 195–199-б.



ТАРЖИМАШУНОСЛИК // ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЕ //

STUDY OF TRANSLATION

АБДУРАХМОНОВА МУҲАЙЁ

Филология фанлари номзоди, доцент, ТошДШН

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърининг бадияти ва урду тилига таржимаси хусусида

Аннотация. Мазкур мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб ғазалларининг урдуга таржимаси, таржима жараёнида юзага келган баъзи ҳолатлар, манзум қилини билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўз боради.

Таянч сўз ва иборалар: ғазал, манзум таржима, шеърини санъатлар, байт, қофия, радиф.

Аннотация. В статье рассказывается о процессе перевода на урду ғазелей Заҳириддина Муҳаммада Бобура и о некоторых чертах поэтического перевода стихов.

Опорные слова и выражения: ғазель, поэтический перевод, поэтические приёмы, двустопные, рифма.

Abstract. The article deals with the translation of Zakhiriddin Mukhammad Bobur's gazels, some important aspects of poetic translation into Urdu.

Keywords and expressions: gazel, poetic translation, poetic method, couplet, rhyme.

Мактаб партасидан ҳаммамизга ёл бўлиб кетган:

Ҳижрон қафасида жон куши ҳам қиладур,
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур

мисраларининг муаллифи – шоир, носир, тарихчи, табиатшунос, географ, геоботаник, машшук, меъмор, боғбон ва бинокор бўлган маърифатпарвар сиймо Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига кизикниш ҳамда уни чуқурроқ ўрганиш шундай тезкор замонда онгимизга, шууримизга компьютер, бизнес олами ва бошқа соҳага онд маълумотлар пайдар-пай кириб, бизни замондан-да юғурик қилиб қўяётган бир пайтда бир лаҳзага тин олиб, ўзимизни, ўзлгимизни англашга кўмак беради.

Ҳинд халқининг Бобурнинг “сўзунин ўқуб, ўзини англаш” учун Дехли университети профессори, бизга урду тили ва адабиётидан сабоқ берган марҳум устозимиз Қамар Райис билан ҳамкорликда унинг ғазал ва рубоиларини урду тилига баҳоли кудрат таржима қилдик. Қилган саъй-ҳаракатимиз натижасида 2002 йилда Дехлида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур

– шахсият аор шаири” (Захириддин Муҳаммад Бобур – шахсияти ва шеърляти) деб аталган китоб шеърлятни кадрловчи мухлислар қўлига етиб борди.

Китобнинг биринчи қисмида Бобурнинг шахсий ҳаёти лавҳалари, Мовароуннаҳр, Самарқандда марказлашган давлат тузиш учун курашлари, ҳаётини остин-устин қилиб юборган жангу жадалларда кечган йиллар ҳақида сўз боради. Китобнинг иккинчи асосий қисмидан ғазал, рубоийлар ва қитъаларнинг таржимаси ўрин олган. Китобимизнинг таржима қисмида ҳурматли ўқувчиларимиз форсийда битилган шеърларга маънодош бир неча ғазал ва рубоийларни учратишлари мумкин.

Аслида шўролар даврида шоҳ Бобур ва бошқа Марказий Осиё ҳукмдорлари ҳаёти ҳамда уларнинг буюк ишларига доир илмий-тадқиқот ишлари жуда кеч бошланди. Бу кечикиш ёки тадқиқотларга қўйилган тўсиқлар орқасида баъзи ғоявий ва сиёсий сабаблар ҳам бор эдики, улар ҳақида тўхталишнинг ҳолати йўқ.

Гап шундаки, Амир Темур ва Улутбек каби Бобур мирзо ҳам ўзбек халқининг дилини забт этган ҳукмдорлардан. Бунинг сабаби, унинг жанг майдонида қўркмас суворий ва жаҳоншумул шуҳрат эгаси бўлгани эмас. Асло. Балки бир инсон ва илму фанни кадрловчи сифатида унинг шахсиятида ғайриоддий улутворлик ва айни пайтда жозиба бор эди. Илму фан соҳасида ёки маҳобатли иморатлар, хушманзара боғу роғлар барпо этишда неки буюк ишлар қўрсатган бўлса, у бутун дунё маданий меросига қўшилган катта ҳисса бўлди. Улардан аввал ўтган Мусо ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Имом Термизий, ал-Фарғоний ва бошқа илму фан ақобирлари Марказий Осиё сарзаминида дунёга келиб, шу ер номини бутун оламга машҳур ва маъруф қилдилар.

Бобур мирзонинг табиатида аввал бошиданок романтик хис-туйғулар парвариш топган эди. Балки шулар туфайли унинг шахсияти бошқаларга нисбатан кўпроқ дилбар ва жозибатор туюлар.

Бобурнинг чигатой туркийда ёзган шеърларига келсак, уларнинг ҳажми катта эмас. 1982 йилда ўзбек олими Саидбек Ҳасанов “Шарқ классиклари меросидан” туркуми остида Бобур мирзонинг шеърларини тўплаб, “Бобур шеърлятидан” китобини чоп эттирди. Унда ҳаммаси бўлиб 118 ғазал, 98 рубоий, 19 қитъа, 53 муаммо, 53 фард ва бошқа шеърлар мавжуд. Рампурдаги қўлёзма нусханинг Хожа Аҳрор Валийга бағишланган қисмида манзум таржимадан ташқари 41 байтдан иборат бир маснавий, иккинчи қисмида бир ғазал ва турли мухтасар шеърлар, учинчи қисмида 18 байтгли маснавийга ўхшаш шеър бор. Айтишларича, Бобурнинг худди шунга ўхшаш шеърларининг қўлёзма нусхаси Истамбул университети кутубхонасида сақланади.

Ўзбекистонда Бобур мирзонинг шеърӣ меросини тадқиқ этган таникли олимлар ва танқидчилар Бобурнинг шеърӣ асари ҳажман кичик бўлса-да,

аммо унинг ортида бир инсонпарвар, некбин, покиза қалб эгаси, гўзаллик ва ҳусн шайдоси, ҳаётсевар инсоннинг ёрқин сиймоси туради, деб фикр билдирадилар. Мен олимлар орасида Воҳид Зоҳидов, Содик Мирзаев, Саидбек Ҳасанов ва Илёс Ҳошимовларнинг муборак номларини катта ҳурмат билан қайд этмоқчиман.

Воҳид Зоҳидов “Бобурнома” сўз бошисида ёзади: “Бобур асарларида ўз замонасидан норозилик, тақдирга қарши аччиқ нолишлар баралла эшитилади. Бундай норозилик ва эътирозлар Бобур поэзиясига чуқур фикр ва ижтимоий моҳият бағишлайди. Бунинг устига улар кишиларни ўша замонда мавжуд бўлган ижтимоий воқеликка нисбатан танқидий ва хушёр муносабат руҳида тарбиялашда ёрдам беради”.

Саидбек Ҳасанов ёзади: “Гарчанд Бобур лирикаси ҳажман кичик бўлса-да, шаклан етук ва бадиий жиҳатдан баркамолдир. Унинг ҳос белгиси шуки, ҳар бир байт бирон тарихий ҳақиқат билан уйғундир. Бобур уни ниҳоятда раво ва жонли тасвирлайди. Унинг лирикасининг асосий мавзуси муҳаббат эканлиги шубҳасиз. Ҳижрон аламида шиква-шиқоят, батамом ожиз қилиб қўювчи соф муҳаббат, висола орзуси ва вафодорликни шиор қилган”.

Баъзи танқидчилар Бобур шеърятининг лирик жиҳатларига ишора қилиб “Шоир шундай вазнда қалам сурганки, унинг бу мисраларига куй басталаш жуда осон”лигини таъкидлайдилар. Шунинг ҳам ёзадиларки, Бобур ўзидан аввал ўтган Амир Хусрав, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийлар яратган аъёналардан яхши вокиф бўлган.

Шоирнинг ўзи ўз шеърларига аъёнавий девон шаклида тартиб бермаганини, бошқа ижодкор ҳукмдорлар каби заррин нақшлар ила безаб, дўст-ёрларига тухфа қилмаганига бир рубойида гувоҳлик беради:

*Девонима не рабту не тартиб дурур,
Не жадвалу не лавҳу не тазҳиб дурур.
Гар санга йибордим ани, айб айламаким,
Девонингни тиларга тақдир дурур.*

Шоирнинг фожиаси шундаки, Алишер Навоийга насиб этган тинчлик-хотиржамлик ва ҳаловат Бобурга муяссар бўлмади.

Катта туғма истеъдоди, кучли эрудицияси ва ўзгаларга ўхшамас фикрлар эгаси бўлган Бобур ўзи яшаётган жамият ҳамда ундаги ҳолатларга қарши бош кўтарди, уларни қоралади. Ҳаёт машаққатлари ва турмуш укубатлари ҳусусида ўй-фикрлари ҳамда ғояларини асосли, чуқур англаган ҳолда баён этарди.

Бобурнинг таассуротлари ва кечинмалар дунёси ҳам жуда кенг ҳамда қавровли эди. Ана шундан унинг дунёкараши ва кечинмаларида жадаллик, журъат ва кескинлик мавжуд эди. Бир ҳақиқатдан бош тортиш мушкул, бошқа мумтоз шоирларга нисбатан Бобурдаги эстетик дид жуда нозик эди.

Аммо минг афсуски, унинг шахсиятидаги бундай комил фазилятлар унинг шеърляти орқали бўлса-да, тўлиқ юзага чиқа олмади. Шунга қарамай, биз эътибор бериб изласак, Бобурнинг шеърларида унинг реалистик қарашларини ҳар жойда учратамиз. Бир неча рубоийлар фикримиз далили бўлсин:

*Май таркини қилгали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнио ҳайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.*

*Руҳим яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.
Руҳимни чу тан уйига келтурдинг пок,
Мундин бори элма касофат бирла.*

*Душманники, бу даҳр забардаст қилур,
Наҳват майидин бир неча кун маст қилур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они наст қилур.*

Шайху дин пешволарининг рискорлиги ва мунофиқлиги хусусида жуда кўп шоирлар мардона сатрлар битганлар, аммо Бобур ўз шеърлари орқали ўз порозилигини жуда кескин ва ғазабли ифодаляйди. Марказий Осиё ҳукмдорларига ҳукуматни, давлат ишларини юритишда шайх ва уламолар даҳидорлик қилганлар, бундан шоҳлар ҳам уларнинг таъсири остида бўлган. Лекин Улугбек ва Бобур теурийлар наслининг шундай вакилларики, улар диндорлар ва руҳонийларнинг бошқарув ишига даҳл қилишларига изн бермаганлар, уларнинг мақсад ва интилишларига берилмаганлар. Хусусан, Бобур уларни ҳурмат қилгани ҳолда саройга яқинлаштирмаган. Хожа Аҳрор Валийга бўлган эътиқодининг маслагини устун қўярди. Дарвишлар ва жўғилар билан учрашиш унга таскин ва хушнудлик бағишларди. Бир-икки мисол келтирай:

*Зоҳидо, дўзах ўтидин мени не қўрқутасен,
Ҳажр ўти қошида кўрмасмен они учқунча.
Улки давроннинг аёғидин дамо-дам қон ютар,
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми Жам била.*

*Жаннатул маъвони, эй зоҳид, нетай мен зорким,
Истарам кўйидин ўзга манга маъво бўлмас.
Шайх шеърим манъ этар, етмай балогат лутфига,
Найлагай, ё раб, киши бу пира ноболиг била.*



Бобур феодаал жамият фарзанди бўлса-да, инсоннинг хур фикри, умуман, инсоний кадриятларни куйлайди. Унинг очикчасига май нўш этиши, хуснпараст эканлиги, юксак диди, дўсту ахбоблар билан раксу мусикадан завқланиши, ҳаёт неъматларидан лаззатланишини ўз асарларида очик-ойдин, рўй-рост қаламга олгани Бобур шеъриятининг ўқ томири – инсонни кадрлаш эканини билдиради.

Бир ғазалнинг бир неча байтларида бу машаққатли дунёни унутиб, эмин-эркин бўлишга чақиради. Матлаъга эътибор беринг:

*Хуш улким ёрдин қатъ айлабон, тарки диёр этса,
Жаҳон кезмак ила беқайдлиғи ихтиёр этса.
Анингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо,
Агар бу даҳри дун хор айласа, гар эътибор этса.
Жафодур жонга бўлмоғлиг муқайяд олам аҳлига,
Хуш ул озодаким, элнинг аросидин канор этса.*

Бобур, шоир Хайёмнинг “тириклик напидасин сур, ҳаёт икки бор берилмайди” деган ғоясини маслак қилиб олди. Қобулга етгач, шунга амал қилди. Бунинг баъзи объектив ва субъектив сабаблари бор эди, албатта. Мен олдинги саҳифаларда бунга ишора қилган эдим. Ҳақиқий дунё, ер юзидаги неъматлардан завқланиш Бобурнинг серкирра романтик шахсиятининг ажралмас қисмидир. Ахвол аста-секин ўзгариб ёки яхшиланиб боргани сайин шахсиятидаги бу кирра ҳам очилиб бори:

*Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, шик дарди, боданинг кайфияти,
Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Қимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати,
Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билинғай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.*

Рана Санга билан бўладиган жангдан аввал шароб ичмасликка қасд қилгани ва бу аҳдда собит тургани рост. Ҳолбуки, тавба қилганидан кейин икки йил мобайнида бошдан кўп азиятларни кечирди ва қуйидаги қитъани битди:

*Май таркини қилғали паршондурмен,
Билмон қилур ишимнио ҳайрондурмен,
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.*

Бундай караганда, Бобурнинг шахсиятида баъзи бир зиддиятлар учрайди. Улар туфайли характери икки томонламага ўхшайди. Аслида эса ундай эмас.



Ижодий камолот ва ўз-ўзига ишонч эгаси бўлган зотлар сўз ва амалнинг мураккаб чалкаш гирдобиди бўладилар, айти шу чалкашлик уларнинг кайфияти ва ҳолатида бош кўтарадиган баъзи бир-бирига зид хусусиятларни муайян босқич ёки айтирли даражага етганда ўз-ўзидан ҳал қилиб ҳам кўяди. Бобурда ҳам худди шу кайфият ҳукм сурган. Албатта, шуни тан олиш керакки, юртни бошқариш тизгини ёки фармонраво бўлиш унга меросхўр сифатида тегди. У ҳам бўлса 11–12 ёшида. Менинг шахсий фикрим шундайки, бу фармонраволик Бобурнинг каландарона, шоирона табиати билан уйғун эмасди. Лекин ҳаёти хавф остида қолиб, яқинлари ҳам душманлари сафидан жой олгач, Бобур ўспирин бўлишига қарамай буни даъват деб қабул қилди. Ирода кучи ва табиатидаги мардонаворлик, журъат туфайли ганимлардан устун келди. Ғалаба ва мағлубиятга тақдирнинг ўйини деб қаради. Ҳарбий юришлар, жангу жадаллар авж олган замонда қилич ўйнатиб, куч ишлатишдан бошқа йўл билан у ўз орзуларини амалга ошира олмаслигини англаган. Бобур Намруд ўтига ўзини отди-ю, аммо умр бўйи уни гулу гулзорга айлантириш пайида ўтди. Ҳукмдор ва лашкарбоши сифатида баъзи ҳарбий юришларда шундай чора-тадбирларни қўллайдик, булар унинг шафкатли, покиза, олижаноб қалбига мувофиқ келмас эди. Буларнинг барини Бобур ҳукмрон ва саркарда бўлгани учун шароит тақозоси билан қилди. Аминманки, бундай истилолари учун унинг раҳмдил ва покиза қалби бир эмас, бир неча бор унга таъна тошини отган.

Таржима жараёнида биз Бобур девонидан асосан ҳасби ҳол йўналишидаги, яъни шоирнинг тақдири, унинг ҳаёти ва фаолиятига доир кечинмаларнинг инфодаси бўлган шеърларни танлаб олдик. Биз унинг мансур, яъни насрий таржимасини қилдик. Ўзлари шоир ўтган Қамар соҳиб эса уларни манзум қилдилар. Устоз мендан икки омилга эътибор беришимни сўрадилар – аввало, шеър бадийи теран ва сермазмун бўлсин, иккинчидан, шеърдаги радиф туркий сўзлар билан берилган бўлса ҳам, аммо унинг қофиядош сўзлари имкон қадар араб-форс сўзлари бўлсин. Чунки урду тилининг сўз бойлигида араб-форс сўзлари аксариятни ташкил этади. Бу эса асосий мақсадга, яъни шеърнинг бадийи руҳига путур етмаслигига хизмат қилади.

Энди таржималардан мисол келтирсак:

Бобурнинг ҳаёт неъматлари, дўстлар суҳбатидан завқланиш, ҳаётга умид кўзи билан қарашга ундовчи

Ғаҳи соғин, не бўлди зорларни,

Унутмагил бурунқи ёрларни

матлаъси билан бошланувчи шўхчан ғазалида “хорларни, беморларни, афғорларни, дилдорларни, дорларни” каби сўзлар қофияни ташкил этади. Бу каби ғазаллар урду тилига жуда силлиқ ва осон манзум бўлган. Икки бандни мисол қилиб келтирсак:

Гаҳе-гаҳе яд каро дилдарон ко
Юн мат бхуло дур афтада ярон ко
Ҳажр ке гам ме зар ҳуа, бимар ҳуа
Акар декҳо тум анне бимарон ко

Иккинчи манзум килинган ғазаллар сирасига шундайлар кирадики, уларнинг бир ёки икки мисрасида туркий сўз қофиядош бўлиб келган. Нима қилиш керак? Ғазал ниҳоятда гўзал. Кўнгил узиб бўлмайди. Биз мана сўзларни шу ҳолида қолдирдик ва саҳифанинг охирида унинг урдуча таржимасини бердик. Шоирнинг она юртни қўмсаш, унга талпиниш, ғариблик азобларидан ҳасрат оҳанглари учрайдиган ғазалларидан бири

Улки йиллар, ойлар ўтқаргай гаму мотам била,
Шоду хуррам бўлмагай Наврӯз ила, байрам била

матлаъси билан бошланади. "Байрам" сўзи урдуда йўк. Қолган мисраларда эса "жам била, олам била, зеру бам била" (мусикада товушининг баланд-паст тушиши) каби форсий сўзлар қофияни ташкил этган. Биргина "байрам" сўзи туфайли бундай таъсирчан ғазалдан воз кечиш хушёрларнинг иши эмас. Зеро, бу банд қуйидагича таржима қилинди:

Гузарте ҳе маҳине во ранж-о матам ме,
Ке шад декҳа наҳин ус ко жаши-о бейрам ме.

Яъни, биз байрам сўзини шу ҳолича қолдириб, унинг урдудаги таржимасини ғазалнинг охирида келтирдик.

Бобурнинг бадий баркамол, жуда равон, киши дилини қитикловчи ўтли ғазаллари жуда кўп. Мисол учун:

Ҳажраро шират аёгин борму нўш айлар чоғим,
Сенсизин юруб аёқ ичкунса, синсун аёғим.

Аммо уларнинг қофияси туркий сўзлардан таркиб топгани боис, уларнинг аксарияти мансур таржима ҳолида қолиб кетди.

Бу ишга қўл уришимиздан асл мақсад фотиҳ эмас, шох эмас, энг аввало, шоир, йирик санъаткор бўлган Бобурнинг оддий шахс, ошиқ юрак сифатидаги севги қувончлари ва алам-ситамини, тақдир айби билан тушқунликка тушган кишининг оҳу ноласини халқ дилига етказиш эди.

Умидимиз борки, инсоний фазилатларни тарғиб этувчи, ватанпарварлик ва ҳаётсеварлик гоялари билан ғазалхонга завқ-шавқ бахш этувчи мисралар ҳинд халқининг юрагидан ўрин ола олади. Ҳинд халқи буюк санъаткорни шону шавкатни қўмсовчи тахт даъвогари деб эмас, "бори элга яхшилик қилиб, даҳр аро фалондин яхшилик қолди" деб тилга олса, меҳнатимиз зое кетмаган деб биламиз.



ШАМСИЕВА БАРНОХОН

Ўқитувчи, ТошДШИ

Бадний таржимада маданият трансферининг намоён бўлиши

Аннотация. Мақолада япон адиби Нацумэ Сосекининг "Қалб" романининг ўзбек тилига таржимаси мисолида аслиятдаги маданият белгиларининг таржима матнига кўчиши, бадний асарда миллий маданиятнинг акс этиши ва унинг таржима матнидаги тасаввур (ассоциация) билан боғлиқ хусусиятлари ёритилган.

Танч сўз ва иборалар: маданият трансфери, ассоциация, маънонинг ситқилиши, реалия.

Аннотация. В статье раскрываются передача культурных знаков оригинала в тексте перевода, отражения национальной культуры в художественных произведениях, а также особенностей, связанных с их ассоциацией на примере перевода на узбекский язык романа «Душа» японского писателя Нацумэ Сосеки.

Опорные слова и выражения: культурный трансфер, ассоциация, переход значения, реалия.

Abstract. The article describes the transfer of cultural signs in the original text's translation, reflection of national culture in literature, as well as features associated with the novel "Soul" by Japanese writer Natsume Soseki which was translated into Uzbek language.

Keywords and expressions: cultural transfer, association, moving the meaning, realia.

"XXI асрга келиб, тил нафакат мулоқот ва дунёни билиш курали, балки миллат маданиятининг калити(коди)"¹ сифатида олимларни қизиқтира бошлади. Одатда, бир тилдан бошқасига таржима қилганда, икки тил ўртасидаги жиддий лексик-грамматик фарқлар билан биргаликда, ўша тилларда сўзлашувчи халқлар яшаётган табиий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар ҳамда кишилар онгида шу омишлар тақозоси билан туғилган тасаввур, тушунча, эътиқодлар ўртасидаги катта тафовутларга дуч келиниши кузатилади. Айнан шу ҳолатда таржимашунослик фанига янги киритилган атама "маданият трансфери" содир бўлади. "Маданият трансфери" назарияси аслиятдаги маданият белгиларининг таржима матнига кўчиши, бадний асарда миллий маданиятнинг акс этиши ва унинг таржима матнида қандай тасаввур (ассоциация) билан қабул қилиниши хусусиятларини ўрганади. Унда асос бўлган маданият элементларининг таржима қилинган асар маданияти томонидан қандай қабул қилиниши, унинг янги маданиятда қандай қурилгани, қабул қилувчи маданиятга мослашиши қизиқтиради ва ўрганилади. Е. Е. Бразговскаянинг таъкидлашича, бошқа маданият матнидаги ҳар қандай белги албатта изоҳни ва семантик кодни талаб қилади².

¹ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М: Академия, 2001. – С. 3.

² Бразговская Е.Е. Текст в пространстве культуры: Sny.Ogrody.Serenite. Ярослава Ивашкевича / Перм.гос. пед. Ун-т. – Пермь, 2001. – С. 6.



Бадий матнинг трансфер бўлиши – маълум бир ғояларнинг бегона маданият майдонига “кўчиши” ёки “силжиши”, бадий матнинг янги ҳаёти, янги муҳит шаронтидан келиб чиқиб мослашишини ва шунда ҳам ўзининг ўзлигини сақлаб қолиши таржимашуносликда маданият трансфери назариясининг асосини ташкил қилади.

Бадий асарда маданият трансферини таҳлил қилишда фойдаланилган Нацумэ Сосекининг ўзбек тилига таржима қилинган “Қалб” асарида ҳам ўзбек миллати маданиятига оид бирикмалар қўлланилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

ああ帰ったかい。そうか、それでも卒業ができてまあ結構だった。ちょっと御待ち、今顔を洗って来るから。」(88-б.)

Сўзма-сўз таржимаси: “Ҳа, келдингми? Шундай қилиб, ўқишни битирганинг жуда яхши бўлибди. Бироз кутиб тур, ҳозир юзини ювиб келай”.

“Келдингми, болам? Ўқишни битирдингми? Балли! Ўтира тур, мен бундоқ юз-қўлимни чайиб олай”. (Жаҳон адабиёти¹, июнь 2013, 115-б.)

Сўзма-сўз таржимани асл таржима билан солиштирганда, манба сифатида олинган таржимада ҳақиқий ўзбеклар оиласида ота-оналар томонидан тез-тез ишлатиладиган “болам”, “балли” сўзлари қўлланилиб, китобхон асар ўқиш жараёнида ўзбекларга хос турмуш тарзи тасаввури ҳам гавдаланишига сабаб бўлади. “Ўқишни битирганинг яхши бўлибди” жумласининг ўрнига “балли” сўзининг қўлланилишида маънонинг силжишини кузатамиз. Яъни, асл матида ота ўзининг касаллиги ва ҳаётлигида ўғлининг қайтганига “битирганинг яхши бўлибди” дейилган бўлса, ўзбек тилига қилинган таржимада “балли” сўзида маъно ўсишини кузатамиз. Зеро, “балли” сўзи концепт бўлиб, мактов, таҳсин, хурсанд бўлиш, гурур каби маънолар йиғиндисидан иборатдир. Шу жиҳатдан олиб қаралса, таржима китобхон дунёкарашини, миллатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган деган хулосага келамиз.

Япон тили матнида кўпроқ абстракт, имплицит, яъни яширин хусусиятга эга сўз, иборалар жуда кўп учрайди. Албатта, булар миллатнинг фикрлаши, ташки оламга бўлган муносабати орқали шаклланади. Қуйидаги мисолда япон дунёкараши тилда акс этган кўриниши таржима матнида ўзбеклар дунёкарашига мослаштирилганининг гувоҳи бўламиз.

先生の生活に近づきつつありながら、近づくことのできない私は、先生の頭の中にある命の断片として、その墓を私の頭の中にも受け入れた。(38-39-б.)

“Устознинг ҳаётига қанчалик чуқур кириб бормайин, бу боғлиқлик тағига етмаган бўлсам-да, ҳартугул қабр билан боғлиқ хотиралар ҳаётининг бир қисми эканлигига имон келтирдим”¹. (ЖА, май 2013, 21-б.)

¹ Кейинги мисолларда “Жаҳон адабиёти” журнали ЖА сифатида қисқартирилган ҳолда берилди.



Мазкур жумлада япон тилига онд бир қанча иборалар қўлланилган. Масалан, 私の頭の中にも受け入れた [watashi no atama no naka ni mo ukeireta] ибораси сўзма-сўз таржима қилинганда “менинг бошимнинг ичига ҳам кириб борди” шаклида бўлиб, “диққатимни, эътиборимни тортди” маъноси тушунилади.

先生の頭の中にある命の断片として、その墓を私の頭の中にも受け入れた жумласидаги 頭の中にある [atama no nakan ni aru] ибораси “бошимнинг ичига бўлган” шаклида сўзма-сўз таржима қилиниб, “фикри-хаёлида бўлган” маъносини англатади.

Аслиятда жумланинг иккинчи қисмида берилган 墓 [haka] “қабр”, таржима матнида “қабр билан боғлиқ хотиралар” шаклида берилиб, маъно ўсишини кузатамиз. Бу ҳам ўз навбатида, ўзбек тилида назарда тутилган объект билан боғлиқ тасаввурлар ва рухий ҳолатларнинг муҳимлигидан келиб чиқиб ягона сўз ўрнига у билан боғлиқ сўз бирикмаси қўлланилган. Ва, албатта, булар китобхонга тушунарлироқ бўлиши учун амалга оширилган таржимада шаклан сўз→сўз бирикмаси ҳолида трансферни кузатишимиз мумкин.

“Қалб” асарида ҳам меҳмондўстлик, дастурхон атрофи ва овқатланиш маданияти элементларининг бир қанчаси намоён бўлади. Гарчи икки халқнинг ҳам меҳмондўстлиги, маданиятлари бир-бирига ўхшашлиги ҳақида бир қанча асарларда таъкидланган бўлса ҳам, бадий матни таҳлил қилиш жараёнида маданият трансферининг содир бўлиши кузатилади.

その内はいつの間にか先生の食卓で飯を食うようになった。(22-6.)

“Бир марта унинг дастурхонидан овқатланганман ҳам” (ЖА, май 2013, 14-б.)

先生の食卓で飯を食うようになった [sensei no shokutaku de hanwo kuu youni natta] жумласи ўзбек тилига сўзма-сўз “устозимнинг столида овқат ейнишга мушарраф бўлганман” деб таржима қилиниб, таржима матнида “дастурхонидан овқатланганман” дея аъло эквивалент таиланган. Япон маданиятида стол устида дастурхон ва унга ўхшаш буюм ишлатилмаса-да, ўзбек тилида “дастурхон” концепти жуда кўп маъноларни англатиб, айнан “стол” маъносида ҳам қўлланилади. “Столида овқат еганман” жумласини “дастурхонидан овқатланганман” деб таржима қилинганида аслиятдаги барча маънолар сақлаб қолинган бўлса-да, ўзбек тилида ушбу жумлада маъно ўсганини кузатишимиз мумкин. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, “дастурхон” концептида предметнинг ўзи, стол усти, унинг тўқин-сочинлиги, мезбоннинг меҳмондўстлиги кабилар англашилади.

¹ Фикримизча, бу ерда “имон келтирдим” ибораси ўрнига “амин бўлдим” қўлланилганда тўғрироқ бўларди.

“Дастурхон” сўзи кўчма маъноларда ҳам қўлланилиши асар таржимасида ҳам ўз аксини топган:

そのきよくあなたは私の過去を絵巻物のように、あなたの前に展開してくれと逼った。(132-б.)

“Боз устига, сиз ўтмишимни “дастурхон килиб” ёзишимни талаб қила бошладингиз”. (ЖА, июнь 2013, 121-б.)

Ўзбек тилидаги “Дастурхон килмок” ибораси япон тилидаги 絵巻物 [emakimono] сўзига эквивалент сифатида берилган. “Бирор гапни ҳар қаерларда, ҳар кимларга гапириб, дoston килиб юрмок”¹ маъносида қўлланиладиган ушбу ибора, юкоридаги мисолда қахрамоннинг ҳеч кимга айтмай юрган сирларини, ўтмишини тўкиб солиши назарда тутилади.

絵巻物 [emakimono] – япон миллий санъат тури бўлиб, асосан XI–XVI асрларда машҳур бўлган. Бадний асар мазмунини шойи ёки коғозли ўрамга расм килиб чизилган ушбу санъат дурдонаси ўрамининг кенглиги 30 см атрофида, узунлиги эса 9–12 метргача етган.

“Қалб” романи асл матнида берилган жумлани сўзма-сўз таржима қилганда “лекин сиз ўтмишимни худди эмакимоно сингари олдингизга ёйишимни хоҳладингиз” дейилган. Яъни, аслиятда ҳам “эмакимоно” сўзи ўхшашта мисолда келган бўлиб, қахрамон ўз ўтмишини, сақлаб юрган сирларини унга очик-ойдин худди расмдагидек “намоён” этиши билан бирга, ўтмиши турли саргузаштларга бой эканига ишора қилади. Таржимон “эмакимоно” реалиясининг ўзини қўлаганида, балки жумланинг таъсирчанлигини таъминламаган бўларди. Моддий маданиятга оид тушунчаларни таржима қилиш жараёнида баъзи хос сўзларнинг реалия шаклида берилиши китобхон дунёкарашининг кенгайишига, эстетик таъсирнинг ортишига туртки бўлади. Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, дардини, сирларини батафсил айтиш маъносидаги ушбу тушунча таржимада “дастурхон килиб ёзиш” ибораси воситасида таржима қилинган ўзбек китобхонлари жумлани тез “ҳазм” қилишига туртки бўлади. Таржимон бу жумлани таржима қилишда коммуникатив максатни сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

Турмушда кенг қўлланиладиган ўлчов бирликлари худудий жиҳатдан узоқда жойлашган халқлар тилида нафақат номланиши, балки ифодалаган тушунчаси орқали ҳам бир-биридан кескин фарк қилади. Аслиятда берилган маълумотни тўғри қабул қилиб олиш учун таржима китобхони қўлланилган ўлчов бирликлари хусусида керакли даражада тушунча ва тасаввурга эга бўлиши керак. Тушунча ва тасаввурни асар ёзилган халқ воқелигига зид келтирмай тўғри, ҳаққоний яратиш учун таржимондан ўлчов бирликлари таржимасининг ўзига хос томонлари, мураккабликлари, чигалликлари

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Икки жилдлик. 1-жилд. – М., 1981. 214-б.



мавжуд бўлиб, таржимоннинг эквивалент сифатида берган бирлиги асар ўқувчисига тўғри тасаввур уйғотиши муҳим. Шунингдек, таржимон ҳам тилдаги барча имкониятларини ишга солгани ҳолда, асл матндаги ҳар бир бирлиكنинг таржимада раво ва бежирим, бинобарин, барчага тушунарли бўлишига эришиши зарур. Зеро, китобхонни асарнинг асл нусха ёки таржима эканидан ҳам кўра, қўлига олган асардан эстетик завқ ва маънавий озуқа олиш масаласи кизиқтиради.

“Татами” Японияда хонадонлар полига гилам ўрнига ёзиладиган тўшак бўлиб, асосан похолдан тўкилади ва тўлдирилади. Қалинлиги 3 см дан 6 см ни ташкил этувчи ушбу татамиларни деярли барча хонадонларда учратиш мумкин. Татамининг тарихи Хейан даври (794–1191)га тақалиб, у факатгина император ёки мансабдор инсонларнинг уйларида безак сифатида ишлатилган. Татами нотўғри тўшалса, хонадонга бахтсизлик олиб келади деган қарашлар мавжуд. Татамининг аниқ ўлчамлари мавжуд бўлиб, уй ўлчамларида, хоналарни ўлчашда ҳам “татами” ўлчов бирлигидан фойдаланилади.

“Қалб” асарида ҳам уй катта-кичиклигини билдириш учун *татами* япон ўлчов бирлиги ишлатилган бўлиб, таржимон унинг эквиваленти сифатида “бўйра” сўзини ишлатган. Яъни,

玄関を上って私のいる所へ通ろうとするには、是非この四畳を横切らなければならないのだから、実用の点からみると、至極不便な室でした。尤最初は同じ八畳に二つ机を並べて、Kは狭苦しくっても一人で居る方がいいと伝って、自分で居る方を択んだのです。(175-6.)

“Хонаминг ёнида *тўрт бўйра* келадиган яна бир хона бор эди. Аввалига уни ўзим билан ўша *саккиз бўйрали* хонага жойлаштирмоқчи бўлгандим, лекин унинг ўзи шу хонани танлади, тор бўлса ҳам ёлғиз туришимга қулай, деди”. (ЖА, июль 2013, 94-б.)

“Бўйра” сўзи Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қуйидагича таърифланади: “Бўйра – пишган қамиш пўстини тозалаб тўкиладиган тўшама. Уй-жойларда наMAT (кигиз), гилам, палос тагидан тўшалади. Бўйра палосларни тупроқ ва захдан сақлаган; иморат томини ёпишда васса устидан қўйилган, меваларни ёйиб қуригишда, қурилган меваларни қишда сақлашда бўйрани чоклаб, қоп ўрнида ишлатадилар”¹.

“Татами” ва “бўйра” сўзлари табиий хом-ашёдан тайёрланиши, уларнинг ерга, полга тўшалиши каби маънолари бирлаштириб турса-да, хусусиятлари турличадир. Татами асосан гилам ўрнида тўшалса, хозирда бўйра асосан томларда васса устидан ёпишга ишлатилади ва унинг татамига ўхшаб маълум белгиланган ўлчамлари мавжуд эмас. Бўйранинг тупроқ ва

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-жилд. – Т., 2001. 342-б.

❦ захдан сақловчи мослама эканлигини ҳисобга олсак, унинг ўзбек хонадонлари, айниқса, замонавий уйларда деярли учратмаймиз. Демак, бу ерда маданият трансфери маъно торайгани ҳисобида силжиш амалга ошиганининг гувоҳи бўламиз.

Ҳозирда татами кўшгина спорт турлари (каратэ, дзюдо)да курашиш тўшаги сифатида ишлатилиб, бу сўз дунё лексикасига кирган деб айта оламиз. Шу нуқтаи назардан, "татами" реализиси ўз ҳолича берилиб, унга изоҳ келтирилганида китобхон япон маданиятидан янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлган бўлар эди.

Моддий маданият белгилари таржима матнига трансфер бўлганда миллийлик хусусияти, шаклан ўзгарган ҳолда тасаввур ҳосил бўлишини кузатдик. У ёки бу предметни аташда таржимада асосан шу предметнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда, мустақил равишда турлича тасаввурдан келиб чикиб ёндашиши кузатилади. Бунда моддий маданият белгилари таржима матнига трансфер бўлганда миллийлик хусусияти ўзгарган ҳолда тасаввур ҳосил қилинади.

Бадий асар таржима қилинганда, албатта ундаги ғоялар, миллатнинг дунёқарашини акс эттирувчи омиллар ҳам таржима матнида ўзига хос акс этади. Таржима содир бўлар экан, ўзи билан бирга трансферни ҳам "эргаштириб" боради. Аслиятнинг мазмунини, ғоясини тўлиқ етказиб бериш эса, таржимоннинг масъулиятли вазифаларидандир. Таржима моҳир таржимон томонидан амалга оширилганда ҳам маълум маънодаги трансфер кузатилади. Бироқ, юқорида қайд этиб таҳлил қилган мисолларимиз орасида хато таржима орқали содир бўлган трансферларни ҳам кузатдик. Бадий асар бир миллатнинг дунёқараши, ғоялари, мақсадлари ифода этиладиган манба сифатида қарайдиган бўлсак, таржимага масъулият билан ёндашиш талаб қилинади.

ТАРИХ // ИСТОРИЯ // HISTORY

ШАЗАМАНОВ ШОАЗИМ

Сиёсий фанлар номзоди, ТошДШИ

Демократик йўналишнинг маънавий заминлари

Аннотация. 2016 йил Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо бўлганлигига 15 йил тўлди. Бу йил ШХТнинг навбатдаги йиғилиши ҳам Тошкентда катта тантана билан ўтказилди. Мақола шуни эътиборга олиб, Хитойнинг тарихи давомида шаклланган сиёсий маданиятнинг айрим қирраларини ўрганишга эътиборни қаратади.

Таянч сўз ва иборалар: Хитой тарихи, Евросиё макони, Ғарбий ўлкалар, ШХТ, Авторитар, Демократия, Конфуций, "Очиқ эшиклар сиёсати", "Осмон мандати", "Марказий Осиё", Мафкура, Ўзбекистон-ХХР.

Аннотация. В 2016 году исполнилось 15 лет со дня вступления Узбекистана в Шанхайскую организацию сотрудничества. В этом году также был проведен очередной саммит ШОС в Ташкенте. С учетом этих историко-политических событий, в статье будут раскрываться некоторые особенности китайской политической культуры.

Опорные слова и выражения: история Китая, пространство Евразии, Западные края, ШОС, авторитаризм, демократия, Конфуций, «Политика открытых дверей», «Мандат Неба», Центральная Азия, идеология, Узбекистан, КНР.

Abstract. Uzbekistan celebrated 15 years of joining to the Shanghai Cooperation Organization in 2016 year. The summit was held in Tashkent at this year. On account of these historical and political facts this article will highlight some Chinese political culture.

Keywords and expressions: history of China, area of Eurasia, Western territory, Shanghai Cooperation Organization, authoritarianism, democracy, Confucius, Open Door Policy, "mandate of heaven", Central Asia, Ideology, Uzbekistan, China.

Хар бир халқ ўзига хос маданий қадриятларига эгадир. Маданий қадриятларининг мавжудлиги, у ёки бу халқнинг давлат сиёсий моделини шакллантиришнинг тамойилларидан бўлиб келганлиги ҳам инсоният тарихидан яхши маълум. Ана шу нуқтаи назардан бугунга келиб аксарият халқлар миллий-маънавий қадриятларини ўрганиш ижтимоий мазмун касб этмоқда. Бунини хитойлик олим Чан Сюцзэ тил нуқтаи назардан қуйидагича таснифлайди: "Хитойнинг Ғарбий ўлкалари ва Марказий Осиёда миллий-маданий қадриятлари ва фалсафий тафаккури бир хил, бир тилда гаплашувчи халқлар яшайдик, айнан ана шу омиллар худудий қўшни бўлган давлатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи ўрин тутди".

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида мазкур макон халқларининг ташқи таъсирлар туфайли

ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ тил ва ёзувларида туб ўзгаришлар юзага келганлиги ҳисобга олиноғи керак бўлади.

Бошқа бир томондан, аксарият Шарқ мамлакатларида демократик қадриятларни ўзлаштириш ҳодисаси амалда кучайди. Бундай вазиятда эса рус олими Ю. Галеновичнинг таъбири билан айтганда “Ҳар қандай давлат, у хоҳ Хитой, Япония ёки Россия бўлсин, бари бир улар ўтмишда синовдан ўтган бой тажрибаларига таянади ва унинг асосида ривжланади”¹.

ХХР ҳозир ҳам ўзининг янгиланиш даврида, расмий давлат мафкурасида конфуцийлик таълимоти тамойилларига оғишмай амал қилмоқда².

Хитойнинг давлатчилик тарихида конфуцийчилик таълимотига бундай ишонч вақт ўтиши билан хитой халқининг у таълимотга нисбатан эътиқодини белгилайдиган кучга айланди.

Агар Ғарб ва Шарқ мамлакатлари тараққиёти қиёсий ўрганилса, бу борада Ғарбда шарқона демократияни тушинишда қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини ҳис этиш қийин эмас. Яъни, демократия принциплари универсал бўлса-да, муайян шароитда унинг ривожланиш қонуниятлари ва амалга татбиқ этиш йўллари билан фарқ қилиши инобатга олинмайди. Тажрибалар эса христиан дунёсида ҳудудий бирлиқни ташкил этаётган мамлакатлар АҚШ ва Европа давлатларининг демократик принципларини амалга ошириш йўллари билан ҳам фарқ қилишини кўрсатмоқда. Бундан ҳар бир халқнинг демократия ҳақидаги қарашларида тарихан шаклланган миллий қадриятлар, анъаналар устувор аҳамият касб этади, деган тўхтамга келишимиз табиий. Ушбу тарихий тушунчаларнинг амалий маҳсули ўларок, бутунги Хитой сиёсий тизимининг асоси бўлган “Бутунхитой халқ вакиллари қурултойи” вужудга келди. Вазифаларига кўра, бутунги Ғарбдаги парламент бошқарувининг барча мезонларига жавоб беради ва ҳатто ўзининг устунлик томонларига ҳам эгадир. Шундай бўлса-да, Хитойнинг бутунги давлат раҳбарлари агарда хитой учун фойдали бўлса, амалда синалган у ёки бу давлатларнинг тажрибаларини бошқарувда қабул қилишдан воз кечмаётир. Яъни тараққиёти учун манфаат келтирса, бас. Ана шу маънода ХХРнинг расмий газеталаридан бўлган “Гуанмин жибао”нинг бошқарувда анъаналарининг аҳамиятини таъкидлаб айтган қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқдир: “Хитой миллати – бу бой маданий меросга эга бўлган улут миллат. Агар, ватанни, халқни чинакам севса, хитой миллатининг гуллаб-яшнашига ишонса, унда бошқа тажрибалар сабоғини ўрганиш Хитойга фойдали. Аммо хитой халқи учун ҳалокатли, чириган, қоқ каб иллатларнинг ҳаммасини инкор қилишни ўрганиш керак”. Шундай экан, Хитойда қадимдан ижтимоий бошқарувда тарихга мурожаат қилиш удум сифатида қабул қилинган.

¹ Галенович Ю. Образ врага начинает разрушаться // Япония сегодня, 1997. – С. 20.

² Торчунов Е. А. Даосизм: опыт историко-религиозного опасения. – Санкт-Петербург: Лань, 1998. – С. 448.

Айрим ХХР ва Тайвань мутахассисларининг фикрича, “Хитой сиёсий ислохотларини ва унинг ривожланиш йўллари, қонуниятлари”ни “маданияти ва тарихи” орқали тадқиқи илмийлик касб этади. Зотан, Хитойда демократияни амалга ошириш масаласи ижтимоий-тарихий жараёнлар орқали кечган. Унинг тарих билан боғлиқ мезонларига амал қилиш бугун ҳам Хитой тажрибаларида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Бизнингча, демократик юксалишнинг маънавий заминлари деганда масаланинг ушбу томонларига диққат қилиш Хитойнинг бугунги ислохотлар даври тараққиётини тушунишда ижобий мазмун касб этади.

Масалан, Хитой демократиясининг тараққиёти билан боғлиқ тарихий қадриятларига эътиборни қаратар эканмиз, унинг камида 3 минг йилдан кўпроқ тарихи борлигининг шохиди бўламиз. Хитойда давлат бошқарув тартибларига сиёсий анъана сифатида, XX асрнинг ўрталаригача ҳеч ўзгартиришларсиз амал қилиб келинди. Натижада мамлакатни анъанавий усулда бошқарув хитой сиёсий тузумининг ажралмас бир қисмига айлантирилди. Ва анъанавий бошқарув тамойилларига амал қилиш принциплари, мамлакатда сиёсий вазиятлар кескин тусга кирганда ҳам, жамият осойишталигини таъминлаш, хавфсизлик чора-тадбирларини кўриш, барқарорликни кафолатлашнинг ишончли қуролига айланди.

Хитойда анъанавий бошқарувнинг узоқ давом этиши, табиийки, Ғарбга ҳос демократия ва парламент тузумини халқ томонидан қабул қилиш имконини бермас эди. Бунинг сабабларини эса хитой халқининг демократияни маълум бир тарихий тамойилларга асосан тушунганлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, хитой тарихидан етарлича гувоҳлик берувчи “Шуцзинг тарих китоби”, “Шицзинг – шеърлар китоби”, “Ицзинг – ўзгаришлар китоби”, “Чунцзо – баҳор ва куз китоби”, “Лицзи – ахлоқ ва маросимлар ҳақидаги китоб”га қарар эканмиз, унда демократиянинг дастлабки куртаклари барқ уриб турганлигини кўрамиз. Бу ўринда, “Ўзгаришлар китоби” алоҳида ўрин тутаяди. Унда бизнинг замонавий тушунчамиздаги ҳозирги замон халқ демократиясининг асосий шартларидан бўлган “халқ хоҳиш-иродасига қараб” ғояси ўзининг аниқ ифодасини топган¹. Ушбу қарашлардан, мамлакатни бошқаришни бу хилда англаш Хитойда маданият орқали амалга оширилган, деган тўхтамга келинади.

Халқ тушунчасида “Осмон мандати”нинг сиёсат билан уйғунлашуви ва амалда ҳам халқ томонидан сиёсатни “Осмон мандати” нуқтаи назаридан тушуниш XX асрнинг бошларигача мавжуд бўлди. Конфуцийнинг жамият сиёсий ҳаёти ва оила-тарбия ҳақидаги ўғитлари ҳозир ҳам Хитой халқининг маънавий дунёсини белгилаб келмоқда, халқ маросимларини ўтказиш, диний

¹ Козловский Ю.В. Конфуцианство: миф и реальность // Народы Азии и Африки, № 3. – М., 1982. – С. 41–49.

багрикенглик ва ҳ.к.лар ўзининг жамиятга бўлган таъсир кучини йўқотмади, аксинча янгилари билан бойитилмоқда¹.

Умуман, Хитойнинг ўтмиш тарихи билан боғлиқ сиёсий хур фикрлигига эътиборни жалб этар эканмиз, амалда бунга ўхшаш кўплаб фикрларни учратиш мумкин. Масалан, Ся подшолигининг афсонавий қаҳрамони ва асосчиси Буюк Юй (милoddан аввалги XXI–XVI асрлар)нинг “Халкнинг хоҳиш-иродасига қараб” сиёсий қарашлари кишини ўзига эътиборсиз қолдирмайди. Айниқса, Унинг Гао-Яога қарата “Халқ ҳукмдор, танаси-ҳукмдор эса унинг юраги, жон томиридир” дея билдирган фикри замонлар ўтса-да, сиёсий мазмунини йўқотмади. Ушбу фикрларда ҳам халқ ҳақида ғамхўрлик қилиш, ўз халқига нисбатан мулойим муносабатда бўлиш кераклиги ҳақидаги ғоялар ифодасини топади.

Бундай пурвиқор сўзларни Чжоу подшолигининг асосчиси (милoddан аввалги XI аср) У Ванга ҳам борлиги кузатилади. Унинг Шанг подшолиги мустабидлигига қарши юриши олдида қилган қуйидаги мурожаати таҳсинга сазовор: “Халқ инмани хоҳласа, Осмон шуни хоҳлайди”. Бу ўринда ҳам халқнинг хоҳиш-иродаси ҳисобга олинган ҳолда ўз бурчини адо этиш мақсадида урушга киришида ёрқин намоён бўлади.

Халқ номи билан ичилган бу қасамёд маъно ва мазмун жиҳатдан Юйнинг нисбатан Гао-яога қарата айтган сўзларига ҳам оҳанг. “Бунда эркинлик туйғуси” янада кучлироқ жаранглайди. Унинг хайкириқларида ўзига хос рамзий маъно ўз ифодасини топган. Масалан, *биринчисида* – Осмон, *иккинчисида* – Халқ, *учинчисида* – хоҳиш-ирода масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Агар бу ғояларнинг мазмунига эътибор билан қараладиган бўлса, унда “Осмон” халқнинг хоҳиш-иродасига қараб иш кўради, яъни бу ўринда Осмон халқнинг хоҳиш-истагини амалда бажо келтиради. Ҳукмдор эса Осмон измига бўйсуниб, Осмоннинг ердаги элчиси сифатида халқнинг истакларини бажо келтириши, ерда юз бераётган воқеликлардан Осмонни ўз вақтида огоҳлантириб бориши, ақс ҳолда нотинчликлар юз бериб, ҳукмдор ўз вазифасидан четлатилиши, халқнинг қазабига дучор бўлади. Вақт ўтиши билан бу каби чуқур маъно касб этувчи демократик “ғоя”лар моҳиятига эътиборни қаратар эканмиз, қадимги хитой сиёсий хурфикрлигида ҳокимият ва халқ бир-бирига қарама-қарши турувчи кучлар сифатида эмас, балки “ҳокимият билан халқ бир-бирига мувофиқ келувчи ўзида ягона мақсадни уйғунлаштирган” кучлар бирлиги деб тушунилган. Бу эса халқ сиёсий тафаккурининг ўсиб, сиёсий фаоллигининг ўсишига замин ҳозирлаган бўлса, бошқа бир томондан, турли хил демократик фикрларнинг туб негизини ташкил этувчи сиёсий-тарихий жараёнларнинг ҳосиласи сифатида фалсафий-ғоявий назарияларнинг вужудга келишининг асоси бўлиб хизмат қилди.

¹ Ли Дэнхуэй. К **расвету** демократии – через возрождение культуры // Свободный Китай, № 2. – Тайвань, 1996. – С. 2–6.

Хитойликларнинг назарида тарихнинг маънавий хусусияти – бу жамият учун йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи аҳамиятга эга эканлиги. Расмий нутқларда нотик фикрларининг тўғрилигини исботлашда далилларга тақлид аъъанаси ҳозир ҳам қимматли аҳамиятга эга. Ана шу нуқтан назардан буюк сиёсатчилар “тарих ва сиёсат институти”ни доимо янги ғоялар ва тушунча билан бойитиб келганлар. “Қадимги муаллифлардан тўғри фойдаланишни билсак, – деб ёзган эди Сунь Ятсен, – бизни алдашларига йўл қўйилмайди, агар уларни ўз хизматимизга олсак, яъни кўр-кўрона уларга эргашмасак, у ҳолда ўтмиш ёзувларидан ўзимиз учун кўп фойдали нарсаларни олиш, камчиликларни эса ўз котибаларимизга айлантириш мумкин, бизда бундай ёзув ва котибалар канча кўпайса, шунча яхши”¹.

Хитойнинг маданий мероси ва аъъаналари ҳақида фикр юритар эканмиз, бу борада ўз даври хитойшуносларидан бири О. В. Борисовнинг қуйидаги фикрларини қайд этишга тўғри келади: “Хитойшунослигимиз билан боғлиқ икки даврни кўрсатиб ўтиш лозим. Кўпгина ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳодисаларда, ғоявий концепцияларда кўрсатилаётган Хитойнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, Хитой аъъаналари тадқиқоти шакл-шубҳасиз керак. Нафақат керак, балки муҳим. Уларсиз на ҳозирги, на ўтмиш тарихи бор Хитойнинг бугунги сиёсати йўналишларида башоратлар қилиш мушкул масала. Бу, аввало, “аъъаналарни тадқиқ қилишнинг умумий стратегияси”, яъни таълим билан боғлиқ вазифани бажарувчи, асосий қонун ва қонда сифатида ҳаракат қилувчи назарий ҳолатларни ажратиш”.

Шу билан бирга, аъъана категорияси аниқ ўлчовидан чиқиб, мамлакатнинг жамият ҳаёти таркиби ва аъъаналар пайдо бўлишини ажратиш. Бундан ташқари, аъъанавий меросга ёндашувлар ўртасида катта узилишлар мавжуд, *биринчидан* ҳозирги замон тадқиқотчилари тарафидан мамлакат ҳаётига аъъаналар таъсирининг ҳисобга олинмаётганлиги, *иккинчидан*, Қадимги ва ўрта аср тадқиқотчилари томонидан Хитой тарихий мероси ва унинг замонавийлашуви билан боғлиқ долзарблигига етарли аҳамият қаратилмаганлик масаласи.

Машхур хитойлик тарихчи Дин Вейчжи ўз мақоласида шундай таъкидлайди: “Ишнинг моҳиятига кўра, маданий мерос масаласида уни мерос қилиб олишга арзийдими ёки йўқ, деган савол бўлиши мумкин эмас, балки уни қандай мерос қилиб олиш керак, деган савол бўлиши керак”. Яъни, маданият ривожига ҳақида гапирсак, ўзлаштириб олиш – бу объектив зарурат, уни четлаб бўлмайди. Биз миллий маданият тарафдоримиз, аммо Ғарб маданияти рақиби ҳам эмасмиз. Маданий меросни ўрганиш жараёнида уни танқидий қабул қилиб, замонавий илмнинг янги ютуқларидан фойдаланиш зарур. Маданий меросни бундай ўзлаштириб олиш ғоявий аъъаналарнинг турли шакллари танқидчилар учун тўсиқ бўлиши мумкин

¹ Сунь Ятсен. Избранные произведения. – М., 1964. – С. 195.



эмас. Шу билан бир каторда бундай ўзлаштириш бизларни курымсоқ ёки фақат ўз меросини сақлаб қолишни ўйловчи, қадимийликни қадрловчиларга айлантириб қўймайди¹.

Хулоса ўрнида таъкидлайдиган бўлсак, Хитой демократияси ҳақида гап кетганда, авваламбор, унинг тарихини яхши билиш керак бўлади. *Иккинчидан*, Хитой сиёсий маданиятида ҳозир ҳам халқ ичида удум сифатида "Осмон мандати", "Одил подшо" тушунчаларида анъанавий қарашлар ҳозиргача сақланиб қолинмокда. *Учинчидан*, Хитой халқида ҳозир ҳам виждони пок амалдорга хизмат қилиш тушунчаси амалда заррача бўлса-да, қийматини йўқотмай келмокда. Ана шу маънода Хитойнинг сиёсий маданиятида чуқур илдиз отган сиёсий анъаналари ва урф-одатлари тадқиқи Хитойни яқиндан англаш ёхуд тушуниш имкониятларини бериши шубҳасиз.

АВАЗОВ ФАРРУХ

Илмий ходим, Темурийлар тарихи давлат музейи

Ҳофиз Абрунинг "Зубдат ат-таворихи Байсунгурий" асари темурийлар даври тарихига доир манба сифатида

Аннотация. Ушбу мақолада Амир Темура ва Шохрух Мирзо бошқарув даврига оид энг муҳим манбалардан ҳисобланган, Темурийлар даврининг маишур тарихчиларидан бири Ҳофиз Абру ва унинг "Зубдат ат-таворихи Байсунгурий" асари, шунингдек, ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари ва чоп этилган нашрлари ҳусусида маълумотлар берилади.

Таянч сўз ва иборалар: Зубдат ат-таворихи Байсунгурий, Соҳибқирон, Мажмаи ат-таворихи султония, ёзма манбалар, Темурийлар даври, Шарқ қўлёзмалар маркази.

Аннотация. В статье исследуются сведения об одном из самых известных историков эпохи Тимуридов — Хофизе Абру, рукописях и печатных изданиях его книги "Зубдат ат-таворихи Байсунгури", которая считается одним из важнейших источников об эпохе правления Амира Тимура и Шохруха Мирзы.

Опорные слова и выражения: «Зубдат ат-таворихи Байсунгури», Саҳибқирон, «Мажма ат-таворихи Султония», письменные источники, период Тимуридов, Центр восточных рукописей.

Abstract. The paper deals with the information about well known historian of Timurid's period Häfeze Abru and his historical essay «Zobdat al-tawārie Bāysonhori». This historical work is one of the main sources of the reign of Amir Timur and his son Shahrukh.

Keywords and expressions: Zobdat al-tawārike Bāysonhori, Sahibkiran, Majma' al-tawārial-soltāniya, historical source, Timurids period, Center of Oriental Manuscripts.

¹ 人民日报 "Женьмин Жибао" 22. III. 1989.

Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишда асосий тарихий манбалар сирасига Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома", Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ат-таворих", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Фасих Аҳмад Хавафийнинг "Мужмали Фасихий", Ибн Арабшохнинг араб тилида ёзилган "Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Таймур", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи саъдайн", Мирхонднинг "Равзат ус-сафо", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарлари, шунингдек, Кастилия¹дан Самарқандга Амир Темур ҳузурига элчи бўлиб келган Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги", Ғиёсиддин Накқошнинг "Хитой сафари кундалиги" ва Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномалари киради. Мазкур тарихий асарлар қаторига Ҳофиз Абрунинг "Зубдат ат-таворихи Бойсунгурий" асари манбалар доирасини янада кенгайтиради.

Ҳофиз Абру², асли исми Шихобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид Ҳаравий (Хавафий) 763/1361–1362 йилда Ҳиротда туғилган, 833 йил шаввал ойининг 3 кун (1430 йил 25 июн)да вафот этган³. Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид форсий тилда асарлар ёзган тарихчи олим. У Ҳирот шаҳрида туғилиб, Ҳамадонда таҳсил олган. 1380 йилларда Амир Темур сарой аъёнлари қаторидан ўрин олиб, доимий равишда олиму шоирлар мажлисларида қатнашган. Мазкур йиғилишларда шахматчи сифатида танилган. Сарой мулозимлари билан бир қаторда Амир Темурнинг бир қанча ҳарбий юришларида иштирок этган. Ҳофиз Абру, саёҳат қилган ҳудудлари сифатида Туркистон, Дашти Қипчок, Хуросон, Ирокнинг иккала қисми (Ироқи Ажам ва Ироқи Араб – Ф.А.), Форс, Озарбайжон, Арманистон, Рум (Кичик Осиё), Сурия, Хазар (Каспий) денгизи, Дарбанд, Ширвон, Кобул, Синд, Ҳинд, Мўлтон, Деҳли, Ганг дарёси ҳавзаси қабиларнинг тавсифи таърифларини берган⁴. Амир Темур вафотидан сўнг Ҳофиз Абру Шохрух Мирзо саройида хизмат қилган. Қисқа муддат давомида Ҳавиза вилоятининг ҳокими бўлган⁵. Унинг қабри Зинжон шаҳридадир.

Шохрух Мирзо томонидан Ҳофиз Абрuga Амир Темур ва унинг ворислари ҳукмронлигининг тарихини ва Мағрибдан то Каспий денгизигача бўлган мусулмон ўлкаларининг тарихий-географик маълумотномасини

¹ Ҳозирги Испания.

² Қ. Бартольд В. В. Хафиз Абру и его сочинение // Соч. в 9 томах. Т. 8. – М.: Наука, 1973. – С. 74–97.

³ Собрание восточных рукописей / Составители: Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. – Т.: Фан, 1998. – С. 40.

⁴ Собрание восточных рукописей / А. А. Семенов, Д. Г. Вороновский. Т. 6. – Т.: Изд-во АН РУз, 1963. – С. 17. № 4159.

⁵ Maria Eva Subtelny and Charles Melville. *Hāfez-e Abru* / *Encyclopædia Iranica* / <http://www.iranicaonline.org/articles/hafez-e-abru>



тузиш топширилади. Ҳофизӣ Абру, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ва тарихий-географиясига оид жуда қимматли, хусусан: “Зайли Жомеъ ат-Таворих”, “Зайли Зафарномаи Шомӣ”, “Тарихи Шохрухӣ”, “Ҳофизӣ Абру географияси”, “Мажмаъи Ҳофизӣ Абру”, “Мажмаъи таворихи султония” каби асарлар муаллифидир.

Ҳофизӣ Абрунинг Соҳибқирон Амир Темур тарихига бағишланган дастлабки асари “Зайли Зафарномаи Шомӣ” деб аталади. Бу қисқа тарих Низомиддин Шомӣнинг «Зафарнома» асарига хижрий 814 (милодий 1412) йили ёзилган “Илова” (“Зайл”)дан иборат. Низомиддин Шомӣнинг “Зафарнома” асарида Амир Темур салтанати тарихи 806 (1404) йил воқеалари билан якун топади. Амир Темур вафотигача (1405 йил 18 февраль) юз берган воқеаларни эса Ҳофизи Абру мазкур “Зайл”да баён этган¹.

Ўз сўзларига қараганда, Ҳофизӣ Абру Амир Темур саройида хизматда бўлган, муайян даражада унга яқин турган. Шу даврда у Соҳибқироннинг юришларида Шарқнинг бир қанча мамлакатларида бўлган. Амир Темурнинг вафотидан кейин унинг ўғли Шохрух Мирзо саройида тарихнавислик қилган. Ҳофизӣ Абру Амир Темур ва Шохрухга яқин одам бўлгани учун ҳам тарихий асарларидаги у келтирган маълумотлар ўта муҳим. Ҳофизӣ Абру бир неча муҳим тарихий асарлар ёзиб қолдирган. Улардан бири “Мажмуъайи Ҳофизӣ Абру” деб аталади².

Мазкур тарихий асар 1412–1418 йилларда ёзилган. Унда муаллиф машҳур арабийнавис тарихчи Табарӣ (839–923)нинг “Китоби русул ва-л-мулук ва-л-хулафо” (“Пайгамбарлар, подшоҳлар ва халифалар тарихи”) китобининг Балғамий қилган форсча таҳрири, аниқроғи, халифа Муқаддир замони (908–932)дан то халифа ал-Мустаъсим (1242–1258) давригача бўлган тарих, шунингдек, “Зайли Мажмуъа ат-таворихи Рашидуддин” (Эроннинг 1306–1393 йилларидаги тарихи) ва “Зайли Зафарномаи Шомӣ” асарлари ўрин олган. “Мажмуъайи Ҳофизӣ Абру”дан айрим парчалар матни Хонбобо Баёнӣ (1938), Феликс Тауэр ва К. М. Майтра (1934) томонидан нашр этилган³.

Ҳофизӣ Абру Бойсунғур Мирзонинг топшириғи билан 1423–1425 йилларда учинчи асари – “Мажмаъи ат-таворихи султония”ни ёзди⁴. Бу йирик тарихий асар тўрт жилдан иборат бўлиб, унинг тўртинчи жилди

¹ Бўриев О. Темурийлар салтанати тарихига оид асарлардаги географик маълумотлар (Марказий Осиё). / Амир Темур ва Темурийлар даври ренессанси хорижий тадқиқотларда. // Темурийлар давлат тарихи музейи. – Т.: Академнашр, 2016. 12-б.

² Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А. Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бош. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2001. 198-б.

³ Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А. Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бош. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2001.

⁴ Ўша жойда. 141-б.

“Зубдат ат-тавориhi Бойсунгурий” деб аталган (826–830/1423–1427 йилларда ёзилган). “Зубдат ат-тавориhi Бойсунгурий” умумий тарих тарзида ёзилган асардир. Унда Оламнинг “яратилиши”дан то 1426 йилгача бўлиб ўтган воқеалар қайд қилиб ўтилади. Асарнинг тўртинчи қисмида Амир Темури тарихи Шомийнинг “Зафарнома”си асосида қисқа тарзда ва Шохрух Мирзо тарихи (1430 йилга қадар) батафсил баён этилади.

Биринчи уч бўлим, ўз навбатида, ислониятдан олдин ўтган пайгамбарлар ва Эрон подшоҳлари, Муҳаммад пайгамбар (с.а.в.) ва араб халифалари (ал-Мухтасимгача), Эроннинг Салжуқийлар ва мўгуллар давридаги (Элхон Абу Саид давригача) тарихига бағишланган. Асарнинг “Зубдат ат-тавориhi Бойсунгурий” деб номланган тўртинчи қисми, тарихий манба сифатида қимматли ҳисобланади.

Мазкур асарда темурийларнинг элчилик тарихига онд бир қанча маълумотлар келтирилган. Ҳофиз Абрунинг тарихий-географик (“География”) асарида Хитойдан 1409, 1412 ва 1417 йилларда Ҳиротга элчилар келганлиги ҳақида хабар берилади. Бу асар 1417 йил воқеалари баёни билан тугаганлиги сабабли, Ҳиротга 1419 йили келган Хитой элчилари ҳақидаги хабар ушбу тарихчининг кейинроқ ёзган “Зубдат ат-тавориhi Бойсунгурий” (“Бойсунгурга бағишланган сара тарих”) асарида ўрин олган. Кейинги Хитой элчилари дастлаб Самарқандда тўхтаганлиги, сўнгра Ҳиротга бориб, у ердан турли вилоятларга – бир гуруҳи Шерозга – Иброҳим Султон ҳузурига, яна бир гуруҳи Хоразм волийси амир Шох Малик ҳузурига борганлиги маълум. Бунга жавобан Темурийлар давлатидан Хитойга жами 500 кишидан ортиқ элчилар гуруҳи юборилган².

Шунингдек, 1419–1422 йилларда Темурийлар давлатидан Хитойга бориб келган элчилар таассуротлари ҳақида ушбу сафар қатнашчиси Ғиёсиддин Накқош ёзиб қолдирган “Кундалик” (унинг асл нусхаси сақланмаган) ҳам дастлаб Ҳофиз Абрунинг ана шу тарихий асарида берилган³. “Кундалик” ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган⁴.

“Зубдат ат-тавориhi Бойсунгурий” асарида Марказий Осиёнинг тарихий географиясига онд маълумотлар ҳам бериб ўтилади. Улар асосан, тарихий воқеалар баёни ичида тарқоқ ҳолда жойлашган. Уларни матни бевосита ўқиш давомида жамлаш, сўнгра тизимга солиб таҳлил қилиш мумкин⁵.

¹ 1414–1420 йилларда ёзилган.

² Амир Темури жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А. Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бош. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нaшри. – Т.: Шарқ, 2001. 122-б.

³ Бўриев О. Темурийлар салтанати тарихига онд асарлардаги географик маълумотлар (Марказий Осиё). / Амир Темури ва Темурийлар даври ренессанси хорижий тадқиқотларда. // Темурийлар давлат тарихи музейи. – Т.: Академнашр, 2016. 13-б.

⁴ Уринбоев А, Бўриев О. Ғиёсиддин Накқошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991. 56-б.

⁵ Бўриев О. Темурийлар салтанати тарихига онд асарлардаги географик маълумотлар (Марказий Осиё). / Амир Темури ва Темурийлар даври ренессанси хорижий тадқиқотларда. // Темурийлар давлат тарихи музейи. – Т.: Академнашр, 2016. 12-б.

Мазкур асарнинг Амир Темур тарихи анча тўлиқ ёритилган охириги қисми айниқса муҳим.

Асарнинг Амир Темур ҳақида баён этувчи айрим маълумотлари тадқиқотчилар эътиборини тортган. Масалан, Ҳофиз Абрунинг гувоҳлик беришича, Амир Темур дин ва шариатни мустаҳкамлаш борасида сидқидилдан ғамхўрлик қилган. Амир Темур замонида Самарқанд яқинидаги Ангор туманида ва Мурғоб дарёси ҳавзасининг юқори қисмида ариқ ва зовурлар қазилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам шу асарда баён этилган¹.

Шунингдек, Ҳофиз Абрунинг асарида Амир Темур хусусида қуйидагиларни ўқиймиз: "Темур турк ва эронийларнинг тарихини чуқур билган ва амалий жиҳатдан фойда келтирадиган ҳар қандай илми: тиббиёт, илми нужум (астрономия) ва риёзиёт (математика)ни кадрлар эди. Аммо меъморликка алоҳида эътибор берган... Энг мураккаб қурилиш ишларини яхши тушунар ва бу иш хусусида кўп фойдали маслаҳатлар берар эди..."².

Ҳофиз Абру асарининг муҳимлиги шундаки, у ўз рисоласи мазмунига Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"сидан матиларни қўшган ҳолда уларни кейинги авлодлар учун сақлаб қолди.

Низомиддин Шомий "Зафарнома" асарининг Феликс Тауэр томонидан қилинган мумтоз таржимаси эса изоҳи билан Ҳофиз Абрунинг "Зубдат ат-таворих" асари қўшилган ҳолда Прагада 1937 ва 1956 йилларда икки жилда нашр этилди³.

Ҳинд олимаси К. М. Майтра томонидан 1943 йили Лоҳурда "Форс манбалари Хитойда. Ҳофиз Абрунинг "Зубдат ат-таворих" асарида парчалар" номли китобини нашр этди⁴. Асар 1970 йили Нью-Йоркда қайта чоп этилган. Шунингдек, мазкур асар форс тилида Ҳожа Сайид Жаводий томонидан чоп этилган⁵.

"Зубдат ат-таворих" ўзбек тилига тўлақонли илмий таржима қилинмаган бўлса-да, асардан парчалар ўзбек тилида нашр этилган⁶.

¹ Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидхосимов (раҳбар), А. Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бош. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2001. 196-б.

² Ҳофиз Абру. Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий. ТДШН Шарқ қўлёзмалар маркази, № 4078 (форс тилида).

³ Histoire des conquêtes de Tamerlan intitulée Zafarnāma, avec des additions empruntées au Zubdatu-t-tawārīkh-i Bāysunguri de Ḥafiz-i Abrū, ed. Felix Tauer, 2 vols., – Prague, 1937. – P. 56.

⁴ A Persian embassy to China : being an extract from Zubdatu't tawarikh / of Hafiz Abrū ; translated by K.M. Maitra, Lahore, 1934; reprinted with a new introd. by L. Carrington Goodrich. – New York, 1970.

⁵ Ḥāfez-e Abrū. Zubdat al-tawārīkh / ta'lif-i Ḥafiz Abrū; muqaddamah, tashīh va ta'līqāt-i Kamāl Ḥājī Sayyed Jawādī. 2 volumes. – Tehran, 1372 (Š/1993).

⁶ Ҳофиз Абру. "Зубдат ат-таворих"дан: "Ҳазрат Соҳибқироннинг насл насаби ҳақида" / О. Бўриев таржимаси // Амир Темур ва Улутбек замондошлари хотирасида. – Т.: Ўқитувчи, 1996. 299–310-б.



“Зубдат ат-таворихи Бойсунгурий”нинг нусхалари кам, улар Англия¹, Франция, Туркия², Эрон, Афғонистон ва Россия кутубхоналарида сақланмоқда.

Мазкур асар Амир Темур бошқаруви ва Шохрух Мирзо ҳукмронлигининг биринчи ярми учун асосий манба ҳисобланади. “Зубдат ат-таворих” асари Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн”³ асаридан бошлаб, кейинги тарихий асарлар учун асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворихи Бойсунгурий» асари нафақат Темурийлар даври, балки Марказий Осиё тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Мазкур асарнинг энг аҳамиятли томони шундаки, муаллиф ўзига қадар ижод қилган тарихнавислар асрларидан фойдаланиб, улардан маълумотлар ва иқтибослар келтириб ўтади.

АТАМУРАТОВ МУРАТ

Мустақил тадқиқотчи, ЎЗМУ

Бошқарув тизими ва жамиятни модернизациялаш

Аннотация. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб давлатимиз раҳбари томонидан раҳбар ва бошқарув кадрларнинг ҳар томонлама камол топиши, етук инсон сифатида уларни шакллантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистонда бошқарув кадрлари сиёсий фаоллигининг ошиши объектив ва субъектив шарт-шароитлар, омиллар билан bogliq. Демократлашув жараёни мураккаб, айни пайтда шунчаки амалга оширадиган жараён эмаслигининг ўзи ёш кадрларнинг сиёсий фаоллиги муаммосини ва тарихини янада ўрганишни, унинг ўзига хос қонуниятларини таҳлил этишни тақозо этади.

Таянч сўз ва иборалар: модернизация, кадрлар малакаси, ижтимоий тизим, индустриаллаштириш, ривожланаётган мамлакатлар, инновация, социомаданий омиллар, лидиятлар, формациялараро жараёнлар, сиёсий ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий мунозанабат.

Аннотация. С первых дней независимости со стороны главы нашего государства был поднят вопрос о кадровой политике и духовно-политическом воспитании управленческих кадров. Этот вопрос рассматривается на уровне государственной политики Узбекистан. В Узбекистане усовершенствование и рост политической активности управленческих кадров связаны с некоторыми объективными и субъективными причинами. Демократизация это трудный, а также сложный процесс, и в этом случае требуется изучение исторической

¹ Ҳофизи Аbru. Зубдат ат-таворихи Бойсунгурий. Бодлеян (Оксфорд) кутубхонаси кўлёзмаси, № 161 (форс тилида).

² Ҳофизи Аbru. Зубдат ат-таворихи Бойсунгурий. Фотих (Истанбул) кутубхонаси кўлёзмаси, № 4371/1 (форс тилида).

³ Абдураззоқ Самарқандий ўз асарининг 1405–1427 йиллар оралиғидаги воқеаларини Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворихи Бойсунгурий” асарида фойдаланиб ёзган.

политической активности и анализировать специфические закономерности молодых управленческих кадров.

Опорные слова и выражения: модернизация, кадровая квалификация, социальная система, индустриализация, развивающиеся страны, инновация, социокультурное влияние, конфликты, межформационные процессы, политическое право и социально-политический баланс.

Abstract. The head of state has brought up the question about personnel policy and their spiritual and political education of administrative shots since the first Days of Independence. This question has been lifted on the level of a state policy in Uzbekistan. The improvement and growth of political activity of administrative shots is connected with some objective and subjective influences in Uzbekistan. Democratization is difficult and complex process, and in this case it is required studying historical, political activity and to analyze specific regularities of young administrative shots.

Keywords and expressions: the modernization, personnel qualification, social system, industrialization of developing countries, an innovation, sociocultural influence, conflicts, interformational process, political right and socio-political ponderability.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб раҳбар ва бошқарув кадрларининг ҳар томонлама камол топиши, етук инсон сифатида уларни шакллантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И. Каримов айтганлиридек, мустақиллик йилларида “янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга¹ бўлди.

Мустақил Ўзбекистоннинг раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимининг янгиланиши муаммоларини ўрганиш миллий давлатчилик негизларининг демократик тараққиёт тамойиллари асосида ривожланишини таъминлашда гоёат муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. Каримов таъбири билан айтганда, бу “...юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган сиёсатни изчил давом эттириш ва кўзланган мақсадларимизга етиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторидан жой олиш”, шунингдек, “мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир”, “ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган” кадрларни тайёрлаш ҳақида сўз кетаётганлигини англатади. Мустақиллик Ўзбекистонда амал қилиб келган мустақил тузумга ҳос бўлган кадрлар тизимининг асосларини тубдан ўзгартирди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007. 25-б.

И. Каримов истиқлолнинг дастлабки йилларида алоҳида таъкидлаганидек, "Ислохотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири, авваламбор, кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлиги, юртпарварлигига ва фидойилигига боғлиқдир".

Ўзбекистонда жамиятнинг демократиялашуви жараёнида бошқарув кадрлари сиёсий фаоллигининг ошиши объектив ва субъектив шарт-шароитлар, омиллар билан боғлиқ. Демократиялашув жараёни мураккаб, аynи пайтда шунчаки амалга ошадиган жараён эмаслигининг ўзи ёш кадрларнинг сиёсий фаоллиги муаммосини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан ўрганишни, унинг ўзига хос қонуниятларини таҳлил этишни тақозо этади.

Мамлакатимизда амалга ошаётган демократиялашув жараёни турли-хил сиёсий институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ. Жамият ҳаётида демократик тамойилларга таяниш унинг демократиялашувида муҳим ўрин тутса, унга муносабат, фойдаланиш ва амал қилишда муайян ижтимоий қатламлар, гуруҳларнинг иштироки орқали кечади. Бу муаммо Ўзбекистон учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа эканлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим эканлиги давр талабига айланди. Демократик ривожланиш моделини танлаган давлатимиз эркинлаштириш ва модернизация қилиш йўлини танлаб олди. Тараққиётнинг замон талаблари ва эҳтиёжларига мос ҳолда бўлишига интилишимиз бугунги кунда жаҳон миқёсида амалга оширилаётган кенг жараёнлар ҳисобланиб, дунёдаги деярли барча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, модернизация "дастлаб Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ўн еттинчи ва ўн тўққизинчи асрларда юзага келган ва ривожланган, кейинчалик эса ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрларда Жанубий Америка, Осиё ва Африка китъаларига тарқалган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизим турлари йўналишларининг ўзгариш жараёнлари сифатида талқин қилиш мумкин", – деб ёзади модернизация назарияси асосчиларидан бири Ш. Эйзенштадт¹. Сиёсий модернизацияни эса, "ижтимоий тизимнинг: иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар, маданият, таълим ва бошқа турдаги барча таркибларида ўзгаришлар рўй беришининг умумий жараёнларининг бир қисми"² сифатида ҳам талқин қилиш мумкин.

Жамиятимизнинг замонавийлашув имконияти ва тараққий этишга бўлган қобилияти кўпроқ жамият маданиятлари тизимининг қай даражада бир-бирига таъсир кўрсата олишида (яъни, шахс фаолияти ва ҳуқ-атвори асосида қандай қадриятлар ётишига) ва ижтимоий муносабатларига боғлиқ бўлади. Жамиятимизнинг замонавийлашувида, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий

¹ Красильщиков В. А. Модернизация в России на пороге XXI века. // Вопросы философии. 1993. № 7. – С. 40.

² Қаранг: Политология для юристов. Курс лекций / Под. ред. проф. Матузова Н.И. и проф. Малько А. В. – М.: Юрист, 1999. – С. 381.

ва бошқа институтларнинг юзага келишида ва мавжуд бўлишида маданиятимиз ва унга боғлиқ кадриятларнинг муносиб ўрни бор.

Маълумки, “модернизация” термини анъанавий, аграр жамиятларнинг замонавий, индустриал жамиятларга ўтиш ҳаракати сифатида тушунилади. Бундай ҳолатларда, биринчи навбатда, Ғарб индустриал модели асосидаги жамиятларни ўз ичига оладиган ривожланаётган мамлакатлар назарда тутилади. Мисол учун, рус олимларидан В. Красильщиков модернизацияни атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши, табиий дунёни, борлик ва маконни ўзига бўйсундириш учун фаол ҳаракат қиладиган ҳамда бутун коинот марказида ўзини ягона санайдиган инсоннинг вужудга келиши, унинг фаолияти ва ривожланиши билан боғлайди. Муаллифнинг фикрича, бундай турдаги инсон шахс сифатида мустақил бўлган ва натижада бошқалардан эркин, озод одамнинг юзага келишини тақозо этган Европадаги феодал муносабатларнинг юзага келиши билан характерланувчи Ренессанс даврида юзага кела бошлаган. Бу даврни эса Красильщиков “жаҳон тарихида дастлабки модернизациянинг бошланиши” сифатида талқин қилади.¹ Шунингдек, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий назарияларда “модернизация” тушунчасининг синонимлари сифатида замонавийлашув, инновацион ўзгаришлар, бир шаклдан бошқа шаклга ўтишдаги ривожланиш каби терминларни ҳам учратиш мумкин.

Мамлакатимизда ислохотларнинг муваффақиятли бўлиши, ўзгаришлар жараёнининг жонли, қизгин ва фаол кечишига, яъни миллий институтларнинг уларни қай даражада қабул қилишига, унинг ривожланиши ва амалга ошириш учун таъсир кўрсатишига, жамиятнинг мазкур жараёнларга тайёрлиги ҳамда жаҳон тажрибаларини ўз тараққиётларида қабул қила олишлари-ю, қўллаб-қувватлашларига ҳар томонлама боғлиқдир. “Умуман олганда модернизация назариясининг характерли томони шундаки, мамлакат ривожланишни мерос қилиб формациялар ўртасидаги мамлакатларнинг ички ва умумцивилизациявий соҳиомаданий омилларнинг ўзаро зиддиятли таъсирининг натижаси сифатидаги формациялараро жараёнларига диққат-эътиборни қаратади”².

Сиёсий соҳада модернизация демократлашув билан тенглаштирилган ва бунда анъанавий жамиятнинг яширин инерцияси ҳисобга олинмаган ҳамда асосий эътибор ташқи, экзоген омилларга қаратилган. Мазкур концепциянинг моҳияти шундаки, ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатлардаги тайёр ва синовдан ўтган сиёсий институтларни (марказлашган давлат, парламент, кўшартиявийлик, умумий сайловлар ва ҳоказо), миллий кадриятларни (иқтисодий ва сиёсий эркинлик, индивид

¹ Красильщиков В. А. Мировые модернизации и судьбы страны. // Свободная мысль. 1999. № 1. – С. 93.

² Қаранг: Купряшин Г. Л. Политическая модернизация. – М.: Общество «Знание» РСФСР, 1991. – С. 6.



мустақиллиги) қабул қилишга ва ўз ҳаётларига олиб киришга қодир деб ҳисоблайдилар.

Европа ҷамиятига тегишли бўлмаган ҷамиятларнинг хусусиятларини тан олган ҳолда, модернизация назарияси 50–60-йилларда “барча мамлакатлар ва халқлар ўз ривожланишида бир хил босқичларни босиб ўтадилар” деган фикрни тасдиқловчи Ғарб либерализмининг универсал анъаналари доирасида ишлаб чиқилган. Бунга мувофиқ, модернизация ҳам универсал ва барча учун умумий жараён сифатида ривожланган. Кейинчалик, 60-йилларнинг ўрталарида, сўнг эса 70–80-йилларда сиёсий модернизация назарияси тарафдорлари анъанавий ҷамиятдан замонавий ҷамиятга ўтиш ҳолатида бўлган мамлакатларнинг сиёсий ривожланиши муаммолари соҳасидаги тадқиқотларни бир қадар чуқурроқ таҳлил қилдилар ва кенгайтирдилар. Бу даврга келиб кўплаб Ғарб олимлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишни изоҳлашда Осиё, Африка ва ҳатто Лотин Америкаси мамлакатларидаги модернизация жараёнларида ижтимоий-маданий қарашларнинг муҳим роль ўйнашини англаб етган ҳолда бундай универсализмдан бутунлай воз кечдилар. Энди бундан буён аниқ бир сиёсий жараёнларни чуқур тадқиқ қилишда ҳар бир ҷамиятнинг ўзига хос тарихий ва миллий шароитларини, маданий хусусиятлари ҳисобга олини бошланди.

Мамлакатимизда ҳам ўз тараққиёт йўлини белгилашда хорижий давлатлар тажрибасини пухта ўрганиш, таҳлил этиш, модернизация жараёнининг тарихий босқичларини тадқиқ этиш орқали юқоридаги фикрлардан муқобил ҳулосалар чиқарилди. Шарқдаги модернизациялаш жараёнида кадрлар масаласида ҳам ўрганишлар олиб борилди. Аммо модернизациялаш жараёнини тадқиқ этишда Ғарб маданияти ва қадриятларини ҳам тўлиқлигича ўзлаштиришга ҳаракат қилган мамлакат қатор муаммоларга дуч келганига гувоҳ бўламиз. Авваламбор, бундай “тажриба” натижасида қайси маданиятга мансублиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган, ўзлигини англашдан маҳрум этилган ҷамият, ички зиддиятларга бисёр давлат шаклланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда қадимий тарихга эга бўлган мамлакатлар маданий ўзига хосликни сақлаган ҳолда, давлат ва ҷамиятни модернизациялаш йўлини танламоқда. Хусусан, япон ислохотчилари бундан қарийб бир аср аввал, “япон руҳияти, Ғарб технологияси” деган қонда асосида ўз йўлини белгилаб олган эди. Шу бонс Япония миллий ўзлигини, тарихий-маданий илдиэларини йўқотмасдан, юксак тараққий этган давлатга айланди. Бундай ҳолатни “глобал фикрла, локал ҳаракат қил” тамойилига суяниб иш тутган Жануби-шарқий Осиёдаги Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея каби бошқа мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин. Улар модернизациялаш жараёнида бошқарув кадрлари масаласида маънавий жиҳатдан ғарблашмай туриб тараққиётга эришди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ғарбдаги илм-фан ютуқларини ўрганиш, замонавий технологияларини ҳам ўзлаштириш зарур. Мамлакатни модернизациялашда Ғарб маданияти ва қадриятларини ҳам ўрганиш



фойдадан холи эмас. Мамлакатимизда халқимизнинг бой тарихи, ўзига хос миллий киффаси, маданий меъроси ва маънавий қадриятларини сақлаган ҳолда демократик модернизациялаш давлатимизнинг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган Шарқ мамлакатларининг айримларида, хусусан, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Хитой давлатларининг бошқарув маданиятида ўзгаришлар юз берди. 1970-йилларда Японияда информатсион фуқаролик жамияти концепцияси шаклланди. Япон политологи Шумпей Кумоннинг фикрича, “информатизация”, “информатсион саноат”, “информатсион жамият” каби тушунчалар Японияда вужудга келган. Японияда жамоат ташкилотлари орқали фуқароларда ватанга ва ўз мудкига садоқат руҳини тарбиялаш, нодавлат ташкилотлар замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда давлатнинг ижтимоий сиёсатини ривожлантириш бўйича айрим давлат дастурларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Эътиборлиси шундаки, Япон бошқарув маданиятида шарқона анъанавийлик ва ғарбона қадриятларнинг уйғунлашиши кенг омма орасида эътироф этилмоқда. Ярим асрдирки, Япония ўзининг барқарор демократияси билан бошқалардан фарқ қилмоқда. Бундай ҳолатни Жануби-шарқий Осиёнинг бошқа ривожланган мамлакатларига ҳам кузатиш мумкин. Япон бошқарув амалиётида қарор топган бундай ёндашувни Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия сингари Жанубий-шарқий Осиёнинг ривожланган давлатларида ҳам кузатиш мумкин¹.

Ушбу Шарқ мамлакатларининг барчасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида ривожланган Ғарб давлатлари тараққиёт моделлари ва демократик қадриятлари, хусусан, бошқарув тамойиллари тўлиқ кўчириб олинмаганига гувоҳ бўламиз. Уларнинг ҳар бири Ғарб мамлакатларининг бу борада эришган ютуқ ва тажрибасини инкор этмаган ҳолда ўзининг тарихий шарт-шароити, миллий қадриятлари ва халқининг менталитети билан уйғун ҳолда амалиётга татбиқ этилганини кўрамиз.

Бугунги кунда маданиятимиз ва унинг асосини ташкил этган маънавий-ахлоқий қадриятларни асраб-авайлаш долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим. Хусусан, мамлакатимиз учун ҳам олға ҳаракат қилишнинг самарали шarti, жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги кафолати, кучли давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг бугунги босқичида амалга оширилган ислохотларни таҳлил қилган ҳолда мамлакатни янада ўрганиш ва бу борада зарурий илмий ҳулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари ҳеч қачон

¹ Аҳмедов Х. Бошқарув маданияти: ғарбона ва шарқона тамойиллар. Жамият ва бошқарув., 2013, № 2; Замонавий фуқаролик жамияти. 106-107-б.

ўз долзарблигини йўқотмайди. Жамиятни янада янгилаш ва модернизациялаш шароитида дуч келинадиган мураккабликлар узлуксизлиги, олдимизда турган қийинчиликлар ва уларни баратараф қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидандир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, "...агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқук тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъкидламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз"¹.

Янги демократик дунёвий давлат қуриш, жамиятни ижтимоий-сиёсий модернизациялаш мақсадида давлат ўзининг бош ислохотчи вазифасини қўллаб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини босқичма-босқич янгилаш ва модернизациялаш, фуқаролик жамияти унсурлари имкониятини кучайтириш, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдан иборат бўлган ислохотларни ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш механизмни такомиллаштиришга имкон яратади. Ушбу босқичда ижтимоий ҳаётни модернизациялаш жараёнини янги мазмун билан бойитиш, демократик ислохотларнинг ортга қайтмаслиги ва олға боришини кафолатловчи давлат ва жамиятни бошқаришнинг самарали тизимини яратишга тўғри келади. Бу соҳадаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, ҳар бир кишининг танлов эркинлигини кафолатлаш, ҳақиқий кўппартиявийликнинг вужудга келиши, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш ва сақлаб туриш, давлат тузилмаларига посанги вазифасини адо этишга мўлжалланган нодавлат ташкилотлар роли ва аҳамиятини ошириш, оммавий ахборот воситаларини фуқаролар сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш воситасига айлантириш, Ўзбекистон Республикасининг мустақкам ва барқарор тараққиётида шахс, жамият ва давлат манфаатлари мувофиқлигини таъминлаш. Шунинг учун "бугунги кунда мамлакатимизда демократлаштириш жараёнларини амалга ошириш модернизация қилишнинг асосий омили сифатида қаралмоқда, бунда, энг аввало, жамиятда ижтимоий-сиёсий мувозанатга эришишга ҳамда унинг асосида республиканинг барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга интилиш мавжуд"² лиги долзарб аҳамият касб этади.

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз ғаровончилигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 22-б.

² Идиоров У. Барқарор тараққиёт омили. // Жамият ва бошқарув. 2005, № 4. 25-б.

ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY

ЮЛДАШЕВ ФАХРИДДИН

Катта ўқитувчи, ФарДУ

Шарк Аристотели асарларида гносеология масалалари

Аннотация. Мақолада фалсафий билиш ҳамда ушбу аспектнинг шахс камолоти ва эсамият фаровонлиги тараққиётидаги ўрни илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: билиш, ақл, интеллект, интуиция, пантеизм, ислом тафаккури.

Аннотация. В данной статье сделан анализ философского мышления и влияния этого аспекта на развитие личности и общества.

Опорные слова и выражения: гносеология, интеллект, интуиция, пантеизм, исламское мышление.

Abstract. This article deals with analysis of philosophical thinking and influence of this process to the development of personality and society.

Keywords and expressions: cognition, intellect, intuition, panteism, perceive of Islam.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бой маънавий-фалсафий мероси чуқур ўрганилмоқда. Бу борада ал-Форобийнинг илмий-фалсафий таълимоти, айниқса, ақл тўғрисидаги қарашлари ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг тафаккурини шакллантиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. Каримов Абу Наср Форобий ҳақида фикр юритар экан, "Тарихимизда бундай беназир сиймоларнинг мавжудлиги ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ҳодисадир. Бу эса нафақат бугунги, айни пайтда эртанги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар"¹, – деб таъкидлайди. Илк Уйғониш даврининг қомусий олими, антик юнон фалсафасини қайтадан жонлантирган, янги фалсафий назария ва ҳулосалар билан бойитган, Шарк мусулмон фалсафасини яратган даҳо Абу Наср Форобий эди. У мантиқан тугалланган етук фалсафий тафаккурни яратди. Унинг негизига, асосига инсон, унинг яратувчилиқ фаолиятини қўйди. Инсон Аллоҳ томонидан яратилган барча жонзотларнинг гултожиси, сабаби унинг хатти-ҳаракати бошқа мавжудотларга ато этилмаган сифатда – Ақлда деб кўрсатди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 50-б.

Академик М. М. Хайруллаев Абу Наср Форобий меросига бағишланган кўплаб асарларида уни Ўрта Осиё ва бутун араб мусулмон Шаркининг буюк мутафаккири, Шарк аристотелизминини яратган атоқли файласуф-энциклопедист, илк ўрта асрлар даври ўртага қўйган муаммоларга фалсафий жавоб берган аллома эканлигини кўрсатиб берган¹.

Ижтимоий-тарихий даврга муносиб тарзда, буюк донишманд дин ва фалсафа ўртасидаги муносабат муаммосининг ечимида ўзининг ақл масаласини бир бутун фалсафий тизимнинг тамал тоши сифатида қўйдики, натижада унинг “Фусус ул-хикам” (Ҳикмат жавҳари) асарида баён этилган рационалистик таълимотини ападдий муҳолифлари ҳам эътироф этишга мажбур бўлдилар. Унинг фалсафий тизимида рационал муҳокама зарурий тамойилдир.

Форобий фалсафасида билиш назарияси диалектик тарзда талқин этилади, “назарий ақл”, “амалий ақл”, “воқеий ақл”, “фаол ақл” каби билиш жараёнининг босқичлари ўзаро бир-бирини тақозо этган ҳолда юксакликка эришиб боради. Форобий таълимотига кўра, инсондаги ақл-заковат (“ақлий қувват”) борлиқнинг турли-туман кўринишларининг инъикосидир. Инсон ўзидаги ўша ақл-заковат ёрдамида аввал ерда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг, ўзгаришларнинг сабабларини, сўнгра эса осмон жисмларининг сир-асрорини билади. Инсоннинг одам ва олам тўғрисидаги тўплаган билимлари, яъни ақл воситасида яратган маънавий бойликлари ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди, балки “дунёвийлик”ни ташкил этади. Инсон ақли олам сирларини билишда энг юксак чўққига кўтарилганда “кайҳоний ақл”, “кайҳоний рух” билан қўшилади, яъни илоҳийлик касб этади. Буюк даҳонинг фикрича, ҳақиқатта муҳокама ва ақл орқали борилади, аммо бу мақсадга эришиш учун факат ақлнинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун ички оламни поклаб бориш керак.

Форобий ақлни икки аспектда – ҳар бир инсоннинг табиий хислати сифатида мавжуд бўлган ақлий қувват нуқтаи назаридан ҳамда умумий инсониятга хос бўлган ақлий билишнинг умумий тараққиёти, ривожини нуқтаи назаридан таҳлил қилади. “Ақлий қувватни инсоннинг ажралмас хислати сифатида талқин этар экан, Форобий уни аввало иккига, назарий ва амалий ақлга ажратади. Арасту ақлнинг камолотга эришмоғи учун табиий ва рухий кучларнинг ўзлари етарлими, деган масалани ўрганади ва улар етарли эмас, деб жавоб қилади. Хуллас, инсон энг олий камолотга эришуви учун унга (яна) инсон табиати ва фаолиятига қўшимча иккита: амалий ва назарий фикрий қувватлар зарурдир”², – деб таъкидлайди.

Мутафаккир ўз давридаги ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий вазиятдан келиб чиқиб, илмий рационалистик тафаккурни сақлаб қолишга, илмий

¹ Хайруллаев М. Мирозрение Фараби и его значение в истории философии. – Т.: Фан, 1967. 76–77-б.

² Аль-Фараби. Философские трактаты. – С. 78.



тушунчаларни диний эътикод билан мувофиқлаштиришга интилди. Шунинг айтиш зарурки, Форобий фалсафасида гарчи ақл Аллоҳ яратган махсул сифатида қаралса-да, аммо ақл Аллоҳ билан ўзаро сабабий-оқибат муносабатида бўлади. Демак, Аллоҳ ақлни ўз эрки, хоҳиши ёки талаби билан, тасодифий эмас, балки қатъий зарурият натижасида яратган. Ушбу ҳулоса ҳукмрон ислом идеологияси билан сиғиша олмас эди. Шу туфайли файласуфлар, айниқса, ислом фалсафасининг асосчиси ал-Форобий бу ўринда жуда возик йўналиш ва ёндашувни топа билди. У замондош файласуфлар каби фалсафий ҳулосалар ва Қуръон ўртасида ҳеч қандай зиддият бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Ақл ёрдамида ўрганиш Қуръонда асослаб берилган нарсаларга зид ҳулосаларга олиб келмаслиги керак¹, – деб ёзади.

Форобий ўзининг “Давлат арбобининг афоризмлари”да “амалий ақл” воситасида инсон нимани устун ҳисобласа ва нимадан ўзини четга олишни истаса, ана шунга эришиши мумкин”, – деб ёзади². Амалий ақлий қувват билимни эгаллашнинг йўл-йўриқлари, хоҳиши, қобилиятларига бирдир. Амалий ақлий қувват, ўз навбатида, тайёрловчи ва муҳокама юритувчи қувватларга бўлинади. Амалий ақлнинг хусусияти ва вазифаларини шарҳлашда Форобийнинг пантеистик қарашлари намоён бўлади. Амалий ақлий қувват кўпроқ инсон ҳаёт кечириётган муҳит билан боғлиқ бўлади ва воқелик касб этади. “Табиатан инсон ўзи қандай зот, унда руҳдан нималар мавжуд. У (инсон) ушбу сабабларнинг, агар улар модда томонидан ёки қурол-восита томонидан тайёрловчи бўлса, мавжудлик шарт-шароитларини кўрсатиб ўтади, токи ақлнинг амалий қувватлари назарий ақлга эришишда улардан имкони борича тўла фойдалана олсинлар”³, – дейди Форобий.

Мутафаккирнинг амалий ақл тўғрисидаги қарашлари унинг индукция тўғрисидаги концепцияси билан боғланиб кетади. Маълумки, Форобий билиш жараёнида сезгиларнинг ролига алоҳида эътибор берган, уни билимларнинг манбаи деб изоҳлаган. У Аристотелнинг “2-Аналитика” асарига ёзган шарҳларида “кимки сезгилар орқали гидроқилиш қобилиятига эга бўлмаса, у билимдан маҳрумдир”⁴, дейди. Сезгилар ёрдамида амалий ақл моддий мавжудлик ҳақида маълумот олади, улардан назарий ақл фойдаланиб, фаол ақл шаклланиб боради. Кўриниб турибдики, мутафаккир амалий ақл ҳақида мулоҳаза юритганда моддий мавжудликни амалий ақл воситасида билиш масаласига эътибор берган. Форобий амалий ақлни назарий ақлга тайёрловчи қувват сифатида

¹ Аль Фараби. О разуме и науке. – Алма-Ата: Наука, 1975. – С. 11.

² Там же. – С. 78.

³ Там же. – С. 79.

⁴ Там же. – С. 13.

таърифлайди. Тайёрловчи қувват ёрдамида инсон санъат ва ҳунарларни эгаллайди, муҳокама юритувчи қувват ёрдамида нимани бажариш, амалга ошириш лозим ва нима бажармаслик кераклиги устида фикр юритади. Ақлий қувватнинг бу турлари ақлнинг инсондан ажралмас табиий хислати эканлигидан келиб чиқади ва бу табиий хислатни турли томонлардан характерлаб беради. Форобий талқинида ақл биргина моддий борлиқни билиш билан тўхтаб қолувчи феномен эмас. У ақлни инсоният билимининг узлуксиз ривожланиб бориши нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, уни моддий бўлмаган ва шаклга эга бўлмаган мавжудот сифатида ҳам талқин этади. Айни шу хулосаларда файласуфнинг пантеистик йўналишдаги фикрлари ифодаланади.

Форобий амалий ва назарий ақлни фарқлаб, назарий ақл инсоннинг рационал билиш қобилиятини абстрактлашган, умумлашган ҳолда ўзида ифодалаб, нарсаларнинг моҳиятини билиш учун чуқурлашиб бориши жараёнида турли босқичларга эришади, деган хулосага келади.

Форобийнинг ақлий билиш ҳақидаги қарашлари моҳият ва шакл тўғрисидаги таълимотида мужассамлашган. Шу таълимотнинг мазмуни доирасида ақл босқичлари тўғрисидаги ғояларни ишлаб чиққан. Форобийнинг ақл бил қувват имкониятли ақл тўғрисидаги назариясида ҳам пантеистик мазмундаги фикрлар юзага чиқади. Нрсалар, предметларни инсон билиб олиш, тушуниб олиш имкониятларига эга, уларнинг моҳиятини тушуниб етиш мумкин, деб ҳисоблайди файласуф. Ана шу қобилият потенциал, имконий, салоҳиятли билим қувват ақлни ташкил этади. Имконий ақл билишнинг биринчи босқичи бўлиб, воқеий, актуал ёки фаолиятдаги ақлга йўл очади. Мутаффақир "Ақл ва фаи ҳақида" номли трактатида мавжуд нарсалар моҳиятини билиб олишни таъминловчи имконий ақлни воқеликка олиб чиқувчи ақл – воқеий ёки фаолиятдаги ақлдир, деб таърифлайди¹.

Форобий Аристотелнинг "Рух тўғрисида" номли асаридаги ақлнинг турлари ҳақидаги назариясига асосланиб, уларнинг фалсафий-эпистемологик моҳиятини таҳлил қилади. Форобий устозининг ақл турлари тўғрисидаги қарашларини қабул қилган ҳолда, уларни босқичма-босқич биридан-бирига ўтиб бориши жараёнида ақл турларининг билиш даражаси ва моҳиятининг тобора юқорилаб, чуқурлашиб ва абстрактлашиб умумлашиб боришини тушунтириб беради. Ақл ривожининг босқичларини таърифлаганда Форобий фалсафанинг имконият ва воқелик категорияларига асосланади ва уларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиқади.

Форобийнинг фаол ақл (таъсир этувчи сабаб) тўғрисидаги қарашларида ақл ва моддий нарсалар ўртасидаги алоқадорликни ўзига

¹ Аль-Фараби. О разуме и науке. Казахстан. – Алма-Ата: Наука, 1975. – С. 11–12.



хос тарзда таҳлил этганлиги намоён бўлади. Фикримизча, шу ерда ҳам мутафаккирнинг пантеистик фалсафаси кўринади. Мутафаккир фаол ақлнинг босқичма-босқич иерархик ривожланишини шарҳлар экан, унда таъсир этувчи сабаб (феъл)нинг Абу Наср Форобий аҳамиятини таъкидлайди. “Баъзан Арасту, авваллари ўзига тушунарсиз бўлган масалаларга ёки инкор этган кўп нарсаларга қайтади, – дейди Форобий. Сўнгра у фаол ақлни кўриб чиқади. Бу ақл табиат ва рух, (нафс), табиий ва рухий моҳиятлар сабабими–йўқми, деган саволга жавоб излайди. Натижада у, унсурлар бошқа нарсаларнинг ҳаракатига (ҳаракатланишига) мойил этувчи асослардир, деган фикрни маъқул топади. Ушбу фикрдан келиб чиқадики, инсон ердаги нарсаларнинг моҳиятларини, моддий асосларини билиб олган ақл (имконий, воқеий-актуал, фойдаланувчи) энди осмон жисмларини, уларнинг шакллари билишга томон чуқурлаша боради. Ўзининг сўнгги (баркамоллик) босқичида ақл фаол ақлга айланади, бир бутун ҳамма нарсаларга, инсонга ўз таъсирини ўтказиб, дунёвий, самовий ақл билан қўшилиб кетади ва абадийликка айланади, мангулик хислатига эга бўлади”¹. Ушбу фикрдан келиб чиқадики, инсон ердаги нарсаларнинг моҳиятларини, моддий асосларини билиб олган ақл (имконий, воқеий-актуал, фойдаланилган) энди осмон жисмларини, уларнинг шакллари билишга томон чуқурлаша боради. Бу узок жараённинг ҳаммаси – ақлнинг имконий шаклдан воқеликка айланиши самовий фаол ақлнинг бевосита таъсирида вужудга келади.

Шундай қилиб, охириги, энг юқори ақл – бу самовий ақл, у самовий ҳаракатларда иштирок этмайди, чунки келиб чиқиши ер оламига тааллуқли бўлади. Унинг (фаол ақлнинг) номоддий моҳияти доимий таъсир қилиб, имконий ақлни фаоллаштиради, бунинг натижасида унинг воқеликдаги ақлга айланишига шароит яратади, имконий ақлда қўлга киритилган, яъни фойдаланилган ақлни воқеий ақл моҳиятига айлантиради. Мутафаккир самовий фаол ақлнинг имконий ақлга муносабатини куёш нурларининг кўзга нисбатан муносабатига таққослайди. Кўз қоронғиликда кўриш хислатига ёки кўриш имкониятига эга бўлади. Қоронғилик – бу имкониятдаги ёруғлик айни бир вақтда, кўринмас воқеликдир. Ёруғлик қарама-қарши жойлаштирилган нур манбаидан ёритилишдир. Қачонки нур кўзда, ҳавода ёки қандайдир нарсада акс этганда, кўз ёритиш имконига эга бўлганда у актуал воқеий кўришга айланади². Куёш нури атрофдаги барча предмет, нарсаларни ёритса, шундагина биз уларни кўра бошлаймиз. Мутлоқ қоронғиликда кўзимиз ҳеч нарсани кўра олмайди, нур ёрдамида эса бундай имкониятга эга бўлади. Бу жараёнда фаол ақл ҳал

¹ Аль-Фараби. Философские трактаты. – С. 104.

² Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг “Фи маъоний ал-ақл асарида гносеологик масалалар”. – Т.: Тамаддун, 2012. 65-б.

қилувчи аҳамиятга эга бўлади, яъни фаол ақл имконий ақлни актуал ақлга айлантиришга ёрдам беради. Бу ерда ҳам Форобийнинг материалистик ва идеалистик қарашлари ягона бирликда омихталашиб кетган. Унинг таълимотига кўра, индивидуал ақл дунёвий ақл ёрдамида нарса-ҳодисаларнинг моҳиятларини билиб боришда аста-секин у билан қўшилиб, мангу (самовий) ақл бўлиб қолади. Бу – мавжудотларнинг энг биринчи асослари ҳақидаги Форобийнинг фалсафий таълимотидаги фикрларига мос келади.

Мутафаккирнинг фаол ақл тўғрисидаги қарашлари, унинг бутун фалсафий тизими билан узвий боғланиб кетади. Юқорида имкониятдаги ақл (бил қувват); воқеий ақл (актуал); қўлга киритилган ёки фойдаланилган ақл (ал-мустафид) каби шакллари кўриб чиқдик. Улар асосан моддий асосларга эга бўлган ва аста-секин ўз моҳиятига эга бўлиб борадиган ақл ривожининг босқичлари тарзида талқин қилинган. Улар ҳаракатидаги (бил фаол) фаол ақлнинг вужудга келишида асосий таянч бўлади, нарса-ҳодисаларнинг моҳиятини англаш давомида ақлга айланади. Ақл моҳиятини Форобий қуйидагича тушунтиради. Ақлнинг фаолияти ақлли жонивор (инсон – Ф. Ю.) ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уни инсон эришуви мумкин бўлган сўнгги олий даража – бахт-саодатга олиб чиқишга интилишдир. Бу, инсон фаол ақл даражасига кўтарилди демакдир. Бу кўтарилиш инсон тандан ажралганда, у (билишнинг) пастки даражасида турувчи материя ва акциденцияга муҳтож бўлмаганда юзага келади ва бу даражада мангу қолади. Фаол ақл фазовий жисмларга ҳаракат бахш этади ва ушбу фазовий жисмлар ёрдамида табиат ва руҳиятни ҳаракатга келтиради. Кўп, руҳий моҳиятлар ўзларига муносиб моддаларга эришадилар, бу моддалар эса, ақлни қайта яратиш учун уларда мавжуд бўлган табиатни тайёрлайдилар, бу ҳам худди одам ўзидан олдинги одамдай, униси эса олдингисидан туғилганга ўхшайди¹.

Форобийнинг фаол ақл тўғрисидаги таълимоти Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқа мутафаккирлар томонидан зўр қониқиш ва қизиқиш билан қабул қилинган. Фаол ақл назарияси биринчи қараганда, бошдан-охиригача, бутун-мазмун билан диний-мистик ҳеч қандай рационал маънога эга бўлмагандек кўринади. Лекин аслида бу жуда буюк кашфиёт: Шарқ арастучилари перипатетикларининг катта ғалабасидир. Бу мутазила асосини ташкил этади. Уни ислом догматикаси таълимоти билан қиёслаб кўрган, унинг ўрта аср Шарқи ва Европасида прогрессга хизмат қилганлиги, ҳурфикрларнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатганлиги ва илғор мутафаккирлар асарларида кенг фойдаланган сирларини очиб беради.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ўзининг ақлий хатти-ҳаракати билан улкан моддий ва маънавий бойликларни яратди, уларни замонларнинг оғир,

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 106-б.



машаккатли, аини бир вақтда шарафли синовларидан эсон-омон олиб ўтди. Буюк донишманд Абу Наср Форобий инсон ақл-заковатини биринчи ўринга қўйганлиги бежиз эмас. Zero, жаҳон тарихи инсониятнинг табиат билан уйғун ҳолда яшаб қолиш, моддий ва маданий бойликларни онг-ақл воситасида яратиб тарихидан иборат эканлиги ҳамда ёш авлодни тарбиялашда қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратишимиз лозим эканлигини уқтиради.

Биринчидан, фалсафий таълимот тизимида билиш назарияси, яъни онтологик мақомнинг ўрни ва аҳамиятига эътибор бериш зарурлигини Абу Наср Форобий инсон моҳиятини айнан ақл мезони билан белгилаган. "Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти хатти-ҳаракатда билинади", – дейди Форобий.

Иккинчидан, ақл тушунчаси инсоннинг туб моҳиятини, қадриятини, хотирасини, бир сўз билан инсонийлигини билдирувчи асосий мезон сифатида талқин этилади. Инсоннинг инсонлиги унинг ақл-идрок, ақлий мушоҳада, тафаккур асосида фаолият кўрсатишида намоён бўлади. Форобий фикрича, ақлнинг даражаси, ақл-идрокнинг миқёси, тафаккурнинг кўлами инсон хатти-ҳаракати орқали кўзга ташланади. Инсоннинг энг олижаноб хусусияти ҳам ана шунда. Чунки одамзот ўз ҳаётини фаолиятини ақлий имконияти доирасида, билими, тушунчаси ва маънавий-руҳий мезонлари чегарасида қуради.

Учинчидан, Абу Наср Форобийнинг билиш назарияси асрлар оша Шарқ ва Ғарб оламида фалсафий тафаккур ривожланишидаги илмий методологик аҳамиятни очиб бериш ва бу борада мавжуд бўлган ютуқ ҳамда қийинчиликларни кўрсатиш, уларни ҳал этиш йўллари тадқиқ этишни кўзда тутган. Шунингдек, Абу Наср Форобийнинг асарларида асослаб берилган ақлнинг олами билиш тўғрисидаги назариясини фалсафий ўрганиш ва талқин қилиш тарихий меросимизнинг оламшумул аҳамиятини янада кенгрок ёритиш ва маънавий-тарбиявий моҳиятини янада чуқурлаштириш имкониятини яратади.

МАМАЮСУПОВ УМИД

Катта илмий ходим-изланувчи, ТДПУ

Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида келажакка назар ташлаш масалалари

Аннотация. Мақолада Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида келажакка назар ташлаш масалалари баён қилинган. Ушбу бой илмий мероснинг улкан илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг илмий башорат борасида қилинаётган илмий тадқиқотлар учун долзарб муаммоларни ҳал этишда методологик асос бўлиб хизмат қилиши ҳақидаги фикрлар билдирилган.

Танич сўз ва иборалар: билиш, башорат, ижтимоий башорат.

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые вопросы прогнозирования будущего в творчестве просветителей Центральной Азии. Также в статье

вырождены идеи, которые раскрывают огромное практическое значение богатого научного наследия мыслителей Востока и могут послужить методологической основой для решения актуальных задач научных исследований.

Опорные слова и выражения: знание, предвидение, социальное предвидение.

Abstract. This article investigates some issues of analyzing the future in the works of Central Asian thinkers. Therefore, the ideas which disclose huge practical value in rich scientific heritage of Oriental thinkers are expressed in the article and can form a methodological basis for the solution of urgent tasks in scientific research.

Keywords and expressions: knowledge, prevision, social prevision.

Инсон факат орқага, ўтмишга қараб яшай олмайди, балки ўтмиш авлодлар томонидан яратилган барча илмий билимларни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, уларга ижодий ва танқидий ёндашиш асосида келажакни олдиндан кўришга, тўхтовсиз илгарилаб боришга ҳаракат қилади. Ўтмишни, тарихни билмасдан туриб келажакни билиш, олга ривожланиш мумкин эмас.

Марказий Осиё жаҳоннинг илм, фан, фалсафа, дин, адабиёт ва санъат қадимдан ривожланган, тарихи нихоятда бой минтақалардан бири ҳисобланади. Айниқса, илк ўрта IX–XII асрлар даври илм-фан, маданият ва санъатнинг ривожланишида кескин ўзгариш, туб бурилиш даври бўлди. Марказий Осиё жаҳон маданияти тараққиётининг йирик ва марказий ўчоқларидан бирига айланиши худди шу даврга тўғри келади.

“Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо беришдан иборат.

Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва омма-лаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Самарқанд-нинг улуг алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти шунчалик муҳим”, – дейди Ўзбекистон Республикаси-нинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов¹.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг фалсафий, табиий-илмий ҳамда ижтимоий-сиёсий қарашларида табиий ва ижтимоий ҳодисаларни билиш ва башорат қилиш масалалари ҳам муҳим ўрин тутди. Улар томонидан илгари сурилган кўплаб илмий ғоя ва кашфиётлар олдиндан башорат қилишни ўзида ифода этади. Ал-Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа мутафаккирларнинг илмий қарашлари бунга мисол бўла олади.

Шарқ Ренессанси даврида амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гапирар эканмиз, замонавий математика, тригонометрия ва география

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. 22-жид. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014. 277-б.

фаилари тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номини биринчилардан тилга оламиз. У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва кутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берди ва амалиётга татбиқ этди. Бу эса математика ва астрономия фаилари ривожда кескин бурилиш ясади.

Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривождаги хизматлари умум эътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди.

“Астрономик жадваллар”, “Қуёш соати тўғрисида рисола”, “Хинд китоби ҳақида рисола”, “Устурлоб қуриш ҳақида китоб”, “Зиҳ” (“Астрономик жадвал”), “Мусиқа бўйича рисола”, “Тарих бўйича рисола” ва бошқа кўплаб нодир асарлар ҳам Хоразмий қаламига мансубдир. Ана шу асарлар номининг ўзидаёқ Хоразмийнинг илмий тафаккури бениҳоя кенглиги, қомусий аллома эканлигини, нафақат ўз даврининг, балки ҳамма замоналарнинг энг буюк математик ва табиатшунос олими эканлигини кўрсатади.

Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган “Астрономия асослари” фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далилли башоратлари мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири унинг Ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққан ва шунингдек, Нил дарёсида “ниломер” деган, кўп асрлар давомида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.

Нафақат Марказий Осиё ва Шарқнинг, балки бутун дунёда эътироф этилган ва бениҳоя катта ҳурматига сазовор бўлиб келаётган буюк мутафаккир, қомусий олим, машҳур файласуф Абу Наср Форобий ижодида ҳам келажакка назар ташлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мутафаккир “Фозил одамлар шахри” асарида “Инсон аклий фаолиятига таққослаш, сиёсат, тadbирлилик ва ҳодисаларни олдиндан кўра билиш ҳосдир”¹, – деб ёзади. У борлик ҳақидаги таълимотида, “барча ашёларнинг умумий тури дунё” бўлиб, оддий жисмлардан ташкил топган ва “дунёдан ташқарида ҳеч нарса йўқ”², – деган фикрни илгари суради.

¹ Диноршоев М. Ал-Фараби и развитие таджикской философии // Известия Академии наук Республики Таджикистан. Сер. Философия и правоведение. – Душанбе, 2001. № 4. – С. 55–56.

² Фараби. Существо вопросов // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. – М., 1961. – С. 172.

Берунийнинг табиий-илмий мероси, аниқ фанлар бўйича кўтарган муаммолари ўз даврида оламнинг умумий манзарасини яратишда, яъни илмий дунёқараш шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Беруний ўз астрономик жадвалида оламнинг маркази Ер эмас, балки қуёшдир, ҳамма сайёралар, шу жумладан Ер ҳам Қуёш атрофида айланади, деган гелиоцентрик гипотезани олға сурди. Берунийнинг бу илмий хулосаси беш асрдан кейин улуг астроном Коперникнинг гелиоцентрик системасида илмий асосда тасдиқланди. Беруний Абу Али ибн Сино билан қилган мунозарасида коинотдаги сайёралар, шу жумладан Ер ҳам ўзаро тортишиш кучига эга, деган хулосага келади. Унинг бу илмий тахминий башорати XVIII аср бошида инглиз олими Ньютон кашф этган бутун дунё тортилиш қонуни билан илмий жиҳатдан асосланди.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгиз назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди. Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан беш аср олдин Тинч ва Атлантика океанлари орасида қитъа мавжудлиги ҳақидаги башоратни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди¹.

“Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни “Беруний асри” деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо”, – деб ёзади Ислон Каримов, – аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссаси билан изоҳланади”².

Абу Али ибн Сино (Авиценна) (980–1037) илмий-табиатшунослик ва ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган, Марказий Осиёнинг буюк мутафаккиридир. Буюк олим тиббиёт ва илмий билимнинг бошқа соҳалари (астрономия, кимё, математика, геология)нинг ривожланишига катта ҳисса қўшиш билан бирга, кейинги асрларнинг жуда кўп илмий кашфиётларини олдиндан башорат қилди. Тасодифий эмаски, у “Шайхур раис” – “Олимлар устози” деган юксак унвонга сазовор бўлган эди.

Ибн Сино тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган “Тиб қонунлари” деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усуллари асос солди. Аллома, тиббиётда биринчи бўлиб касалликни кўзгатувчи кўз илғамас тирик организмлар бўлса керак, деб башорат қилган. 1510 йили микроскоп ихтиро

¹ Туленова К. Ж. Проблема научного предвидения в творчестве мыслителей Центральной Азии. // Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни. – Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 2011. 70–73-б.

² Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 42-б.

килингандан кейин ундан фойдаланган биолог олим Пастер ва бошқалар микробни кашф қилганлар.

Ибн Синода баъзи муаммоларнинг счими туш кўриш пайтида намоён бўлган экан. Жумладан, Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида шундай дейди: "Агар бир оз уйкуга кетсам, тушимда ўша ўнгимдаги масалаларни кўрардим ва кўп масалалар тушимда аён бўларди"¹. Ибн Синонинг сўзларига кўра, кўриш қабул қилинаётган буюм томон биздан чиқадиган бирон-бир нарсага боғлиқ эмас. Биз шунинг учун кўрамизки, қабул қилинаётган буюмдан нимадир биз томон келиб тушади ва модомики, у буюмнинг жисми эмас экан, демак, у — унинг киёфасидир².

Жаҳонда Улуғбек номи билан шуҳрат қозонган Муҳаммад Тарағай риёзат, фалакиёт, мусикашунослик, фикҳ, тарих илмлари соҳасида ижод қилган. Улуғбек номини бутун дунёга ёйган, унга шон-шуҳрат келтирган бебаҳо асар "Зижи жадиди Кўрагоний"дир. Бу асар Улуғбекнинг йигирма йил давомида олиб борган астрономик кузатишларининг натижаси бўлиб, унинг асосий қисми юлдузлар жадвалидан иборатдир. Улуғбек ўлиmidан кейин икки юз йил давомида бу жадвал ўзининг аниқлиги ва илмийлиги билан тенги йўқ ҳисобланиб келинган. Мирзо Улуғбекнинг XV асрда тузган астрономия жадвали 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди. Унинг астрономия соҳасидаги беназир башоратлари бир неча асрлардан кейин Ғарб мутафаккирлари томонидан илмий асосда тасдиқланмоқда.

Мирзо Улуғбекнинг сафдоши ал-Коший биринчи бўлиб ўнлик касрларни илмий истеъмолга жорий этди, эркин даражалар илдизларининг изчил яқинлашиб бориши ва уларни топиш методларини башорат қилди.

Хулоса қилиб айтганимизда, Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида келажакка назар ташлаш масалалари жуда ҳам кўп ва ранг-баранг бўлиб, уларнинг бемисл илмий ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Ушбу бой илмий мероснинг улкан илмий ва амалий аҳамияти шундаки, биринчидан, уни асраб-авайлаш, ўрганиш ва оммалаштириш, ёш авлодни маънавий камол топтириш, баркамол инсонни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Иккинчидан, уларнинг илмий ишлари ўтмиш ва замонавийлик ўртасидаги илмий ютуқларни боғлайди. Учинчидан, улар илмий башорат борасида қилинаётган илмий тадқиқотлар учун долзарб муаммоларни ҳал этишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

¹ Абу Али Ибн Сина. Трактат об определениях / Пер. с араб. С. Сулаймони // Абу Али Ибн Сина. Избранное. В 2-х т. Т. 2. — Душанбе—Ашгабат: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане, 2003. — С. 134–135.

² Қаранг: Абу Али Ибн Сино. Назот. — Қоҳира. 225-б.

МУЗАФФАРОВ ФИРУЗ

Ўқитувчи, БухДУ

Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий – замондошлари ва
замонавий ғаззолийшунослар талқинида

Аннотация. Мақола ислом тафаккури тарихида "Хужжат ул-Хаққ" рутбаси билан ном қозонган Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг серқирра бой ижодий, илмий-маънавий меросини Шарқ ва Ғарб шарқишунослари, шунингдек, ғаззолийшунослар томонидан ўрганилиши таҳлиliga қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: Шарқ, Ғарб, шарқишунос, Абдурахмон Баъдавий, Муртазо Зубайдий, Фахри Мажид, Муҳаммад Иқбал, Луис Гардет, Виталий Наумкин, Майсам Муҳаммад Ал-Жанабий.

Аннотация. Данная статья посвящена анализу изучения многогранного творческого, научно-духовного наследия Абу Хамида Газали, известного в истории мысли Ислама как «Худжат ул-Хаққ» востоковедами Востока и Запада, а также учеными-газаливедами.

Опорные слова и выражения: Восток, Запад, ориенталист, Абдурахман Бадави, Муртаза Зубайди, Мухаммад Икбал, Луис Гардет, Виталий Наумкин, Майсем Мухаммед аль-Джанаби.

Abstract. The article deals with the analysis of the study of the multifaced, rich, creative, scientific cultural heritage of Abu Khamid Mukhammad Ghazzali who was well known with the title of "Khujjat ul Khaqq", by the western and Eastern orientalist, scholars who study Ghazzali's work.

Keywords and expressions: East, West, orientalist, Abdurakhman Badavi, Murtaza Zubaidy, Majeed Fahri, Mukhammad Iqbal, Louis Gardet, Vitaly Naumkin, Maysem Mukhammed al-Janabi.

Араб-мусулмон таффаққури тарихида Муҳаммад Ғаззолий каби йирик ижодий шахс бўлмаган. Гап факат, ўзининг шуҳрати билан ўз замондошлари ва оддий халқ, Шарқнинг зиёлилари, вазирлар, амирлар ва халифаларнинг хурматига сазовор бўлганлигида эмас, гап шундаки, унинг фаолияти ўз даврининг гоявий, фалсафий, сиёсий ва маданий даражасини белгилаб беришидан ташқари, Шарқ ва Ғарб маданияти ривожланишига ҳам таъсир ўтказди. Шу сабабли, машҳур инглиз фалсафа тарихчиси Д. Льюис ёзганидек: "Бутун бошли, Проклдан Бэконгача босиб ўтилган фалсафий тадқиқот йўлини учта типик шахслар билан характерлаш мумкин, Абеляр... Ғаззолий... ва Бруно..."¹ Бугунги кунда ҳам унинг ижодига қизиқиш кучли.

Абу Ҳомид Ғаззолий ижодига қизиқиш унинг ҳаётлик давридаёқ пайдо бўлган эди. Ўрта асрлар давридан бошлаб, бир қанча тадқиқотчилар Ғаззолийнинг асосий тамойиллари баён этилган рисоаларига ўз эътиборларини

¹ Льюис Д.Г. История философии от начала ее в Греции до настоящего времени. – СПб., 1982. Ч. 1. – С. 305.



каратиб, уларни таҳлил қилиш учун бир қанча асарлар ёздилар. Хусусан, Абу Ғофур ибн Исмоил Форис Нишопурий, Ибн Асакир, Ибн ал-Жавзий, Шамсиддин Абул Аббос Аҳмад ибн Холликон, Имом Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳобий, Шайх Салоҳиддин Абулсафа Халил ибн Айбаки Саъфадий, Имом Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Асъад ибн Али ибн Сулаймон Афифаддин Йафан, Такиуддин Субки, Тош Кубразода, Муртазо Зубайдий¹ ва бошқалар. Бу ўрта аср олимлари ўз асарларида Ғаззолий қарашларининг ғоявий йў-налиши ва унинг ҳаёт йўлини таҳлил қилганлар.

Ғаззолий меросига бўлган домий кизиқишни, жаҳон фалсафасида шаклланган мутафаккир меросини ўрганиш аънанаси мавжудлиги ҳақидаги факт ҳам асослайди. Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари томонидан Ғаззолий ижоди маълум даражада ўрганилган, асарларининг ҳақиқийлиги белгиланган ва шу билан бирга ушбу асарлар хронологияси ҳам тузилган, унинг фалсафий-теологик, ижтимоий-ахлоқий ва педагогик қарашлари умумий таҳлил қилиб чиқилган.

Ғаззолий ҳақидаги илмий адабиётлар ҳажми ва тадқиқот методига кўра, қуйидаги тўққизта гуруҳга ажратилади: 1) биографик ва библиографик асарлар; 2) Ғаззолийнинг файласуфлар билан баҳсига доир асарлар; 3) Ғаззолийнинг исмоилийлар билан баҳсига доир асарлар; 4) фалсафа ва мантикка тегишли асарлар; 5) ахлоққа доир асарлар; 6) замонавий социология методлари билан фойдаланиш орқали амалга оширилган киёсий тадқиқотлар; 7) Ғаззолийнинг “Ихёу улумид-дин” асарига бағишланган тадқиқотлар; 8) мутафаккирнинг муайян асарларига доир тадқиқотлар; 9) таржималарига шарҳлар².

Ғаззолий ҳақидаги тадқиқотлар тўғрисида гап кетганда, аввало, араб олимларидан: Ал-Букро Абдул-Ато, Ал-Рифаъий Аҳмад Фарид, Ал-Шарифий Аҳмад, Абду Раҳмон Баъдавий, Ризо Муҳаммад, Муборак Закий, Умар Фаррух, Мажид Фахриларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Бу олимлар ўз асарларини бевосита Ғаззолий фалсафасидаги асосий муаммоларни таҳлил қилишга қаратганлар.

Хусусан, ал-Букро Абдул Атонинг “Ғаззолийнинг иқрори”, ар-Рифаъий Аҳмад Фариднинг “Ал-Ғаззолий” асарларида аллома таржимаи ҳоли ҳамда рисолалари ҳақида сўз юритилиб, унинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-диний ролига баҳо бериб ўтилган. Ал-Букро Ғаззолийнинг “Шубҳалардан халос қилувчи” асарини кўриб чиқиб, таҳлил қилган ҳолда, унинг ғоялари эволюциясининг объектив баёнини бериб, кашфиётларига эътибор қаратади.

Ал-Букро ўз тадқиқотида мутафаккир дунёқарашининг кўпгина жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилган. Ал-Букро тадқиқотларининг энг эътиборли жиҳати шундаки, ушбу асар Ғаззолий ижодига бевосита тегишли бўл-

¹ Майсем Муҳаммед Аль-Джанаби. Теология и философия ал-Газали. – М.: Изд. дом Марджани, 2010. – С. 12–27.

² Наумкин В. В. Трактат. Газали «Воскрешение наук о вере». Абу Хамид Газали. Воскрешение наук о вере. – М.: Наука, 1980. – С. 12.

ган манбаларни ҳар томонлама ўрганиш асосида ёзилган. Шу билан бирга, ал-Букро бир қатор муҳим муаммоларга ечим топа олмаган. Унинг муаммолари таҳлилида Ғаззолийнинг перипатетик фалсафага бўлган муносабати анча юзаки ёритилган.

Яна бир араб олими Абду Раҳмон Баъдавий "Инсон ва унинг араб тафаккуридаги моҳияти" ва "Ғаззолий асарлари"¹ номли монографияларида Ғаззолийнинг мусулмон илмий-диний ҳаётида тутган ўрнини аниқлашга доир бир қанча қимматли фикрлар билдирган. Баъдавий Ғаззолий асарларининг ҳақиқийлиги ва хронологик муаммосини таҳлил қилиб, илгари Ғарб тадқиқотчилари – У. М. Уотт, Ф. Жабре ва бошқалар томонидан тузилган Ғаззолийнинг ҳақиқий асарлари рўйхатига аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам бу асар Ғаззолий асарлари рўйхатининг аниқ хронологияси ва тўғри даврлаштирилганлиги туфайли ҳозиргача энг фундаментал асарлардан бири ҳисобланади.

Ғаззолийнинг фалсафа ва ахлоқ муаммоларига бағишланган, ҳажман унча катта бўлмаган, аммо таркиби жиҳатидан анча қимматли ҳисобланган Ризо Муҳаммаднинг "Ал-Ғаззолий" ва Закий Муборақнинг "Ғаззолий этикаси" асарлари мавжуд. Ризо Муҳаммад тадқиқотларининг ижобий томони, унда Ғаззолий фалсафасининг кўпгина муаммолари, хусусан, онтология ва гносеология муаммолари етарли тарзда очиқ берилган. Закий Муҳаммаднинг кўрсатиб ўтишича, ўрта асрнинг ижтимоий-тарихий ҳолатлар марказида фақатгина диний ечимга эга бўлган ахлоқий муаммо турган. Шундан келиб чиқиб, Закий Муборақ Ғаззолийнинг ахлоқий таълимотини таҳлил қилишда, асосий эътиборни мутафаккир таълимотининг диний томонига қаратади. У шунингдек, Ғаззолийнинг ахлоқий таълимотида диний характердан ташқари рационал қарама-қаршиликлар мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилган.

Умар Фаррухнинг ҳаммуаллифликдаги "Араб тафаккури тарихидан" асари ва Фаҳри Маҷиднинг "Ислом фалсафаси тарихидан"² номли монографиясидаги тадқиқотларга келсак, улар Ғаззолий ғояларини фалсафа тарихи даражасида таҳлил қилганлар.

Анча қимматли тадқиқотлар Ғаззолий таваллудининг 900 йиллигига бағишланган тўпламда мавжуд бўлиб, у 36 илмий маърузани ўзида жам қилган. Ғаззолий яшаган давр, унинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси, шунингдек, унинг реалистик қарашлар ривожига кўрсатган таъсирига бағишланган суриялик Файласуф Халид Муизнинг – "Ғаззолий Дамашқда", эронлик тадқиқотчи Мустафо Жаводнинг "Имом ал Ғаззолий даври", Муҳаммад ал-Мунтасир ал-Қаттонийнинг "Ғаззолий ва мағриб" ва Муҳаммад Аржуннинг "Ғаззолий шахсиятини тушуниш калити" деб номланган мақолалари берилган.

1985 йилда "Маориф" журналида Ғаззолий таваллудининг 900 йиллигига бағишланган эронлик тадқиқотчиларнинг мақолалар тўплами нашр қи-

¹ Badawi A. Les oeuvres d'al-Ghazali. Le Caire, 1961; Badawi A. La transmission de la philosophie grecque au monde arabe. – Vrin, 1968. – P. 193; Badawi A. Histoire de la philosophie en Islam. – T.1. – Les philosophes theologiens. – Libr. Vrin, 1972. – P. 381.

² Fakhry M. A history of islamic philosophy. – N.Y. – L.: Columbia univ press, 1970. – P. 427.

линди. Мутафаккирнинг ҳаёт йўли, ижоди ва биографиясига Исмоил Саодатнинг "Хужжатул-ислом – Ғаззолий ҳақида эсдаликлар", Насрулло Пурий Хаворнинг "Айналкузот ва Имом Муҳаммад Ғаззолий" номли мақолалари берилган. Унда, шунингдек, мутафаккирнинг ислом дини, калом илми, мантик, сўфийликдаги роли ва ўрни кўриб чиқилган¹. Айналкузот Ҳамадонийнинг Ғаззолийга қарши қаратилган танқиди асосан ахлоқ, онтология, гносеология ва уч олам муаммоларига тегишли.

Муҳаммад Хансорий "Ғаззолийнинг фалсафа ва мантикка бўлган муносабати" номли мақоласида Ғаззолийнинг перипатетик фалсафасидан чуқур хабардорлигини ҳисобга олиб, унинг математика, физика ва мантикка бўлган муносабатини очиқ беради. Шунингдек, у Ибн Рушднинг Ғаззолий фалсафасига нисбатан эгаллаган позициясини танқид остига олади. Абдул Карим Суруш "Ғаззолий ва мавлавийа" мақоласида сўфий Жалолиддин Румийнинг Ғаззолийга бўлган муносабатини белгилаб, "Диний илмларни жонлантириш" асарини "Маснавийи маънавий" билан таққослаб, Ғаззолийнинг Жалолиддин Румий қарашларига бўлган таъсирини исботлаб беради.

Ақл ва рационализм муаммолари, шунингдек, Ғаззолийнинг дунёвий ва диний фанларга бўлган муносабати, унинг фанларни таснифлашга қўшган ҳиссаси Абдул Қосим Гуржийнинг "Ғаззолийнинг фандаги ўрни", Зайниддин Қийа Нажднинг "Ғаззолий нуқтаи назарида ақл" ва Аҳмад Тохир Ирокийнинг "Ғаззолий позициясида фанларни таснифлаш" номли мақолаларида таҳлил қилинган².

Тўпلامда Ғаззолий фалсафасига бағишланган Абду Раҳмон Баъдавийнинг "Ғаззолий ва унинг грек манбалари", Муҳаммад ал-Финдийнинг "Ғаззолийнинг диний фалсафасидан", Муҳаммад Абдул Муиз Насрнинг "Ғаззолийнинг сиёсат фалсафаси", Ҳасан ас-Саатийнинг "Ғаззолий таълимотида позитивизм", Хийом ан-Нувайлатнинг "Ғаззолий таълимотида шубҳалар амалиёти", Али Абу Бакрнинг "Ғаззолий фанларни янгиловчи", Абдул Ҳамид Ҳасаннинг "Ҳақиқатни англашда Ғаззолий услуби", Тайсир шайх ал-Ардин "Ғаззолий таълимотида билиш назарияси", Муҳаммад ал-Ҳошмийнинг "Ғаззолийни тушунишда сабаблилик ва мувофиқлик" каби мақолалари мавжуд.

Абду Раҳмон Баъдавий, Ҳасан ас-Саатий, Байумий Макдур, Усмон Исо Шахний ва бошқалар Ғаззолий қарашларини илоҳиётга доир эмас, балки фалсафий деб қараб, алломанинг фалсафий дунёқарашини ижобий ва объектив томондан ёритишган.

Шунингдек, Салоҳиддин Салжукийнинг "Ғаззолийнинг ахлоқ соҳасига таъсири", Фатхий Сулаймоннинг "Ғаззолий тарбия тўғрисида", Усмон Аминнинг "Ғаззолий таълимотида ахлоқ", Иброҳим ал-Қаттоннинг "Имом ал-Ғаззолийнинг ахлоқ соҳасига таъсири" китоблари ҳам бу ҳақда баъзи аҳамиятли ҳақиқатларни ашроқ қилишга ҳисса қўшган.

¹ Шамолов А. А. Философско-теологическая воззрение Газали. Диссертация соискание ученой степени док-тора философских наук. – Душанбе, 2003. – С. 8.

² Там же. – С. 14.

золий – ўқитувчи ва тарбия”, Муҳаммад Мехти Аломнинг “Ғаззолий ҳасад ҳақида”, Абдул Карим Усмоннинг “Ғаззолий психология функцияси ҳақида” каби мақолалари анча қизиқиш уйғотади. Уларда мутафаккирнинг ахлоқий-психологик ва педагогик қарашлари таҳлил қилинган. Муаллифлар, Ғаззолийнинг тасаввуфга берилган вақтида яратилган асарларига таяниб, Ғаззолий учун ахлоқий эзгулик ижтимоий қадриятлар оламида охириги нукта эканлигини қайд этадилар.

Ғаззолий тасаввуфий дунёқарашининг ўзига хослигини тушунтириб беришга бағишланган мақолалар жумласига Аҳмад Фауд ал-Ахвонийнинг “Ғаззолий ижодида диний ҳиссиёт”, Умариддиннинг “Ғаззолийда муҳаббат тушунчаси Худога муҳаббат аломати билан” ва Абдуҳалим Маҳмуднинг “Имом ал-Ғаззолий ва сирни англаш” кабиларни киритиш мумкин. Ушбу мақолалар муаллифлари мантикий тарзда, Ғаззолий тасаввуфидаги асосий вазифа экстатик ҳолат билан ўзидан кетиш орқали эмас, балки вақтга боғлиқ бўлмаган тажриба, маънавий шакл орқали эришиш лозимлигини қайд қилганлигини таъкидлаб, бу позиция унинг билиш назариясига таъсир ўтказганлигини асослашга ҳаракат қилганлар.

Ғаззолийнинг перипатетикларга бўлган муносабати, унинг Шарқдаги перипатетизмни танқид қилиши, суннийлик билан тасаввуфни бирлаштиришга қўшган ҳиссаси ҳамда фалсафа ва диннинг ўзаро боғланиши, ақл ва кашфиёт масалалари Али Халабийнинг “Файласуфларга раддия” асаридаги “Сўз боши”¹сида, Забеуллох Сафонинг “Исломда дунёвий фанлар”², Эҳсон Табарийнинг “Мутакаллимлар ва фалсафага танқид”³, Ғулом Хусайн Иброҳим Динонийнинг “Ислом дунёсида фалсафий тафаккурдаги зиддиятлар”⁴ ва Саид Жалолиддин Оштиёнийнинг “Муҳаммад Ғаззолийнинг “Файласуфларга раддия”сини аниқлаштириш”⁵ асарларида баён қилинган.

Эрон олими Саййид Муҳаммад Ҳотамий “Ислом тафаккури тарихидан”⁶ деб номланган асарида Ғаззолийнинг перипатетик фалсафага кўрсатган таъсири ва унинг адолатли жамият куриш борасидаги фикрларини таҳлил этиб, ўз муносабатини билдиради.

Юқоридаги барча тадқиқотчилар Ғаззолий томонидан фалсафа ва табиий фанларга етказилган зарар ҳақида сўз юритиб, алломанинг Шарқ пери-

¹ Али Аскар Халаби. Дебача. Муҳаммад ал-Ғаззолий. Тахафут ал-фаласифа. – Техрон, 1363. 9-б.

² Сафо Забеуллох. Таърихи улуғи ақли дар тамаддуни исломи. – Техрон, 1331. 147–149-б.

³ Эҳсон Табарӣ. Бархе баррасихо дар боран чаҳонбинихо ва ҷунбишҳои иҷтимоӣ дар Эрон. Матбаи давлатӣ, 1348. 204–210-б.

⁴ Ғулом Хусайн Иброҳим Динонӣ. Мочарои фикри фалсафи дар чаҳони ислом. – Техрон, 1376. 211–275-б.

⁵ Саид Чалолуддин Оштиёни. Нақде бар “Тахафут ал-фаласифа”и Муҳаммад Ғаззоли. – Техрон, 1378.

⁶ Саййид Муҳаммад Ҳотамӣ. Ислом тафаккури тарихидан. – Т.: Минҳож, 2003. 85–101-б. ва 203–228-б.

патетикларига нисбатан эгаллаган танқидий позициясини бир томонлама ба-
ҳолашган.

Ғаззолийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Хусайн Иброҳимнинг “Ис-
ломнинг сиёсий тарихи”, Аскар Хукукийнинг “Эронда ва Исломда сиёсий
ғоялар тарихи”, Таба Табаийнинг “Эронда сиёсий тафаккурнинг инкирози”,
“Эронда сиёсий тафаккур тарихига фалсафий сўзбоши” ва Ҳотам Қодирий-
нинг “Ғаззолийнинг сиёсий қарашлари” каби асарларида тадқиқ қилинган.
Уларнинг тадқиқотларига кўра, Ғаззолий мусулмон жамоасида ижтимоий-
сиёсий муаммоларни ҳал этишда рационалистик позицияни эгаллаб, ўзининг
объективлиги билан ажралиб туради.

Мусулмон тафаккури тарихида Ғаззолийнинг роли ва ўрни эронлик
муаллифларнинг шарҳларида ҳам яққол кўринади. Ғаззолийга бағишланган
машҳур асарлардан бири Жалолиддин Хумоюннинг “Ғаззолийнома”¹ асари.
Бу монографияда муаллиф, мутафаккир давридаги ижтимоий-сиёсий шароит
муаммоларини ёритиб, уларнинг мутафаккир ҳаёти ва ижодига таъсирини
кўрсатиб ўтади. Ғаззолийнинг фалсафа, сиёсат, ахлоққа бўлган муноса-
батини таҳлил қилади. Шу билан бирга, Ғаззолий асарларининг мусулмон
дунёси фалсафий тафаккурида катта роль ўйнаганини исботлаб беради.

Шунингдек, покистонлик тадқиқотчилар Саъид Шайхнинг “Мутолнати
татбиқи дар фалсафай ислом”² (Ислом фалсафасининг киёсий ўрганилиши)
ва Абул Холикнинг “Ғаззолий этикаси” асарларида “файз” назарияси,
илохий билимлар, қалб, диний тажриба, сабабийлик, ирода эркинлиги каби
муаммоларга эътибор қаратадилар. Покистонлик шоир ва мутафаккир
Муҳаммад Иқбол ўзининг “Эронда фалсафанинг ривожланиши” асарида
мутафаккирнинг фалсафа ва ахлоқ ҳақидаги ғояларини таҳлил қилиб, уни
буюк скептик деб номлайди³.

Турк файласуфи Мубохат Туркернинг 1956 йилда Анкарада “уч раддия”
нуктаи назаридан фалсафа ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатлар” мақо-
ласида мусулмон муаллифларига тегишли уч “Раддия”ни Ғаззолийнинг
“Файласуфларга раддияси”, Ибн Рушднинг “Раддияга раддия” ва Турк ило-
ҳиёт олими Хожа Зоданинг “Файласуфларга раддия”сини таққослаб⁴, Ғаз-
золий ғояларини ҳимоя қилади.

XIX аср бошига келиб Ғарбий Европада шарқшунослар томонидан Ғаз-
золий ижодига доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Асин Паласиос⁵,
Артур Арберри⁶, Вензик¹, М. Смит², И. Оберман³, Д. Б. Макдональд⁴,

¹ Жалолиддин Хумойн. Ғаззолийнома. – Техрон, 1342.

² Саъид Шайх. Мутолнати татбиқи дар фалсафай ислом. – Техрон, 1369. 158–208-б.

³ Иқбол М. Сайри фалсафа дар Ирон. – Техрон, 1354. 60–63-б.

⁴ Шамолов А. А. Философско-теологические воззрения Газали. Дис. д-ра филос. наук. – Душанбе, 2003. – С. 9.

⁵ Asin Palacios M. La espiritualidad de Alqasel y su sentido cristiano // Vol.1-IV. – Madrid–Granada, 1934–1941. – P. 139–147.

⁶ Arberry A. J. Sufism. – London, 1950. – P. 47–50.

Г. Н. Буске⁵, М. Буиж⁶, В. Н. Гарднер⁷, Г. Э. Фон Грюнебаум⁸, Умаруддин⁹, Абул Қосим¹⁰, Ф. Жабр¹¹, Л. Готизл¹², А. Корбэн¹³, И. Гольдциер¹⁴ ва бошқалар. Ғарб шарқшунослари кўпчилигининг умумий эътирофига кўра, Ғаззолий илоҳиётшунос ва ортодоксал фалсафа намояндаси сифатида тасвирланади. Бу шарқшунослар Ғаззолий ижодининг сўнгги нуқтасига етган эътибор бермаганлар.

Шу билан бирга, ўрта асрлардаги мусулмон фалсафий ва теологик ғояларининг ривожланишида Ғаззолий фалсафаси ва илоҳиётининг ўрни ва ролини тўғри баҳолашда бир қатор Ғарб тадқиқотчиларининг хизматларини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу, биринчи навбатда, А. Корбэн, Г. фон Грюнебаум, И. Гольдциер, М. Буиж, У. М. Уотт ва бошқа муаллифларга тегишли. Мисол учун, У. М. Уотт ўзининг "Ислоҳ ва жамиятдаги интеграция", "Ислоҳ фалсафаси ва илоҳиёт"¹⁵ асарларида, Ғаззолий қарашларининг ривожланишида та-рихий шарт-шароитларни, унинг ҳаётдаги инкироз сабабларини

⁵ Wensink A. On the Relation between Ghazal's Cosmology and His Mysticism // Mededeelingen der Koninklijke Akademie Van Wetenschappen, Afdeling. Letterkunde, Deel 75, serie A. – Amsterdam, 1933. – P. 183–209.

⁶ Smith M. Al-Ghazali, the mystic. – L., 1944; Smith M. Studies in Early Mysticism. – L., 1933.

⁷ Obermann J. Der philosophische und religiöse Subjektivismus Ghazalis. – Vienne–Leipzig, 1921. – P. 214.

⁸ Macdonald D. B. Al-Chzali // Edl. Leydes; – Paris. T.2. – P. 157a; Macdonald D. B. Developmebf of Muslim Theology, juris prudevece and Constitutional Theory. – N/Y., 1903. – E. 1, II. – P. 154–158; Macdonald D. B. The life of Al-Ghazali // JAOS. – Vol.21. P.1. – 1899. – P. 71–132.

⁹ Bousguet C. H. Ghazali. Ih'ya Ouloum ed-Din ou Vivification des sciences de la Foi // Analyse et index par. G.H. – Bousguet, 1955. – P. 176–194.

¹⁰ Bouyqes M., Allard M. Essai de chronologie des oeuvres de' al – Ghazali // Recherches. – T.XIV. – Beyrath, 1959.

¹¹ Gairdner W.H.T. Al-Ghazali's Mishkat al-Anvar and the Ghazali. – Problem // DI.Bd.5. – Strassburg; Berlin, 1914. – P. 121–153; Gairdner W. H. T. An Account of al-Ghazali's lif and Wjrks. – Madras, 1919; Gairdner W. H. T. Al-Ghazzali... "Der Islam". – Strassburg–Berlin, 1914.

¹² G.von Grunebaum. Mudieval Islam. – Ghicago, 1946; G.von Grunebaum. Unity and Variety in Muslim Givilization. – Ghicago, 1955. – P. 191.

¹³ Umaruddin. The Ethecal Philosophy of al-Gazzali. – Aligarh, 1949.

¹⁴ Abul Quasem M. The Ethics of al-Fhazali. A Composite Ethieics in Islam. – Petaling jaya Selangor, 1975. – P. 273.

¹⁵ Jabre F. La Notion de certitude selon Ghazali dans sens origins psychaloqiques et historigues. – P., 1958; – P. 217; Jabre F. La Notion de Ma'rifa chez Ghazali. – Berayth, 1958; Jabre F. Al-Ghazali // MUDEO. – Vol.1. – 1954. – P. 73–102.

¹⁶ Gautier L. La Perle Precieuse de Ghazali. – Geneve, 1878. – P. 193.

¹⁷ Corbin H. Les motifs zoroastruens dans la philosohpie de Sohrawardi, Sheikh al-Isbrag. – Tehran, 1946; Corbin H. Histoire de la philosophie islamique. – T.1. – Gallimard, 1964. – P. 383; Corbin H. The men of light in Iranian Sufism. – L., 1978. – P. 273.

¹⁸ Гольдциер И. Ақида ва шарҳи ақидаи ислам. Бағдод, Дар ал-кутуб алҳадиса, 1958. 180-6.

¹⁹ Watt W. M. Islam and Inteqration of Society. – London: Routledqe and KeganPaul, 1961. – P. 293; Watt W. M. Islamic Philosophy and Theology. – Edunburqh, 1967.

таҳлил қилиб, мутафаккир қарашларини тарихий усул доирасида тадқиқ қилади.

Бунга ўхшаш тадқиқотларни, шунингдек, Луис Гардетнинг "Ислом: дин ва жамият"¹ асарида ҳам кўриш мумкин. Тадқиқотчи Ғаззолийнинг "Шубҳалардан халос қилувчи" асарида таяниб, унинг теологик фаолият даврини таҳлил қилиб, у реформатор сифатида ўз ишини охиригача етказа олмади, аммо, умрининг охиригача илоҳийтшунос бўлиб қолди, деган хулосага келади. Бу ғояни бошқа бир тадқиқотчи А. Лауст давом эттиради. У "Сиёсат ва Ғаззолий"² номли асарида суннийлик сиёсий таълимотининг шаклланиши, умматнинг тамойиллари, имом ва султонларнинг диний, суд ва ижро амалиёти соҳаларидаги вазифалар ҳамда муаммолари бўйича Ғаззолий ғояларининг моҳиятини муфассал таҳлил қилади.

Шунингдек Ф. Жабреннинг "Психологик ва тарихий негизда Ғаззолийни ҳақиқатан тушуниш"³, "Ғаззолийни англаш назарияси"⁴, "Ал-Ғаззолий"⁵, Умаруддиннинг "Ал-Ғаззолий фалсафасида ахлоқ"⁶ ва Абул Қосимнинг "Ал-Ғаззолий этикаси. Исломда синкретик этика"⁷ асарларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу муаллифлар Ғаззолий ижодида психология, ахлоқ, онтология ва гносеология муаммоларини чуқур ва бегараз таҳлил қилишган.

Инкилобгача бўлган Россияда Ғаззолий ҳақида ёзилган Ризоуддин Фаҳриддиннинг "Имом Ғаззолий"⁸ асари диққатга сазовордир. Муаллифнинг таъкидлашича, Ғаззолий ислом таълимоти муҳтож бўлган даврда пайдо бўлган. Бирок, деб таъкидлайди муаллиф, ислом таълимотини ҳимоя қилиб, Ғаззолий файласуфларга нисбатан хужумга ўтади ва бу уларнинг ғазабланишига олиб келади. Ғаззолий "Файласуфларга раддия" асарини ёзмаганида яхши бўлар эди.

Ғаззолий ҳақида рус шарқшуносларининг асарлари жуда ҳам кам. А. Э. Шмид⁹ ва А. Е. Крымский¹⁰ нинг асарларини шу ерда айтиб ўтиш мумкин. Ғаззолий асарлари бўлмаганлиги сабабли Россия шарқшунос-

¹ Gardet L. Islam: religion et communauté. — Desclee de Brouwer, 1967. — P. 496.

² Layst H. Lapolitique de Ghazali. Peul, CEUTHNER. — London, 1953. — P. 471.

³ Jabre F. La Notion de certitude selon Ghazali dans sens origins psychologiques et historiques. 1958. — P. 217.

⁴ Jabre F. La Notion de Ma'rifa chez Ghazali. — Berayth, 1958.

⁵ Jabre F. Al-Chazali // MUDEO. — Vol. 1. 1954. — P. 73—102.

⁶ Umaruddin. The Ethical Philosophy of al-Ghazzali. — Aligarh, 1949.

⁷ Abul Quasem M. The Ethics of al-Ghazali. A Composite Ethics in Islam. — Petaling Jaya Selangor, 1975. — P. 273.

⁸ Шамолов А. А. Философско-теологические воззрения Газали. Дис. д-ра филос. наук. — Душанбе, 2003. — С. 23.

⁹ Шмидт А. Э. Из истории суннитско-шиитских отношений. — Т., 1927. — С. 148.

¹⁰ Крымский А. Е. Очерк развития суфизма до конца III в. гижри // ТВЛИВЯ. Т. 2. — М., 1895. — С. 120; Крымский А. Е. История мусульманства. — М., 1904. — С. 137; Крымский А. Е. История Персии её литературы и дервишской теософии. Ч. 1. — М., 1909. — С. 117.

ларининг кўпчилиги мутафаккир ижоди билан танишлиги юзаки бўлган. Бунга А. Е. Крымский томонидан ўша даврда Европа шарқшуносларининг Ғаззолийга "файласуфлар кушандаси"¹ сифатида қарашларини тақрорлаши аққол мисолдир.

Кўпгина рус ва Собик Иттифок тадқиқотчи-шарқшунослари учун Ғаззолий ғоялари жаҳолатпарастликни инкор этиб бўлмас исботи ҳисобланарди. Шу сабабли Ғаззолий фалсафаси махсус ўрганиладиган предмет ҳисобланмас эди.

Ғаззолийнинг баъзи бир ғоялари талқини, масалан, унинг тасаввуфий қарашлари Г. М. Керимовнинг "Ғаззолий ва сўфизм"² асарида кўриб чиқилган. С. К. Григоряннинг "Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ўрта асрлар фалсафаси"³ номли монографиясида Ғаззолий ижодига махсус боб ажратилган. Алломанинг диний реформаторлик фаолияти И. Л. Петрушевскийнинг "VII-XV асрларда Эронда ислом"⁴ асарида кўриб чиқилган.

Ғаззолийнинг бир қатор ғоялари В. В. Бартольд⁵, Е. Э. Бертельс⁶, В. К. Чалоян⁷ асарларида таҳлил қилинган. Баъзи Собик Иттифок тадқиқотчилари учун Ғаззолий таълимоти атрофидаги тажрибага асосланмаган қуруқ муҳокама бегона эди. Мана шундай ишлар В. В. Наумкин⁸, Н. С. Кирабаев⁹га тегишли. Улар Ғаззолий қарашларида рационалистик рух ва рационал тафаккур формаси бегона эмаслигини

¹ Крымский А. Е. История арабов и арабской литературы, светской и духовной. – М., 1911–1912. – С. 151–152.

² Керимов Г. М. Аль-Газали и суфизм. – Баку: Элм, 1969. – С. 108.

³ Григорян С. Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. – М.: Наука, 1966. – С. 352.

⁴ Петрушевский И. П. Ислам в Иране в XII–XV веках. (Курс лекций). – Л.: Изд-во Ленинград. ун-та, 1966. – С. 400.

⁵ Бартольд В. В. Сочинения. Т. 6. – М.: Наука, 1966. – С. 782.

⁶ Бертельс Е. Э. Избранные труды: Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 523.

⁷ Чалоян В. К. Восток–Запад: Преемственность в философии античного и средневекового общества. – М.: Наука, 1979. – С. 216.

⁸ Наумкин В. В. Трактат. Газали "Воскрешение наук о вере" // Абу Хамид Газали. Воскрешение наук о вере. – М.: Наука, 1980. – С. 9–86.

⁹ Кирабаев Н. С. Идея совершенства человека в этике аль-Газали // Философия зарубежного Востока о социальной сущности человека. – М.: УДН, 1986. – С. 88–98; Кирабаев Н. С. Концепция причинности в доктрине аль-Газали // Вестник московск. ун-та, 1978. № 509. – С. 80–89; Кирабаев Н. С. Проблема свободы воли в учении аль-Газали // Человек, сознание, мировоззрение. – М.: МГУ, 1979. – С. 52–58; Кирабаев Н. С. Концепция человека в философии аль-Газали // Проблема человека в истории философии. – Вильнюс, 1984. – С. 38–48.

таъкидлаб ўтганлар. Россиялик тадқиқотчиларнинг охириги ишлари А. Игнотенко¹, И. Р. Насиров² ва М. М. Джанаби³ га тегишли.

Ғаззолий ижодини тожик олимларидан А. М. Богоутдинов⁴, З. Вазиров⁵, Б. Г. Гафуров⁶, М. Д. Диноршоев⁷, З. М. Диноршоева⁸, А. А. Шамолов⁹ ўз тадқиқотларида таҳлил этганлар.

Ғаззолийшунос олимлар кўпчилигининг умумий эътирофига кўра, христиан илоҳиётшунослари томонидан мусулмон мутафаккирлари олдида қўйилган масалаларга асосан Ғаззолий жавоб берганини таъкидлашади. Шу сабабли, Профессор Хитти унинг жавобларини “ботиний-психологик жавоблар”¹⁰ дейди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳақиқий диндорлик ва ўта инсофлилик Ғаззолий асарларига улугворлик бахш этган. Шу сабабли, Ғаззолийнинг серкирра бой илмий-ижодий ва маънавий мероси Шарқ ва Ғарб тадқиқотчиларининг доимий диққат марказида бўлган. Бунинг асосий сабаби, тасаввуфнинг қонунаштирашган қоидалари ва унинг кўплаб мусулмон диншунослари томонидан тан олинганлигида Ғаззолий хизматларининг махсули эканлиги.

¹ Игнотенко А. А. Познат непознаваемое (аль-Газали о рациональном познании: трансцендентного – ал-гайб) // Средневековая арабская философия: проблемы и решения. – М.: Изд. фирма “Восточная литература” РАН, 1998. – С. 175–209.

² Насиров И. Р. Основания исламского мистицизма (генезис и эволюция). – М.: Языки славянских культур, 2009. – С. 552.

³ Майсем Мухаммед Аль-Джанаби. Теология и философия Аль-Газали. – М.: Изд. дом Марджани, 2010. – С. 240; Майсем аль-Джанаби. Аль-Газали. Ат-Та’аллуф ал-лахути-ал-фалсафи-ас-суфи. 4-том. – Никосия, Дамаск, Бейрут: Дар аль-Мада, 1998.

⁴ Богоутдинов А. М. Очерки по истории таджикской философии. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1961. – М. 332.

⁵ Вазиров З. Очерки социальной философии калама и футуввата. – Душанбе: Донниш, 1991. – С. 278.

⁶ Гафуров Б. Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Кн.2. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 480.

⁷ Диноршоев М. Проблема разума и веры в трудах Мухаммада ал-Газали // Известия АН Республики Таджикистан: Философия и правоведение. – 2001. № 4. – С. 70–78.

⁸ Диноршоева З. Мухаммад ал-Газали и его отношение к философии. – Душанбе: Донниш, 2002. – С. 159.

⁹ Шамолов А. А. Сравнительный анализ этики Абу Хамида Газали и Насириддина Туси. – Душанбе: Ирфон, 1994. – С. 180.

¹⁰ Идрис Шах. Суфизм. – М.: Локкид, 1999. – С. 180.

ИҚТИСОД ТАЪЛИМИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // ECONOMIC EDUCATION AND INTERNATIONAL RELATIONS

АЛИМОВ АВАЗ

Иқтисод фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

Электрон ўқув адабиёти яратиш – Ўзбекистонда инновацион таълим тизимини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодиёт бўйича электрон дарслик яратиш ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг энг илгор воситаларидан бири эканлиги асослаб берилган, уни шакллантиришнинг асосий тамойиллари ёритилган. Айни пайтда “Тошқи иқтисодий фаолият асослари” номли электрон дарслик яратиш бўйича инновацион лойиҳанинг мақсад, вазифалари ва босқичлари тўғрисида маълумот берилган.

Таянч сўз ва иборалар: янги иқтисодиёт, инновацион таълим, ахборот технологиялар, электрон ўқув адабиёти, анъанавий дарслик, мустақил таълим, ташиқи иқтисодий фаолият.

Аннотация. В данной статье обоснована важность создания электронного учебника как передового инструмента в использовании инновационных технологий в процессе обучения и рассмотрены основные принципы его формирования. Так же рассмотрены цели, задачи и этапы инновационного проекта по созданию электронного учебника «Основы внешнеэкономической деятельности».

Опорные слова и выражения: новая экономика, инновационное образование, информационные технологии, электронная учебная литература, традиционный учебник, самостоятельное образование, внешнеэкономическая деятельность.

Abstract. This article proves the importance of creating an electronic textbook as the best tool in using innovative technologies in the learning process and the basic principles of its formation. It considers the goals, objectives and stages of the innovative project on creation of the electronic textbook “The basis of foreign economic activity”.

Keywords and expressions: the new economy, innovative education, information technology, e-educational literature, traditional textbook self study, foreign economic activity.

Ҳозирги ҳажм ва сифат жиҳатдан кундан-кунга ўсиб борувчи инновацион иқтисодиёт даврида, талабаларга кенг қамровли билимларни самарали етказиб беришда, уларнинг ўрганаётган назарий материалларини амалиёт билан мустақам боғланишининг юқори савияда таъминлаб берилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, таълимни реал



хаётга юкори даражада яқинлаштирилган вазиятда амалга оширишни таъминловчи, назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлаш ва талабаларни фаол мустақил билиш жараёнига жалб этиш имконини берувчи, уларда касбий ва таянч лаёқатларни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи ўқув адабиётлари яратилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 9 мартда ўтказилган 1-сон мажлиси қарори ва 2015 йил 16 мартдаги 112-сонли буйруғи билан тасдиқланган инновацион дастурлари доирасида бажарилиши 2016–2017 йилларда мўлжалланган лойиҳалар қаторидан ўрин олган ИОТ-2016-1-47 “Ташқи иқтисодий фаолият асослари” номли электрон дарслик тайёрлаш вазифаси Тошкент давлат шарқшунослик институти “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик” факультети “Осиё–Тинч Океан минтақаси ва Жанубий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги” кафедраси ёш иқтидорли ўқитувчиларидан таркиб топган илмий жамоа зиммасига юклатилган. Мазкур лойиҳа вазифалари ва уни тайёрлаш босқичлари хусусида сўз юритишдан олдин иқтисодиёт таълим йўналишида электрон дарслик яратишнинг умумий жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Глобallasуv шароитида ахборот-коммуникация технологияларининг тез-кор ривожланиши, ахборот оқимларининг мисли кўрилмаган даражада шиддатласуви барча соҳалар кесимида тўпланган билимларни ўқитиш жараёнига узатиш масаласини тўлиқ ҳал этишга имкон бермайди. Шу ўринда ахборот технологиялари гиперматнлар, гипермедиа, маълумотлар банклари кўринишида тақдим этилаётган билимларнинг турлича туркумланишига имконият яратиб, ўқитиш сифатининг кўтарилишига олиб келади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон таълим тизимида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва таъкилий жараёнларнинг янги воқеликлари билан боғлиқ ўзгаришлар олий ўқув юртлари педагоглари аънавий ўқитиш доирасидан ташқарига чиқиш, таълим соҳасини илгор хориж тажрибаси асосида ривожлантиришга янгича ёндашувларни топиш йўллари ҳақида ўйлашга мажбур қилмоқда. Замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланиб, электрон дарслик воситасида ўқитиш шундай йўналишлардан биридир.

Электрон дарсликларни яратиш ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг энг илгор воситаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бу муаммо В. М. Вимятин, Н. Р. Семин, Е. С. Полат каби муаллифларнинг электрон дарсликларнинг яратилиши ва мазмунининг ҳар хил жиҳатларига бағишланган тадқиқотларида жиддий ишлаб чиқилган. Электрон дарслик билим беришнинг сифатан янги даражасига ўтишга имкон беради, бунда дарсликнинг ўқитиш жараёнидаги аънавий роли ва ўрни ўзгаради. Шунинг учун ҳам электрон дарсликларни яратишга қўйиладиган талаблар ўзига хос бўлиб, аънавий ўқув адабиётларидан сезиларли



даражада фарқланади. Агар анъанавий дарслик, қоидага кўра, ўқув материаллини мавзулар бўйича ўрганишга мўлжалланган бўлса, электрон дарслик ўқитиш тизимига кўп вариантли ёндашувни, ўқув материаллини ўрганишининг ҳар хил изчиллигини кўзда тутади, талабанинг индивидуал билим олиш фаоллигини рағбатлантиради.

Иқтисодиёт бўйича электрон курсни ишлаб чиқиш анча мураккаб бўлиб, унинг воситасида талаба нафақат назарий материаллар билан, балки асосий ва қўшимча манбалар, визуал материаллар, ўз-ўзини назорат қилиш учун мустақил вазифалар, курс ва назорат ишлари ҳамда ижодий топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмалар билан таъминланиши керак.

Амалиётдан маълумки, кўриш органларимиз эшитиш органларига нисбатан 5 марта кўпроқ мияга келиб тушувчи ахборотни "ўтказди", қатта қайта кодлаштиришни талаб қилмайди ва бу ахборот инсон хотирасига осон, тез ва мустаҳкам ўрнашиб олади.

Электрон дарслик анъанавий дарсликка нисбатан кўргазмалилик тамойилини амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга. Кўргазмалиликка иқтисодиёт бўйича дарсликнинг намойиш қилинувчи материаллининг имконияти ҳисобига эришилади. Унда дидактик тамойиллар туркумлаштирилган бўлиб, бу дарсни ўзлаштиришни, унинг мазмун-моҳиятини ва мантигини тушинишни сезиларли даражада енгиллаштиради.

Иқтисодиёт бўйича электрон дарсликда ҳар бир талабани унга тақдим этилаётган билимни мустақил эгаллаш фаол жараёнига имкон қадар тортинишга ҳаракат қилиниши талаб этилади.

Электрон дарсликни шундай яратиш керакки, унда билимлар тайёр ҳолда берилмасин, талаба керакли ахборотни фаол кидиришни мунтазам олиб бурсин (масалан, бирламчи манбалар, Internet серверларига мурожаат қилиш орқали).

Иқтисодиёт бўйича электрон дарслик муаллифларига ўқитишни табақалаштириш ва яқка тартибга келтириш каби муҳим масалаларни амалга ошириш керак бўлади. Талаба ўзининг руҳий-физиологик хусусиятларига кўра ҳар хил фазилатлар, қобилиятларга эга, шунинг учун ҳам ҳар хил талабалар томонидан ўқув материаллини ўзлаштириш учун турлича вақт, турли мураккаблик даражасидаги машқлар талаб қилинади. Электрон дарслик талабанинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда оддий, илгари сурилган ва чуқурлаштирилган босқичларда яратилиши мумкин.

Иқтисодиёт соҳасидаги электрон дарслик узлуксиз таълим (бакалаврият – магистратура – докторантура) доирасида мутахассисларни кенг кўламда тайёрлаш вазифасини самарали амалга оширишга имкон беради. Электрон дарслик ўқувчига бошланғич таълимда йўл қўйилган камчиликлар ўрнини тўлдиришга қаратилган бўлиб, ундан фойдаланиш талабага баъзи бир бўлимларни дастурда кўзга тутилганига қараганда чуқурроқ ўрганишга имкон тугдиради.



Электрон дарслик ёрдамида ўқитиш мустақил таълимнинг родини оширади, яъни унинг воситасида талаба ўқитувчи билан “жонли” мулоқотда бўлмай туриб, билим олиш имкониятига эга бўлади. Бу масалани талабани мустақил ўқишга рағбатлантириши керак бўлган компьютер интерфейси воситасида ҳал этиш мумкин. Талаба ниманидир тушунмаган бўлса, унга дастурдаги қандайдир мавзу мураккаблик қилган бўлса, буларнинг барчаси курс мавзулари бўйича тегишли компьютер дастурларида тақдим этилади.

Иктисодиёт бўйича электрон дарслик ҳар қандай бошқа ўқув қўлланмаси каби чуқур билим бериш мақсадига эришмоқ учун қўйилган барча талабларга жавоб бериши ҳамда турли ҳилдаги дидактик ўз-ўзини назорат қилиш, ўз ўзини баҳолаш, ўқув жараёнини тартибга солиш ва тузатиш имкониятини берувчи масалалар ечими учун ҳар хил муқобиллари тақдим этиши керак.

Электрон дарслик ўқитиш жараёнида ахборотлиштириш вазифасини сифатлироқ бажаради, яъни мазкур вазиятда ўқитувчи талабанинг сўрови бўйича етишмаётган ахборотни тўлдириш имкониятига эга бўлади. Иктисодиёт бўйича электрон дарслик билим олишга майл уйғотиш вазифасини ҳам амалга оширади. Бу эса талабаларни ўрганаётган курс материалларини пухта ўрганишга ундовчи, қизиқишни шакллантирувчи рағбатлардан фойдаланишни тақозо этади. Умуман олганда, электрон дарслик бўйича ўқиш талабалар учун қизиқarli ва ёқimli бўлиши керак.

Майл уйғотиш — электрон дарсликни яратишда жуда муҳим элементдир. Майл уйғотиш муаммосини самарали ҳал қилиш учун ҳар хил воситалар ва усуллардан фойдаланилади. Курснинг модулли конструкцияси бу масалани муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Ўқитиш бу шакlining асосий жиҳати унинг интерактивлиги, яъни бевосита талабалар ўртасида ҳамда ўқитувчи ва талаба мулоқатида электрон почта, Internet, телеанжуманлар ва бошқа замонавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш орқали маълумот алмаштириш йўли билан эришилладиган ўзаро ҳамкорликдан иборатдир.

Электрон дарсликни яратишда барча электрон нашрларнинг олдида қўйилладиган эргономик, эстетик, гигиеник, тиббий-руҳий талабларга ҳам эътибор қаратилиши лозим. “Анъанавий” дарслик воситасида таълим беришда ахборот манбаининг етакчи роли ўқитувчига берилади, электрон дарслик орқали ўқитишда эса бу вазифани компьютер бажаради.

Аммо электрон ахборотни идрок қилиш, ўзлаштириш, тушуниш ўзига хос хусусиятларга эга. Шундан келиб чиқувчи руҳий тўсиқ мавжуд бўлиб, барча талабалар ҳам ахборотни компьютер экранда ўзлаштиришга тайёр эмаслар.

Ўзлаштириш жараёнига нафакат мазмун, балки ҳарфларнинг ўлчами ва формати, уларнинг ранги, тасвирларнинг ҳаракатчанлиги каби омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун электрон дарсликнинг матни ўзининг хусусиятларига эга бўлиши керак. Ўзлаштиришни енгиллаштириш учун катта абзацлар қилиш керак эмас. Ўзлаштиришга липиллаб туриш, ранг билан



ажратилиш, тагига чизиш, товушли сонорлар каби ўзига хос самаралар ҳам таъсир кўрсатади. Аммо бу ўринда шуни ҳам эсда тутиш керакки, улардан керагидан кўп фойдаланиш инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Электрон дарсликнинг самарадорлиги берилаётган ўқув материалнинг мазмуни ва туркумлашувига ҳам боғлиқ, ҳаминша бирхиллик, сийқаси чиққанлик, соддалик ёки ғоятда мураккаблик фикрлаш қобилиятининг пасайишига, эътиборнинг четлашишига олиб келиши мумкин.

Электрон дарсликни яратишдаги асосий муаммо, уни мақбул даражада ахборот билан юклашдир. Ушбу масала хусусида, шуни таъкидлаш жоизки, янги ахборотларнинг ортиқчалиги талабани уйқу босиш ҳолатига, унинг эътибори маълум қадар йўқолишига олиб келиши мумкин. Бу муаммони тақдим этилаётган ахборотнинг сифатини ошириб ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда яна бир бор электрон дарслик кўпгина имкониятларга эга эканлигини эслатиш лозим, яъни талабанинг ўзи тасвирнинг кўпгина параметрларини созлаши (асосий ранг, ёруғлик, контрастни, ҳарфларнинг ўлчами ва бошқаларни ўзгартириши) мумкин.

Шундай қилиб, электрон дарсликни яратиш ва ўқув жараёнига татбиқ этишнинг ҳозирги босқичида педагогик (дидактик) тамойилларга риоя қилиш билан бир қаторда руҳий, эргономик ва гигиеник талабларга риоя этилиши зарур. Бу – электрон дарсликнинг сифатини оширишга, унинг олдида қўйилаётган бир қатор вазифаларни ҳал қилишга ва талабаларнинг юқори фаоллигини оширишга ва ақлий қобилиятларидан унумли фойдаланишга кўмаклашади.

XXI аср халқаро майдонда давлатларнинг ўзаро муносабатлари, биринчи навбатда, иқтисодий ҳамкорликлари кучайган бир давр бўлиб тарихга кираётир. Шу нуқтан назардан, ташқи иқтисодий фаолият механизмини, унинг ташкилий ҳуқуқий асослари ҳамда ривожланиш тенденциялари ва манбаларини ўрганиш долзарб масалалардан бири бўлиб саналади.

Бугунги кунда ташқи иқтисодий фаолият билан юзлаб корхоналар, бир неча минглаб тадбиркорлар ва давлат хизматчилари бевосита шуғулланмоқдалар. Афсуски, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг кўпчилиги ташқи иқтисодий фаолият асослари, айниқса, унинг нозик томонлари билан ханузгача яхши таниш эмаслар.

Ташқи иқтисодий алоқалар моддий, молиявий ва заковат бойликларининг мамлакатлар ўртасида алмашилишининг турли йўналишлари, шакллари ва воситаларини ифодаловчи яхлит тизимдир. Бу ҳар қандай мамлакат иқтисодиётидаги энг мураккаб соҳалардан бири бўлиб, самарали ривожланиши учун атрофлича ёндашувни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти доирасида қатор жабҳаларда тутган ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётганлиги, миллий иқтисодиётни модернизациялаш заруратининг ҳозирги босқичида ташқи иқтисодий алоқалар омилининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиши бу жараёнларни ҳар

томонлама чуқур ўрганишга, бу соҳада самарали фаолият кўрсатишга тайёр бўлган кадрлар тайёрлаш масаласига юксак талаблар қўяди. Ҳозирги кундаги зарурият ва муҳимлик жиҳатидан келиб чиқиб, ўқув жараёнларида янги педагогик технология ва интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда, “Ташки иқтисодий фаолият” фанидан маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришда замонавий ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. “Ташки иқтисодий фаолият асослари” электрон дарслигининг максади фанни ўқитиш жараёнида талабаларга ташки иқтисодий фаолият моҳияти, уни амалга ошириш ва ташкил этишининг асосларини ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, мамлакатнинг барча хўжалик субъектлари ташки иқтисодий операцияларининг самарали усулларининг амалда қўлланилишини ўргатишдир.

“Ташки иқтисодий фаолият асослари” электрон дарслигининг асосий вазифаси талабаларга ташки иқтисодий фаолият моҳияти ва мазмунини, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида ташки иқтисодий фаолиятни ислох қилишнинг ўзига ҳос хусусиятларини, ТИФ (Ташки иқтисодий фаолият)ни бошқариш ва тартибга солиш усулларини, ташки савдо операциялари, уларни амалга ошириш механизмининг, ташки савдо шартномаларининг ўзига ҳос хусусиятларини, ТИФнинг транспорт таъминотини ташкил этишни, ТИФда инвестицияларнинг аҳамияти ва хусусиятларини, ТИФнинг молиявий ва ҳисоб-китоб асосларини, ТИФни суғурталашнинг ўзига ҳос хусусиятларини, ТИФ доирасида эркин иқтисодий ва туристик зоналарни ташкил этиш масалаларини, ташки иқтисодий алоқалар самараси ва самарадорлигини баҳолаш услубларини ўргатишдан иборат.

Лойиҳа бажарилишининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- жаҳон хўжалиги глобаллашувнинг замонавий босқичида, глобал молиявий инқироз шароитида ва ундан кейинги даврда мамлакатлар ташки иқтисодий алоқалари ривожланишидаги янги тенденцияларни таҳлил этиш;
- 2000–2015 йилларда Ўзбекистон ташки иқтисодий фаолияти турли шакллари бўйича статистик маълумотлар, аналитик материаллар тўплаш, таҳлил этиш;
- мамлакат ташки иқтисодий фаолиятини ривожлантириш соҳасида мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон ташки иқтисодий фаолияти соҳасидаги қонуний-меъёрий ҳужжатларни жамлаш, тизимлаштириш ва шарҳлаш.

Лойиҳа ҳусусида яна шуни таъкидлаш жоизки, биринчидан, лойиҳа натижаси сифатида мамлакатимизда илк бор “Ташки иқтисодий фаолият асослари” электрон дарслиги ўзбек тилида (лотин алифбосида) яратилади. Иккинчидан, Ўзбекистон олий ўқув юртларида, шу жумладан Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон миллий университети,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент ислом университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Ташқи иқтисодий фаолият” фанларини ўқитиш технологиялари замонавий талаблар даражасига кўтарилади.

ТОХТНОВ ШУХРАТ

Катта ўқитувчи, ТИУ

Эрон Ислом Республикаси ички ва ташқи сиёсатида диний уламоларнинг роли

Аннотация. Мақолада Ислам инқилоби ва монархия тузуми ағдарилганидан сўнг Эрондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда ислом динининг ўрни ёритилган. Зеро, шиа уламолари давлат тепасига келганида ислом динининг сиёсий ва мафкуравий соҳаларга таъсири ошди.

Таянч сўз ва иборалар: Ислам инқилоби, Рухулло Мусави Хумайни, шиа уламолари, Ислам инқилоби экспорти, ички ва ташқи сиёсат, Форс кўрфази.

Аннотация. В статье рассматривается роль ислама в общественно-политической жизни Ирана после Исламской революции и свержения монархии. Когда к власти пришла новая социальная сила – шиитское духовенство, это привело к тому, что влияние ислама в области политики и идеологии стало преобладающим.

Опорные слова и выражения: Исламская революция, Рухалла Мусави Хумейни, шиитское духовенство, экспорт исламской революции, внутренняя и внешняя политика, Персидский залив.

Abstract. The paper investigates the role of Islam in the social and political life of Iran after Islamic revolution and over the monarchy. The Islam influenced in the political and ideological spheres, when Shia clergy came to power. Where was at the head Imam Khomeyni worked contrary to former regime in the home and foreign policy. This is forced the some countries to revise the foreign policy about of IRI.

Keywords and expressions: Islamic revolution, Rukhalla Musavi Khumeyni, Shia clergy, export of Islamic revolution, Navuhodonosor, home and foreign policy, Persian gulf.

1978–1979 йиллардаги Эрон ислом инқилоби ҳозирги даврда исломнинг сиёсий роли фаоллашувининг ёрқин исботи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу инқилоб тўлкинида рухонийлар табақаси ҳукумат тепасига келади.

1979 йил декабрь ойида умумхалқ референдуми натижасида машҳур ислом фақиҳлари томонидан ишлаб чиқилган Эрон Конституцияси қабул қилинди. Янги конституцияга инқилобнинг рухий раҳнамоси имом Рухулло Мусави Хумайни (1979–1889 йиллар оятуллоҳ – маржа ат-тақлид¹) ва

¹ Оятуллоҳ (араб. Аллоҳ мўъжизаси) – шиада мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган рухоний (муфтаҳид)ларнинг унвони. Оятуллоҳлар диндорлар орасида катта обрўга, шиалик



оятуллох Бехештийнинг асосий ғоялари замин бўлди ҳамда Республика теократик (диний уламолар идора килувчи ҳокимият) тарзда бошқарилиши маълум қилинди. ЭИР Конституциясига мувофик, ўн икки имом (имомийлик) талқинидаги шиалик давлат дини деб белгиланди. Шу билан бирга, суннийлик йўналишининг тўрт мазҳаби – ҳанафийлик, шофъийлик, моликийлик ва ханбалийликка эътиқод қилишга рухсат берилди¹.

Янги конституция Эроннинг барча мусулмонларини ягона жамият деб эълон қилади. Мазкур конституциянинг 2-моддасида шундай дейилади: "...барча мусулмонлар ягона жамият ҳисобланади ва ЭИР ҳукумати ўзининг бутун сиёсатини ислом миллати иттифоқи ва бирлаштирилиш асосида қуриши шарт ҳамда мунтазам равишда ислом дунёсининг сиёсий, иқтисодий ва маданий бирлигига эришиш учун йўналтирилган ҳаракатларда фаоллик қилади"².

ЭИР янги парламенти 1980 йил май ойида сайлангандан сўнг, унинг таркибига 24 ўстон (вилоят) депутатлари (237 киши) киритилди (курдлар яшайдиган 22 шаҳарда сайлов ўтказилмади). Бу депутатларнинг асосий қисми диний амалдорлар эди. Парламент 12 обрўли шиа фақиҳларидан таркиб топган Назорат Кенгаши ва қонун чиқарувчи (Вакиллар палатаси) ассамблеядан ташкил топди. Назорат Кенгашининг олти нафарини Хумайни, қолган олти нафарини эса мажлис депутатлари орасидан қуръа ташлаш йўли билан сайланди. Бу кенгаш олти йил муддат давомида фаолият олиб боради ва ҳар уч йилда унинг аъзоларининг ярми янгиланди³.

Қонун чиқарувчи ассамблея инқилобдан сўнг Ислом Мажлиси Кенгаши деб атала бошланди (1979). Мазкур мажлис Назорат Кенгаши рухсатисиз қонун чиқара олмайди. Мажлисга аъзолар тўрт йил муддатга сайланади. Парламентда Назорат Кенгашининг обрўини баланд бўлиб, у президент сайловлари, мажлисга депутатлар сайлаш ва референдум ўтказишни назорат қилиб боради.

1980 йил 25 январда президентликка ўтказилган илк сайловларда сиёсат арбобларидан бири Абулхасан Банисадр сайланди. Аммо, мамлакатдаги олий ҳокимият "вেলাят-е фақиҳ" (яъни, 12-*"яширинган имом"* келгунига қадар сақланиши лозим бўлган *"энг обрўли шиа фақиҳининг бошқаруви"*)⁴ янги конституцияга мувофик, Оятуллох Хумайнига топширилди. У ташқи ва

тарқалган давлатларда (Эрон, Ироқ) сиёсий таъсирга ҳам эга. Оятуллох унвони юзлаб уламоларда бор. Улардан бир нечаси "Оятуллоҳи узмо" ("Буёқ оятуллоҳлар"), энг юксак обрўга эга бўлганлари эса "Маржа ат-тақлид" ("Тақлид қилинадиган инсон") деб аталади ва уларга барча шиаларнинг олий раҳнамоси деб қаралади. Қаранг: Ислом. Справочник. – Т.: 1989. 224–225-б.

¹ Алиев С. М. Ислам и политика // Азия и Африка сегодня, 1981, № 12. – С. 21; яна қаранг: Родригес А. М. История стран Азии и Африки в новейшее время. Учебник. – М.: Проспект, 2009. – С. 306.

² قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران ("ЭИР Конституцияси") – Техрон, 1979, 2-модда.

³ Дорошенко Е. А. Шинтокое духовенство в современном Иране. – М.: 1985. – С. 200.

⁴ www.vneshe-market.ru

ички сиёсат масалаларини ҳал қилишда асосий овоз бериш ҳуқуқига ва шиа йўналишига қарши бўлган қарорларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. "Велайат-е факих" уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилади, бош қўмондон, ҳукумат аъзолари, олий суд лавозимларига сайлаш ҳуқуқига эга¹.

1978–79 йиллардаги инқилобдан сўнг, суд тизимидаги 1920–1930 йилларда амал қилган фуқаролик жиноий қонунлари бекор қилинди. Аввалги тузумдаги фуқаролик судья ва адвокатлар истеъфога чиқарилди. Аёллар юридик факультетларда ўқиши ва судья бўлиши қатъий тақиқланди. Шариат қонунлари барча мусулмонлар учун мажбурий этиб тайинланди.

Жойларда инқилобий ислом трибуналари ташкил этилди. Бу трибуналар Хумайни тузуми тарафдорлари бўлган олий диний вакиллар томонидан ташкил этилган бўлиб, шохнинг яқин тарафдорлари, ҳукумат бошлиқлари, вазирликлар амалдорлари ва армиянинг олий лавозимдагилар ишларини кўриб чиқишди. Шу билан бирга мамлакатда шариат судлари ўз ишларини бошлашди. Ислом трибуналари ва шариат судлари Хумайни асарларида баён қилинган шариат қонунлари асосида иш олиб бориб, инқилобдан сўнг зўр бериб ишлашни бошлашди. Кўпгина жавобгарлар қамоқхоналарга жўнатилди, сургун қилинди ва ҳукм қилингандан сўнг қатл этилдилар. Ҳукмлар қайта кўриб чиқилмади ва апелляцияга бериш ман этилди. Шариат судлари спиртли ичимликларини ичганларга 50–60 қамчи уриш, маҳсулотларни чайқовчилик нархларда сотганларни 75–80 қамчи уриш, бузуқчилик учун тошбўрон қилиш, қотиллик ва наркотик моддаларни қабул қилганлар учун дорга осиш ва ҳоказолар жорий қилинди².

Мамлакатда Олий суд кенгаши ташкил этилиб, унда 5 йил муддатга сайланишади. Унинг таркибида раис, бош прокурор ва учта судья мавжуд. Кенгаш аъзоларининг барчаси мужтаҳидлар бўлиб, улар давлатда асосий суд ҳакамлари ҳисобланишади³.

Эронда шох тузумининг ағдарилиши ва ислом республикасининг вужудга келиши Форс кўрфази хавфсизлиги ҳақидаги тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди ва АҚШни бу минтақадаги ўз стратегиясини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Сиёсий таҳлилчиларнинг фикрича, ислом инқилобининг амалга оширилиши Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида иккинчи жаҳон урушидан кейинги юз берган муҳим воқеалардан бири бўлди. Чунки шох тузуми АҚШнинг иккиёклама стратегиясининг таянчи эди. Американинг ҳатто Покистон, Туркия ва Форс кўрфазидаги араб мамлакатлари билан муносабатлари ҳам хавф остида қолган эди.

Ислом инқилобидан кейинги дастлабки даврларда Эрон Ислом Республикасининг (ЭИР) Форс кўрфази хавфсизлиги муаммосига нисбатан олиб борган сиёсати ислом омили билан узвий боғлиқликда шакллана бошлади.

¹ قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران... 107-модда.

² "اطلاعات" ("Хабарлар") рӯзномаси. 03.03.1979.

³ Дорошенко Е. А. Шиятское духовенство в современном Иране. – М.: 1985. – С. 200. 46.

Эрон, ислом инқилобидан кейин АҚШ томонидан минтақа давлатлари учун хавфли мамлакат сифатида карала бошлади. Бундай вазият, яъни инқилобдан кейин дастлабки уч йил ичида минтақада юз берган ўзгаришлар ва Эроннинг ҳарбий, сиёсий қудратининг АҚШ ва унинг Ғарбий иттифокдошлари олдига минтақа хавфсизлиги ва мудофааси стратегиясини танлашда қўшимча вазифалар келтириб чикарди.

ЭИРнинг имом Хумайни бошчилигидаги раҳбарияти мамлакат жамияти сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини исломлаштириш йўлини тутди. Капитализмдан ҳам, социализмдан ҳам фарқ қилувчи учинчи йўл эълон қилинди. Рухулло Хумайни бошчилигидаги Эрон раҳбарияти давлатнинг ички ва ташқи сиёсий фаолиятини бутунлай ўзига бўйсундирди, унинг умумжаҳон ва минтақавий стратегик режалари устидан назорат урнатди.

Қабул қилинган янги конституциянинг 152-бобидан келиб чиқиб, дастлабки даврда ЭИР СЕНТО ҳарбий иттифокидан чиқишини эълон қилди. Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлди. Исроил, Миср, Чили, Иордания давлатлари билан дипломатик алоқаларини узди, Куба, Жанубий Яман Демократик Республикаси, Ливия билан муносабатларини қайта тиклади. Фаластин миллий озодлик ташкилотининг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлади¹.

ЭИРнинг дастлабки йиллардаги сиёсати асосида турли вақтларда Имом Хумайни томонидан айтилган фикрлар ётади. Унинг таъкидлашича, “мусулмон дунёсининг бирлигини қайта тиклаш ва мусулмон ватани озод қилиш учун ислом инқилобининг ғолибона юриши ва ташқаридан зўрлик билан киритилган зулмкор ва сохта мусулмон тузумларини аввалам бор мусулмон дунёси, сўнгра жаҳон миқёсида ағдариб ташлаш лозим”².

Уша даврда Техрон дастлаб аҳолининг кўпчилигини ёки катта қисmini шиналар ташкил қилувчи мамлакатларда шундай республикалар барпо қилишни режалаштиради (шиналар Эронда аҳолининг 92% ни, Бахрайнда 40%, Қатарда 40%, Ироқда 33%, БААда 30%, Ливанда 27%, Туркияда 21%, Покистонда 20%, Афғонистонда 20% ни ташкил этади). Худди шу мамлакатлар Техроннинг режаси бўйича биринчилардан бўлиб ЭИРга эргашиб, ўзларида ислом инқилобини амалга ошириб, “ислом давлати”ни ўрнатишлари ва келажақдаги “буюк ислом давлати”нинг асосини ташкил қилишлари керак эди³.

Техрон олий даражадаги ислом идеалларига эришиш мақсадида “мусулмон мамлакатлари ва халқларига ислом йўлига ўтишларида ёрдам кўрсатиш” чораларини кўришга қарор қабул қилади. Бу қарор “ислом

¹ Исламский фактор в международных отношениях в Азии. Сборник статей Академия наук СССР. – М., 1981. – С. 124.

² Исламский фактор в международных отношениях в Азии. Сборник статей Академия наук СССР. – М., 1981. – С.

³ Там же. – С. 7.

инкилоби экспорти” деб юритила бошлади. Худди ана шу ислом инкилоби экспорти мамлакат ташки сиёсатининг муҳим қисмига айланди.

“Ислом инкилоби экспорти”ни амалга ошириш мақсадида Ислом инкилоби посбонлари корпуси (ИИПК), Ислом йўналиши вазирлиги ташкил қилинади. Бу вазирликнинг махсус бир бўлими Имом Хумайни таълимотларини ёйиш, хорижда ислом инкилоби тажрибаси ва исломий мафкурани тарқатиш билан шуғулланади. Вазирлик фаолиятининг энг асосий йўналиши Форс кўрфази ва бошқа мамлакатларга Эрон инкилоби тарқалишининг тинч йўлини тарғиб қилишдан иборат бўлган. Эрон мусулмон дунёсини ар-Риёзга қарши қилиб қўйишга бирмунча ҳаракатлар қилди. Саудия Арабистони Подшолиги (САП)ни АҚШ ва бошқа “империалистик давлатлар” билан чамбарчас алоқадорликда айблади¹. Саудия Арабистони раҳбарияти мамлакат ичидаги муҳолиф фаолиятни кескин тугатиш чораларини кўрди. Техроннинг тахмини бўйича, бу ҳаракатда САПдаги шиалар ҳамда ЭИР ва имом Хумайни сиёсатининг тарафдорлари фаол иштирок этишлари лозим эди.

Эрон аҳолисининг катта қисми шиалардан иборат бўлган Бахрайнда кўзғолон кўтаришга ҳам муваффақ бўлолмади. Бахрайн хавфсизлик ташкилотлари ЭИР томонидан қўллаб-қувватланган мамлакат шиа гуруҳлари фитнасини фош этдилар. Бахрайн Амирининг илтимосига мувофиқ унга Саудия Арабистони ёрдам кўрсатди ва Техроннинг Бахрайндаги режаси пучга чиқди. Худди шу муваффақиятсизликлар Эрон раҳбариятини бу минтақада “ислом инкилоби”ни тинч йўл билан тарқатиш усулига ўтишга мажбур қилди. Шунингдек, мусулмон дунёси давлатлари, хусусан, Форс кўрфази давлатлари Эроннинг тобора ўсиб бораётган ва ошқора ҳарбий тажовузорлигидан хавфсирашлари ҳам бунинг сабабларидан бири эди. Эрон “ислом инкилоби экспорти” ғоясини ўз ташки сиёсатининг асосий йўналиши деб эътироф этди. Бу йўналишда турли усуллар билан, жумладан, Ироққа нисбатан ҳарбий йўл билан ўз режаларини амалга оширишга интиланган. Амалда Техрон Ироққа қарши уруш ёки унга ислом инкилобини ҳарбий йўл билан экспорт қилиш бу мамлакатда шиалар ҳукмронлиги ўрилатилгунча давом этишини ва урушнинг пировард мақсади Саддам Хусайн тузумини ағдариш, Ироқни Эрон мисолидаги ислом республикасига айлантириш эканлигини яширгани ҳам йук². Эрон–Ироқ уруши давомида ислом омили Техрон томонидан амалда ЭИРнинг бу можародаги муросасиз мавқеини асослаш учун хизмат қиларди. Ислом инкилобини Форс кўрфази минтақасига тинч йўл билан тарқатишни кўзлаган ЭИРнинг мақсадларидан бири минтақа мамлакатлари томонидан Ироққа берилаётган молиявий ва бошқа ёрдамларни тугатишга интилиш бўлди.

¹ Там же. – С. 30.

² Исламский фактор в международных отношениях в Азии. Сборник статей Академия наук СССР. – М., 1981. – С. 131.

Эрон ислом инкилоби катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Шох тузуми АҚШ сиёсати ва манфаатларини химоя қилувчи энг содиқ истеҳкомлардан бири эди. Бу факатгина Эронда эмас, балки бутун минтақадаги АҚШ сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий стратегик таянчларига берилган жиддий зарба эди. Шу муносабат билан АҚШнинг "Прогрессив" журнали қуйидагиларни ёзади: "Эрон маълум маънода Америка салтанатининг Америка учун қимматбаҳо бўлган нефтни кўриқловчи жандарм бўлгани учун бизнинг вассал ҳукуматимизнинг ағдарилиши ташқи сиёсатдаги нуқсонларимизни яққолроқ ёритади"¹. Вашингтонда Эрон инкилоби факат бу мамлакатдаги ички ўзгаришгина бўлиб қолмай, балки АҚШ манфаатларига тааллуқли эканлиги идрок этилди. Америкаликлар Эрон инкилоби Яқин ва Ўрта Шарқда сиёсий вазиятнинг ўзгаришига кучли таъсирдан, мусулмон халқлари ўртасида АҚШга қарши қайфиятларнинг ўсишидан катта хавфга тушдилар.

Араб консерватив давлатларидан айримлари бошқачароқ нуқтан назарда турдилар. Чунончи, нефть қазиб олувчи айрим мамлакатларнинг раҳбарлари мусулмон халқлари ташкилотларидаги ўзларининг ҳукмронлик ролларига путур етишидан хавфсирай бошладилар.

Эрондаги инкилобнинг кейинги ривожидан Саудия Арабистони ва Форс кўрфази монархиялари раҳбарлари айниқса ташвишга тушиб қолдилар. Улар Эрондаги воқеалар мамлакатларига ҳам инкилобий таъсир кўрсатиши ва сиёсий вазиятни беқарорлаштишига олиб келишидан хавфсирай бошладилар. Эрон ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари ўртасидаги зиддиятлар халқаро вазиятга ҳам маълум даражада таъсир кўрсатди.

Эронда ислом инкилоби ғалаба қозонган вақтдан бошлаб, Саудия Арабистони ва Форс кўрфази монархиялари нуфузли доираларнинг АҚШ ҳомийлигига суяниш зарурлиги ҳақида эълон қилганлари ҳам бежиз эмасди. Лекин Эрон инкилобига муносабат масаласида бу консерватив мамлакатлар ўртасида ҳам, бу мамлакатларнинг ичида ҳам бирлик йўқ эди. Масалан, Саудия Арабистонининг Эрон инкилобига бўлган муносабати мураккаб эди. Унинг раҳбарияти шох тузумининг ағдарилишига, бошқаришнинг республика шакли ўрнатилишига, Эрон сиёсатининг АҚШга қарши йўналтирилишига салбий муносабатда бўлди. Саудия Арабистони бироз совуқроқ оҳангда бўлса ҳам расмий равишда Эрондаги янги тузумни тан олди.

Саудия Арабистони раҳбарияти монархияни сақлаб қолишга, сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган ўзининг асосий манфаатларидан келиб чиққан эди. Подшоҳ тузуми асосан уч омил туфайли ўзини хавфдан холи деб ҳисобларди:

- биринчидан, Саудия Арабистонининг мусулмон дунёсидаги таъсири;
- иккинчидан, АҚШнинг хайрихоҳлик муносабатлари;

¹ Меркулов К.А. Ислам в мировой политике в международных отношениях. – М.: 1992. – С. 98.



– учинчидан, мамлакатдаги мустақил ҳокимият¹.

Бошқа томондан, САП араб дунёсида шиалик таъсирининг кучайишидан хавотирда эди. Кувайт, Бахрайн, БАА, Ироқ ва Ливанда яшовчи йирик эрон жамоалари Техрондаги тузумга хайрихоҳ эдилар.

Ироқ ҳукумати Бозоргон ҳукуматини расман тан олди. Ироқ газетаси “Тарик аш-шаъб” таъкидлашча, “Эронда Республика эълон қилиниши минтақадаги катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Янги республика Яқин ва Ўрта Шарқда кучлар мувозанатининг ўзгаришида муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, шох тузумининг кулаши натижасида Эрон энг асосий ўринлардан бирини эгаллаган тажовузкор СЕНТО блоки парчalandи. Ироқ албатта янги тузум тимсолида сионизм ва империализмга қарши курашда ўзининг келажақдаги иттифоқчисини кўрмоқда”².

Лекин амалда тез орада Эрон–Ироқ муносабатлари ёмонлашди. Ироқ ва Эрон раҳбарлари ўртасида вужудга келган муаммолар икки мамлакат учун улкан моддий зарар ва инсоний ҳалокатлар келтирган узоқ муддатли қуроли зиддиятларга олиб келди³.

Айрим тахминларга кўра, АҚШ ва унинг иттифоқчилари Эрон ва Ироқ ўртасида икки мамлакат кучларининг заифлашувиға олиб келадиган зиддият келтириб чиқаришға астойдил ҳаракат қилганлар.

Умуман, ЭИР раҳбариятининг “ислом инқилобини дунёнинг барча мусулмон мамлакатларига экспорт қилиш” мақсадлари ҳақидаги баёнотлари туфайли Техроннинг минтақадаги давлатлар билан алоқалари мураккаб бўлиб қолди.

Имом Хумайни Эронни “модель мамлакат” деб эълон қилиб, “бошқа халқлар унга эргашишиға ва ўз ҳаётларини қайта қуришларига ишонч билдирди”. Жумладан, Эрон дипломатлари олдида сўзлаган нутқида ҳам шундай деганди: “Шуни доимо эсда сақлашингиз керакки, сиз ислом мамлакатининг вакилисиз ва ҳар қандай буюк давлатлар вакилларидан юқори турасиз. Сиз ўзингизни шундай тутишингиз керакки, сиз бўлган жойларда бизнинг инқилобимизни аста-секин экспорт қилиш имконияти туғилсин”⁴.

¹ Александров Е.А. Монархии Персидского залива: этап модернизации. – М.: Дело и Сервис, 2000. – С. 35.

² Бондаревский Г. Гегемонлар ва мустамлакачилар Форс кўрфазида. – М.: Новости ахборот агентлиги нашриёти (форс тилида), 1981. 28-б.

³ Саддам Хусайн шиа инқилоби хавфидан сақланиш ва араб дунёсида ўз обрўсини сақлаб қолишға интилди. 1980 йил 22 сентябрда Ироқ қўшинлари ҳарбий ҳаракатларни бошлаб, Эрон ҳудудига бостириб киришди. Эрон–Ироқ уруши 8 йил давом этди. *Батафсил қаранг*: Родригес А. М. История стран Азии и Африки в новейшее время. Учебник. – М.: Проспект, 2009. – С. – С. 306–341.

⁴ Ислам в современной политике народов Востока/ Сборник статей Академия наук СССР, – М.: 1982. – С. 158.



ЭИР томонидан олиб борилган "ислом инқилоби экспорти" сиёсати мусулмон мамлакатлари орасида ҳам, халқаро микёсда ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бу Форс кўрфази мамлакатлари ва дунёнинг бошқа мамлакатларида Эронга нисбатан муносабатларининг кескинлашувига олиб келди.

Форс кўрфазидаги ҳарбий-сиёсий вазият таъсирида хавфсизлик масаласи араб монархиялари сиёсатида янгича тус олди, яъни Вашингтоннинг Форс кўрфазидаги ҳарбий-сиёсий имкониятларининг чегараланиши АҚШга таянувчи "Арабистон олтилиги" хавфсизлиги даражасининг пасайишига сабаб бўлди. Оятулло Ҳумайни мавқеининг кучайиши сайин Эрондаги ислом тузуми кўпроқ хавф туғдирарди, чунки Техрон қўшни монархияларга бўлган адоватли муносабатини яширмай намоён қила бошлади ва Форс кўрфазида ўз назоратини ўрнатишга қаратилган сиёсий-ғоявий қарашларини минтақага ёйишни бошлаб юборганли.

Эроннинг экспансионистик мақсадлари Бахрайн ҳукуматини ағдариб ташлаш ва бу ҳудудларнинг Эронга интеграциялашуви жараёнига шахсан ўзи раҳбарлик қилиши ҳақида хориждаги барча шиа жамоалари раҳбари этиб тайинланган оятулло Ҳумайнининг қилган баёнотида ҳам акс этди¹.

Собиқ Иттифок курулли кучлари Афғонистон ҳудудига киритилгандан сўнг Ғарб тарғибот машинаси Советларнинг жанубий денгизларга бўлган таҳлиди, жумладан, Арабистон яриморли ва Форс кўрфазидаги нефть майдонларини босиб олиш хавфи ҳақида бонг ура бошлади.

Бу вазиятда АҚШ президенти Ж. Картер мамлакат конгрессига шундай мурожаат қилган: "Ташқи кучларнинг Форс кўрфазида ўз назоратини ўрнатишга бўлган ҳар қандай ҳаракатлари АҚШнинг муҳим манфаатларига бевосита таҳдид, деб баҳоланади. Бундай ҳаракатларни барча мавжуд имкониятлар, жумладан, куч ишлатиш йўли билан бартараф қилиш лозим". Ж. Картер доктринасига биноан, Вашингтон араб монархияларининг ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожаатларига мухтож бўлмай, балки кимга ва қандай ёрдам бериш ҳақида ўзи қарор қабул қиларди. 1980 йилнинг мартида Форс кўрфази ва унинг атрофидаги минтақаларда қўллашга мўлжалланган 100 минг кишидан иборат "тезкор ҳарбий кучлар" ташкил этилиши эълон қилинди. Бу кучлар СЕНТКОМ номли АҚШ Марказий қўмондонлиги ихтиёрига топширилди².

Картер доктринаси Эрон ва Ироқ томонидан қатъиян рад этилган бўлса, кўрфаз араб монархиялари унга салбий муносабат билдирмадилар. Бундан кўзланган мақсад Эрон ва Ироқ хавфи, шунингдек, ички хавф туғилгудек бўлса, АҚШ ёрдамидан умидвор бўлиш эди.

¹ Исламский фактор в международных отношениях в Азии. Сборник статей Академия наук СССР. — М., 1981. — С. 130.

² Бахман Найми Эрфо. Шўройё ҳамкорийё ҳалидкё форс (Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши). (форс тилида) ЭИР ТИВ қошидаги Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази. — Техрон, 1991. 27-б.

Эрон–Ироқ уруши мобайнида “Арабистон олтилиги” давлатлари ташқи сиёсатида Форс кўрфази хавфсизлиги масаласининг янги қирралари намоён бўлди. Яъни, имом Хумайни раҳбарлигида Эрон кўрфаз монархияларининг суверенитетига ва сиёсий барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдид солса-да, минтақа араб давлатлари Ироқ томонида можарога қўшилишни истамасдилар. Урушнинг дастлабки вақтида Ироқнинг кўрфаз давлатлари денгиз портлари ва аэродромларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга бўлган интилиши кескин рад этилди. Умумараб бирлигидан келиб чиққан ҳолдагина, “Арабистон олтилиги” давлатлари Ироққа молиявий ёрдам етказиб бериш ҳамда ўз ҳудудларидан курул-яроғларни транзит олиб ўтишга розилик бериш билан чегараландилар. Бу ёндашув, Техрон билан тўғридан-тўғри зиддиятга киришишни четлаб ўтиб, сиёсий найрангга имконият яратарди.

1981 йил майда Саудия Арабистони ташаббуси билан *Форс кўрфази араб мамлакатлари ҳамкорлиги кенгаши (ФКАМХК)* ташкил этилди. Олти мамлакат – САП, БАА, Кувайт, Уммон, Баҳрайн, Қатар ташқи ишлар вазирларининг ар-Риёздаги кенгашида Саудия Арабистони ва кўрфазнинг бошқа беш араб монархиялари ўртасида хавфсизлик масаласи бўйича икки томонлама битимлар имзоланди. Айнан шу кенгашда ФКАМХКни тузиш ҳақидаги битим имзоланганди. Кейинчалик Ироқ ва Яманнинг бу иттифоққа аъзо бўлиш ҳақидаги мурожаатларига рад жавоби берилди¹.

Эрон сиёсий таҳлилчиларининг фикрича, Эрон–Ироқ уруши бошлангандан кейин АҚШнинг Эронга нисбатан олиб бораётган сиёсати доирасида ФКАМХК мамлакатлари Ироққа катта молиявий ёрдам кўрсатдилар. Бу кенгаш расмий жиҳатдан аъзоларининг иқтисодий фаолиятини кенгайтиришга қаратилган. Лекин бундан ташқари кенгаш ЭИРнинг тажовузи эҳтимолига қарши биргаликда курашишни ҳам назарда тутарди. Ар-Риёз тазйиқи билан минтақа мамлакатлари Эронга қарши урушда Ироққа араб мамлакатлари бирдамлиги ва ижтимоий хавфсизлик манфаатлари нуқтаи назаридан ёрдам бердилар. Урушнинг дастлабки пайтидаёқ БАА Эрон томонига Ироққа қарши олиб бораётган урушини тўхтатиш эвазига 25 млрд. АҚШ доллари миқдорида товон таклиф этдилар. Техрон бу таклифни рад этди ва, аксинча, кўрфаз мамлакатларини Ироқда молиявий ва бошқа ҳар қандай шаклдаги ёрдамларига йўл қўймаслиги ҳақида огоҳлантирди. Лекин бу таҳдидлар Форс кўрфази мамлакатларини ФКАМХК доирасида, хусусан, Саудия Арабистони атрофида яна ҳам жипслаштирди².

ФКАМХК аъзолари урушда Ироқ ёки Эроннинг ғалабаси минтақадаги кучлар мувозанатининг бузилишига олиб келиши мумкин, деб ҳисобладилар. Худди шу ҳолат, биринчидан, савдо ва маданий алоқалар жиҳатидан Ироқ тарафида турган САП, Кувайт ва Баҳрайн, иккинчидан, Эрон

¹ Пируз Мужтаҳидзода. Кешварҳо ва марзҳо дар мэнтакэёз геополитикэ халиджэ форс (Форс кўрфази минтақаси геополитикасида мамлакатлар ва чегаралар). (форс тилида) ЭИР ТИВ қошидаги Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази. – Техрон, 1985. – С. 47.

² Александров Е.А. Монархия Персидского залива: этап модернизации. – М.: Дело и Сервис, 2000. – С. 269.

томонида турган мамлакатлар ўртасидаги баъзи келишмовчиликларнинг сабаби эди.

Урушнинг иккинчи босқичида, яъни Эрон армияси Ироқ ҳудудига киргандан кейин ФКАМХК давлатлари халқаро ва минтақавий даражада ҳаракат қила бошладилар. Улар ЭИР билан турли ва бевосита алоқалар ўрнатиш зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар. Бу ҳаракатлар Форс кўрфази олти араб мамлакатининг Эрон–Ироқ урушини тўхтатишга қаратилган интилишлари, деб баҳоланди ва Ироқ билан келишилган ҳолда олиб борилди.

ЭИР халқаро ҳамжамиятни минтақада тўла хавфсизликни таъминлаши, халқаро мезонларга биноан денгиз транспорти катновини таъминлаши ҳақида ишонтирди ва бу Техроннинг иқтисодий манфаатларига мос келишини таъкидлади. Ўз ҳудудларини агрессордан ҳимоя қилиш минтақа мамлакатларига тинчлик, хавфсизлик ва осойишталик келтириши мумкин. Бу эса минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро бир-бирини англашга асосланган дўстона муносабатлар мустаҳкамланишига олиб келади¹.

БМТ мавқеи ҳақида тўхталиб, Ироқнинг Эронга қарши босқинчилиги БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бу масалага бефарқ қараганлигини кўрсатди, деб таъкидлади расмий Техрон².

Умуман, Эроннинг урушни тўхтатиш масаласидаги қарашлари аста-секин юмшаб борди ва халқаро ҳамжамиятга қарата можарони ҳал қилишда иштирак этишига Техроннинг дастлабки чақириқлари пайдо бўла бошлади.

1987 йил ар-Риёздаги ФКАМХК давлатларининг учрашувида ички хавф ва Эрон–Ироқ урушининг тарқалишини бартараф қилишга қаратилган олти мамлакатнинг ягона стратегияси эълон қилинди.

Форс кўрфази олти араб мамлакатининг ташқи хавфга қарши ягона стратегиясини ишлаб чиқиш мураккаб бўлди. Хавфнинг манбаларини аниқлаш, ЭИР ва минтақадан ташқаридаги кучлар билан алоқалар даражасини белгилаш юзасидан бу мамлакатлар орасидаги тафовутлар ягона ҳарбий кучлар ва уларнинг қўмондонлигини тузишга тўсқинлик қиларди.

ФКАМХК давлатларининг 1986 йил Маскатдаги учрашуви якуний баёнотида “Кенгаш давлатлари Ироқ ҳудудининг бир қисми босиб олинишини қоралайдилар ва Эрон кучлари халқаро чегаралар томонга чекинишини хоҳлайдилар”, – деган баёнот қабул қилинди.

Расмий Техрон вакиллари: “Форс кўрфазининг айрим мамлакатларида ҳарбий базаларни барпо қилишнинг давом этиши кескинликнинг доимий авж олишига олиб келади. Бу муҳим стратегик денгиз йўли халқаро иқтисодий барқарорликни сақлаш мақсадида ядровий ва кимёвий қуроллардан холи, ҳарбийлаштирилмаган, тинч минтақага айланиши керак. ЭИР Форс кўрфазида узоқ муддатли хавфсизлик ўрнатишни хоҳлайди ва Ироқ

¹ Виллотий А. Дидгоҳхўйз джаҳонийэ джўмуҳурийэ эслоний (Ислоний мамлакатларнинг дунёга назари). – Техрон: ЭИР ТИВ нашриёти, 1995. 232-б.

² Ўша маълба. 241-б.

агрессиясининг тугатилиши билан кўрфазнинг бошқа мамлакатлари ишти-рокида бу мақсад сари ҳаракат қилади", – деб таъкидлади¹.

Эрон–Ироқ уруши тугаганидан кейин ЭИР мамлакат уруш оқибатларини муваффақиятли бартараф этгани, уруш тажрибаси Эроннинг бир ўзи халқаро зулм тажовузига қарши тура олиши мумкинлиги ва ўз мустақиллиги йўлида давом эта олиши ҳақида баёнот берди.

Эрон ички сиёсий ҳаётида ўзгаришлар рўй берди. Хумайни ўлими (1989 йил 4 июнь)дан олдин ҳукумат фаолияти эркинлигини ошириш мақсадида Назорат кенгаши ва Вазирлар маҳкамаси ўртасидаги ўзаро алоқаларни кўриб чиқишга рози бўлди. 1989 йилда конституциянинг янги таҳририга кўра, бош вазир лавозимини йўқ қилиш, ҳукумат статуси ва конституция бўйича лавозими раҳбардан кейин энг юқори ҳисобланган президент ролини ошириш энг муҳим ўзгаришлардан бўлди².

Шундай қилиб, Эронда монархия ағдарилгандан сўнг, шиа руҳонийлари давлат тепасига келиб, инқилоб жараёнида ташкил этилган ташкилотларни ўз таянчига айлантиришга муваффақ бўлдилар. Уларга инқилоб ғоявий раҳбарларидан бири Рухулло Хумайни бошчилиқ қилди. Ўзининг қуролли таянчи сифатида дин арбоблари Ислом инқилоби посбонлари корпусини ташкил этишди. Мамлакатдаги барча идоралар (полиция, армия ва ҳ.к.) шиа руҳонийларининг қўлига ўтди. ЭИР ташқи сиёсатда фаол иштирок этиб, ўзининг кўзлаган мақсадлари сари олға қадам ташлади. Натижада қўшни, хусусан, Ғарб мамлакатлари минтақадаги ўзининг стратегик режаларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Ислом оламида етакчиликни қўлга киритишга ҳаракат қилган ЭИР ўз мақсадларини амалга оширишда катта муваффақиятларга сезиларли даражада эриша олмади. Ҳозирги кунга келиб 35 йил мобайнида унга қўлланилган санкцияларга қарамай, Осиёда ўз макенини сақлаб қолишга эришди.

¹ Ўша манба. 212-б.

² Родригес А.М. История стран Азии и Африки в новейшее время. Учебник. – М.: Проспект, 2009. – С. 307–308.

ЭРНАЗАРОВ ОДИЛ

Катта шимий ходим-изланувчи, ТИУ

Японияда ислом: тарих ва бугун

Аннотация. Мақола Японияда ислом дини ҳамда япон ва мусулмон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар тарихини баён қилишга бағишланган. Мақолада мазкур мавзуга оид маълумотлар ўрта аср мусулмон манбалари, Юан сулоласининг Японияга ҳарбий юришлари тўғрисидаги ҳисоботлар, Минг даври солномалари, португал манбалари ва Япония ҳақидаги замонавий адабиётлар асосида тақдим қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Ибн Хурдадбек, Вақвақ ерлари, мўғуллар ва Юан сулоласи, Абдуррашид Иброҳим, Умар Ямаока, Кобэ масжиди, "Буюк Япон мусулмон лигаси", "исломшунослик тадқиқотлари тўлқини".

Аннотация. Статья посвящена описанию истории ислама в Японии и культурным отношениям между японскими и мусульманскими народами. Основой для приведенных сведений явились средневековые мусульманские источники, военные отчеты династии Юань, хронологии династии Мин, португальские источники и современная японская литература.

Опорные слова и выражения: Ибн Хурдадбек, «Земли Вақвақ», монгольское вторжение в Японию, Абдуррашид Ибрагим, Умар Ямаока, Мечеть Кобе, «Мусульманская лига великой Японии», «волна исследований ислама».

Abstract. The paper investigates the description of the history of Islam in Japan and cultural relations between the Japanese and Muslim peoples. The information of the article which is used to on this topic is represented on the basis of the medieval Muslim sources, Yuan dynasty's military reports, Ming dynasty's chronologies, Portuguese sources and contemporary Japanese literatures.

Keywords and expressions: Ibn Khordadbeh, "Lands of Waqwaq", Mongol invasions of Japan, Abdurrashid Ibrahim, Omar Yamaoka, The Kobe Mosque, "Greater Japan Muslim League", "Islamic Studies Boom".

Японияда ислом тарихи бошқа давлатлардан фаркли ўларок, киска даврни камраб олади. Японияда мусулмонлар сон жихатдан озчиликни ташкил қилиб, унга эргашувчилар баҳонийлик эътиқодига нисбатан кўпроқ, христианлар сонига караганда камроқ ҳисобланади. Япониядаги мусулмон аҳоли асосан индонезияликлар ва бошқа кичик муҳожир жамоаларидан иборат бўлиб, улар мамлакатдаги умумий аҳолининг 0,08% ини ташкил қилади.

Японияда ислом тарихи ҳамда япон-мусулмон алоқалари ҳақида маълумотлар берувчи манбалар жуда кам учрайди. Мавжудларида эса, ўрта аср мусулмон манбалари, Юан сулоласининг Японияга юришлари тўғрисидаги ҳисоботлар, Минг даври солномалари, Португал манбалари ва Япония маданияти тўғрисидаги замонавий адабиётларда мазкур мавзу бўйича муайян бир қисм маълумотларни жамлаш мумкин.

Ўрта аср тарихий мусулмон манбаларида “Япония” номи илк маротаба мусулмон картографи Ибн Хурдабх¹ асарларида учрайди. У ўз асарида “Япония” номини “Вақвақ ерлари” сифатида икки маротаба зикр қилган: “Хитойнинг шарқида “Вақвақ” деган замин бор. У ер олтинга шу даража бойки, ерлик аҳоли ҳатто, итлари учун занжир, маймунлари учун бўйинбоғларни ушбу металдан тайёрлашади. Улар тилла ип билан тўқилган кўйлак ишлаб чиқарадилар. У ернинг ўрмонларидаги дарахтлардан олий навли ёғоч тайёрлаш мумкин. Бу ердан олтин ва обнус дарахти ёғочлари ён-атрофдаги ўлкаларга экспорт қилинади”². Маҳмуд Кошғарий томонидан XI асрда тузилган харитада Буюк ипак йўлининг куруқликдаги энг шарқий чеккаси Япония худуди билан нисбатан топган³.

Японияда ислом дини тарихи билан боғлиқ маълумотлар Юан⁴ сулоласининг Японияга юришлари тўғрисидаги ҳисоботда учрайди. Ундаги маълумотларга кўра, Хубилайхон ҳукумати аъзолари орасида унинг энг ишончли ноиб ва маслаҳатчилари сифатида турли миллатга мансуб, айниқса, хун⁵, сему⁶, корейс ва хитойликлардан ўткир салоҳиятли вакиллар тайинланган⁷. Денгиз қароқчилари томонидан Сонг⁸ сулоласининг қўллаб-қувватланаётганлиги маълум бўлгач, Хубилайхон Японияга қаратилган ҳарбий ҳаракатларга киришган. Корё ҳукумати мўғул кўшинига ёрдам бериш

¹ Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдабх (820–912) – форсийзабон географ, мусулмон дунёсида географияга оид ёзилган асар муаллифи. Унинг 846–847 йиллар оралиғида ёзган “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асари Шарқ ва Ғарб дунёсида жуда машҳур ҳисобланади. Муаллиф бу асарда аббосий халифалиги тасарруфидаги ҳудудлар ва халқлар ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда, Жануби-шарқий Осиё, жумладан, Ҳиндистон, Андаман ороллари, Малайзия яриморли, Ява ороллари ҳамда Танг хитойи, Шилла қироллиги ва Япония ерлари тавсифи ҳамда улардаги халқларнинг маданияти ҳақида таърифлар келтириб ўтган.

² http://www.saudiaramcoworld.com/issue/200504/the_seas_of_sindbad.htm

³ https://en.wikipedia.org/wiki/Islam_in_Japan

⁴ Юан сулоласи – Хубилайхон даврида мўғуллар томонидан асос солиниб, 1279–1368 йиллар оралиғида Хитойда ҳукмрон қилган. Ундан сўнг 1368 йилда Минг сулоласи Хитойда ҳукмронлигини эгаллаган.

⁵ Хун миллати (“дунган” деб ҳам юритилади) – Хитойдаги асосий мусулмон этник гуруҳлардан бири. Дунганлар мамлакатнинг барча қисмида истиҳомат қилсалар-да, уларнинг аксарияти шимоли-ғарбий провинцияларда яшашлари аниқланган. 2011 йилдаги статистик маълумотларга мувофиқ, Хитойда 10,5 миллион нафар дунган миллатига мансуб аҳоли мавжуд бўлиб, улар асосан хитой тилида сўзлашиб, ислом динига эътиқод қиладилар.

⁶ Сему – Юан сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитойда мавжуд бўлган ижтимоий табақа номи. “Сему” бир неча этник гуруҳлардан иборат бўлган, уларнинг аксариятини Марказий ва Ғарбий Осиёдан келган халқлар ташкил қилган. “Сему” таркибида буддавий тюрпан уйғурлар, тангутлар, тибетликлар, Онгуд, Аланс каби несториан христианлар, Марказий осийлик мусулмон форсий ва туркий халқлар ва ҳатто, Ғарбий Осиёдан яҳудийлар, Европада келиб қолган оз сонли этник гуруҳлар мавжуд бўлган.

⁷ http://www.muslimheritage.com/uploads/1001_Years_of_Missing_Martial_Arts%20.pdf

⁸ Сонг сулоласи – 960–1279 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган.

учун куруклик ва денгизда ҳаракатланувчи ҳарбий қўшинни юборди. Конфуцийлик руҳонийларининг эътирозларига қарамай, Хубилайхон Япония, Бирма, Вьетнам ва Ява ороллариини истило қилишга киришди. Шунингдек, у Сахалин каби чекка ҳудудларни ҳам қўлга киритишга ҳаракат қилди. Оқибатда, унинг вафотидан сўнг, 1308 йилда маҳаллий аҳоли мўғул мустамлакачилари ҳукмига бўйсунди.

Ўрта асрларда ислом динининг Японияга оид тарихи Минг¹ даври манбаларида ҳам учрайди. Улардаги маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хитойдаги мусулмонлар мисолида ўрта асрларда мусулмон ва япон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар муайян даражада мавжуд бўлган. XIV асрда Минг сулоласининг дастлабки императори Хонгву даврида япон оролларида Рюкю вассаллигига асос солинди. Бу давр мобайнида Минг ҳукумати таркибида фаолият кўрсатган генерал Лан Ю воситасида Хитойдаги мусулмонлардан дунганлар ва япон қиличсозлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари боғланган. Хитой манбаларида келтирилишича, шу даврда Лан Ю тасарруфида 10.000 га яқин катана, яъни, анъанавий япон қиличсозлиги асосида ишланган қиличлар мажмуаси мавжуд бўлган. Император Хонгву генералнинг Кёто билан боғлиқ ришталаридан хабар топиб, буни давлатга нисбатан хиёнат деб ҳисоблаган ва тахминан 15.000 кишини қатл эттирган. XV асрга келиб, 1416–1419 йиллар оралиғида Император Ёнгле япон оролларидаги ўз вассаллигининг стратегик ҳавфсизлиги нуқтан назаридан уни бирлаштириш учун ҳарбий денгиз флотини юборди.

Ўрта асрлар Европа манбаларида мусулмонлар ва Япония ўртасидаги алоқалар ҳақида португал денгизчилари томонидан ҳам маълумот қолдирилган. Мазкур маълумотда япон халқига ислом динини етказиш мақсадида сафарга чиққан бир мусулмон киши португаллар кемасида 1555 йилда Малакка (Малай яриморотида жойлашган қадимий шаҳар-давлат) ороллариғача сузиб келганлиги қайд қилинган².

Замонавий манбаларда эса, яқин даврларда мусулмон–япон алоқаларини йўлга қўйилиши XIX аср охирида Британия ва немис кемаларида хизмат қилган индонезияликлар билан боғланади. 1870 йиллар охирида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) биографиясининг япон тилига таржима қилиниши жаҳон маданияти тарихининг бир қисми сифатида ислом динининг япон халқи орасида танилишига тўртки бўлди. Мусулмон–япон алоқалари тарихидаги яна бир воқеа 1890 йилда юз берган. Яъни, ўша вақтда, бир неча йил муқаддам Константинополга расмий ташриф буюрган шахзода Комачу Акихито шарафига Усмонли империя ҳукумати ҳарбий денгиз кемасини

¹ Минг сулоласи – 3у Юанзанг томонидан асос солиниб, 1368–1644 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган. Минг сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитой чинни идишлар тайёрлаш саноати нозик дотайн ва ёрқин ранглар билан бойлиди.

² *Islam In Japan*. Islamic Japanese. Retrieved, 2013.

юборган эди. "Эртугрул" номли кема ўз миссиясини бажариб, 1890 йил 16 сентябрда уйга қайтаётганда Вакаяма префектураси (вилоят) яқинида тўфон оқибатида фожиага учрайди.

XX асрда эса япон-мусулмон маданий алоқалари тарихи кўплаб эътиборга молик воқеалар билан бойиди. Бунда Япония ҳукуматининг мусулмон мамлакатлар билан олиб борган алоқалари кўлами кенгайганлиги асосий ўрин тутган. Бинобарин, япон халқининг ён-атрофдаги мусулмон мамлакатлар аҳолиси билан муайян йўналишларда мулоқотга кириши улар орасида ислом динини қабул қилганлар сонининг ортишига олиб келди. Мисол учун, бу даврда ҳаж зиёратини бажарган илк япон мусулмони Котаро Ямаока саналади. У татар-рус ёзувчиси Абдуррашид Иброҳим билан учрашгач, 1909 йил Бомбай шаҳрида ислом динини қабул қилади ва исминини Умар Ямаока деб ўзгартиради.

Бу даврда ислом динини қабул қилган яна бир япониялик Бунпачиро Арига бўлиб, у XX аср бошларида Ҳиндистонга тижорат мақсадида бориб, у ердаги маҳаллий мусулмонлар таъсирида исломни қабул қилган ва кейинчалик исминини Аҳмад Арига деб атаган. Яна бир япониялик Ямада Тоажиро Константинополда 1892 йилдан бошлаб йиғирма йил давомида тижоратчи ва норасмий элчи сифатида фаолият олиб бориши асносида ислом динини қабул қилган ва исминини Абдулхалилга ўзгартирган¹.

Октябрь революцияси натижасида Марказий Осиё ва Россиядан турк-татар миллатига мансуб бир неча юз мусулмонлар Японияга кириб келиши ортидан уларга бошпана берилган ва мусулмонлар аста-секин асосий шаҳарларга жойлашиши оқибатида кичик мусулмон жамоалари юзага келган. Япон манбаларига кўра, уларнинг миқдори 1938 йилда тахминан 600 кишидан иборат эди. Мазкур мусулмонлар турли йўналишда маҳаллий аҳоли билан мулоқатда бўлгач, баъзи японияликлар ҳам ислом динини қабул қилганлар.

1935 йилда Япониядаги турк-татар савдогарлар жамоаси ёрдами билан Кобэ масжиди бунёд этилди. 1908 йилда қурилиши режалаштирилган Токио масжиди мусулмонларнинг умумий молиявий кўмаги ҳисобига 1938 йилда қуриб битказилди. Ушбу масжидда 1938 йил Японияга қайтиб келган Абдуррашид Иброҳим (1857–1944) ва Абдулхай Курбангули (1889–1972) биринчилардан бўлиб имом сифатида фаолият олиб бордилар².

1930 йилда ташкил этилган "Буюк Япон мусулмон лигаси" (Greater Japan Muslim League) Япониядаги илк расмий исломий ташкилот саналади. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳукумат доираси вакиллари қўллаб-қувватлови билан тузилган бу уюшма Японияда "исломшунослик тадқиқотлари тўлкини" юзага келишига тўртки бўлди. Ушбу вақт давомида

¹ Toruko Gakan. His memoirs. – Tokyo, 1911.

² "Alquran 10". Alquran2007.com. Retrieved 2 May, 2010.

Японияда юздан ортиқ ислом динига онд китоб ва журналлар нашр қилинди. Бу ташкилотнинг асосий мақсади япон курулди кучлари ва зиёлиларга ислом дунёси ҳақида тушунтириш беришдан иборат эди. Чунки, сиртдан қараганда ўзаро боғлиқ бўлмаса-да, аммо япон ҳукумати Япониянинг Осиё халқлари устидан ҳукмронлигини ифодалаган “Буюк Осиё” лойиҳаси учун ушбу ҳаракатлар қўшимча кўмак бўлади, деб баҳолаганди. Бинобарин, ўша вақтда Япония ва мусулмон дунёсининг асосий мақсади Ғарб мустамлакачилигидан қутилиш бўлгани учун XX асрнинг бошлариданок япон ва ислом илмий тадқиқот институтлари ўртасида алоқалар ўрнатилди.

II жаҳон урушидан кейин япон-мусулмон маданиятлари тарихида бир қадар силжишлар кузатилди. Буни 1973 йилдаги нефть инқирози ортидан яна бир маротаба “ислом билан қизиқиш тўлкини” юзага келганлигида кўриш мумкин. Япон Шарқ ва ундаги катта нефть захиралари япон иқтисодиёти учун аҳамиятли эканлиги маълум бўлгач, япон оммавий ахборот воситаларида мусулмон дунёси тўғрисида кенг миқёсда маълумот тарқалишига тўртки бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Хитой ва Жануби-шарқий Осиёдаги давлат ҳудудлари япон ҳарбийлари томонидан эгаллаб олинishi уларнинг мусулмонлар билан алоқа боғлашларига сабаб бўлди. Мусулмон мамлакатларидаги ҳарбий амалиётларда, мусулмонлар билан олиб борган алоқалари натижасида исломни қабул қилган японлар ўз юртларига қайтгач, 1953 йилда Содик Имаизуми раҳбарлигида дастлабки япон мусулмон ташкилоти “Япония мусулмонлари ассоциацияси” ташкил қилинди. Бу ташкилотнинг аъзолари сони илк даврда 65 та бўлган бўлса, Содик Имаизуми вафот этган 1959 йилда унинг аъзолари сони икки баробарга кўпайган.

Ассоциациянинг иккинчи президенти Умар Мита япон империяси томонидан босиб олинган ўлкалардан бирида ислом динини қабул қилган. У мусулмон бўлмасидан илгари япон ҳукумати назорати остидаги Хитойнинг шимоли-шарқий провинциясида фаолият кўрсатадиган “Manshu railway” компаниясида ишлаган. У хитойлик мусулмонлар билан мулоқот қилиш натижасида Пекинда мусулмон бўлган. Умар Мита уруш тугагач, Японияга қайтган, кейинроқ ҳаж зиёратини адо қилиб, урушдан кейинги давр илк япон мусулмон ҳожисига айланган. Бундан ташқари, у Курёоннинг япон тилидаги дастлабки таржималарини амалга оширди. Шунингдек, “Ал-жазира” телеканали унинг мисолида ислом ва Япония мавзусига бағишланган “Ҳаж сари йўл – Япония” номли ҳужжатли фильмин сурагга олган¹.

Булардан ташқари, манбаларда II жаҳон урушидан сўнг Японияда мусулмон шиа жамоалари фаолияти кузатилганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1960-йилларда Токиода ўрнашиб қолган баъзи шиа мусулмон оилалари Япониядаги илк Азадари оилаларини ташкил қилган. 1970-йилларда покистонлик тадбиркор Саид Ашиқ Али Бухорий Азадариларнинг Япониядаги кундалик ижтимоий ва оилавий масалаларини ҳал қилишга

¹ Road to Hajj – Japan. 26 Nov. 09 – Pt 1. YouTube. 26 November 2009. Retrieved 2 May 2010.

қаратилган мажлис ўтказишда ташаббускор бўлди. Бу мажлис биринчи бор Сайид Ашиқ Али Бухорий ва унинг дўсти Нозим Заидий хонадониди Мухаррам ойининг 7–12-кунлари бўлиб ўтди. Аввал бошида бу мажлисда асосан аудио тасмалар, кейинроқ видео ёзувлардан фойдаланилди. Мазкур мажлислар покистонлик ва эронлик мусулмон шиа ишчилари Японияга кириб келган 70-йилларнинг охирига қадар ўтказилиб келинди. Кейинроқ, ушбу шиа ишчилари қўллови орқали “мухаррам мажлиси” Токиода “Азадари форуми” шаклида ўтказиладиган бўлди. Ушбу вақтдан бошлаб, Азадариларнинг Мухаррам мажлиси ҳар йилнинг Мухаррам ойида ташкил қилинадиган бўлди.

Мазкур воқеалар натижасида, 1982 йилга келиб Япониядаги мусулмонлар сони 30.000 деб кўрсатилди (унинг ярми маҳаллий япон миллатига мансуб мусулмонлардан иборат бўлган). Мусулмонларнинг сони ортиши сабаби 80-йилларда кузатилган иқтисодий инқироз даврида Жануби-шарқий Осиёдаги давлатлардан пул топиш мақсадида Японияга кўчиб келган инсонлар орасида мусулмонлар салмоқли қисмини ташкил қилгани билан боғлиқ бўлиб, у ердаги меҳнат фаолияти давомида мусулмон эркакларнинг маҳаллий япон аёллари билан турмуш қуриш ҳолати кузатилганлиги ислом дини тарафдорлари сони кўпайишига таъсир кўрсатди¹. Баъзи манбаларда XX асрнинг охири – XXI аср бошларида Япониядаги мусулмонлар сони тахминан 100.000 кишини ташкил қилади, деб қайд қилинган². Аслида эса ҳозирга қадар Япониядаги мусулмонларнинг аниқ рақамини кўрсатиш мунозарали масала бўлиб қолмоқда. Бу борада жиддий тадқиқот ишлари япониялик олимлар Хироши Кожима (Аҳолишунослик ва ижтимоий ҳавфсизлик тадқиқотлари миллий институти) ва Кэнко Сакураи (Васеда университети) томонидан амалга оширилди. Тадқиқот натижасида уларнинг тахминий ҳулосалари шу бўлдики, Япониядаги мусулмон аҳоли сони қарийб 70.000 кишидан иборат бўлиб, шундан 90% хорижлик иммигрантлар ва 10% ини маҳаллий япон мусулмонлари ташкил қилади. Умуман олганда, ислом дини тарафдорлари ҳақида аниқ рақамнинг мавжуд эмаслиги фақатгина мусулмонлар билан боғлиқ кузатиладиган ҳолат эмас. Чунки, япон ҳукумати диний ташкилотлар аъзоларини ҳисобга олиш ишларини виждон эркинлигига оид масала бўлгани учун ташкил қилмаган. Михаил Пенн фикрича, “япон ҳукумати Япониядаги мусулмонлар сони бўйича бирор статистик ҳисобот олиб бормади. Бунинг исботини этник япон бўлмаган хорижий фуқародан расмий ҳукумат идораларида унинг диний мансублиги ҳақида савол сўралмаслигида кўриш мумкин”³.

¹ Nakano Lynne Y. Japan Times Newspaper (November 19, 1992). Marriages lead women into Islam in Japan. Japan Times. Retrieved 27 December 2008.

² Farah Caesar E., (25 April 2003). *Islam: Beliefs and Observations*. Barron's Educational Series; 7th Revised edition. ISBN 978-0-7641-2226-2.

³ Penn Michael. *Islami in Japan*. Harvard Asia Quarterly. Archived from the original on 2 February 2007. Retrieved 28 December 2008.



Хулоса қилиб айтганда, Японияда ислом дини ҳамда япон-мусулмон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар алмашинуви тарихи қисқа даврни камраб олади ва бу ҳақида маълумотлар берувчи манбалар жуда кам учрайди. Шунга қарамай, мавжуд манбалар асосида япон ва мусулмон халқларининг ўзаро алоқалари даврлар оша тадрижий ривожланиб борганлигини қайд этиш мумкин.

КАРИМОВ ФАРҲОД

Ўқитувчи, ТошДШИ

Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммоларнинг минтақавий хавфсизликка таъсири

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги кунда Яқин Шарқнинг минтақавий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ҳамда этносиёсий муаммоларнинг хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, минтақадаги этник муносабатлар ва зиддиятларнинг мақсади, Яқин Шарқ давлатларининг ушбу масалаларга нисбатан муносабатлари, этносиёсий муаммоларда ташиқи куч омили масалалари ҳам кўриб чиқилган. Мазкур зиддиятларни ҳал қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик, диний-этник муносабатлар ва зиддиятлар.

Аннотация. В статье предпринята попытка изучения вопросов обеспечения региональной стабильности и безопасности Ближнего Востока в настоящее время, этнополитических проблем данного региона. Рассмотрены цели этнических отношений и конфликтов, позиция государств Ближнего Востока и влияние внешних факторов. Даны практические рекомендации по решению и предотвращению подобных конфликтов.

Опорные слова и выражения: региональная стабильность, региональная безопасность, религиозно-этнические отношения и конфликты.

Abstract. The attempt of studying the questions of ensuring regional stability and safety in the Middle East in our days, peculiar elements of ethno-political problems of this region is made in the article. The purposes of the ethnic relations and the conflicts, positions of the states of the Middle East to these relations and influences of an external factor are considered. Therefore, there are developed practical recommendations about the decision and prevention of the similar conflicts.

Keywords and expressions: regional stability, regional security, ethnicity, ethnoreligious relations and conflicts.

Бугунги XXI асрда халқаро муносабатлар тизимида янги дунё тартиботининг шаклланиши жараёни кечмоқда ва бу, ўз навбатида, минтакалар даражасидаги ҳамда минтакалар ичидаги эскидан сакланиб

келаётган, зиддият ўчоғи ҳисобланган турли тарихий, этник, сиёсий, диний, ҳудудий ва бошқа асосларга эга бўлган можароларнинг кескинлашуви шароитида юз бермоқда.

Ҳозирда жаҳоннинг турли ҳудудларида локал аҳамият касб этган минтақавий можароларнинг сони ва тури ҳамда унинг кўлами тобора кенгайиб, ушбу можароларнинг келиб чиқиш сабаблари орасида миллий-этник омил таъсирининг аҳамияти ортиб бораётганлиги, дунё ҳамжамятини ташвишга солаётган долзарб масалалардан бирига айланиб улгурди.

XX асрнинг 90-йиллари сўнггида дунёнинг бир қатор ҳудудлари, хусусан, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Африка минтақасида юз берган кескин этник можаролар бунинг яққол мисолидир. Бу можаролар этник-диний, этник-сиёсий, баъзан эса этно-ҳудудий кўринишда намоён бўлмоқда. Айниқса, Яқин Шарқ минтақасидаги этносиёсий ва этнодиний вазият бутунги реал воқелик шароитида ҳар қачонгидан-да, кескин тус олиб бормоқда. Бу минтақадаги этник вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш, уни тартибга солишнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш, бутунги кун фанининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. Каримов: “Бутунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршилик, жумладан, Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва ҳавотирга солмасдан қўймайди. Бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг фожиаи оқибатларини чуқур тушуниб, англаб олиш... – бутунги кундаги энг долзарб вазифа бўлиши керак”¹, – деб таъкидлаган.

Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этносиёсий муаммоларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Айтиш лозимки, бутунги кунга келиб Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги ўз ечимини топмаган энг мураккаб масалалардан бири, бу – ушбу давлатлар ҳудудидаги мавжуд этник озчиликлар ҳуқуқларини тўлиқ таъминлай оладиган кучли давлатнинг шакллантирилмаганлигидир. Ушбу давлатлар турли мураккаб этник ва диний гуруҳларга эга кўп миллатли давлат сифатида уларнинг жамиятдаги сиёсий мувозанатини таъминлаш масалалари юзасидан жиддий муаммолар қуршовида қолиб келмоқда. Турли этник ва диний-этник гуруҳларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш йўлида минтақанинг деярли ҳар қайси давлати давлат қурилишининг турлича лойиҳа ва шакллари кўллаб келмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримовнинг 2014 йил 31 августдаги “Шаҳидлар хотираси”га ташрифидagi нутқидан. Аждодлар хотираси мукаддас // <http://uza.uz/uz/politics/azhddlar-khotirasi-mu-addas>

Бугунги кунда минтақада араблар мутлоқ кўпчилиكنи ташкил этган ҳолда кейинги ўринларни турк, эрон, курд ва яҳудий миллатлари эгаллайди. Қолган оссур, финикин, грек, арман, мезендариан, талиш, белужий халқлари (қадимдан мавжуд) ҳамда лаз, чечен, серб, хорват, босний халқлари (ўрта асрларда пайдо бўлган) минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта кучга эга эмас. Минтақадаги этносиёсий муносабатлар асосан араб, яҳудий, турк, курд ва форсийлар ўртасида мавжуд бўлиб, минтақадаги вазият улар ўртасидаги гоҳ салбий, гоҳ ижобий муносабатларга қараб ўзгариб туради. Шунингдек, минтақадаги этносиёсий муносабатларда диний омилнинг ўрни ва таъсирини алоҳида эътироф этиш керак. Айнан, Яқин Шарқда турли диний конфессиялар, оқим ва мазҳаблар ўртасидаги муносабатлар этник муносабатларга жиддий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу минтақа давлатларида этник хусусият аксарият ҳолларда конфессионал хусусиятдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Минтақа давлатларининг аксариятида этник ҳамда конфессионал бўлинишлар мавжудлиги сабабли улар ўртасидаги зиддиятларнинг очиқ кўриниши кўп бора қайд этилган. Ушбу зиддиятлар сўнгги ўн йилликда Судан, Ироқ, Ливан, Ливия ҳамда Яман каби давлатларда, ҳатто кулолли можаролар кўринишида авж олди. Ушбу давлатлар маҳаллий аҳолиси бир миллатга мансуб бўлишига қарамай, улар ўртасида конфессионал қарам-қаршиликлар жуда кескин тус олган. Шунингдек, минтақадаги мусулмон курдлар (Ироқ ва Суриядаги), берберлар (Жазоир ва Марокашдаги) ҳамда қора танли мусулмонлар/Black Muslims (Мавритания ва Судандаги) "этник озчилик" сифатида эмас, балки, умумжамоа "умма"га тегишли деб ҳисобланади. Бу каби давлатларда араб бўлмаган, бироқ ислом динига мансуб барча мусулмон жамоалари ("умма") бирдек қўллаб-қувватланади ва уларнинг "фуқаролик" мақоми ҳам дин асосида белгиланади. Мусулмон бўлмаган араб дунёси вакиллари эса мусулмон араблари олдида ўзларини хавф остида, камситилган сезишларига қарамай, диний жиҳатдан доимо тенгликка интилиб келишади. Бу борада Мисрдаги қиптийлар, Ливандаги маронийларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Шу билан бирга, ягона араб миллатини ташкил этувчи ҳисобланган давлатлар – Мисрда панарабизм ғояси, Ливияда уруғ-аймоқчилик иллатлари, Сурия, Ливан ва Яман давлатларида эса конфессионализм ўта муҳим роль ўйнайди. Шу боис, минтақа давлатларида конфессионал ва этник муносабатлар жуда нозик табиатга эга бўлиб, бу борада тарихда кўплаб зиддиятли муаммолар юзага келганини кузатиш мумкин.

Маълумки, минтақадаги миллатлараро зиддиятлар таснифига араб-Исроил, араб-форс, турк-курд каби зиддиятларни мисол сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. 1948–1990 йилгача давом этган, кейинчалик, аниқроғи 1990 йилдан сўнг Араб-исроил уруши. Бу уруш 1990 йилдан ҳозиргача Исроил-Фаластин уруши деб ном олди. Ушбу уруш натижасида ҳозиргача

200 мингдан ортиқ аҳоли қурбон бўлган бўлса, 3 млн. га яқин аҳоли қочоқларга айланди. Араб-форс урушига Ироқ-Эрон можаросини (1980–1988 йиллар) мисол сифатида келтириб ўтиш керак. Ушбу можарода 600 мингга яқин аҳоли қурбон бўлиб, 1 млн. дан ортиқ аҳоли қочоқ сифатида бошқа жойларга кўчиб ўтди. Жанубий Туркиядаги ҳукумат қўшинлари ҳамда “Курдлар ишчи партияси” вакиллари бўлган курд кўзғолончилари ўртасидаги 1994 йилнинг охириларидан бошланиб, 1995 йилгача давом этган қуролли можа ро энг фожиали ҳолатлардан бири ҳисобланади. Бунда “Курдлар ишчи партияси”га қарши Туркия армияси ва ҳарбий ҳаво қўшинларининг 50.000 га яқин аскарни “қидирув ва йўқотиш” кампаниясини амалга ошириб, қўшни Ироқ ҳудудида ҳам “изидан қувиш” стратегиясини олиб борди. Ҳозирги кунгача давом этиб келаётган мазкур ҳолат, Яқин Шарқдаги этник зиддиятларнинг жиддий кўриниши бўлиб, бу минтақанинг кейинги 20–30 йиллик даври учун ҳам долзарб бўлиб қолиши мумкин. Чунки, турк-курд муаммоси ироқ-курд, эрон-курд ва нисбатан камроқ кўринишда сурия-курд муаммолари билан бевосита боғлиқликда кескин тус олиши эҳтимоли катта.

Минтақадаги конфессионал ва қабилавий ёки фуқаролар урушига 1956–1991 йиллардаги Судандаги диний урушлар, 1960–1991 йиллардаги ва ҳозирда ҳам давом этаётган Ироқдаги конфессионал урушлар, 1958–1990 йиллар давомидаги Ливандаги фуқаролар уруши, 1962–1972 йиллардаги ҳамда 2015 йилда Яманда содир этилган қабилавий ва конфессионал урушлар, 1975–1985 йиллардаги ва ҳозирда (2014–2016 йиллар) давом этаётган Суриядаги этник урушлар, 1976–1991 йиллардаги Марокашдаги, 1986–1987 йиллардаги Жанубий Ямандаги конфессионал урушлар, 1989–1991 йилларда бўлиб ўтган Сомалидаги урушларни мисол келтириш мумкин. Ярим асрдан буён давом этиб келган ушбу можа ролар натижасида жуда кўп қон тўкилишлар содир бўлди. Тинч аҳоли ўртасида қурбонлар ва мисли кўрилмаган йўқотишлар бўлмоқда. Масалан, Ливандаги фуқаролар урушида (1958–1990 йиллар) 180 минг инсон ҳаётдан кўз юмган (Исроил-Араб урушида 200 минг аҳоли қурбон бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Ливандаги фуқаролар уруши даҳшатли тусга эга эканлигини англаш қийин эмас). Бу урушларда мусулмон-христиан вакиллари ўртасида эмас, балки аксарият ҳолларда мусулмон бўлган сунний-шиалар, христиан бўлган мороний-друзлар ўртасида қонли тўқнашувлар кузатилган. Биргина Суданда бўлиб ўтган зиддиятларда қурбонлар сони минтақада охириги асрдаги қурбонлар сонининг 3/2 қисmini ташкил этиб, салкам 1 млн. га яқин киши қурбон бўлди.

¹ Турк-курдлар муаммосига оид. R.D.Macburin. The political role of Minorities in the Middle East. – New York: Praeger, 1979; Жанубий Туркия ва шимолий Ироқдаги ҳодисалар тўғрисида. Time, 24 April 1995. – P. 50, 51 ва Newsweek, 27 March 1995. – P. 12 каби манбаларга қаранг.



Сўнгги пайтларда бир дин вакиллариининг икки мазҳаби ўртасидаги зиддиятлар тобора кучайиб бормокда. Масалан, Сурияда шиъа камчилиги ҳокимиятни назорат қилган ҳолда сунний кўпчилик устидан, Яманда эса, ҳокимиятга эгалик қилувчи сунний озчилик-кўпчиликни ташкил этувчи шиъа-хусийлари устидан каттиқ назорат ўрнатиши оқибатида, улар ўртасида қонли тўқнашувлар давом этиб келмокда. Айниқса, 2011 йилда “Араб баҳори” номини олган зиддиятларда Шимолий Африкадаги Миср, Жазоир, Ливия араб давлатлари билан биргаликда Сурия ва Яманда ҳам ҳукуматга қарши фуқароларнинг чиқишлари кучайиб кетди. Бу воқеалар ушбу давлатларда “газак” олиб ётган этник ва конфессионал муаммоларнинг янада кўзгалишига сабаб бўлди. Натижада, Мисрда Х. Муборак, Ливияда М. Каддафи, Яманда А. Солиҳ ҳокимиятларига яқун ясалди. Сурияда алавийлар (шиъа) ва суннийлар ўртасидаги можаро авжига чиқиб, минтақадаги вазият янада кескинлашди.

Минтақадаги этносиёсий муаммоларда ташки куч омили ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари.

Яқин Шарқ минтақасида салкам 6 аср мобайнида ҳукмронлик қилган Усмонли турклар империясининг XIX аср ўрталарига келиб кучсизланиши, кейинчалик бутунлай тугатилиши оқибатида кучли давлатларнинг ушбу минтақага бўлган қизқишлари кучайди. Натижада, ташқи кучлар томонидан ушбу минтақада тарихан шаклланган этник муносабатлар янгитдан шакллантирилди. Яқин Шарқ минтақасида “янги” давлатларнинг юзага келиши жараёнида улар ўртасида ҳудудларни этник ареалларга мос келмаган равишда ташқи кучлар томонидан бўлиниб олиниши минтақа аҳолисининг бир нечта давлат чегараларида этник кўпчилик ва озчилик таркибида шаклланишига олиб келди¹.

Бунинг оқибатида, Туркияда (турк кўпчилиги – курд камчилиги устидан ҳукмрон мавкега эга бўлди), Сурияда (шиъа мазҳабига алоқадор алавийлар камчилиги суннийлар кўпчилиги устидан ҳокимиятни эгаллади) ва Ироқда этник ва этник-диний озчилик ёки кўпчиликлар ўз мавқеларини мустаҳкамлашга (сунний-араб камчилиги Саддам Хусайн даврида шиъа-араблар ва сунний-курдлар устидан ҳукмронлик қилишига эришди), шунингдек, устун бўлган ҳукмрон элита билан муносабатларида ўз манфаатларини кенгайтиришга бўлган интилишлари кучайди². Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Яқин Шарқ давлатлари сиёсий элиталари ўзини кўпроқ “миллат” вакили эмас, балки бевосита ўз гуруҳининг вакили сифатида кўришга интилиши, шу гуруҳ манфаатлари йўлида сиёсий курашларнинг

¹ Alhamad Laila. Formal and Informal Venues of Engagement, in Ellen Lust-Okar and Saloua Zerhouni. Eds., Political Participation in the Middle East. Boulder Col.: Lynne Rienner, 2008. – P. 33–47.

² Enloe C. Ethnic Soldiers. State Security in Divided Societies. – Athens: the University of Georgia Press, 1980.



бошланишига олиб келди. Охир-оқибат, бу уларнинг нафақат мамлакат ичкарисидаги, балки унинг ташқаридаги этник гуруҳлар тақдири ҳақида қайғуришга бўлган ҳаракатларини ҳам кучайтирди. Минтақанинг айрим давлатлари сиёсий ҳокимият тизимида ундаги барча этник гуруҳлар манфаатларининг номуаносиблиги ва ҳисобга олинмаганлиги сабабли, мамлакат миқёсида ҳукумат легитимлигининг тўлиқ тан олинмаслигига олиб келди¹. Бу эса минтақанинг деярли аксарият давлатларида турли норозилик ва зиддиятларни келтириб чиқарувчи асосий омилга айланди.

Кучли давлатларнинг минтақада ҳукмронликка эришиш мақсадида у ёки бу этник гуруҳ ва қавмларга ҳомийлик қилиш ҳаракатлари туфайли биринчи ва иккинчи жаҳон урушидан сўнг минтақада ўнлаб давлатлар юзага кела бошлади. Франция – христиан маронитларини (Ливанда) ва араб мусулмон суннийларини (Ҳошимийлар – Иордания ва Жазоирда), Буюк Британия – мусулмон дўзларини (Сурия ва Мавританияда) ва мусулмон суннийларини (Ироқ ва Форс кўрфази араб давлатларида: қабиласига кўра улар ҳам бўлинадилар), Россия – араб христиан ортодоксларини (Сурия ва Ливан ҳудудини ҳам қамраб олган) ҳамда АҚШ – яҳудийларни (Исроил) қўллаб-қувватлаш, минтақа этник гуруҳларининг бир-бирига боғлиқ бўлган қадриятларининг узилишига ва кейинчалик улар орасида мислсиз баҳс-мунозара ва зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Минтақада ҳукмронликка интилиш дастлаб Буюк Британия ва Франция томонидан олиб борилган бўлса, 1956 йилги Сувайш инқироzi, яъни Исроилнинг Европа давлатлари бошчилигида Мисрга қарши “уч томонлама агрессияси”даги² мағлубиятидан сўнг, АҚШ ҳукумати минтақада ҳарбий-сиёсий вазиятни қўлга олиш мақсадида фаол сиёсат олиб борди. 1980 йилда АҚШ Эрондаги сиёсий маҳбусларни қутқариш операциясини олиб борди, 1982 йилда Исроилнинг Ливанга бостириб киришига имконият яратди, 1983 йилда АҚШ ҳаво кучлари томонидан Суриянинг Ливандаги ҳарбий базаларига ҳужум уюштирилди, 1986 йилнинг апрелида эса Ливияга қарши ҳаво ҳужумлари амалга оширилди. Шунингдек, 1988 йилда Эроннинг Форс кўрфазидаги ҳарбий флоти базаларига ҳаво ҳужуми, 1990–1991 йилларда Ироқнинг Қувайтга нисбатан агрессиясига қарши кураш, 1992 йилда Сомалига АҚШ ҳарбий қўшинининг киритилиши, 1998–1999 йилларда Ироқ ҳудудидаги ҳарбий иншоотларга ҳаводан зарбалар берилиши, 2003 йилда Ироққа ҳарбий юришларни айтиб ўтиш мумкин. Бу ҳатти-ҳаракатлар АҚШнинг Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий ва ҳарбий таъсир ўтказиш сиёсати мавжудлигидан далолат беради.

¹ Swain A., Ojendal J., Schulz M. Security in the Middle East – Increasingly Multidimensional and Challenging. A Study Commissioned by the Strategic Perspective Project within the Swedish Armed Forces Headquarters. – Stockholm: August, 2009. – P. 26–27.

² 1956 йил Исроил–Буюк Британия–Франция бирлашган қўшинлари Мисрга юриш қилади ва Сувайш каналини босиб олади. Собiq Иттифокнинг ёрдами билан Миср ушбу урушда ғалаба қозонади.

❖❖ Бу борада таджикотчи С. А. Йетив: "Ироқнинг Кувайтга бостириб киришига (1990 йил) қарши АҚШнинг ҳарбий ҳаракатлари, узок йиллар мобайнида Бағдоднинг ҳамкори бўлган Франция ва Россиянинг Форс кўрфазидagi таъсирининг кескин сусайишига ва кўрфаз давлатларининг муҳофаа соҳасида АҚШ билан яқин ҳамкорлигининг ўрнатилишига ҳамда бу ҳудудда АҚШ позициясининг мустаҳкамланишига замин яратди"¹, – деб қайд этади.

Россиялик академик Е. Примаков "Совуқ уруш" даврида стратегик аҳамият касб этган Яқин Шарқ минтақаси икки муҳим омилдан келиб чиққан ҳолда: биринчидан, Собик Иттифокнинг АҚШ билан конфронтациядаги муҳим минтақаси (масалан, Бағдод пакти), иккинчидан эса, АҚШга қарши олиб борилган миллий-озодлик кураши ҳудуди² сифатида белгиланган деб таъкидлайди. Хусусан, бугунги кунда Сурия ва Ироқда бўлаётган этник қарама-қаршиликларнинг кескин тус олишида ҳанузгача ушбу омиллар ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, Сурия Араб давлатида охириги беш йилликда этник ва конфессионал қарама-қаршиликлар жуда кескинлашиб, минглаб бегуноҳ инсонларнинг ҳалок бўлишига олиб келди. Агар, АҚШ, ЕИ давлатлари ва Саудия Арабистони Сурияда ҳукуматга қарши суннийларнинг ҳатти-ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган бўлса, Россия, Хитой ва Эрон Суриянинг амалдаги ҳукумат раҳбари Б. Асадни (шиа алавий) ҳар томонлама ҳимоя қилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, минтақадаги этник муносабатларнинг янада кескин тус олишида минтақа давлатларининг бир-бирига бўлган адовати, танқид ва таҳдидлари бекарорлик омилли сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, минтақадаги мавжуд этник-диний можаролар ечими минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлигини талаб этувчи ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Акс ҳолда, бу жараёнларда ташқи давлатларнинг аралашувига олиб келаверади. Зеро, ташқи давлатларнинг можароларга аралашуви кучайиб, муаммо ечими янада чигаллашмоқда.

Шундай қилиб, ҳозирги даврда Яқин Шарқ давлатларидаги этник ва конфессионал можаролар минтақавий жиддий муаммога айланган. Уларнинг юзага келиш сабаблари ва омиллари юзасидан таджикотчилар минтақа давлатларида мустақилликнинг илк даврларида ҳокимият тепасига келган ҳарбий режимлар томонидан этник гуруҳлар манфаатларини таъминлашга онд берган ваъдаларининг ҳаётда ўз аксини топмаганлигидадир, деб эътироф этадилар. Улар орасида ер ислохоти, ташқи ва юқори синф активларининг маҳаллийлаштирилиши, очик ва эркин таълим тизими, тенг ҳуқуқликни таъминлаш қабиларни асосийлари сифатида кўрсатиб ўтадилар. Берилган сиёсий ваъдалар тўлиқ таъминланмаганлиги боис, охир-оқибат ижтимоий

¹ Yetiv S. A. America and Persian Gulf. The Third Party Dimension in World Politics. – Westport: Praeger, 1995. – P. 3.

² Примаков Е. М. Анатомия Ближневосточного конфликта. – М., 1978. – С. 164.

тенгликни таъминлаш масаласи хавф остида қолади ва 1970 йилларга келиб вазият кескинлашади. Бу эса, ресурслар (ер, сув, қазилма бойликлар ва бошқалар) учун этник урушлар, турли зиддиятлар ва ижтимоий норозиликларга сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги таҳлиллар Яқин Шарқ минтақаси хавфсизлигини таъминлаш, биринчи навбатда, этносиёсий ва этноконфессиял муносабатларни қай даражада тартибга солишга боғлиқлигини кўрсатмоқда. Ушбу минтақадаги этник муаммоларнинг бошқа минтақадаги этник муаммолардан фарқи эса, бу этник ўзига хосликнинг диний ва конфессиялараро муносабатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланиши ҳамда мавжуд карама-қаршиликларнинг шунга бориб тақалишидандир. Айнан, минтақада турли-туман этник ва диний конфессияларнинг мавжудлиги ҳамда улар ўртасидаги бир қатор муаммо ва зиддиятлар, жумладан, Исроил давлати билан фаластинликлар ўртасидаги зиддиятларнинг ўсиб бориши, Сурия ва Исроил ўртасидаги Жўлон тепалиги муаммоси (бу нафақат ҳудудий муаммо, балки этник муаммо ҳам ҳисобланади), курдлар муаммоси ва Араб давлатларидаги ички этник ва диний конфессиялараро ихтилофлар минтақа хавфсизлигини таъминлашга катта салбий таъсир кўрсатган ҳолда, уни янада мураккаблаштирмоқда. Шу боис ҳам, бугунги кунда минтақадаги этник ва конфессиял карама-қаршиликларни бартараф этиш, минтақадаги ҳар бир давлат томонидан этник ва конфессиял озчиликка нисбатан адолатли бошқарувни жорий қилиш, этник ва конфессиял тенглик тизимини яратиш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, фуқаролик институтларини ривожлантириш масалалари ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, ташқи сиёсий қучларнинг минтақа можароларига бир томонлама ёндашувларини чеклаш, уларнинг геосиёсий манфаатларидаги геостратегик мувозанатни таъминлаш ҳам минтақа давлатлари олдида турган долзарб масалалардан биридир.



“SHARQSHUNOSLIK. ВОСТОКОВЕДЕНИЕ. ORIENTAL STUDIES” илмий журналида чоп этиладиган мақолаларга қўйиладиган талаблар:

“Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental Studies” – илмий-назарий журнали шарқшунослик фани тармоқларининг долзарб масалалари, шарқшунос мутахассислар томонидан яратилган тадқиқотларнинг натижалари, янги илмий хулосалар ёритиладиган илмий журнал. Унда Шарқ халқлари ва мамлакатлари маданияти, тарихи, тил ва адабиёти, фалсафаси, иқтисоди ҳамда сиёсатшунослиги масалаларига оид долзарб мавзуларга бағишланган илмий мақолалар чоп этилади.

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналда қуйидаги руқилар мавжуд:

*ТИЛШУНОСЛИК, АДАБИЁТШУНОСЛИК, ТАРИХ, ФАЛСАФА, ЖАҲОН
СИЁСАТИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР, ИҚТИСОД,
ИЛМИЙ АХБОРОТ, ТАҚРИЗЛАР, ИЛМИЙ ҲАЁТ*

Илмий мақолалар:

- илмий мазмунга ва аниқликка эга бўлиши, тадқиқотларнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши;
- аниқ илмий ва амалий тавсиялар тарзида хулосалар берилиши;
- тушунарли ва равои баён этилиши;
- иқтибос, ҳавола (сноска)лар аниқ бўлиши, илмий аппарат белгиланган тартибда расмийлаштирилиши ва ҳар бир саҳифа тагида жойлаштирилиши;
- матн ва ҳаволада келтирилган транскрипцияда ёзилган сўзлар тан олинган илмий транскрипцияга мос бўлиши;
- мақолаларнинг ҳажми жадваллар ва ҳ.к. билан бирга, 8-10 бет, материаллар А4 ўлчамда, 1,5 интервал, 14 кегель ҳамда Times New Roman шрифтида бўлиши;
- таҳририятга материалларнинг электрон варианты ҳамда қоғоз нусхалари топширилиши;
- мақола матнидан олдин муаллиф ҳақидаги тўлиқ маълумотлар (фамилия, исм, шариф, илмий даража, унвони, иш жойи, лавозими, телефон рақамлари) берилиши;
- мақола билан бирга ички ва ташқи тақризлар расмийлаштирилган ҳолда тақдим этилиши;
- мақола сарлавҳасидан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳар бири 3-4 та гапдан иборат қисқа аннотация ёзилиши ҳамда 3 тилда таянч сўз ва иборалар бўлиши керак.
- Илмий ахборот руқнига бериладиган мақолалар ҳам юқоридаги талабларга жавоб бериши, уларнинг ҳажми 4-5 саҳифа бўлиши керак.
- Илмий ҳаёт руқнига шарқшунослик билан боғлиқ илмий анжуманлар, давра суҳбатлари, тадбирлар ҳақидаги материаллар 2 бетгача ҳажмда бўлади.
- Журналда чоп этишга тақдим этилган тақризлар 5 бетгача ҳажмда бўлиши мумкин.

Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган, ност савинда ёзилган ва маълумотлари эски бўлган мақолалар чоп этилмайди ва муаллифларига қайтариб берилмайди.

Требования предъявляемые к статьям, которые будут опубликованы в научном журнале

«Шарқшунослик. Востоковедение. Oriental studies»

«Шарқшунослик. Востоковедение. Oriental studies» – научно-теоретический журнал, в котором освещаются актуальные вопросы сфер востоковедения, результаты исследований специалистов-востоковедов и новые научные заключения. В нем публикуются научные статьи, посвященные культуре, истории, иностранным языкам и литературе, философии, экономике, а также политологии зарубежных стран Востока.

Журнал имеет рубрики: языковедение, литературоведение, история, философия, мировая политика и международные отношения, экономика, научная информация, рецензии, научная жизнь.

К статьям предъявляются следующие требования:

- наличие конкретного научного содержания, новизны, актуальности и цели исследования;
- наличие заключения в виде конкретных научных и практических рекомендаций;
- логическая последовательность изложения;
- оформление сносок и цитат в порядке, установленных научным аппаратом, и расположение их в конце каждой страницы;
- соответствие приведенных в тексте и сносах транскрипций слов установленным научным транскрипциям;
- объем статей с таблицами и другими приложениями не более 8-10 страниц; соблюдение формата А4; интервала 1,5; 14 кеглей; шрифта Times New Roman;
- сдача статей в электронном и бумажном варианте;
- наличие полной информации об авторе (фамилия, имя, отчество, научная степень, должность, номер контактного телефона);
- представление официально оформленных внутренних и внешних рецензий в объеме до 5 страниц;
- представление после названия статьи кратких (не более 3, 4-х предложений) аннотаций, опорных слов и выражений на узбекском, русском и английском языках.

В рубрике «Научная информация» статьи так же должны соответствовать выше указанным требованиям и не превышать объема 4-5 страниц.

В рубрике «Научная жизнь» в объеме до 2-х страниц издаются материалы о научных конференциях, «круглых столах», мероприятиях, связанных со сферами востоковедения.

Статьи с устаревшими данными, низким уровнем и не отвечающие предъявляемым требованиям, не публикуются и не возвращаются авторам.

Босишга рухсат этилди. 29.09.16. Бичими 1/16. Шартли б.т. 10,5
100 нускада, оригинал-макет асосида босилди.
Буйуртма № 4. Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кичик
босмаҳонасида босилди.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2016